

Ж О Н Б И В Е Р

“НЬЮ ЙОРК ТАЙМС” ФИКРИГА КЎРА БОЗОРИ ЧАҚОН КИТОБЛАР МУАЛЛИФИ



# ОТАШИН ЮРАК

ХУДОГА БЎЛГАН ИШТИЁҚ ОЛОВИНИ ҚАНДАЙ ЁҚИШ МУМКИН?

Қадрли дўстим!

Энг яхши кунларимиз ҳали олдинда. Худо Ўзи учун шундай бир халқни асраб қолганки, улар Унинг юрак даъватини эшитиб, Унинг олдида муқаддасликда юрадилар. У ўзида ҳақиқий имонлиларнинг — Унинг овозини эшитиб, шубҳасиз, итоат этадиган халқнинг тимсолини олиб юради. Улар Унинг ҳузурига пок ва беайб ҳолда, юраклари муқаддас иштиёқ билан ёнган ҳолда келадилар.

У уларни қай даражада рашк қилса, улар ҳам Уни шу қадар рашк қиладилар. У бу халқни орқали Ўз шўхратини, йўқолиб бораётган ва ҳалокатга юз тутаётган дунёга намоён қилади.

Муқаддаслик — бу охиригача бориш учун бағишланишдир. Бутун қалбим билан сизларни, У бизга Ўз иноятини бериши, бардошли бўлиш учун куч ато этиши ва Унда ғалабага эришиш имконини яратиши ҳақидаги Унинг ваъдаси устида мустаҳкам турганингизни кўришни истайман.

Раббим юрагимга ушбу хабарни, сизлар ва бутун дунёдаги етакчилар билан бўлишишни солди. Бу билан сизга ўз севгимни ва далда йўллайман, бунини қабул қилинг. Ўзбек тилидаги қўшимча манбаларни **MessengerX.com** сайтида ва **MessengerX** иловасида бепул юклаб олиш ва томоша қилиш мумкин. Ишонаманки, улар сизни ва сиз ғамхўрлик қилаётган инсонларни мустаҳкамлаб, ўз даъватингизга, руҳий ҳоқимиятингизга ва илоҳий мақсадингизга киришингизга ёрдам беради.

Масихдаги биродарингиз,



MessengerX

Жон Бивер  
JohnBever@gmail.com



Messenger  
INTERNATIONAL

# ОТАШИН ЮРАК

ХУДОГА БЎЛГАН ИШТИЁҚ ОЛОВИНИ ҚАНДАЙ ЁҚИШ МУМКИН?

Ж О Н Б И В Е Р

*A Heart Abalze*, Uzbek, by John P. Bevere  
Copyright © 2026 Messenger International  
MessengerInternational.org  
Originally published in English as *A Heart Abalze*  
ISBN 978-0-7852-6990-8


Additional resources in Uzbek are available for free download and video streaming at **MessengerX.com** and on the **MessengerX** App  
To contact the author: JohnBevere@ymail.com  
This international leadership seeding edition of the *A Heart Ablaze* book has been produced in collaboration between Thomas Nelson and Messenger International.

This book is a gift from Messenger International and is NOT FOR SALE

«*Оташин юрак*» Жон Бивер, ўзбек тилида  
Copyright © 2026 Messenger International  
MessengerInternational.org  
Дастлаб «*A Heart Abalze*» номи остида инглиз тилида нашр қилинган.  
ISBN 978-0-7852-6990-8

Жон ва Лиза Бивернинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини **MessengerX.com** ва **MessengerX** иловасида бепул юклаб олишингиз ва оқимли хабарларни кўришингиз мумкин.  
Муаллифнинг электрон почта манзили: JohnBevere@ymail.com

Бу китоб – “Messenger International” хизматидан совға бўлиб,  
СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган Apple Inc.нинг савдо белгисидир.  
Google Play ва Google Play логотиби Google LLC.нинг савдо белгиси ҳисобланади.

## МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима</i> .....	V
1. УНУТИЛМАС ОҚШОМ .....	1
2. НАЖОТНИНГ МАҚСАДИ .....	17
3. МИСРДАН ЧИҚИШ .....	31
4. РАББИЙНИНГ ШУҲРАТИ .....	43
5. ТОҒ ТОМОН ЙЎЛ .....	63
6. ИТОАТКОР ХУДО .....	75
7. НИЯТМИ ЁКИ ИСТАКМИ? .....	91
8. ЗИД МАДАНИЯТМИ ЁКИ ҚУЙИ МАДАНИЯТМИ? .....	109
9. НАЖОТ БЕРАДИГАН ИНОЯТ .....	129
10. ОҒИР КУНЛАР .....	153
11. ОЛТИН, КИЙИМ ВА МАЛҲАМ .....	167
12. МЕН КИМНИ СЕВСАМ... ..	195
13. ИЧИМИЗДА МУҚАДДАС ОЛОВ БИЛАН .....	211
14. УЛАР УНИНГ ЮЗИНИ КЎРАДИЛАР .....	231



# МУҚАДДИМА

---

Ушбу китоб ҳақиқат сари саёҳатдир. Кўпчилик ҳақиқатни излайди, аммо унга дуч келганда, уни рад этади, эътиборсиз қолдиради ёки ўзига мослаштиради. Бундай муносабат бизнинг авлодда пайдо бўлган ва ёлғонга ботган жамиятни вужудга келтирган даҳшатли муаммоларнинг сабабчисига айланди. Исо Ўз фарзандларини бундан бир неча бор огоҳлантирган ва ҳамон огоҳлантириб келмоқда.

Адашиш энг жиддий муаммолардан биридир, чунки унинг ҳукмида бўлган одам ўзини ҳақиқат йўлида юрибман, деб ишонади. Павлус Тимотийга ёзган мактубида охириги кунларни қуйидагича тасвирлаган: “Чунки шундай замон келадики, одамлар соғлом таълимотга дош бера олмайдилар, лекин улар ўз ҳирсларига биноан қулоқларига ёқимли сўзларни гапирадиган устозларни ўзларига тўплайдилар. Улар қулоқларини ҳақиқатдан ўгириб, афсоналарга бурадилар” (2-Тимотийга 4:3, 4). Юнон тилида “афсона” сўзи, (4-оят) “ёлғон” маъносида ҳам ишлатилади. Агар узоқ вақт давомида ёлғон, ҳақиқат деб кўрсатилса, кўпчилик у учун ўз ҳаётини қурбон қилишга тайёр бўлади.

Ёзув орқали чинакам ҳақиқат келганда эса, кўпчилик уни бидъат деб рад этади. Павлус одамлар соғлом таълимотни

қабул қилмасликлари ҳақида огоҳлантирган. Бир куни мен бир воизнинг шундай деганини эшитиб қолдим: “Жамоатларимизда пайдо бўлаётган носоғлом таълимотлар телефон маълумотномасидан олинмайди. Улар Ёзувдан олинади”. У бу таълимотларнинг барчаси Муқаддас Китобдан юлиб олингани, шунинг учун уларда соғлом фикрлар бўлмасада, улар кенг тарқалгани ҳақида гапирди.

Ҳикматлар муаллифи бунинг олдиндан кўриб, қуйидагиларни ёзган: “Шундай насл борки, у ўз нигоҳида пок, лекин ўз нопоклигидан ювилган эмас” (Ҳикматлар 30:12). Ушбу китобда бу сўзлар бизнинг авлодга ҳам тегишли эканини билиб оламиз.

Агар ҳақиқат ҳис-туйғулар учун ёқимли ва осон қабул қилинадиган бўлганида эди, бутун дунё, аллақачон унинг эшигини тақиллатган ва унга кирган бўларди. Исо ҳамма нарса бошқача эканини тушунтиради: “Чунки ёвузлик қиладиган ҳар бир киши Нурдан нафратланади ва Нур томонга бормайди, токи унинг ишлари фож бўлмасин, чунки унинг ишлари ёвузликдир. Ҳақиқат бўйича ҳаракат қилувчи эса Нур томонга боради, токи унинг ишлари ошкор бўлсин, чунки улар Худода амалга оширилгандир” (Юҳанно 3:20, 21). Ҳақиқатни фақат Худодан қўрққанларгина севадилар.

Бугунги кун ва соат бизнинг олдимизга мураккаб саволларни қўяди. Нега жамоатлардаги кўплаб имонлилар иштиёқ билан ёнмайди? Биз оммавий ахборот воситалари, бинолар, реклама ва Хушхабарни ёйишнинг бошқа сон-саносиз воситаларига миллиардлаб доллар сармоя киритамиз, аммо нега кўп масиҳийлар шаҳватпарастлик ва бу дунёнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўлиш истаги билан курашишади? Нима учун янги имонга келганларнинг 80 фоизидан ортиғи яна зулматга қайтади? Гуноҳкорлар нажотни эътироф этса ҳам, нега ўзгармаяптилар? Ушбу

саволларнинг барчасига жавоб қуйидагича эканига ишонаман: бу Худога бўлган олов ва қайноқ севгининг йўқлиги туфайли содир бўлади.

Агар биздан олдин ўтганларга назар солсак, ўртамизда яққол фарқ борлигини кўрамиз. Мусо Фиръавн саройида эришган барча ютуқларидан маҳрум бўлганига қарамай, уни Худони излашга нима ундади? Нега Йермиях, Ишаё ва бошқалар фақат қийинчилик ҳамда таъқибларга олиб келадиган сўзларни эълон қилишда давом этишди? Нима учун илк Жамоатдаги имонлилар Хушxabар учун ўз мол-мулкларини, қулайликларини қолдиришга ва ҳатто, ўз ҳаётларини беришга қодир эдилар? Ҳозирги кунда кўпчилик имонлиларнинг асосий кураши ўз обрў-эътиборини сақлаб қолишдан иборат бўлиб турган бир пайтда, илк Жамоатга қийноқлар ва ўлим қўрқуви остида дадил воизлик қилишга нима куч берди? Бунинг жавоби, Худонинг олови йўқлигидадир.

Биз Раббийнинг оловига муҳтожмиз ва у ҳақиқатга ташна бўлган ҳар бир кишининг устига тушади. Гарчи олов қаршиликларсиз келмаса-да, кўпчилигимиз аллақачон хушомаддан тўйганмиз ва ўзгаришларни қабул қилишга тайёرمىз. Ўзгармасдан қолиш қўрқуви, ҳақиқатни ҳис қилишдан келадиган ҳар қандай оғриқдан устун. Бундай тушунчага эга бўлган киши, нима бўлишидан қатъий назар, шуҳрат Раббийсини таниб-билишни истайди. Бундай инсонлар Унинг ҳақиқий шон-шуҳратини ўз ҳаётларига қабул қилишга тайёрдирлар.

Ҳозир Худо билан қандай муносабатда бўлманг, Унинг муқаддас олови кўпроқ намоён бўлиши учун доим жой бор. Агар сиз ичингиздаги олов деярли ўчиб қолишидан қўрқсангиз, дадил бўлинг ва умидни йўқотманг. У аллақачон ваъда берган:

Ҳукмга ғалаба келтирмагунича, У синиқ қамишни синдирмайди ва тутаётган зиғир пиликни ўчирмайди.  
Матто 12:20

## МУҚАДДИМА

Отамиз бизга нақадар меҳрибон севги ато этган! Ушбу китоб, бизнинг ҳолатимизга бўлган Унинг ҳақиқий ғамхўрлигини қадамма-қадам очиб бериши учун ибодат қиламан. Уни бизнинг қулайлигимиздан кўра, ички ҳолатимиз кўпроқ ташвишлантиради ва У бизни шунчалик севгани учун, биз ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган нарсани айтади.

Мен ўз мактубларим ҳақида ҳеч қачон ушбу китобчалик ташвишланмаганман, чунки унинг ҳақиқатлари юрагимнинг туб-тубигача етиб борди. Бу лойиҳа унинг ҳақиқий Муаллифи бўлган Шахсни яхшироқ тушуниш имконини берди. Мен — Раббий Ўз мактубларини етказадиган бир идишман, холос. У бу китоб орқали қиладиган ишлари учун бор шарафни бераман. У сизнинг ҳаётингизда ҳам муқаддас олов ёқсин ва сиз ҳеч қачон аввалгидек бўлманг. Саёҳатимизни бошлашдан олдин, келинг, ибодат қилайлик:

Ота, бу китобни ўқиётганимда, Сендан Ўз Рўҳинг орқали шахсан мен билан гаплашишингни, Исо номи билан сўрайман. Мен ҳақиқатдан қўрқмайман. Мен уни билишни истайман. Уни қабул қилганимда, Сенинг муқаддас оловинг юрагимни ёндирсин. Сен севган нарсани севишим ва Сен нафратланган нарсадан нафратланишим учун унинг қудрати мени ютиб юборсин. Уни ўқиётганимда, кўзларимни очгин, токи Исони ҳар қачонгидан ҳам равшанроқ кўра олайин. Мен Уни, Худонинг намоён бўлган Каломи ва Ҳақиқати эканини тан оламан. Ушбу китобдаги мактубинг орқали ҳаётимга келадиган ўзгариш учун олдиндан Сенга миннатдорчилик билдираман. Омин.

1-БОБ

# УНУТИЛМАС ОҚШОМ

---

*Худо Ўз халқида, биз ҳали кўрмаган кучли,  
оловли иштиёқни ўйғотади.*

**Б**у Шимолий Каролинанинг Фейетвилл шаҳридаги “Севги аҳди жамоати”да ўтказилган тўртта йиғиннинг охиргиси эди. Мен илгари ҳам у ерда бўлиб, хизмат қилганман. Имонлиларнинг самимий чанқоқлиги ва Худога бўлган севгиси туфайли у ердаги йиғинлар доимо ажойиб самаралар келтирарди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган ва йиғин аллақачон тугаши керак эди. Шундай бўлса-да, одамларни қўйиб юборишга журъат этолмасдим: ичимда қандайдир кураш борарди. Воизлигимни аниқ ва лўнда қилиб тушунтирдим, тингловчилар уни завқ-шавқ билан қабул қилишди. Лекин тугалланмаганлик ҳисси мени тарк этмасди. Одатда, айниқса, бундай очиқ жамоатда, ўз вазифамни бажарганимни ҳис қилган ҳолда хизматимни тугатардим. Ўша оқшом ҳаммаси бошқача бўлди.

Бу курашга қўшимча равишда, Фейетвилга кетаётганимда самолётда Муқаддас Рух менга шивирлаган сўзлар ёдимдан чиқмасди: “Бу йиғинлар, сен бу жамоатда бошдан кечирган энг кучли йиғин бўлади”.

Хизматим давомида мен бу жамоатда етти ёки саккиз марта бўлганман ва шубҳасиз, олдимдаги хизматни энг муҳим ва бурилишли хизматлар рўйхатига киритган бўлардим. Самолёт бортида: “*Бу кўп нарсани англатади*”, – деб ўйлаганим эсимда.

Воизлик пайтида боши берк кўчага кириб қолганимни ҳис қилдим. Йиғинлар мен кутганчалик кучли бўлмади. Мен уларни илгари ушбу жамоатда бўлиб ўтган хизматларда содир бўлган муҳим ишлар ва гувоҳликлар билан таққосламасдан иложим йўқ эди. Мен ичимда норозиликка йўл қўйиш васвасасига қарши курашардим, шунга қарамай, бутун эътиборимни ўз хизматимга қаратишим кераклигини билардим. Ўша пайтда Худонинг ёрдамига ғоятда муҳтож эдим.

Худонинг ҳузури қаердадир шу атрофда бўлиб, ўзининг бутун кучи ва қудрати билан йиғинга тушадигандек туюларди, аммо нимадир бунга тўсқинлик қиларди. Залда гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда Унинг ҳузуридан йиғлай бошлаган одамлар гуруҳлари пайдо бўлди, лекин мен Худо биздан янада кўпроқ нарсани хоҳлаётганини билардим. Аввалги барча оқшомларнинг муҳити ўзгаришсиз қолганига қарамай, мен бу хизматда Раббий бизни, аввалгидек, Ўзининг янгилловчи ҳузурига муносиб кўришига ишончим комил эди. Бу йиғин охиргиси бўлиб, бошқаси режалаштирилмаган эди. “Нега Худо бу одамларни тўлдирмаяпти, гарчи У буни қилишни хоҳлаётганини ҳис қилсам ҳам?” – деб ўзимдан сўрардим.

## ЙЎНАЛИШНИ БЕЛГИЛАГАН ВАҲИЙ

Сўнгра мен сокин ва майин овозни эшитдим – Муқаддас Руҳ менга гапирди. У менга бу шаҳардаги барча жамоатларни ушлаб турган қандайдир тўсиқ борлигини кўрсатди, бу тўсиқ хизматга ҳам таъсир кўрсатди. У жамоатларнинг ўсишини маълум бир босқичда тўхтатиб қўйган, бу босқичга етгач, улар ё бўлинишга учраган, ёки диний ва ҳосилсиз бўлиб қолган.

Ваҳийни йиғин билан баҳам кўришим биланоқ, жамоат чўпони ўрнидан ирғиб туриб, гапларимни тасдиқлади. Бундан бироз олдинроқ у ўз шаҳрининг бугуни ва ўтмишини тадқиқ этган эди, ҳамда менинг сўзларимни статистика билан тасдиқлади. У гапираётганида, мен яна Муқаддас Руҳнинг овозини эшитдим. У менга бу тўсиқни қандай олиб ташлаш мумкинлигини кўрсатди. Чўпон гапини тугатгач, у яна менга микрофонни узатди ва мен: “Севганларим, Худо менга бу тўсиқни қирқ кунлик рўза билан йўқ қилиш мумкинлигини кўрсатди” – дедим.

Йиғилганларнинг ҳар бири нима деб ўйлаганини деярли эшитгандек бўлдим: “Қирқ кун овқатсиз?!”

Мен давом этдим: “Бу рўза овқатдан тийилиш билан боғлиқ эмас, катта эҳтимол билан ҳеч ким оч қолмайди. У сизга Раббийни излашга халақит берадиган нарсалардан тийилишни назарда тутати. Эҳтимол бу телевизор, видео, компьютер ўйинлари, газеталар, дўконма-дўкон югуриш, телефон орқали узоқ суҳбатлашиш ва шунга ўхшаш нарсалардир”.

Мана шу ҳақиқий рўзадир. Биз Худони тинглаш учун тез-тез ўзимизга очлик эълон қиламиз ва шу билан бирга барча одатларимиз билан ўрганиб қолган ҳаёт кечиришда давом этамиз. Буни рўза деб бўлмайди, мана нима учун биз бундай

кам ҳосил оляпмиз. Ҳақиқий рўза ўз эътиборини Худога қаратиш мақсадида, нимадандир тийилишдан иборат.

Исроил халқи ҳам кўпинча таомдан тийилиб, кейин Раббидан: “Нега биз рўза тутамиз, Сен эса кўрмайсан?! Ўз жонимизни қийнаймиз, Сен эса билмайсан,” – деб сўраган.

Худо уларга Ишаё пайғамбар орқали жавоб берди: “Мана, сизлар рўза тутган кунингизда ўзингизга ёққанини қиласизлар ва бошқалардан оғир меҳнатни талаб қиласизлар. Мана, сизлар жанжал ва тортишувлар учун ҳамда қонунбузарлик мушти билан бошқаларни уриш учун рўза тутасизлар. Шу куни овозингиз юқорида эшитилиши учун рўза тутмайсизлар” (Ишаё 58:3, 4).

Мен микрофонни чўпонга қайтардим ва у дарҳол бу рўзани олишини эълон қилди, сўнгра йиғиндан ҳам шундай қилишни сўраб мурожаат қилди. Ҳамма яқдиллик билан Худони излашга рози бўлди.

Эртаси куни маълум бўлдики, рўзанинг айнан охирига тўғри келадиган якшанба куни жадвалимда бўш экан. Мен бу ҳақда чўпонга хабар бердим, у эса: “Бизни келсанг, жуда хурсанд бўлардим” – деб жавоб берди.

Кейинги ҳафталар давомида алоқада бўлиб турдик. Рўза тутган оилалардан ҳаяжонлантирувчи гувоҳликлар кела бошлади. Илгари мактабда зўра ёқийдиган ўқувчилар, икки-уч баҳолар ўрнига тўрт-беш олиб кела бошлашди. Ўсмирларнинг хулқи сезиларли даражада яхшиланди, улар катталарга нисбатан кўпроқ ҳурмат кўрсата бошладилар. Дунёвий одатлар ва ишлар, уларнинг устидан кучини йўқота бошлади. Аёллар эрларининг бутунлай ўзгарганини ҳаяжон билан сўзлаб беришарди. Оталар оилалари билан Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича дарслар ўтиб, ибодат қила бошладилар. Муносабатлар яхшилана бошлади,

бундан ташқари, баъзилар жисмоний шифоланишни бошдан кечирдилар. Одамлар Худога юзлана бошлаганларидаёқ, оилаларга ўзгаришлар кириб келарди.

Чўпондан яна жамоатдаги хизматлар тобора қудратлироқ бўлиб бораётганини ва ҳар йиғилишда бир неча киши нажот топаётганини билиб олдим. Худодан келган сўзга жамоатнинг бундай итоат қилиши натижасида, жамоат аъзоларининг деярли барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар юз берди.

## МЕН ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИГАН КУН

Олти ҳафта ўтгач, 1996-йил 3-ноябрь куни мен яна бу жамоатда хизмат қилдим. Бу кунни ҳеч қачон унутмайман. Эрталабки хизмат бошланишидан олдин маъбадга кирганим биланоқ, ичкаридаги муҳит кутиш билан суғорилганини ҳис қилдим. Имонлиларнинг юраклари менинг воизлигимга бутунлай очиқ эди.

Эрталабки хизмат якунида чўпон жамоатни юракларини ибодатда тайёрлаш учун кечки йиғинга эртароқ келишга чақирди. Шунингдек, у ота-оналарга умумий йиғинда болалар ҳам иштирок этишини айтди. У ерда олти ёшгача бўлган болалардан ташқари, барча ёшдаги гуруҳлар тўпланишини хоҳлади. У ҳали бундай қилмаган эди. Ҳатто ота-оналарни қўрқитиб: “Агар сиз ёки болаларингиз бу хизматни ўтказиб юборсангиз, бутун умр бу ҳақда афсус қиласиз” – деди. Унинг сўзлари мени жуда ҳайрон қолдирди ва ҳатто, довдиратиб қўйди, лекин мен индамасликка қарор қилдим ва энди қилган ишимдан афсусланмайман.

Ўша куни кечқурун залда 1300 га яқин одам йиғилди. Мен Раббидан қўрқиш ҳақида таълим берардим, воизлик кечқурун соат тўққизларда тугаши керак эди. Мен

гапираётганимда, аудиторияда болалар кўп бўлишига қарамай, ҳайратланарли даражада сукунат ҳукм сурарди. Воизлик сўнгида улуғлов етакчиси ва мен йиғинни ибодатга бошқардик. Шу пайт Муқаддас Рухнинг овозини эшитдим. У шивирлади: “Мен бу одамларга хизмат қилмоқчиман. Илтимос, Мен буни қилишимга ижозат бер”.

Биз сажда қўшиқларини куйлаганимизга қарамай, У биздан бошқа нарсани хоҳлаётганини тушундим. Мен йиғилишни тўхтатиб: “Раббий ҳозиргина юрагимга сўзлади. У бизга хизмат қилмоқчи, шунинг учун келинг, ҳозир сукут сақлаб, диққатимизни Унга қаратайлик” – дедим.

Кейинги ўн дақиқа давомида гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда одамларнинг Худонинг ҳузурида пиқиллаб йиғлашларини эшитиш мумкин эди. Барча ташқи белгиларга кўра, бу йиғин олти ҳафта олдин бўлиб ўтган йиғинларга ўхшарди, шунга қарамай, мен қандайдир сезилар-сезилмас фарқни ҳис қилдим ва воқеаларнинг кейинги ривожини кутдим.

Соат 9:15 атрофида сукунат муҳити бирдан ўзгарди. Орқа қаторларда бир неча ингичка йиғи товушларини эшитдим. Тахмин қилиш қийин эмасди – овозлар болаларга тегишли эди. Ўнг томонимдаги залнинг орқа қаторларида ўқитувчилар билан бирга 7-12 ёшдаги, тахминан 150 нафар бола ўтирарди. Худо уларни тўлдирди бошлаганини тушундим. Мен уларни олдинга чақириб: “Болалар, Худо сизларни тўлдирыпти. Буни ҳис қилаётган болалар саҳнага чиқишларини истаيمان” – дедим.

Мен кўрганларимни ҳеч қачон унутмайман. Сиз мени бироз ошириб юборди, деб ўйлашингиз мумкин, лекин мен ва яна 1200 нафар гувоҳ буни кўрмаганида эди, мен сизнинг фикрингизга қўшилган бўлардим. Тўғриси айтсам, ўша оқшом Худо қилган ишнинг улуғворлигини тўлиқ тасвирлаб

беролмайман, лекин барибир буни айтиб беришга уриниб кўраман. Авваломбор, шуни таъкидлаш керакки, бу жамоат анъанавий жамоатларлар қаторига киради. Унинг аъзоларининг аксарияти ўз ҳис-туйғуларини кўз-кўз қилиш одат бўлмаган йўналишларнинг туб вакиллари ёки дунёда тарбияланган ва бевосита ушбу жамоатда нажот топган одамлардир. Уларнинг чўпони – ажойиб ўқитувчи, у чегаралардан чиқмайди ва ортиқча ҳис-туйғулар ёки шов-шувлардан қочади.

Мен болаларни кузата бошладим, уларнинг аксарияти етти ёшдан тўққиз ёшгача эди. Улар ҳўнграб йиғлаб, менинг олдимга чиқишарди, кўплари қўллари билан юзларини беркитишар, баъзилари зўрға оёқда туришарди. Саҳнага етиб келишгач, баъзилар оёқда туришга кучлари етмагани учун тиз чўкишди, аммо кўпчилик шунчаки ўқ теккандек чалқанчасига йиқиларди. Улар жой танламай, кўпинча бир-бирларининг устига йиқилишарди. Ташкилотчилар кўзлари жиққа ёшга тўлиб, уларга ёрдам беришга ҳаракат қилишди. Орадан бир-икки дақиқа ўтгач, саҳнада юзга яқин ёш болалар ҳиққиллаб ёки ҳўнграб йиғлаётганини кўрдим, уларнинг аксариятининг танаси жон талвасасида қалтирар эди. Уларни Худонинг ҳузури бутунлай қамраб олган эди.

Бу икки-уч дақиқа эмас, бир соатдан ортиқ давом этди. Баъзи китобхонлар, узоқ вақт давомида болаларнинг бунчалик кўп йиғлаши ва инграши фақат жаҳлни қўзғаш мумкин деб ўйлашлари мумкин, лекин улар адашадилар: содир бўлган воқеалар атрофдагиларнинг юракларини ларзага келтирди. Аксарият катталар Худонинг болаларда қандай ишларни амалга ошираётганини кўриб, шунчаки йиғлашди. Шу билан бирга, уларнинг ўзларини ҳам Худонинг кучли ҳузури тўлдирган эди. Рўй бераётган ҳодисалар

улкан тўлқиннинг кўтарилишига ўхшарди, унинг ортидан эса янада кучлироқ тўлқин келарди. Болалар энди йиғлай олмайдигандек, қичқира олмайдигандек ёки қалтирай олмайдигандек туюлганида, навбатдаги тўлқин келарди ва ҳаммаси янгидан янада катта куч билан бошланарди. Вақти-вақти билан бошим Унинг ҳузурининг оғирлигидан шунчаки пастга тушиб кетар, уни ҳатто кўтаришга ҳам қурбим етмасди.

Етти ёшдан ошмаган бир кичик қизалоққа кўзим тушди. У қўлларини шу қадар ғижимлар эдики, гўё уларни олов қамраб олгандек туюларди. Унинг жиққа ёшга тўлган юзи юқорига қаратилган ва у нимадир деб қичқирар эди. Бу болаларда Худонинг ҳузури шу қадар кучли сезилардики, ҳатто бошида уларни бир амаллаб сафга турғизмоқчи бўлган ташкилотчилар ҳам четга чиқишди. Улар шунчаки ёнма-ён туриб кузатишар ва йиғлашарди. Бир неча катта кишилар қимир этмай, мукка тушиб ётишарди. Бошқалар эса кўз ёшлардан хиралашган кўзлари билан бўлаётган воқеаларни титроқ билан кузатиб туришарди. Бир неча марта орқамга қараб, чўпонни кўрдим: унинг юзи қўллари билан беркитилган эди, у йиғларди. Унинг рафиқаси хор майдончасида йиғлаб ётарди.

Кейинроқ чўпон менга хат ёзиб, ўша оқшом нималар бўлганини ўзи билганча тасвирлаб берди. Гарчи унинг ҳисоботи кўп жиҳатдан мен ҳозиргина айтиб ўтган нарсаларни такрорласа-да, у яна бир гувоҳнинг нуқтаи назари сифатида муҳимлигини ҳис қилияпман.

1996-йил 3-ноябрь, якшанба, мен бу кунни ҳеч қачон унутмайман. Ишонаманки, бу Худо ер юзида амалга оширмоқчи бўлган ишнинг фақат нишонасидир. Кечки хизматда Жон, Худодан кўрқиб ҳақида воизлик қилиб, кейин шундай деди: “Биз Исога ҳаётимизнинг барча

соҳаларида Раббий бўлишига рухсат беришимиз керак ва биз ҳозир Унга Раббимиз сифатида тўлиқ бўйсунимиз керак”.

Қанчадир вақт сажда қилдик, кейин Жон: “Мен бу ерда Муқаддас Рухнинг ҳаракатини ҳис қилипман” – деди. Ўша лаҳзада мен болалар, ёшлар, уларнинг ортидан эса катталар ҳам йиғлай бошлаганини эшитдим. Хўнграб йиғлаб, катталар саҳнага яқинлаша бошладилар. Шунда Жон: “Худо болаларни тўлдиради, болалар Раббийнинг қудратли ҳузурини ҳис қилишлари керак” – деди. Шундан сўнг, у Худонинг ҳузурини ўзида ҳис қилган барча болаларни саҳнага чиқишга чақирди.

Болалар кўзларида ёш билан саҳнага югуриб чиқаётганини кўрдим, улар орасида уч ўғилларим ва қизим ҳам бор эди; ҳамма болалар тиз чўкиб ёки чалқанча ётиб, қичқиришар ва Исога илтижо қилишарди. Баъзилари Худонинг олови уларни қамраб олганида, қўлларини ёғимлар ва силкитар эдилар. Саҳнада юзга яқин бола йиғилди ва Худонинг Рухи муқаддасгоҳ бўйлаб тўлқин-тўлқин бўлиб ўтарди. Гарчи атрофдагилардан ҳеч ким болаларга тегмаган ва уларни тўртмаган бўлса-да, улар домино каби бир-бирининг устига йиқила бошлаганини кузатдим. Тўлиқ бир ярим соат (аниқроғи, бир соат-у қирқ беш дақиқа давом этган эди. Мен унинг ёзганларини ўзгартирмадим) Худонинг ҳузурига шўнғиган ҳолда турдик. Хизмат тугашидан олдин болалар ва ота-оналар бир-бирини қучоқлаб, йиғлашарди: Худо уларнинг юракларини бирлаштирди.

Ўн ёшли бир бола полда ётганида, юқоридан барча йиғилганларга тушаётган кўзни қамаштирувчи оқ нурларни кўрганини айтиб берди. Залдаги ва хордаги бир неча катта

ёшли кишилар ҳам шу гапни айтишди. Хизмат кечки соат 11 да тугади ва ҳеч ким вақтдан олдин кетмади. Болаларни олиб кетишаётганда, улар ҳали ҳам йиғлашарди.

Мен ҳали ҳам ўзгарган оилалар ҳақида гувоҳликлар оламан: болалар гувоҳлик беришмоқда, итоаткорлик кўрсатишмоқда ва ҳоказолар. Мен чўпон сифатида шуни ишонч билан айта оламанки, менинг уйим ва болаларим бутунлай ўзгариб кетди.

Доктор Эл Брайс,  
“Севги Аҳди Жамоати”  
нинг бош чўпони,  
Шимолий Каролина,  
Фейетвилл шаҳри.

Юқоридан тушаётган кўзни қамаштирувчи оппоқ нурларни кўрган ўша йигитчанинг айтганлари диққатимни тортди. Ҳабақуқ пайғамбарнинг китобида шундай деб ёзилган:

Ё, Раббий! Сенинг товушингни эшитдим ва кўрқдим.  
Ё, Раббий! Ўз ишингни йиллар аро жонлантир, уни  
йиллар аро маълум қил; қаҳрда шафқатни эсга ол. Худо  
Темандан келган, Муқаддас – Порон тоғидан келган.  
Унинг улуғворлиги осмонларни қоплади ва ер Унинг  
мақтови билан тўлди. Унинг ялтираши – қуёшнинг  
ёруғлигидек; Унинг қўлидан нурлар чиқмоқда ва Унинг  
куч-қудрати шу ерда яшириндир. Ҳабақуқ 3:2-4

Мен бу йигитча Ҳабақуқнинг қадим замонларда шунга ўхшаш нарсаларни ёзганидан беҳабар бўлганига аминман. Биз Йоэл пайғамбарнинг айтганларини ўз кўзимиз билан кўрдик: “... ўғилларингиз ва қизларингиз башорат қиладилар ва ... ёшларингиз ваҳийлар кўрадилар” (Йоэл 2:28). Ўша ўн

ёшли болакай Муқаддас Китобда аллақачон тасвирланган вахий ҳақида, ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган ҳолда гапириб берди.

Бошқа бир бола дадиллик билан: “Она, рўза ҳали тугамади” – деди. Унинг сўзлари нафақат башорат сўзлари эди – у ўша ерда бўлган кўпчиликнинг истагини ифодалади. Бу болалар тирик Худонинг ҳузурини бошдан кечиришди ва уларнинг ҳаёти бутунлай ўзгарди. Улар эришилган нарсада тўхтаб қолмасдан, бунини яна давом эттиришни хоҳлашарди.

Кейинроқ, ўша куни кечқурун чўпоннинг рафиқаси йиғилишда нима содир бўлганига ойдинлик киритиш учун, Худо унга очиб берган Муқаддас Ёзувдаги бир парчани биз билан ўртоқлашди:

Аммо ҳали ҳам, – дейди Раббий, – [барча тўсиқлар йўқ бўлмагунча ва бузилган муносабатлар қайта тикланмагунча] рўза, кўз ёшлари ва фарёд билан чин юракдан Менга қайтинглар. Кийимларингизни эмас, юракларингизни йиртинглар.

*Йоэл 2:12, 13, Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимаси.*

У бу оятларни ўқиганида, юрагим ёнди. “Менга қайтинглар” ибораси бутун жамоат қарор қилган нарсани аниқ тасвирлаб берди. Одамлар Унинг юрагини излай бошладилар. Энди улар чекинмайдилар.

Худо бизни кийимимизни эмас, юрагимизни йиртишга чақирган. Мен қанчадан-қанча имонлилар ва жамоатларни кўрганман, ташқи кўринишидан уларда ҳаммаси жойидадек кўринган, лекин бу жамоат каби Худонинг юрагига етиб бормаган.

Бунинг сабаби нимада? Рўза тутиш, ибодат йиғинларини

ташкиллаштириш, дунёвий одатлардан тийилиш мумкин ва шу орқали ташқи ҳақликка эришиб, гўё эгнига савлатли “либослар” кийиб олиш, аммо шу билан бирга итоатсиз юракларни яшириш мумкин. Улар яқинларига хизмат қилиш билан эмас, балки ҳали ҳам ўз режалари билан яшайдилар. Масиҳий ҳаёт тарзининг ташқи кўринишларидан кўра, ички камтарлигимиз Худони кўпроқ ишонтиради. Давомида Йоэл шундай деган:

Сион тоғида карнай чалинглари, рўза кунларини тайинланглари, тантанали йиғин эълон қилинглари. Халқни йиғинлари, йиғинни покланглари, оқсоқолларни таклиф қилинглари, ўсмирларни ва эмизикли гўдакларни йиғинлари. Куёв ўз саройидан, келин эса болохонасидан чиқсин. Йоэл 2:15, 16

Чўпоннинг рафиқасини ўқишни давом эттиргани сари юрагимда олов тобора ёйилиб борарди. Атиги қирқ кун олдин, Худо бу жамоатга буюрганлари, Муқаддас Китобда аниқ-равшан тасвирланган эди. Пайғамбарлик сўзи эълон қилинганда, катта-ю кичик, етакчилардан тортиб болаларгача – истисносиз барча Раббийга қайтиб, Уни излашга мажбур эди. У ўқишни давом эттирди:

Шундан сўнг Ўз Рухимни ҳар бир танага қуяман ва сизнинг ўғил-қизларингиз башорат қиладилар, кексаларингиз тушлар кўрадилар ва ёшларингиз ваҳийлар кўрадилар. Шунингдек, ўша кунларда қулларнинг ва чўриларнинг ҳам устига Ўз Рухимни қуяман. Йоэл 2:28, 29

“Шундан сўнг... бўлади” деган сўзларни умримда бир неча бор эшитганман. Дарҳақиқат, мен юқоридан

туғилганимдан буён, кўпгина хизматчилар, шунингдек, оддий имонлилар Йознинг сўзларидан кўп марта иқтибос келтириганини кўрганман (2:28, 29). Ушбу оятларда ўғил ва қизларнинг, Муқаддас Рухнинг буюк мўъжиза ва аломатлари билан бирга келадиган башорат қилишлари ва ваҳийлар кўришлари ҳақида сўз боради, аммо кўпинча воизликлар ва мунозараларда “шундан сўнг” сўзлари эътибордан четда қолади. Аммо башоратда шундан сўнг нимадир содир бўлиши айtilган бўлса, демак, ундан олдин ҳам муҳим бир нарса – яъни Худога яқинлашишни ўз ичига олувчи, карнай овозига жамоатнинг жавоби бўлиши керак.

Биз Раббийга яқинлашганимизда, У қудратли тарзда жавоб беради. У бизни чорлаганда, биз Унга яқинлашимиз керак. Аҳамиятга эга яна бир томони – вақт чегараларини аниқлашдир. Бу кўпчилик имонлиларга етишмайдиган нарса ҳисобланади. Ишонаманки, сиз ушбу китобни ўқиб, гарчи имонлилар исталган вақтда Раббийнинг олдида ибодатда келишлари ва У билан мулоқот қилишлари мумкин бўлса-да, У бизни махсус мақсадлар учун чақирадиган лаҳзалар ва вақт борлигини тушунасиш. Ўшанда вақт чегараларини белгилаш муҳим, чунки биз белгиланган вақтда жавоб бермасак, У бизга бермоқчи бўлган дуо-баракани қўлдан бой берган бўламиз.

Бу пайтда эътибор, аввало итоаткорликка қаратилиб, бизнинг шахсий истак ва иродаимиз эса иккинчи даражага ўтиши керак. Худо биздаги итоаткорликни қурбонликдан кўра кўпроқ қадрлайди. Мен ўзларининг ибодат бўшлиқларини ёпиш учун мунтазам равишда рўза тутадиган ва кунига 24 соат ибодат қиладиган жамоатларни кўрдим, уларнинг аъзолари эса бунинг учун ўз уйқуларини қурбон қилишади. Шу билан бирга, бу Худо уларга Ўз қудрати ва

ҳузурини кўрсатишига кафолат бўлиб хизмат қилмайди. Бундай жамоатларга ушбу бобда айтиб ўтган жамоатдаги мўл-кўл бўлган нарсалар етишмаслигини жуда кўп кўрганман. Бу жамоатларда ташқи шакл мавжуд, аммо тирик юрак йўқ.

Айрим имонлилар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мен рўза тутиб, диний тарзда ибодат қилаётганларнинг кўпчилигига эркинлик, куч ва Худо билан яқиндан танишиш етишмаслигини кўрдим. Мен бунини ўнчалик ҳам кўп қўрбонлик қилмаган, лекин Худо Рухининг бошқарувига итоаткорлик билан жавоб берган бошқа имонлиларда кузатганман.

Ўша хизматдан сўнг Фейетвиллдаги жамоат Худонинг чақирувчи овозига диққат билан қулоқ сола бошлади. Орадан бир ярим йил ўтгач, у икки баравар ўсди. Дарвоқе, мен ўша хизматни ўтказган зал эндигина қуриб битказилган эди, атиги олти ойдан сўнг, улар янада сиғими катта муқаддасгоҳ қуришга киришишларига тўғри келди.

Кейинги ойлarda чўпон билан тез-тез қўнғироқлашиб турдик. У: “Жон, якшанба куни эрталаб соат ўнда бошланадиган иккинчи хизматимиз энди соат икки-учгача давом этяпти” – деди. Бир якшанба куни у менга қўнғироқ қилиб, ҳатто жамоатдан ҳамма ўйларига тарқалишини илтимос қилишга тўғри келганини, лекин ҳеч ким жойидан қимирламагани – ҳеч ким кетишни хоҳламаганини айтди.

Худо Ўз сўзини амалга оширди. Ўша йиғинлар бутун ҳаётимиз давомида бошимиздан кечирганларнинг барчасидан энг кучлилари бўлди. Унинг Рухи билан ўзаро ҳамкорлигимиз ва Унинг бошқарувига бўйсунимиз орқали У режалаштирганини амалга оширди. Орадан уч йил ўтибдики, чўпон ҳали ҳануз ўша йиғилишдан гувоҳликлар

олади. Ҳосиллари ҳали ҳам турибди. Шундан кейин мен у ерда яна бир нечта хизмат ўтказдим ва фақат тобора ўсиб бораётган иштиёқ ва Худога бўлган чинакам ташналикни кузатдим.

## КЕЛАЖАКНИ ОЛДИНДАН СЕЗИШ

Мен бир йил аввал Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб, мамлакатдаги энг йирик Муқаддас Китоб мактабида бир ҳафта давомида хизмат қилдим.

Саккизинчи хизматда ҳамма, юқорида тасвирлаганимга жуда ўхшаш кечинмани бошдан кечирди, лекин у бор-йўғи беш ёки ўн дақиқа давом этди. Худонинг Руҳи талабалар ва залда бўлган кўплаб одамларнинг устига тушди. Бу менинг хотирамда абадий қоладиган яна бир хизмат эди. Эртаси куни тонгда ибодат қилаётганимда, Худо шундай деди: “Кеча кўрганларингни кейинчалик бутун дунё бўйлаб кўрасан, чунки бу Менинг Руҳимнинг Жамоатда содир бўладиган сўнги ҳаракатларидан биридир”. У менга Муқаддас Руҳнинг бу ҳаракати, Жамоатда ҳақиқий муқаддаслик ҳосилини келтиришини ва уни сўнги ўрим-йиғимга тайёрлашини кўрсатди. Худо Ўз халқида биз ҳали кўрмаган кучли, оловли иштиёқни ўйғотади.

Бу китоб қўлингизга тасодифан тушиб қолмаганига ишонаман. Илоҳий башорат билан у сизда очлик ўйғотади ва юрагингизни Худо бошлайдиган ишларга тайёрлайди. Биз шунчаки Унинг иккинчи келишига тайёргарлик кўришимиз керак. Ҳаворий Юҳанно шундай деб ёзган: “Қувониб шодланамиз ва Уни шарафлаймиз, чунки Қўзининг тўй соати келди, унинг хотини ўзини тайёрлади” (Ваҳий 19:7).

Биз Масиҳнинг ўша келинимиз ва айнан бизга У билан бирлашишга тайёргарлик кўришда асосий рол белгиланган.

Мен диққатингизни яна бир бор мана шу фикрга қаратмоқчиман: биз ўзимизни тайёрлашимиз керак. Илоҳий бирлашиш мана шундан иборат. У бунинг бизнинг ўрнимизга амалга оширмайди! Бу Унинг тайёрлаган нарсасига бизнинг жавобимиздир. У иноят беради, биз эса оловни қабул қиламиз. У бу дунё билан булғанган ва бузилган жамоат ортидан келмайди. У юрагида чинакам муқаддаслик олови ловуллаб турган пок келинни олиб кетиш учун қайтиб келади.

# НАЖОТНИНГ МАҚСАДИ

---

*Борлиқни ва ундаги барча тирик жонни яратган  
Худо, бизнинг ичимизда ва бизнинг орамизда  
яшашни истайди.*

**Е**такчилар Худонинг ҳузурини ҳис қилган ўз кечинмасини тасвирлаганда, “*ташриф буюриш*” сўзини қўллашни кўп эшитганман. Бу аввалги бобда айтилганидек, жамоатда ҳамма билан ёки Худони ёлғиз излаганингизда содир бўлиши мумкин. Бироқ Худонинг биз билан мулоқот қилиш истаги *ташриф буюришдан* иборат эмас, чунки У бизнинг ичимизда *доимо яшашни* хоҳлайди.

Фарқини мисоллар билан изоҳлашимга рухсат беринг: менинг қўшнилариим ва яхши дўстларим бор. Турли сабаблар билан уларникига тез-тез меҳмонга бориб, улар билан бирга вақт ўтказаман. Лекин ҳар бир меҳмондорчиликдан сўнг доим ўз уйимга қайтаман, чунки мен ўша ерда яшайман.

Энди, келинг, Раббий имонлиларга берган энг буюк ваъдалардан бирини ёдга олайлик.

Мен уларнинг ичида жо бўлиб, уларда юраман. Уларнинг Худоси бўламан, улар эса Менинг халқим бўладилар.  
(2-Коринфликларга 6:16)

Қандай ажойиб сўзлар! Оламни ва ундаги барча нарсаларни яратган Худо бизда ва бизнинг орамизда яшашни истайди. Ушбу ваъдага асосланиб, Павлус “Худонинг маконига Руҳ орқали барпо этиламиз” – деб ёзган (Эфесликларга 2:22). Худо бизга мана шуни ваъда қилди. Бироқ Муқаддас Китобдаги ҳар қандай ваъда баъзи шартларни ўз ичига олади, лекин улар бажарилмаса, Худонинг эмас, балки бизнинг вафосизлигимиз туфайли, ваъда ўз кучини йўқотади. Худо ёлғон гапира олмайди, бироқ инсоннинг ўзи уни эътиборсиз қолдириб ёки бузиб кўрсатиб, Худонинг сўзини ўчириб ташлаши мумкин (Марк 7:13 га қаранг). Шунингдек, Худонинг бизда ва орамизда яшаш ваъдаси ҳам шулар жумласидандир.

Павлус давом этади:

Шунинг учун уларнинг орасидан чиқинглар ва улардан ажралинглар, — дейди Раббий, — нопокка қўл теккизманглар, шунда Мен сизларни қабул қиламан.  
(2-Коринфликларга 6:17)

Мазкур ҳолатда шарт шундан иборатки, биз дунёвий тизимни қолдиришимиз керак. Биз шуни бажарсак, Худо бизни қабул қилишини айтган. Шунга кўра, буни бажармасак, У бизни қабул қилмайди. Нима учун? Бу саволга жавоб бериш учун, Худо асл нур эканини ва Унда ҳеч қандай зулмат йўқлигини тушунишимиз керак. Зулмат ёрқин нур ҳузурида яшай олмайди.

Бу мавзунини давом эттирсак, Унинг нури Унинг муқаддас-

лигидан дарак беришини кўрамиз. Муқаддас Китобда У муқаддасликка эга деб айтилмайди; У муқаддаслик экани айтилади (Левит 19:2 га қаранг)! Дунёвий тизим - бу зулмат бўлиб, зулматдагилар нурда тура олмайдилар.

Худо бизга шундай деб буюради: “Муқаддас бўлиш учун ўзларингизни ажратинглар, зеро Мен Раббий сизларнинг Худойингизман” (Левит 20:7). Ўзини ажратиш – бу дунё билан муносабатлардан воз кечиш демакдир. Ҳаворий Ёқуб Янги Аҳдда аниқ ёзади: “Агар мақсадингиз – бу дунёдан роҳатланиш бўлса, сиз Худога дўст бўла олмайсиз” (Ёқуб 4:4, NLT (New Living Translation) – Инглиз тилига Муқаддас Китобнинг янги жонли таржимаси. – *Таржимон изоҳи*). Бошқа таржимада бу янада кескинроқ эшитилади: “Дунё билан дўстлашишни танлайдиган ҳар қандай киши Худонинг душманига айланади” (NIV (New International Version) – инглиз тилига Муқаддас Китобнинг янги халқаро таржимаси. – *Таржимон изоҳи*).

Петрус, Худо Ўз халқини бенуқсон кўришни хоҳлашини таъкидлайди. У шундай деган: “Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар, чунки ёзилган: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман” (1-Петрус 1:15, 16). Муқаддаслик – бу танлаш ёки танламаслик мумкин бўлган буюм эмас. Агар биз Унинг дунёвий тизимдан ўзимизни ажратиш шартини эътиборсиз қолдирсак, Худо бизда яшамайди. Муқаддас Китобнинг замонавий таржималаридан бирида ёзилган:

“Бузуқлик ва муросани қолдиринг; абадий қолдиринг, – дейди Раббий. – Сизни булғаши мумкин бўлганлар билан тенглашманг. Барчангиз Меники бўлишингизни истайман” (2-Коринфликларга 6:17, THE MESSAGE, (Мактуб, инглиз

*тилига, Муқаддас Китобнинг замонавий таржимаси. – Таржимон изоҳи)).*

Худонинг бизга Ота бўлиши, бизда ва орамизда яшашига доир ваъдаларининг улўғворлиги, уларнинг бажо бўлиши учун Худо томонидан қўйилган шартнинг муҳимлиги ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга ундайди. Павлус бу ваъдаларнинг аҳамияти ҳақида ўйлаб, шундай деб ёзган: “Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалаб, Худонинг қўрқувида муқаддаслигимизни камолотга етказайлик” (2-Коринфликларга 7:1).

Бу оятларга шунчалик чуқур маъно юкланганки, улар ҳақида бутун бошли асарлар ёзиш мумкин. Бироқ аксарият имонлилар бунга тўлиқ тушунмайди. Кўпчилик умумий маънони англамагани учун бу сўзларни умуман қабул қилмайди. Павлус Эски Аҳдда Худонинг Исроил халқига айтган мурожаатидан иқтибос келтиради ва бу билан Янги Аҳдда ҳам Унинг бизга нисбатан истаклари ўзгармаганини таъкидлайди. Худонинг айтган сўзлари, биз ушбу ваъдалардан аввал содир бўлган воқелик ва ҳодисаларни кўриб, тушуниб етганимиздагина уларда мужассам бўлган руҳий кучга эга бўлади.

Келинг, сценарийчи, режиссёр ва актёрлар саҳнани синчковлик билан ишлаб чиққан, воқеалар ривожига тобора кучайиб бориб, энг юқори чўққи билан яқунланадиган бир фильмни тасаввур қилиб кўрайлик. Сизни ушбу саҳнага силлиқ олиб келадиган кўп воқеалар содир бўлади. Барча драматик тўқнашувларни ҳис қилиб, фильм охирига келиб, ҳис-туйғуларга тўлиб тошасиз. Энди ўша саҳнани кўраётганингизни, бироқ унеча нималар бўлганидан мутлақо беҳабар эканингизни тасаввур қилинг. У сизда кучли

таассурот қолдириши, умуман, таассурот қолдиришининг ўзи даргумон.

Ўсмирлик чоғимда мен билан ҳам шунга ўхшаш бир воқеа юз берган эди. Бир куни меҳмонхонага кирсам, опа-сингилларим ва ота-онам қандайдир фильм томоша қилишаётган экан. Улар сюжетга бутунлай шўнғиб кетишган, уларни экрандан ажратиб олиш шунчаки имконсиз эди. Ҳатто мен ичкарига кирганимни ҳам ҳеч ким пайқамади. Мен экранга қараганимда, бош қаҳрамон айна кульминацион ибора деб аташ мумкин бўлган гапни айтаётган эди. Опа-сингилларим хўнграб йиғлаб юборишди. Бироқ мен учун бу гап деярли ҳеч қандай маънони англатмасди. Мен: *“Хўш, бунинг нимаси қизиқ?”* деб ўйладим. Мен экранда содир бўлаётган нарсага унчалик эътибор бермадим, лекин бошқалар бош қаҳрамоннинг сўзларини иштиёқ билан тинглашарди, бу эса уларда ҳис-туйғулар ғалаёнини уйғотарди.

Худди шу тамойил бизнинг ҳолатимизда ҳам қўлланилади. Аксарият имонлилар Худонинг Ўз оғзи билан айтилган ушбу кульминацион сўзларга етиб борадилар ва Ёзувдаги бу оятни ўқийдилар, аммо унинг аҳамиятини тушунмайдилар, чунки улар олдинроқ содир бўлган драматик воқеаларни тушунмайдилар. Раббийнинг сўзларининг ҳақиқий аҳамиятини тушуниш учун, Унинг Каломига олиб борадиган олдинги воқеа ёки сюжетни тушунишимиз керак. Бу бир неча бобни ўз ичига олади ва бошлаш учун узоқ ўтмишга, Чиқиш китобига назар ташлаймиз.

## “БОРАМАН ВА КЎРАМАН”

Чиқиш китоби Иброҳим авлодларининг Миср асирлигидаги ҳаётини тасвирлаш билан бошланади, улар

деярли тўрт юз йил давомида асирликда бўлган. Дастваб, мисрликлар уларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишган, аммо бир мунча вақт ўтгач, исроил халқи қулга айланди ва мисрликларнинг хайрихоҳлиги даҳшатли шафқатсизлик билан алмашди.

Келиб чиқиши иброний бўлган Мусо, гўдаклигидаёқ фиръавннинг уйига олиб келиниб, унинг қизининг қўлида тарбиялангани учун шафқатсиз муносабатдан қутулиб қолди. Мусо қирқ ёшида, ўз қабиладошларини ҳимоя қилмоқчи бўлгани учун Фиръавннинг ғазабидан бошқа ерларга қочишга мажбур бўлди.

Орадан яна қирқ йил ўтгач, Мусо қайнотасининг чорвасини узоқ чўлда боқиб юрганида, Худо унга намоён бўлди. Бу воқеа “Худонинг тоғи”, Хорив деб аталган Синай тоғида содир бўлди. Худо оловли бутада зоҳир бўлди. Мусо бутанинг ёнаётганини, лекин ёниб битмаётганини кўрганида, қуйидаги сўзларни айтди: “Бориб, бу буюк аломатни кўрай-чи, нима учун бута ёниб битмаяпти? Раббий унинг қараш учун келаётганини кўриб, бутанинг орасидан чақирди” (Чиқиш 3:3, 4).

Мусо Худонинг ҳузурига яқинлашиш учун йўлдан бурилганидан кейингина, уларнинг ўртасида муносабатлар пайдо бўлди. Мусо Худо билан мулоқот қилиш учун барча шахсий ишлари ва ташвишларини ташлаганини Худо кўрганидан сўнг, уни чақирди ва унга Ўз Каломи орқали очила бошлади. Агар Мусо ўша бута ёнидан бепарво ўтиб кетганида, эҳтимол, Худо узоқлашиб, унга бошқа бирор сўз айтмаган бўларди. Янги Аҳдда биз қуйидаги эслатмани кўрамиз: “Худого яқинлашинглар ва У [сизлар] га яқинлашади” (Ёқуб 4:8, Янги русча таржима, яъни ЯРТ).

Ким биринчи қадамни қўйиши керак – Худоми ёки бизми?

Ҳа, Худо бизни чорлайди, аммо У бизга яқинлашиши ва Ўзини бизнинг қаршимизда маълум қилиши учун биринчи қадамни айнан биз қўйишимиз керак. Ушбу китобнинг асосий мактуби мана шундан иборат. Аслида, ҳаётимизнинг мақсади ҳам шундан иборат.

## ХУДОНИНГ ХАЛОС ҚИЛИШДАН МАҚСАДИ

Худо Мусога Ўзини очди ва унга фиръавннинг олдига бориб, Худонинг иродасини етказишни буюрди: Худонинг халқи Мисрдан чиқиб кетиши керак

эди. Миср подшоҳининг қайсарлиги ва қудратига қарамай, Раббий Иброҳим авлодларини Ўзининг қудратли қўли билан мўъжизалар ва аломатлар кўрсатиб, озод қилди.

Исроилнинг Миср қуллигидан озод этилиши, Янги Аҳдда гуноҳлардан халос бўлишимизнинг тимсолидир. Миср – дунёвий тизимнинг тимсоли, Исроил – жамоатнинг тимсоли. Биз юқоридан туғилганимизда, бу дунёнинг зулм ва истибдодидан озод бўлдик.

Исроилликлар озодликка эришганидан сўнг, Мусо уларни қаерга бошлаб борди? Мен хизматлар пайтида бу саволни берганимда, одамлар одатда: “Ваъда қилинган ерга” – деб жавоб беришади.

Бироқ бу мутлақо нотўғри. Худо уни Хорив ёки Синай тоғига бошлаб борди. Раббий Мусони фиръавннинг олдига: “Менинг халқим саҳрода Менга сажда қилиши учун уни қўйиб юборгин” – деб айтиш учун юборди (Чиқиш 7:16; 8:1, 20; 9:1, 13; 10:3). Нега у қабиладошларини, аввал Худо билан учрашмасдан, тўғридан-тўғри ваъда қилинган ерга бошлаб бормади? Раббий буни хоҳламади. Агар исроилликлар ўша ерга Унинг ваҳийисиз кирганларида эди, улар уни навбатдаги бутпарастлик масканига айлантириб юборган бўлардилар.

Сўнги йигирма беш йил ичида жамоатдаги нажот топган кўплаб имонлилар билан айнан шундай ҳолат юз берди. Одамлар Раббийнинг феъл-атвори ва табиатини ўрганиш ўрнига, Худонинг ваъдалари ва баракалари ҳақидаги таълимотларга берилиб кетдилар. Бунинг натижасида, имонлилар шўҳрат Худосини таниб-билиш ва Унга хизмат қилиш ўрнига, мукамал ҳимоя остидаги яхшироқ ҳаётни излашга киришдилар. Кўплаб хизматчилар оломонни жалб қила оладиган ижобий мактубларни ғайрат билан ўйлаб топадилар-у, лекин муқаддас Худони кўришимизга ёрдам берадиган ўзгаришларни ҳаётимизга олиб киришга қодир бўлган, фoш қилувчи кучли мактубни четлаб ўтадилар.

Синай тоғида Худо билан учрашув Мусони ўзгартириб юборди. У унинг халқи ҳам айна шу ҳолатни бошдан кечириши кераклигини англади. Агар ўшанда у ёнаётган бута ёнида Раббий билан учрашмаганида, эҳтимол, ўз халқини унга тегишли ерга олиб келиш учун озодлик ҳаракатини бошлаб юборган бўлиши мумкин эди. У ёшлигида айнан шундай қилишга уринди, оқибатда фиръавндан қочишига тўғри келган эди.

Бугунги кунда кўпчилик, Худодан келган ваҳий асосида эмас, балки хизматчиларнинг ўз ақл-идроки билан айтилган жўшқин воизликларини тинглабгина нажот топмоқда. Агар биз ҳаётимизга даъватни қабул қилсак-у, аммо Раббийга Ўзини намоён қилиши мумкин бўлган саҳронинг узоқ ерларига олиб боришига йўл қўймасак, биз одамларга номига озодлик берамиз. Биз одамларни Унинг олдига олиб келиш мақсадида озод қилишимиз керак бўлиб, У билан мулоқот қилиш учун яратилганмиз.

Ҳаворийлар китобида ўқиймиз:

У қирқ ёшга тўлганида, унинг юрагига ўз биродарларини, яъни Исроил ўғилларини кўргани бориш нияти келди. Улардан бирининг ноҳақ азобланаётганини кўриб, уни ҳимоя қилди ва мисрликни ўлдириб, у учун қасос олди. У: “Худо менинг қўлим билан уларга нажот бераётганини биродарларим тушунадилар”, – деб ўйлаган эди. Аммо улар тушунмадилар. (Ҳаворийлар 7:22-25)

Мусо одамларнинг азоб-уқубатларини кўрди ва уларни енгиллаштиришга қарор қилди. У Худонинг халқини озод қилишга даъват этилганини биларди. Бу унинг юрагида бор эди, аммо Худонинг ваҳийисиз, уларни ўз улушига етаклашга тайёр эмас эди. Тўғри мақсадсиз, етакчилик етакчиликнинг умуман йўқлигидан кўра хавфлироқ бўлиши мумкин. Мусо мақсадга эга бўлган етакчи эди, лекин унинг мақсади тўлиқ эмас эди. Худонинг ваҳийисиз, у халқни энг яхши ҳолатда мўл-кўлчилик ерига олиб бориши мумкин эди, аммо озодликнинг асл мақсади – Худони яқиндан таниб-билиш, четда қолиб кетган бўларди. Шунинг учун Раббий уни, ўзи тарк этган оламдан таъсирланган юрагини тиклаш учун узоқ саҳрога олиб борди. Саҳрода у Худонинг ваҳийларини бажонидил қабул қилди. Бу тайёргарлик унга: “Бораман ва кўраман...” – дейиш имконини берди.

Шуни тушунишимиз керакки, “яхши” бўлган ҳамма нарса ҳам ҳақиқий хизматни ривожлантиришга ёрдам бермайди. Бир томондан, Мусо қирқ ёшида ўз халқини озодлигини хоҳлагани яхши, лекин бошқа томондан, ўша пайтда бу унинг ҳақиқий хизмати эмасди. Ҳаввани айнан яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтининг “яхши” қисми ўзига жалб этди, “ёмон” қисми эмас. У “дарахтнинг... яхши, кўзга ёқимли ва донолик бериш учун ардоқли эканини кўрганида...; унинг мевасидан олиб еди” (Ибтидо 3:6), у Худого ўхшаш бўлиш

васвасасига учради. Яхши ва Худодан келгандек бўлиб кўринадиган кўп нарсалар бор, лекин амалда булар Унинг феъл-атвори ва табиатига зид бўлиб чиқади. Биз Худо билан яқин муносабатларга эришганимиздагина, нима яхши-ю, нима ёмонлиги ҳақида тўғри ҳукм чиқара оламиз.

## “СИЗЛАРНИ ЎЗ ҲУЗУРИМГА ОЛИБ КЕЛДИМ”

Мусо Худонинг халқини саҳрода, Унга хизмат қилиши учун Мисрдан олиб чиқди, лекин улар шу заҳоти Синай тоғига бормадилар. Одатда ўн, ўн бир кунлик йўл босиб ўтиш учун уларга уч ой керак бўлди. Нега Худо бундай йўл тутди? Жавоб оддий: У уларнинг юраклари тинчланиши ва Ундан ваҳий қабул қила олиши учун вақт бермоқчи эди (барчаси Мусо билан бўлганидек такрорланди).

Исроил ўғиллари Синай тоғининг этагига етиб келиши билан Мусо уларни ўша ерда қолдириб, ўзи тоғнинг чўққисига – Худонинг ҳузурига чиқди. Сўнгра Раббий тоғдан унга хитоб қилди: “Ёқуб хонадонига айтгин, Исроил ўғилларига шундай деб хабар бергин” (Чиқиш 19:3).

Худонинг Мусога айтган сўзлари ҳақида ўқишни давом эттиришдан олдин, бу хабар кимга аталганига эътиборингизни қаратишим керак. Бу хабар фақат Ҳорун ва унинг ўғиллари ёки фақат Леви ўғиллари учун эмас эди. Худонинг хабари бутун Исроил халқига мўлжалланган эди. У Миср қуллигидан озод бўлганларнинг барчасига ва ҳар бир қабилалар, оилаларга, катта-ю кичикка қаратилган эди.

Худо яна шундай деди: “Мен мисрликларни нима қилганимни ва гўёки бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб юрганидай Мен сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни кўрдингизлар” (Чиқиш 19:4). “Сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни” ибораси сиз нима учун

яратилганингизни тушунтиради! Худо сизни яратганидан ва нажот топишингиз учун шунчалик ҳаракат қилганидан асосий мақсад, У сизни Ўзининг ҳузурига олиб боришни истайди!

Биз бу мақсадни инсоният мавжудлигининг бошиданоқ кўришимиз мумкин. Нима учун Худо илк одамни боққа жойлаштирди? Одам Ато бутун дунё бўйлаб озодлик хизматини бошлаш учун яратилмаган эди. У Адан боғига кўприклар ёки осмонўпар бинолар қуриш учун ҳам жойлаштирилмаган. Йўқ, Раббий Одам Атони у ерга Ўзи, яъни барҳаёт Худо билан мулоқотда юриши учун жойлаштирди. Бу мулоқот жараёнида осмонўпар бинолар ёки хизматлар пайдо бўлиши мумкин, лекин улар Раббий инсонни яратишидаги асл мақсад эмас.

Мен юқоридан туғилганимдан сўнг, дастлабки етти йил давомида анча катта бир жамоатга қатнаб юрдим, кейинчалик ўша ерда ишлай бошладим. Унда Худонинг ваъдалари ва баракалари биринчи ўринга қўйилган эди. У ерда хушxabарчилик хизмати жуда ривожланган, имонлилар бутун дунёни Хушxabар билан қамраб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар, бироқ уларнинг хабари Худони таниб-билишнинг улўворлигидан кўра кўпроқ, Худо Шоҳлигининг афзалликларига қаратилган эди. Дунёнинг турли бурчакларидан одамлар бизнинг хизматларимизга келишар эди, чунки жамоатимиз мамлакат ташқарисида ҳам машҳур эди.

Етакчилардаги, барча инсонларнинг нажот топишини кўришга бўлган ғайрат-шижоати юқумли эди. Жамоатдаги кўплаб аъзоларнинг юраклари хизмат қилиш учун ёнарди ва мен ҳам бундан мустасно эмас эдим.

Бу жамоатда бўлган йилларимда ҳар куни тонгда ўйғониб, ишга кетишдан олдин, камида бир ярим соат

ибодат қилардим. Мен Худодан адашганлар ва ҳалок бўлаётганларни қўлга киритиш ҳамда беморларга шифо бериш учун мендан фойдаланишини сўрардим. Асирларга озодлик бериш учун мени халқлар олдига юбор, деб Унга нидо қилардим. Бир куни: “Жон, сенинг ибодатларингда куч йўқ!” – деган Унинг сўзларини эшитмагунимча, ибодат қилишда давом этдим.

Мен: “Йўқ, бу Худонинг овози эмас. Бу фақат душман бўлиши мумкин” – деб ўйладим. Шундай бўлса-да, негадир бу Раббийнинг овози эканини билиб турардим. Мен саросимага тушиб қолдим: “Ё, Раббий, нега менга бундай деяпсан? Мен одамларнинг нажот топиши, шифоланиши ва озод бўлиши учун ибодат қиляпман-ку. Сен ҳам шуни хоҳлайсан-ку!” Лекин Худо менинг сўзларимдан ҳам чуқурроқ нарсани кўриб турарди. У мен Унинг ҳақиқий феъл-атворини қанчалик кам билишимни кўрган ва шунинг учун, ҳатто мен одамларни озод қилган тақдиримда ҳам, хизматим охир-оқибат, мени ва мени тинглаган бошқа кўплаб инсонларни, жамоат деворлари ичида навбатдаги бутпарастликка олиб келишини билган.

У менга шундай деди: “Жон, масиҳийликнинг мақсади хизмат қилиш эмас. Сен жинларни қувишинг, беморларни шифолашинг, одамларни нажотга олиб келишинг ва шундан кейин, барибир дўзахга тушишинг мумкин”. У шундай деб қўшиб қўйди: “Яҳудо Менга эргашиш учун ўз ишини ташлади, у касалларни шифолади, ўликларни тирилтирди, жинларни ҳайдади, лекин дўзахга тушди”. Унинг сўзлари том маънода юрагимга санчилди.

Биз шуни ёдда тутишимиз керак, кучга тўлган ҳаворийлар касалларни шифолаш, ўликларни тирилтириш ва жинларни ҳайдаш учун Яҳудия бўйлаб тарқалганларида, улар орасида

Яҳудо ҳам бор эди (Матто 10:1-18 га қаранг).

Мен шошиб сўрадим: “Унда масиҳийликнинг маъноси нима?” Жавоб бир зумда келди: “Мени яқиндан таниб-билиш!” Шунда мен ҳаворий Павлуснинг “Уни таниб-билиш” учун ҳамма нарсани беҳуда деб ҳисобладим, дегани ёдимга тушди (Филиппиликларга 3:8-10). Раббий юрагимга шивирлади: “Ҳақиқий хизмат айна шу яқин муносабатлардан униб чиқади”. Дониэл пайғамбар буни қуйидаги сўзлар билан тасдиқлаган: “бирок ўз Худосини таниб-билган одамлар кучайиб, ҳаракат қиладилар” (Дониэл 11:32).

Исо, кўр одам кўрни етакласа, иккови ҳам чуқурга қулайди, деган (Матто 15:14 га қаранг). Бу аввало Раббийнинг феъл-атворини таниб-билмасдан, одамларни озодликка етаклашни истайдиганларга тегишли. Айнан шунинг учун ҳам, ҳаворий Павлус Худони таниб-билишимиз учун У юракларимизнинг кўзларини ёритиши учун қайноқ ибодат қилган (Эфесликларга 1:18 га қаранг). Биз айнан Унинг нурида нурни кўрамиз (Санолар 35:10 га қаранг). Унинг ваҳийисиз биз кўзи ожизмиз. Худо билан яқин муносабатларга эга бўлмаган кишилар, яхши мақсадлар ва ниятларга эга бўлиши мумкин, лекин охир-оқибат, Худонинг ваҳийисиз улар бошқаларни ҳам, ўзлари кетаётган худди ўша чуқурга етаклаб борадилар.

Бу масиҳийлик ҳаётимнинг дастлабки йилларида содир бўлган. Мен ташриф буюрган жамоатнинг чўпони дуо қилаётган Худога эмас, балки Унинг аҳдидаги дуо-баракаларга кўпроқ эътибор берарди. У Муқаддас Китобнинг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳаракат қиларди, бироқ унга Худонинг феъл-атвори ҳақидаги ваҳий етишмасди, шунинг учун у ҳалокатли хатога тобора яқинлашиб борарди. Бир куни у жамоат олдида

туриб, унга болаларни дунёга келтирган хотини билан ажрашишга қарор қилганини айтди. У, бу кимгадир ёқмаса, у ўзига бошқа жамоат топиши мумкинлигини қўшиб қўйди. Кейинчалик у хизматда иштирок этаётган ёш, ғайратли ва шуҳратпараст аёлга уйланди. Аёл билан муносабатлар чўпон учун даҳшатли тузоқ бўлиб чиқди. Унинг жамоати бир неча мингдан бир неча юзтагача қисқарди, кўплаб имонлиларнинг тақдири барбод бўлди, одамлар жамоатдан бутунлай кетишди. Охир-оқибат, у яна ажрашди ва бинони шаҳар ҳокимиятига сотди.

Мусо унинг ҳаётини нима ўзгартирганини биларди – бу унинг тирик Худо билан учрашуви ва У билан яқин муносабатлари эди. У халқни қаерга етаклашни биларди. Йўл тўғридан-тўғри баракаларга эмас, балки бу баракалар келаётган Ягона Зотга олиб борарди. Мусо нима мақсадда яратилганини тушунган ва аввало, Худонинг юрагини билиш кераклигини англаган. Мусо ваҳийни, Раббийнинг баракаловчи қўлларидан эмас, балки Худо унга юзма-юз айтганларидан олди.

## МИСРДАН ЧИҚИШ

---

*Сўнги икки минг йил давомида жамоат сифатида, бизнинг елкамизда Унинг иккинчи маротаба келишига тайёргарлик кўриш учун бутун кучимизни сарфлаш масъулияти ётар эди ва ётибди!*

**Х**удо Исроил фарзандларини, улар Унинг олдида келишлари ва У уларнинг орасида истиқомат қила олиши учун миср қуллигидан озод қилди. Бунини Унинг Мусога айтган сўзларида кўришимиз мумкин: “Шунда Мен Исроил ўғиллари орасида истиқомат қилиш учун уларни Миср юртидан олиб чиққан Раббий уларнинг Худоси эканлигимни улар билиб оладилар”. (Чиқиш 29:46). Ёдингизда бўлсин, У ташриф буюришни эмас, ўша жойда бўлишни истаган.

Келинг, энди Петрус Янги Аҳдда нима деганини кўриб чиқайлик (жуда диққат билан ўқинг): “Инсонлар рад қилган, лекин Худо танлаган қимматбаҳо тирик тош бўлган Исо Масихга яқинлашиб, ўзларингиз ҳам тирик тошлар каби

Ўзингиздан руҳий бино, муқаддас руҳонийлар барпо этинглар, токи Исо Масих орқали Худога маъқул бўлган руҳий қурбонликлар келтиринглар” (1-Петрус 2:4, 5). Худо маскан излайди, ҳаворий бун руҳий ўй, бизни эса У истиқомат қилмоқчи бўлган ўша ўйнинг тирик тошлари деб атамоқда.

Петрус Худонинг масканини барпо этишдаги ролимизни руҳонийлик билан тенглаштиради. Нима учун у бу икки тушунчани бирлаштирмоқда? Чунки инсонлар орасида фақат руҳонийлар, ҳукм қилинмасдан Худога яқинлаша оладилар. Руҳонийликка берилган кўплаб таърифлардан биринчи ўринда қўйидаги туради: руҳоний Худога хизмат қилиш учун Унга яқинлаша олади (Эзекил 44:13, 15). Унинг ҳузурига келиш, биз Унинг масканига айланишимиз кераклигини англатади. Биз Унинг муқаддас ва титроқли қўрқув ўйфотувчи ҳузурига бардош бериш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Петруснинг биринчи мактубини яна бир бор очамиз:

“Чунки Ёзувда шундай дейилган: “Мана, Мен танланган, қимматбаҳо асосий бурчак тошини Сионда ўрнатяпман. Унга ишонган киши уятда қолмас”. Шундай қилиб, сизлар, имонлилар учун У бебаҳодир, имонсизлар (Муқаддас Китобнинг инглизча таржимасида *disobedient* – “итоатсизлар” сўзи ишлатилган. – *Таржимон изоҳи*) учун эса қурувчилар рад қилган тошдир. Лекин У бурчакнинг боши, васваса ва қоқиниш тоши бўлди, шунинг учун Худонинг Сўзига итоат қилмаганлар Унга қоқинадилар. Улар ана шунга маҳкум этилганлар. (1-Петрус 2:6-8)

Бу ерда ғалати сўзларни кўрамиз. Петрус: “... сизлар, имонлилар учун, итоатсизлар учун эса...” – деди. У *имон* ва *итоатсизлик* сўзларини бир-бирига қарама-қарши қўйган.

Замонавий тилда биз бунни таърифлай олмаймиз. Бугунги кунда *имон* сўзининг “итоат” ёки “итоатсизлик” тушунчалари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мана нима учун кўпчилик имонлилар итоаткорликка катта аҳамият бермайдилар. Шундай бўлса-да, Янги Аҳд ёзилаётган пайтда бу сўзлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ишониш, нафақат Унинг мавжудлигини тан олишни, балки Унга бўйсуннишни ҳам англатарди. Бошқача айтганда, агар сиз ишонсангиз, унда Худога итоат қиласиз, ишонмасликнинг далили эса итоатсизликда яшаш эди. Павлуснинг ёзишича, Исо “баркамол бўлгач, Ўзига итоат қилганларнинг ҳаммаси учун абадий нажот манбаи бўлди» (Ибронийларга 5:9).

Итоаткорлик – нажотнинг асосий қисмидир. Исо, кўплар Унга ишонадилар, Уни Раббий деб чақирадилар ва ҳатто, Унинг номи билан мўъжизалар кўрсатадилар, лекин шунга қарамай, Худо Шоҳлигига кирмайдилар, чунки улар Унга бўйсунмаганлар ёки Унинг иродаси бўйича йўл тутмаганлар, деган (Матто 7:21 га қаранг).

## УНИНГ АЖОЙИБ НУРИГА ЧАҚИРИЛГАН ШОҲОНА РУҲОНИЙЛАР

Исроил ўғиллари улар даъват қилинган нарсада гоҳ йиқилар, гоҳ қоқилар эдилар. Исроилликлар улар учун белгиланган сўзларга қулоқ солмадилар. Петрус биз тўғримизда гапиришда давом этади: “Аmmo сизлар – танланган бир авлод, шоҳона руҳонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одамларисизлар. Сизлар Худонинг баркамоллиги ҳақидаги хабарни етказишингиз учун қоронғилиқдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар” (1-Петрус 2:9).

Биз шоҳона руҳонийлар ва муқаддас халқмиз. Худо

Подшоҳдир, Унда –подшоҳлик ҳоқимияти бор. Шу сабабли, хизмат қилиш учун Унга яқинлашадиган кишилар шоҳона руҳонийлар бўлишлари керак, чунки фақат шоҳона авлод хизмат қилиши ва Подшоҳ билан мулоқотда бўлиши мумкин!

Биз, унинг руҳонийлари, зулматдан Унинг ажойиб нурига – шунчаки нурга эмас, балки Унинг ажойиб нурига даъват қилинганмиз! Худонинг буюклигини таърифлайдиган бир нечта сўзлар бор, уларнинг маъноси биз учун одатий ҳолга айланган. Шулардан бири – ажойиб.

*Ажойиб, ғаройиб* ва *ҳайратомуз* сўзларининг ишлатилиши эътиборимни тортди. Муқаддас Китобда бу сўзлар, Худо, Унинг хусусиятлари ва ишларини тасвирлаш учун тез-тез ишлатилади. Уларнинг маъноси ҳақида ўйлаб кўринг: *ажойиб* – мўъжизаларга тўла, *ғаройиб* ва *ҳайратомуз* – ҳайратни чақирувчи. Исонинг Ўзи “Ажойиб” деб аталган (Ишаё 9:6 га қаранг). Аммо бугунги кунда одамлар бу сўзларни оддий ҳодиса ва воқеаларни тасвирлаш учун ишлатадилар. Уларга бирор фильм ёққанида, улар: “Ажойиб фильм!” – дейишади. Агар кимгадир баскетболчининг қандай ўйнаётгани ёқса, у: “Ажойиб ўйинчи!” – деб ҳайқиради. Энди тасаввур қилинг, яқшанба хизматида воиз йиғилганларга: “Худо ажойиб” – деди. Аммо улар бу сўзни ҳар куни эшитиши сабабли, воиз айтган сўзларнинг маъносини тўлиқ тушуна олмайдилар, чунки телекўрсатув бошловчиси ҳам, қандайдир супербаскетболчининг ўйинини шундай деб тасвирлаши мумкин. Менинг мактубим бу соҳага ўзгариш олиб келиши учун ибодат қиламан.

Петрус биз зулматдан Унинг ажойиб нурига чақирилганимизни айтганда, Худонинг улуғвор феъл-атворини тасвирлаш учун жуда кучли сўзни ишлатади.

Раббий – мутлақ нур ва Унда ҳеч қандай зулмат йўқ. Бу буюк нур Унинг инсон жисми яқинлаша олмайдиган шон-шухрати ҳақида сўзлайди.

Яна Коринфликларга иккинчи мактубнинг 6-бобида ёзилганидек, биз бу сўзларнинг маъносини охиригача англаб етмаймиз, чунки уларнинг умумий маъносини тушунмаймиз. Келинг, Чиқиш китобига қайтиб, Худо Ўз халқининг ичида ва унинг орасида бўлиш ваъдасининг кўламини аниқлашга уриниб кўрайлик.

## БИЗ ЎЗ КИЙИМЛАРИМИЗНИ ЮВИШИМИЗ КЕРАК

Биз ўтган бобда, Мусо Исроил ўғилларини Миср еридан қандай олиб чиққанини кўрдик, бу биз учун бугун бу дунёдан озод бўлишимизнинг тимсоли ҳисобланади. Мусо уларни Мисрдан Худонинг Синай деб аталган тоғига бошлаб борди. У халқни тоғ этагида қолдириб, тоғ чўққисига, Худонинг ҳузурига чиқди ва у ерда Раббийнинг сўзларини эшитди.

“Мен мисрликларни нима қилганимни ва гўёки бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб юрганидай, Мен сизларни Ўз ҳузуримга олиб келганимни кўрдингизлар. Шундай қилиб, Менинг овозимга қулоқ солсангизлар ва аҳдимга риоя қилсангизлар, унда сизлар барча халқлар орасида Менинг мулким бўласизлар, зеро бутун ер Меникидир. Сизлар эса руҳонийлар шоҳлиги ва муқаддас халқ бўласизлар”. Исроил ўғилларига сен етказадиган сўзлар шулардир”. (Чиқиш 19:4-6)

Энди, биз Петрус бу сўзларни қаердан олганини биламиз. Дастлаб улар бутун Исроилга йўналтирилган эди. Худо бу сўзларни фақат Ҳорун ва унинг ўғиллари ёки фақат Леви қабиласи учун айтмаган. У бутун халққа ва алоҳида ҳар бир

кишига, хоҳ эркак, хоҳ аёл ёки бола бўлсин, мурожаат қилиб: “Сизлар Менинг ҳузуримда шоҳона руҳонийлар бўласизлар” – деди. Худо уларнинг барчасини, Мусодек, Унинг ҳузурига киришини хоҳлаганини кўряпсизми?

Раббий Мусога деди: “Халқнинг олдига боргин, уни бугун ва эртага поклагин. Улар кийимларини ювсинлар, Шундай қилиб, эртадан кейинги кунга тайёр бўлсинлар, чунки учинчи куни Раббий халқнинг кўзи олдада Синай тоғига тушади. (Чиқиш 19:10, 11)

Ушбу икки оятнинг маъносини синчиклаб таҳлил қилиш керак. Аввало, тасвирланаётган воқеалар башоратли ҳисобланади. Бу сўзлар нафақат Исроил халқига қаратилган, балки улар бизга ҳам тегишлидир. Худо Мусога икки кундан кейин халқ олдига тушишини айтди. Бу вақт мобайнида Мусо уларни поклаши керак бўлиб, бунга кийимларни ювиш ҳам кирар эди.

Петруснинг иккинчи мактубида (3:8) ўқиймиз: “Севганларим, фақат бир нарсани эътиборсиз қолдирмангларки, Раббийнинг назарида бир кун минг йилдай, минг йил эса бир кундайдир”. Мана, Сано куйчисининг сўзлари: “Сенинг назарингда минг йил – ўтиб кетган кечаги кундек...” (Санолар 89:5). Худонинг бир куни, биздаги минг йилга тенг. Энди савол: Исо ўликлардан тирилганига қанча бўлди? Жавоб: деярли икки кун олдин. Биз иккинчи кун охирида яшаяпмиз. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Исо тахминан милодий 28-29-йилда тирилган. Ушбу пайғамбарлик жадвалига кўра, биз Унинг қайтиш вақтига жуда яқинмиз! Худонинг Исроил халқига айтганлари билан, Унинг бизга айтганлари ўртасидаги боғлиқлик дарҳол кўзга ташланади. Сўнгги икки минг йил

давомида жамоат сифатида, бизнинг елкамизда Унинг иккинчи маротаба келишига тайёргарлик кўриш учун, бутун кучимизни қаратишга сарфлаш масъулияти ётар эди ва ётибди! *Поклаш* – нима дегани? *Поклаш* – “ажратиш” демакдир. Бунга шоҳнинг рафиқаси бўлишга сайланган аёл яхши мисол бўла олади. Уни саройга олиб келадилар, у ерда подшоҳнинг бичилган қуллари унга хизмат қиладилар. Уларга подшоҳнинг маҳбубасини тайёрлаш вазифаси юклатилган. У энди бошқа аёллар каби оддий ҳаёт кечирмайди, чунки у покланган ва ҳукмдор учун ажратилган. Агар у итоаткор бўлиб чиқса, унинг покланиши у оладиган улкан афзалликлар билан солиштирганда арзимас бўлиб қолади. У шоҳ билан яқин муносабатда бўлиш имтиёздан фойдаланади, бунга бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шоҳга тегишли бўлган ҳамма нарса, унга ҳам тегишли бўлади. Хўш, бунинг эвазига шоҳ ундан нимани кўтаради? У фақат ва фақат шоҳга тегишли бўлиши керак. Бу мисол Худо: “Менинг қаршимда муқаддас бўлинглар, зеро Мен Раббий муқаддасман ва сизлар Меники бўлишингиз учун Мен сизларни халқлар орасидан ажратиб олганман” – деб айтганида нимани назарда тутганини яққол кўрсатади (Левит 20:26).

Худо Исроилга покланишни амр этганида, У аслида, уларга қуйидагиларни айтган: “Мен сизларни Мисрдан озод қилдим, энди сизлар Мисрни ичингиздан ҳайдаб чиқаринг. Бу билан сиз ўзингизни учинчи кун тонгида Менинг келишимга тайёрлаган бўласиз”. У Мусога: “Ўз кийимларини ювсинлар” – деб буюрди. Ахир, уларда ҳали ҳам Миср ерининг кири қолган эди.

Бугун ҳам Раббий бизга мурожаат қилмоқда: “Мен сени бу дунёдан озод қилдим, энди сен ҳам ўзингдан дунёнинг

барча нарсаларини қувиб чиқар! Бу сенга учинчи минг йилликнинг тонгида, Менинг келишимга тайёргарлик кўриш имконини беради”. Биз ўз кийимларимизни ювиш орқали дунёнинг кирларидан халос бўлишимиз керак. Павлуснинг қуйидаги сўзларини эсланг: “Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалаб, Худонинг қўрқувида муқаддаслигимизни камолотга етказайлик” (2-Коринфликларга 7:1).

Мусо Исроил ўғилларига жисмоний кийимларини ювишни буюрган бўлса, Павлус тана ва руҳни поклаш ҳақида гапирган. Шу ўринда, биз ўзимизни ўзимиз ювишимиз кераклигига алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Бунинг Раббийнинг ихтиёрига ташлаб қўйиб бўлмайди! Павлус: “Исонинг қони сизларни тана ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан халос этиши учун, шунчаки Унинг севгисига ишонинглар”, – деб айтмаган. Масиҳнинг қони гуноҳ ва нопокликлардан поклайдими? Жавоб: шубҳасиз, ҳа! Шундай бўлса-да, Ёзувда кўраётганимиздек, биз ҳам покланиш жараёнида иштирок этамиз.

## ИККИТА ЁЛҒОН ЧЕГАРАЛАР

Сўнги юз йил давомида жамоат покланиш ва муқаддаслик масалаларида гоҳ у, гоҳ бу чегарадан ўтиб келган. Биринчи чегара тарафдорлари, муқаддаслик ҳақида ташқи белгиларга қараб фикр юритадилар. Агар аёл пардоз-андоздан фойдаланса, у муқаддас эмас. Агар у тиззадан юқори кўйлак кийган бўлса, у нопок. Ахир, қандайдир бир хоним ергача тегадиган кўйлак кийиши, сочини битта қилиб ўриб қўйиши, пардоз-андоздан фойдаланмаслиги ёки тақинчоқ тақмаслиги ва айни вақтнинг ўзида, бутунлай

бузуклик руҳи билан суғорилган бўлиши мумкин-ку! Эркак эса бирор марта ҳам зино қилмаганини ёки ажрашмаганини айтиб мақтаниши ва айни пайтда ёнидан ўтаётган барча аёлларни шаҳвоний нигоҳ билан кузатиб қўйиши мумкин. Бу муқаддаслик эмас. Бундай чегара фақат танага эътибор қаратади, ҳолбуки муқаддаслик фақат тана билан боғлиқ эмас. Шу сабабли, кўплаб масиҳийлар қонунпарастликка берилиб кетганлар.

Иккинчи чегара йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Унинг моҳияти шундаки, бу дунёдан ўзини ажратиш масъулияти уларнинг зиммасидамаслигига ва масиҳийлар қачонлардир кечирилганлигини ҳисобга олмаганда, улар оддий мажусийлардан фарқ қилмаслигига ишонадилар. Яқинда бир таниқли масиҳий рассом шундай деган эди: “Масиҳийлар руҳшуносларга борадилар, масиҳийларда оилавий муаммолар бор, масиҳийлар ичкиликбозга айланмоқдалар. Имонлилар ва имонсизлар ўртасидаги ягона фарқ шундаки, биз масиҳийларда бизни севадиган ва ҳар кўни бизга ёрдам берадиган Яратувчимизга ишонамиз”. Бундай қараш, биз ўзимизни бу дунёдан поклаш масъулиятдан озод этилганимиз ҳақидаги таълимот туфайли пайдо бўлган. Петрус: “Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар” – деб таъкидлаган (1-Петрус 1:15).

Ҳақиқат, манашу икки чегаранинг қоқ ўртасида жойлашган. Инсон ва Худонинг табиати ўртасида ўзаро ҳаракат юзага келганда, муқаддаслик келади. Исо – бизнинг поклигимиздир (1-Коринфликларга 1:30 га қаранг). “Чўнки Худонинг иродаси – сизларнинг муқаддасланишингиздир, токи сизлар зинодан ўзингизни тийинглар ва сизларнинг

ҳар бирингиз ўз вужудини муқаддасликда ва шарафда сақлашни билсин... Чунки Худо бизларни нопокликка эмас, балки муқаддасликка даъват этган” (1-Фессалоникаликларга 4:3-7). Исо бизга покланиш учун июят беради, лекин биз ҳам Унинг июятининг кучи орқали ўз-ўзимизни поклаб, Унга худди шундай жавоб беришимиз керак. Шу тарзда, биз бу дунёда яшашимиз, бироқ унга ўхшамаслигимиз мумкин.

## УНИНГ ЮЗИ ҚАРШИСИДА ЯШАЙМИЗ

Худо Мусога халқни поклашни буюрди. Ҳамма тайёргарлик кўриши керак эди, чунки учинчи куни Худованд Синай тоғидан тўғри уларнинг олдига тушиши керак эди! Худо Ўз халқининг олдига келиши ва Ўз шуҳратида намоён бўлиши ўртасида тенглик белгисини қўйди! Ҳосея пайғамбарда, биз Унинг шуҳратининг намоён бўлишига тайёргарлик кўриш учун ажратилган, ўша икки минг йилни кўрамиз. У халққа нидо қилди:

“Юринглар, Раббийга қайтайлик! У бизни шикастлади, бироқ айнан У бизни шифолайди; У бизни жароҳатлади, бироқ айнан У бизнинг яраларимизни боғлайди. Бизларни икки кундан кейин жонлантиради, учинчи кун эса бизни қайта тиклайди, токи биз Унинг ҳузурида яшайлик”. (Ҳосея 6:1, 2, ЯРТ)

Икки кун, яъни икки минг йилдан сўнг У бизни жонлантиради ва учинчи минг йилликда биз Унинг юзи қаршисида яшай олишимиз учун кўтаради. Учинчи минг йиллик – бу Масихнинг минг йиллик Шоҳлигининг бошланиши (бу У ерга келиб, Ўзининг шарафланган танасида минг йил ҳукмронлик қилади (Ваҳий 20:4 га қаранг). Ҳосея Унинг келиши ҳақида гапиришда давом этади:

Раббимизни таниб-билайлик, Уни таниб-билишга интилайлик. Унинг келиши худди қуёш чиқиши каби ҳақиқатдир. (Ҳосея 6:3, ЯРТ)

Унинг намоён бўлиши тонг шафақига ўхшайди. Тонг отиши ёки қуёш чиқиши ҳар куни маълум бир вақтда содир бўлади. Ва биз бу ерда бирор нарсани ўзгартиришга мутлақо ожизмиз! Биз бунни хоҳлаймизми ёки йўқми, қуёш чиқади. Исо Ўз шон-шўхратида келади, бу ҳақиқат ва ҳеч нарса Унинг келишини тўхтата олмайди. Масала бошқа нарсада: БИЗ тайёр бўламизми? Исроил ўғиллари, уларда ҳаммаси яхши ва ўзларини тайёр деб ўйлаган, аммо аслида шундай бўлганми? Ўша кунгача Унинг шўхратини бирор марта ҳам кўрмаган эдилар. Улар Унинг буюк мўъжиза ва аломатларини кўрдилар ва бундан фойда олиш уларга ёқди, лекин Унинг шўхрати билан ҳам худди шундай бўлармикан? Бу барча мўъжизалар орасида, ўзини қулай ҳис қилиш ва шу билан бирга, Унинг шон-шўхратига тайёр бўлмаслик мумкинми? Келинг, бу масалани кўриб чиқайлик.



## РАББИЙНИНГ ШУҲРАТИ

---

*Раббийнинг улуғворлиги — Худони Худо қилади.  
Унинг барча сифатлари, ҳокимияти, кучи ва  
донолиги, Унинг беқиёс нуфузи ва улуғворлигини  
ташкил этади.*

**Х**удо Исроил халқига зоҳир бўлишига икки кун қолган эди. Улар бунга тайёр эдиларми? Улар Худонинг тайёргарлик ҳақидаги огоҳлантиришини жиддий қабул қилишдими ёки Худо уларга Ўзининг ажойиб озод қилувчи кучини доимо кўрсатиб келган бўлса, энди ҳам Унинг зоҳир бўлиши аввалгиларидан унчалик фарқ қилмайди, деб умид қилишдими? Нима ҳам бўлиши мумкин? Қолаверса, Унинг барча зоҳир бўлишлари, уларга фақат фойда келтирган эди. Нега бу сафар ҳаммаси бошқача бўлиши керак? Бунинг вақт кўрсатади. Мусонинг атрофидагиларидан бирортаси, эҳтимол, улар Муқаддас Парвардигорга нисбатан, ўзларига ҳаддан ташқари ишониб, ўзларини бетакаллуфона

тутганини ўйлаб кўрдимикин?

Орадан икки кун ўтди. Учинчи кун тонг отаётган эди. Бутун атроф одатдагидан кўра сокин туюларди. Қудратлининг тушишидан олдинги ғайритабиий сукунат эзадиган тарзда таъсир қиларди. Одамлар ўзларига бўлган ишончни тобора йўқота бошлашди. Ҳатто атрофдаги табиат ҳам Худонинг келаётганини Унинг халқидан кўра яхшироқ англаб ва ҳис қиларди эди.

Қуёшнинг илк нурлари уфқни ёриб чиқди, бироқ бу тонг отишида қандайдир ғайриоддий ҳол бор эди. Тўсатдан, қайдандир пайдо бўлган қора булут ерга тушди. Булутнинг кўринишини ўзи у ерда бўлганларнинг юрагига қўрқув солди, бироқ унинг пайдо бўлишидан аввал қулоқларни қар қилувчи қарнай садоси янгради. Бу садо тобора баландлаб борарди! Бунчалик қудратли товуш қаердан пайдо бўлиши мумкин?

Булут тоғ устига тушиши билан унинг ичидан кўзни қамаштирувчи сон-саноксиз ёруғлик чақнашлари жўрлигида даҳшатли момақалдироқ гумбурлаши эшитилди. Халқ ҳали бунақасини кўрмаган эди: тинимсиз момақалдироқ гумбурлаши шундай ёрқин чақнашлар ҳамроҳлигида келардики, гўё қуёш уларнинг нури олдида хиралашиб қолгандек эди. Исроил ўғиллари қўрқувдан титрашди: “Бу ҳодисанинг кўриниши шундай даҳшатли эдики, ҳатто Мусо: “Мен жуда қўрқиб титраяпман!” – деган эди” (Ибронийларга 12:21).

Мусо ўз қўрқувига қарамай, бошқарувни ўз қўлига олди:

Мусо халқни Худо билан учраштиргани қароргоҳдан олиб чиқди ва халқ тоғ этагида турди. Синай тоғи тутун билан қопланган эди, чунки Раббий унга аланга ичида тушиб келди. Тандирдан тутун чиққани сингари, тоғдан

тутун чиқаётган эди. Бутун тоғ қаттиқ силкинаётган эди, бурғу садоси тобора баландлашиб борар эди. Мусо сўзлар, Худо эса унга момақалди роқ овози билан жавоб берар эди. (Чиқиш 19:17-19, ЯРТ)

## БУТУН БОРЛИҚ УНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗЛАЙДИ

Синай тоғига тушган Зот – борлиқни ўйлаб топган ва яратган Зот эди. Айнан У барча юлдузларни Ўз бармоқлари билан унга жойлаштирган. Айнан У Ўз билими ва донолиги билан ерни ва ундаги бор нарсаларни яратган. У азалдан абадиятда мавжуддир.

Мана бир неча йилдирки, биз хизмат қилаётган ўша Зотнинг улуғворлигини англамай қўйганимиз мени ташвишга солади. Ишаё пайғамбар бу мавзуга тез-тез мурожаат қилади. У шундай саволлар беради:

Наҳотки билмасангиз? Наҳотки эшитмагансиз? Наҳотки сизга азалдан айтилмаган?

Пайғамбарнинг боши қотган, у Исроил халқи, нега Худонинг улуғворлигидан ҳайратланмай қўйганини тушуна олмаяпти. У шундай деб эълон қилади:

У – ер доирасининг устида Ўтирадигандир. Ерда яшовчилар эса Унинг олдида чигирткалар кабидир. У осмонларни ҳарир пардадек ёйди ва уларни яшаш учун чодир каби ёзди. У ҳокимларни ҳеч нарсага айлантиради, ернинг судьяларини ҳеч ким қилиб қўяди. Улар эндигина ўтқазилган, эндигина экилган, уларнинг пояси эндигина ерда илдиз отаётганида, У уларга пуфлаган заҳотиёқ, улар қуриб қолдилар ва қуюн уларни сомондек олиб

кетди. Сизлар Мени кимга ўхшатасизлар ва ким билан солиштирасизлар? – дейди Муқаддас. Кўзларингизни самолар баландлигига кўтариб қаранглар: уларни ким яратган? Ким уларнинг қўшинларини сони бўйича олиб чиқади? У уларнинг ҳаммасини исмлари билан атайди. Унинг қудратининг буюклиги ва қувватининг кучи туфайли ҳеч ким йўқолмайди. (Ишаё 40:22-26)

Худо борлиқни чодир каби ёйиб, осмонларни Ўз қўллари билан яратган. У уни Ўз қаричи билан ўлчашга қодир (Ишаё 40:12)! Бир сонияга бўлса ҳам фикрлашга ҳаракат қилинг: қарич – бу бош бармоқ билан жимжилоқ орасидаги масофа! У айна шу ўлчов билан борлиқнинг эни, бўйи ва чуқурлигини ўлчайди!

Сиз ҳеч унинг ҳақиқий ўлчамларини тасаввур қилишга уриниб кўрганмисиз? Буни тушунишга инсоннинг ақли етмайди. Балки, борлиқ кўлами билан юзаки танишишга ҳаракат қилсак, Худонинг улуғворлигини тушунишга яқинлашармиз. Олимларнинг фикрича, коинотда миллиардлаб галактикалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири миллиардлаб юлдузлардан иборат. Бу галактикаларнинг ўлчамлари уларни ажратиб турувчи масофаларга нисбатан анча кичикдир.

Қуёш ана шундай галактикалардан бирида жойлашган. Тунда осмонга қараганингизда, бутун коинотни кузата олмайсиз. Кўринадиган ягона нарса – Сомон йўли, унинг ҳам фақат кичик бир қисми кўринадиди, холос, чунки аксарият юлдузлар биздан шу қадар узоқдаки, уларни оддий кўз билан кўриш имконсиз.

Хўш, келинг, биз яшаётган галактикадан бошлайлик. Қуёшни ҳисобга олмаганда, бизга энг яқин юлдуз 4,3 ёруғлик йили масофасида жойлашган. Эҳтимол, сизда “ёруғлик йили

нима?” деган савол туғилар. Бу жуда оддий: бу – ёруғлик бир йилда босиб ўтадиган масофа. Ёруғлик тезлиги сониясига тахминан 300 000 километрга тенг. Бу соатига тахминан 1 миллиард километрни ташкил этади. Бунга соатига қарийб 800 километр бўлган самолётнинг ўртача тезлиги билан солиштиринг. Кўриб турганингиздек, ёруғлик тезлиги ниҳоятда катта!

Бу тезликни янада яхшироқ тасаввур қила олишингиз учун, келинг, йўловчи самолётида Қуёшга учаётганимизни фараз қилайлик. Менинг уйимдан ер шарининг нариги томонида жойлашган Осиёга парвоз қилиш учун тахминан 23 соат вақтим кетади. Агар мен ўша самолётда Қуёшга йўл олсам, у ерга етиб боришим учун менга тахминан 21 йил керак бўларди! Энди 21 йилни орқага учасиз, бу вақт оралиғининг узунлигини тасаввур қилинг ва бутун шу йиллар давомида самолётда фақат Қуёш томон учганингизни кўз олдингизга келтиринг. Автомобилда саёҳат қилишни яхши кўрадиганларга айтаманки, ёқилғи қуйиш ва дам олиш учун тўхташларни ҳисобга олмаганда, бундай сафарга қарийб 200 йил вақт кетади. Ёруғлик бундай масофани босиб ўтиши учун қанча вақт керак бўлади? Жавоб оддий: бор-йўғи саккиз дақиқа-ю йигирма сония.

Келинг, Қуёшни қолдириб, энг яқин юлдузга кўриб чиқайлик. Биз унинг Ердан 4,3 ёруғлик йили масофасида жойлашганини биламиз. Агар биз кўламга риоя қилган ҳолда Ер, Қуёш ва энг яқин юлдузнинг кичрайтирилган моделини яасак ва Ерни хантал дони катталигида деб фараз қилсак, унда Қуёш диаметри 20 сантиметрли шар ҳажмида бўлади. Бу кўламга кўра, Ердан Қуёшгача бўлган масофа тахминан 24 метрни ташкил этади. Шу масштабда ясалган самолёт моделига 24 метр масофани босиб ўтиш

учун 21 йил керак бўлади.

Агар Ернинг Қуёшга нисбати шундай бўлса, миттигина Еримиздан энг яқин юлдузгача бўлган масофани тасаввур қила оласизми? Бу минг метр бўладими, икки мингми ёки бир километрми? Асло ундай эмас! Энг яқин юлдуз биз хантал донига қиёслаган Ердан 6,5 минг километр узоқликда бўлади! Бу биз хантал донимизни Флорида штатининг Маями шаҳрига қўйсак, Қуёш ундан 24 метр нарида жойлашади, энг яқин юлдуз эса, биз танлаган кўламга кўра (агар биз Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳри орқали чизиқ ўтказсак) Тинч океанида, қирғоқдан минглаб километр узоқликда бўлишини англатади! Самолётда бу юлдузга етиб бориш учун бизга тахминан эллик бир миллиард йил керак бўлади! Ёруғлик эса бу масофани бор-йўғи 4,3 йилда босиб ўтади!

Тунда оддий кўз билан кўринадиган аксарият юлдузлар юздан минггача ёруғлик йили масофасида жойлашган. Шунингдек, биздан 4 минг ёруғлик йили узоқликдаги бир нечта юлдузни ҳам кўриш мумкин (шуни ёдда тутиш керакки, булар бизнинг Галактикамиздаги энг яқин юлдузлар, холос). Уларнинг ҳар бирига самолётда етиб бориш учун қанча вақт кетишини ҳисоблаб ўтирмайман. Аммо сиз биздан тўрт минг ёруғлик йили узоқликдаги юлдузга қараганингизда, аслида Иброҳим Сорай билан турмуш қурганида юлдузни тарк этиб, соатига 1 миллиард километр тезликда тўхтовсиз ва секинлашмасдан ҳаракатланган ва Ерга эндигина етиб келган ёруғликни кўрасиз!

Биз Галактикамизнинг Сомон йўлида жойлашган юлдузлар ҳақида гаплашдик. Биз миллиардлаб бошқа галактикаларни тилга олмадик, уларнинг орасидаги масофа жуда катта. Масалан, бизга қўшни Андромеда галактикаси. Унгача бўлган масофа тахминан 2,3 миллион ёруғлик

йилига тенг. Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Улкан тезликдаги ёруғлик бундай масофани босиб ўтиши учун икки миллион йилдан кўпроқ вақт керак бўлади! Гап бизга энг яқин бўлган галактика ҳақида борди. Коинотда эса улар миллиардлаб. Ақлимиз буларнинг барчасини қамраб олишга қодирми?

Ишаё Худо улкан бу коинотни Ўз қаричи билан ўлчаганини айтган! Сулаймон Худонинг Руҳи билан ҳаракатланиб: “Ҳақиқатан ҳам, Худо ерда яшайдими? Сени само ва самоларнинг самоси сиғдира олмайди...” – деди (3-Шоҳликлар 8:27). Тоққа Ким тушиб келганини энди тасаввур қилиясизми?

### “МЕНИ КИМГА ЎХШАТМОҚДАСИЗ?”

Раббий учун кичик бўлган бошқа нарсаларни ҳам кўриб чиқиш мумкин. Ишаё У тарозида тоғларни ўлчаб, тарози палласига тепаликларни қўйганини айтган. У Ўз ҳовучи билан уммонлар, денгизлар, кўллар, дарёлар ва ҳовузлардаги барча сувларни ўлчади. У денгизларга қирғоқдан чиқмасликни буюрди (Ишаё 40:12).

Сиз денгизларнинг бутун қудратини тасаввур қила оласизми? Агар диаметри 2 километр бўлган метеорит Калифорниянинг Лос-Анжелес шаҳридан бир неча минг километр наридаги Тинч океанига тушса, у кўтарадиган тўлқин бутун тирик мавжудотни йўқ қилишга ва Мексикадан Аляскагача бўлган Американинг Ғарбий қирғоғидаги барча биноларни ер юзидан сўпуриб ташлашга қодир! Тўлқин бутун океан бўйлаб тарқалади ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларни ҳам ювиб кетади. Шундай бўлса-да, тўлқин баландлиги жиҳатидан уммон чўқурлигига тенглаша олмайди. Агар бутун уммон қудрати ва массаси инсоният устига ёпирилса, нима бўлади? Дунё уммонида улкан қудрат яширинган эмас, лекин Худо унинг ҳамма сувини,

томчисидан-томчисигача Ўз кафти билан ўлчаб қўйган!

## МИКРОСКОП ОСТИДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

Худо улкан ҳажм ва мутаносибликдаги ажойиб нарсаларни яратган, аммо У кичик нарсаларда ҳам буюқдир. Олимлар жонли ва жонсиз материянинг мавжудлик тамойилларини тушуниш учун кўп йиллар ва янада кўпроқ маблағ сарфладилар. Шунга қарамай, улар Худо яратган ибтидони билиш йўлининг энг бошида туришибди. Кўп саволларга ҳали жавоб йўқ.

Тирик мавжудотнинг барча шакллари ҳужайралардан ташкил топган. Ҳужайралар – бу инсон организми, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа барча тирик мавжудотларнинг тирик ғиштчаларидир. Муҳандислик тафаккурининг мўъжизаси бўлган инсон организми тахминан 100 000 000 000 000 та тирик ҳужайралардан ташкил топган (бу рақамни тасаввур қила оласизми?) бўлиб, бундан ташқари жуда кўп турли хил вазифалари мавжуд. Яратгувчи Ўзининг донолиги билан бу ҳужайраларнинг барчасига ўзига хос вазифаларни белгилаб берди. Улар ўсади, кўпаяди ва охир-оқибат ўлади ва буларнинг барчаси аниқ биологик жадвал бўйича содир бўлади.

Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган ҳужайралар одамга маълум бўлган энг майда заррачалар эмас. Улар молекулалар деб аталадиган жуда кўп майда тузилмалардан, молекулалар эса ўз навбатида атомлар деб аталадиган янада майда тузилмалардан ташкил топган. Атомларнинг ўзи эса майда заррачалардан ташкил топган.

Атомнинг ўлчамлари шунчалик кичикки, ушбу жумланинг охирида қўйилган нуқтада, миллиарддан ортиқ атом жойлашган. Атомнинг ўзи эса деярли бўшлиқдан иборат. Унинг асосини протонлар, нейтронлар ва электронлар

ташкил этади. Протонлар ва нейтронлар бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлиб, атомнинг марказида жойлашган микроскопик ва шу билан бирга жуда зич ядрони ташкил қилади. Электронлар деб аталувчи кичик қувват тўпламлари ядро атрофида ёруғлик тезлигида айланади. Бу микроскопик элементлар бутун жонли ва жонсиз материяни ҳосил қилади ва унинг парчаланишига йўл қўймайди.

Атом ўзи учун қувватни қаердан олади? Унинг барча таркибий қисмларини қандай куч ушлаб туради? Олимлар бунини атом қуввати деб аташади. Ушбу илмий атама уларнинг ўзлари тушунтира олмайдиган нарсаларни тавсифлайди. Худо У ҳамма нарсани Ўз куч-қудратининг сўзи билан ушлаб туришини айтади (Ибронийларга 1:3 га қаранг). Ва биз яна: “ҳамма нарса У билан турганини” ўқиймиз (Колосаликларга 1:17).

Энди буларнинг барчаси ҳақида бир лаҳза бўлса ҳам ўйлаб кўринг. Биз коинот сиғдира олмайдиган ажойиб Яратувчини кўраемиз. У уни Ўз қаричи билан ўлчаётган олади, шу билан бирга, У ерни ва ундаги барча жонзотларни шу қадар мукамал яратганки, ҳозирги замон илм-фани, мана неча йилдирки, унинг сирларининг энг кичик қисмини ҳам оча олмаяпти.

Шубҳасиз, Унинг ижодининг мўъжизалари ва донолиги ҳақида кўплаб китоблар ёзиш мумкин. Ушбу бобда мен бу мақсадни кўзламайман. Менинг вазифам ўқувчида, Унинг қўлларининг ижодига нисбатан ҳайрат ҳиссини уйғотишдан иборатдир, зеро бу Унинг буюк шон-шухратини тараннум этади!

## “СЕН КИМСАНКИ, МЕНИНГ НИЯТИМГА СЎЗ БИЛАН СОЯ СОЛАСАН?”

Бўрон ичра Раббийнинг Ўзи унинг олдида тушиб келганида, Худога кўп бемаъни гапларни айтган Аюб нималарни ҳис қилганини тушунишингиз, энди осонроқ бўлади:

“Сен кимсанки, менинг ниятимга сўз билан соя соласан?”  
Белингни эркакдек боғлагин: Мен сендан сўрайман, сен эса жавоб бергин.

Мен ерни ўрнатганимда, сен қаерда эдинг? Агар сен билсанг, унда Менга жавоб бер. Ким унинг чегараларини белгилаган? Албатта, сен биласан! Ким унинг устидан ўлчов ипини тортди? Ернинг пойдевори нима устида ором олади ва унинг тамал тошини ким қўйди...

Денгиз ўз қаъридан отилиб чиққанда, ким уни дарвозалар билан қамаб қўйди? Мен булутларни унинг кийими қилганимда ва уни туман йўргаклари билан ўраганимда; Мен унга чегаралар белгиланимда ва унга қулфли дарвозалар ўрнатганимда, Мен: “Шу ергача келасан, лекин нарига ўтмайсан, сенинг мағрур тўлқинларингнинг чегараси шу ерда” – дедим.

Бирор марта тонгга буйруқ бериб, шафақ ер юзини қамраб олиши ва ундан ёвузларни ирғитиб ташлаши учун унга ўз ўрнини кўрсатганмисан? Сен денгиз манбаларигача етиб борганмисан, тубсизликнинг қаъригача борганмисан? Сенга ўлим дарвозалари очилганми? Ўлим сояси дарвозаларини кўрганмисан? Ернинг кенглиklarини кўздан кечирганмисан? Агар буларнинг барини билсанг, Менга айт. Нур даргоҳига борадиган йўл қаерда? Зулматнинг турар жойи қаерда? Сен, аниқ, унинг чегараларига киргансан ва унинг уйига олиб борадиган йўлни биласан, шундайми?

Сен қорнинг омборларига кирганмисан, дўл хазиналарини кўрганмисан? Мен уларни машаққатли замонлар учун, уруш ва жанг кунлари учун асраб қўяман. Қайси йўлдан нур тарқалади ва шарқ шамоли ер юзига елдек учади?

Ким сел учун ўзан очди ва хилват ерни суғориш

учун, одамлар йўқ саҳрони, ёввойи даштни сув билан қондириш ва ердан майса ундириш учун момақалди роққа йўл очди?

Сен Ҳулкар юлдуз туркумининг туғунини боғлай оласанми ёки Орионнинг белбоғини еча оласанми? Сен юлдузлар туркумини ўз вақтида чиқара оласанми, Катта Айиқ туркумини унинг болалари билан етаклай оласанми? Сенга осмонлар низомлари маълумми? Сени сув мўл-кўл қоплаши учун булутларга овозингни кўтара оласанми? Чақмоқларга йўлга чиқишга буйруқ берсанг, улар сенга: “Мана мен” – дейдими? (Аюб 38:2-35, ЯРТ)

Худо Ўз сўзини тугатгач, ҳайратга тушган Аюб шундай хитоб қилди:

Мен Сен ҳақингда қулоғимга чалинганларини эшитган эдим, энди эса менинг кўзларим Сени кўрмоқда. Шунинг учун мен ўзимни рад этаман ва тупроқда ҳамда кулда тавба қиламан. (Аюб 42:5, 6)

Аюбнинг бошига барча синовлар ёғилишидан аввал Худо бутун ер юзида унга тенг келадигани йўқлигини айтган эди. Раббий бу инсон бенуқсон, одил, Худодан қўрқувчи ва ёвузликдан узоқлашади, деб эълон қилган. Аюб нафақат Худонинг каломини эшитди, балки уни оиласига ва дўстларига ҳам ўргатди. Шунга қарамай, у Раббийни кўргач, шафқат сўраб ёлворди, чунки муқаддас Худонинг ёнида ўзини ҳалокатга маҳкум бандадек ҳис қилди.

Ишаё содиқ ва художўй инсон эди, бироқ ваҳийда Раббимизни кўргач: “Менинг ҳолимга вой! Мен ҳалок бўлдим! Чунки мен оғзи нопок одамман...” – деб нидо қилди (Ишаё 6:5). Худонинг шуҳрати Унинг иноятига бўлган ички эҳтиёжимизни очиб беради, зеро бу иноятсиз биз

абადий маҳқуммиз. Унинг улуғворлиги бизнинг У ҳақдаги тасаввуримиздан анча юксакдир. У шунчалар улуғки, Унинг тахти олдида абადий турувчи фаришталар эҳтиромли титроқ ила: “Муқаддас, Муқаддас, Муқаддас!” – дея ҳайқиришдан тўхтамайдилар. Бу Исроил халқи олдига Ўз шўҳратида тоққа тушиб келган Зот айнан Ўшадир.

## ЯҚИНЛАШИБ БЎЛМАЙДИГАН НУР

Энди келинг, Худонинг шўҳрати нима эканлигини таҳлил қилиб кўрайлик.

Баъзи масиҳийлар уни қандайдир туман, булут ёки шунга ўхшаш ҳодиса дея таърифлаб: “Оҳ, бу йиғилишга Худонинг шўҳрати тушди”, – дейишади. Бироқ бундай иддао Унинг мақсадини чеклаб қўяди ва худди маъносиз сўзлар каби унга халақит беради (Аюб 38:2 га қаранг).

Биринчидан, Худонинг шўҳрати – қандайдир булут эмас. Сиз: “Унда нега Муқаддас Ёзувда Худонинг шўҳрати ҳақида сўз борган деярли ҳамма жойда булут тилга олинади?” – деб савол беришингиз мумкин. Худо булутда яшириниши зарур, чунки У шу қадар буюкки, ҳеч ким Унинг қаршисида тура олмайди. Агар У Ўз юзини очса эди, атрофидаги барча тирик жон бир зумда ҳалок бўларди. Мусо Унинг шўҳратини кўришни истаганида, Раббий қатъий жавоб берди: “... Менинг юзимни кўра олмайсан; чунки инсон Мени кўриб, тирик қололмайди” (Чиқиш 33:20).

Ўлимга маҳқум тана муқаддас Раббийнинг ҳузурда, Унинг шўҳратида тура олмайди. У еб ютадиган олов бўлиб, унда ҳеч қандай зулмат йўқ (Ибронийларга 12:29; 1-Юҳанно 1:5 га қаранг). Павлус Исо ҳақида шундай деб ёзган: “... Ягона муборак Парвардигор, подшоҳларнинг Подшоҳи ва эгаларнинг Эгаси... Ёлғиз У ўлмасликка эгадир, У яқинлашиб

бўлмайдиган нурда истиқомат қилади. Уни инсонлардан ҳеч ким кўрмаган ва кўра олмайди ҳам (1-Тимотийга 6:15, 16).

Ердаги ҳеч бир нур бу нурга тенг кела олмайди. Бир дўстим Алабама штатида чўпон бўлиб хизмат қилади. Бир неча йил олдин у бир жамоат биносининг қурилиш жойида бўлган ва ўша жойда у билан бахтсиз ҳодиса юз берди: тепадан қандайдир оғир конструкция қисми узилиб, тўғри унинг устига тушган ва бошини ёриб, бўйни ҳамда умуртқасини синдирган. Воқеа жойига етиб келган “тез ёрдам” шифокорлари унинг ўлимини қайд этиб, танасини чойшаб билан ёпиб қўйишган.

Бу воқеани бирга гольф ўйнаётганимизда, унинг ўзидан эшитдим ва ундан Исо билан учрашуви ҳақидаги кечинмаларини батафсилроқ айтиб беришини сўрадим. Унинг бутун ўйини бекор бўлди, чунки у ҳикоя қилишни бошлаши билан йиғлаб юборди ва ўйин охиригача ўзини тўхтата олмади. У қуйидагиларни сўзлаб берди:

Жон, узоқдан кучли нурни кўрдим ва унга тез яқинлаша бошладим. Унга яқинлашганим сари унинг шиддати кучайиб борарди. Нур шу қадар ёрқин ва оппоқ эдики, уни ердаги ҳеч бир нарса билан таққослай олмасдим. Мен Исога зўрға қарай олардим. Ёрқин нур туфайли Унинг юз қиёфасини кўра олмасам-да, бу У эканлигини билардим.

Мен фақат жуда ёрқин, деярли яқинлашиб бўлмас бир нурни кўра олардим. Унинг устида фақат Худонинг муқаддаслиги бор эди ва назаримда, бу ҳақда олов сўзлаётгандек эди. Вужудимнинг ҳар бир ҳужайраси Исо олдида яланғоч қолганини ҳис этдим. Унинг нури мени поклай бошлаганини ҳис қилдим. Покланиш содир бўлгани сари Унинг қиёфасини аниқроқ кўра бошладим. Аввал

Унинг кўзларини кўрдим. Унинг нигоҳи ўткир эди, у бир вақтнинг ўзида ҳам титроқ соларди, ҳам севгига тўла эди.

Шундан сўнг, Исо дўстимга унинг ердаги иши ҳали яқунланмаганини ва ортга қайтиши кераклигини кўрсатди. Ерда шифокорлар унинг ўлимини қайд этиб бўлишган, ўзи эса чойшаб остида ётарди. У танасига қайтиб, қимирлай бошлаганида, унинг атрофида бўлган одамларни қандай даҳшат қамраб олганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бугун у кучли ва ибодатда чуқур инсон ҳамда Худо билан ажойиб мулоқотда яшайди.

Павлус Исо яқинлашиб бўлмас нурда яшашини ҳамда Уни инсонлардан ҳеч ким кўрмаганини ва кўра олмаслигини ёзган. Сано куйчиси эса, Раббий нурга ридодек бурканганини эълон қилади (Санолар 103:2 га қаранг). Дўстим Раббимизни кўра олган, чунки ўша пайтда у ўз жисмоний танасида бўлмаган. Павлус Дамашқ йўлида, бу яқинлашиб бўлмас нурнинг қудратини бошдан кечирган. У бу ҳақда шоҳ Агриппага шундай деб ҳикоя қилган: “Подшоҳим, куннинг қоқ ярмида мен йўлда осмондан қуёш ёғдусидан ҳам ёрқинроқ нурни кўрдим. Бу нур мени ва мен билан кетаётганларни ёритди” (Ҳаворийлар 26:13).

Павлус Исонинг юзини кўрмади, у фақат Ундан таралаётган ва Яқин Шарқнинг кўзни қамаштирувчи тушки қуёшидан ҳам ёрқинроқ бўлган нурни кўрди. Мен 12 йил Флорида штатида яшадим, уни “Қуёшли штат” деб ҳам аташади. Қуёшга шунчалик ўрганиб қолганманки, менга қуёшдан сақловчи кўзойнак керак эмас. Бироқ Яқин Шарқдан ўтиб кетаётиб, у ерда бўлганимда, кўзойнаксиз юролмадим. Қуруқ, саҳро иқлими туфайли у ерларда қуёш анча ёрқинроқ чарақлайди. Эрталаб соат саккиз-тўққизларда қуёшга чидаса бўларди, лекин соат ўн бирдан

иккигача у ҳаддан ташқари ёрқин эди. Шунга қарамай, Павлус Исодан таралаётган нур бундан-да ёрқинроқ эканини айтган! Биз болаларга қуёшга қарамасликни ўргатамиз, чунки кўзимиз унинг нурига бардош беролмайди ва натижада, шикастланиши мумкин. Энди ўзингиз яшайдиган жойда туш пайтидаги қуёшга қарашга уринаётганингизни тасаввур қилинг. Булут тўсмагунча унга қараш деярли имконсиз. Худонинг шуҳрати эса қуёшнинг ёрқинлигидан кўп мартаба устундир.

Йоэл ва Ишаё охири кунларда Раббийнинг шуҳрати намоён бўлганида, қуёш у билан солиштирганда хиралашиб қолишини таъкидлашган.

Мана... Раббийнинг шиддатли куни келяпти. Самовий юлдузлар ва ёритқичлар ўз нурини бермайдилар. Қуёш ўзининг кўтарилишида хиралашади ва ой ўз нури билан порламайди. (Ишаё 13:9, 10)

Булутсиз тунда сайр қилганимизда осмонда нимани кўрамиз? Кўплаб юлдузларни. Лекин эрталаб қуёш чиққанда нима содир бўлади? Юлдузлар ғойиб бўлади! Нима, қуёш чиққанда юлдузлар қаергадир қочиб кетиб, қуёш ботгач яна қайтиб келадими? Йўқ. Юлдузларнинг ёрқинлиги – бу бир даража, қуёшнинг ёрқинлиги эса – бу бошқа, анча юқори даражадир. Қуёш чиққанда унинг ёғдуси барча юлдузларни тўсиб қўяди. Исо ерга қайтиб келганида, Унинг шуҳрати қуёш нурини тўсади ва гарчи қуёш нур сочишда давом этса-да, у умуман кўринмай қолади! Ҳаллелуях!

Раббийнинг шуҳрати ҳар қандай бошқа нурдан ёрқин. У мукамал ва ҳар нарсани ютиб юборувчи нурдир. Мана нима учун Унинг иккинчи марта келишида бутун ер юзи бўйлаб...

Раббийнинг қўрқувидан ва Унинг улўворлигининг шуҳратидан одамлар қояларнинг оралиқларига ва ернинг ёрларига кирадилар. (Ишаё 2:19)

## ХУДОНИ ХУДО ҚИЛАДИГАН НАРСАЛАР

Худонинг шуҳрати нима? Бу саволга жавоб бериш учун Мусонинг Худодан Ўз шуҳратини намоён қилишини сўраган илтимосига мурожаат қилайлик: “Илтижо қиламан – менга шуҳратингни кўрсатгин, – деди” (Чиқиш 33:18).

Иврит тилида шуҳрат *кавод* сўзи билан ифодаланади. Стронгнинг Муқаддас Китоб луғатида у “бирор нарсанинг вазни, аммо фақат мажозий ва ижобий маънода” деб таърифланган. Бу таъриф, шунингдек, *улўворлик*, *фаровонлик* ва *хурмат-эҳтиромни* ҳам ўз ичига олади. Мусо: “Менга Ўзингни бутун шуҳратингда кўрсатгин” – деб сўраган. Худонинг жавобини диққат билан ўқинг: “Раббий деди: – Мен сенга Ўзимнинг бутун шуҳратимни (инглизча таржимада “эзгулик”. – *Таржимон изоҳи*) кўрсатаман ва Менинг Раббий исмиمنى эълон қиламан” (Чиқиш 33:19, ЯРТ).

Мусо Худодан Ўзининг бутун шуҳратини намоён этишини сўраганидан сўнг, Раббий “Ўзининг бутун эзгулигини” намоён этишини айтди. Иврит тилида *эзгулик* “*тов*” сўзи билан ифодаланади. У “энг кенг маънодаги яхшилик, эзгулик” деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, биздан ҳеч нарса яширилмайди.

Худо яна: “...Менинг Раббий исмиمنى эълон қиламан” – деб қўшиб қўйди. Ердаги подшоҳ тахт залига киришидан олдин жарчи унинг исмини эълон қилади. Карнайлар чалинади, сўнг у бутун ҳашамати билан залга кириб келади. Подшоҳнинг улўворлиги намоён бўлади ва саройдагиларнинг барчаси

ҳукмдор ким эканини беҳато билади. Шунга қарамай, агар ўша монарх оддий кийим кийиб, ўз мулозимларисиз шаҳар кўчалари бўйлаб юрса, атрофдаги одамлар уни танитай, унга эътибор бермасдан ўтиб кетишлари мумкин. Аслини олганда, Раббий Мусо учун ҳудди шундай қилди. У: “Мен Ўз исмиمنى эълон қиламан ва Ўзимнинг бутун шуҳратимда сен билан ёнма-ён юраман” – деди.

Раббийнинг шуҳрати Исо Масих тимсолида намоён бўлади (2-Коринфликларга 4:6). Кўплар улар ваҳий кўрганини, уларга Исо намоён бўлганини ва улар Унинг юзини кўрганини таъкидлайдилар. Бўлиши мумкин. Лекин У бутун шуҳратида намоён бўлмаган. Павлус ёзган: “Ҳозир биз гўё хира ойна орқали тахминан кўряпмиз, ўша кунда эса юзма-юз кўраемиз” (1-Коринфликларга 13:12). У биздан гўё қоронғилаштирилган ойна билан яширинган, зеро одамлардан ҳеч бири Уни Ўзининг тўлиқ шуҳратини кўриб, шу билан бирга тирик қола олмайди.

Шогирдлар Исо тирилганидан кейин Унинг юзига қарашди, лекин У уларга Ўзининг бутун шуҳратида очилмади. Ҳатто Эски Аҳд даврида ҳам баъзи одамлар Худони кўрган, аммо У уларга Ўзининг бутун улўғворлигида намоён бўлмаган. Раббий Иброҳимга Мамре эманзоридида намоён бўлди, лекин бутун шуҳратида эмас (Ибтидо 18:1, 2 га қаранг). Ёқуб Худо билан курашди, лекин Худо унга бутун улўғворликда намоён бўлмади (Ибтидо 32:24-30).

Йешуа Нун ўғли Иерихонни қўлга олишдан олдин, Худованднинг юзига қараган (Йешуа Нун ўғли 5:13-15 га қаранг). Раббий унга жангчи қиёфасида кўринди. Йешуа аввалига қаршисида ким турганини тушунмади ва шунинг учун сўради: “Сен бизларданмисан ёки душманларимизданмисан?” Худо жавоб бериб, У Худованд қўшинининг сардори эканини ва

Йешуа муқаддас ерда тургани учун пойабзалини ечиши кераклигини айтди. Мен мисол қилиб келтирган подшоҳни эсланг, у “шуҳратда эмас” оддий одамдек кийиниб, шоҳлигининг шаҳар кўчалари бўйлаб юрибди. Одамлар уни танитай, ёнидан ўтиб кетишлари мумкин. Йешуа билан бўлган воқеа айнан шуни кўрсатади.

Худди шу нарса Раббий тирилганидан кейинги вақтга ҳам тааллуқлидир. Исо биринчи бўлиб гаплашган киши Магдаланинг Марям эди, лекин у билан боғбон гаплашяпти деб ўйлади (Юҳанно 20:15, 16 га қаранг). Ҳаворийлар Исо билан денгиз бўйида балиқ ейишди (Юҳанно 21:9-13 га қаранг). Икки шогирд Исо билан бирга Эммаусга боришди, “лекин уларнинг кўзлари тўсилган эди” (Луқо 24:16). Бу одамларнинг барчаси Унинг ҳузурига бардош бера оларди, чунки У Ўзининг бутун шуҳратини ошкор қилмади.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, худошунос Юҳанно, Раббийни руҳда кўрди ва У билан денгиз бўйида овқатланиш пайтидагидан фарқли равишда, бутунлай бошқача таассурот олди, чунки у Худони бутун шуҳратида кўрди. У Уни шундай таърифлаган:

Мен билан гаплашган овоз кимники эканини билиш учун ўгирилдим. Шунда ўгирилиб, етти олтин шамдонларни кўрдим. Етти шамдонларнинг ўртасида эса бўйи баравар узун ридо кийган ва кўксигача кўтарилган олтин камар боғлаган Инсон Ўғлига ўхшаш бир Кимсани кўрдим. Унинг боши ва сочлари оқ жундек оппоқ, қордек оппоқ эди. Унинг кўзлари эса алангали оловдек эди. Унинг оёқлари қиздирилган ярқироқ мисдек эди, Унинг овози эса кўплаб сувларнинг шовқинидек эди... Унинг юзи эса ўз кучида порлаётган қуёшдек эди. Мен Уни кўрганимда, Унинг оёқларига мурдадек йиқилдим...” (Ваҳий 1:12-17)

Унинг юзи ўз қудратида порлаётган қуёшга ўхшайди. Қандай қилиб Юҳанно Унга қараши мумкин? У руҳда бўлган.

*Раббийнинг шуҳрати* – бу Худони Худо қилади. Унинг хусусиятлари: ҳокимият, қудрат ва донолик – буларнинг барчаси Худонинг ўлчаб бўлмас улўворлигини ташкил этади. Ҳеч нарса яширин эмас ва ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича кўринади! Бу учинчи куни Синай тоғига тушган Зотдир.

Исроил тайёр эдими? Одамлар Унинг шуҳратига қандай жавоб беришди? Биз тайёр бўламизми? Унинг келадиган шуҳратига қандай жавоб берамиз?



## ТОҒ ТОМОН ЙЎЛ

---

*Биз Худони яқиндан таниб-билишимиз учун  
У бизни Ўз тоғига чақирмоқда. Бу тоққа олиб  
борадиган йўл – Раббийдан қўрқадиган юракдан  
туғилган муқаддасликдир.*

**И**сроилнинг кўпгина ўғиллари, эҳтимол, учинчи тонгга тўлиқ тайёрмиз деб ўйлашгандир. Бунгача улар Худо Ўз халқи учун буюк қутқарув мўъжизаларини яратганига бир неча бор гувоҳ бўлишган эди. Шундай бўлса-да, улар ҳали Унинг шуҳрати намоён бўлишини кўрмаган эдилар. Халқ ўз масъулиятини тўғри тушундими?

Бутун халқ момақалди роқ ва чақмоқни, бурғунинг товушини ва тутаётган тоғни кўрди. Халқ буларни кўриб ортга чекинди ва узоқроққа бориб турди. Халқ Мусога: – Бизга ўзинг гапиргин, биз эшитайлик. Лекин Худо бизга гапирмасин, токи ўлиб кетмайлик, – деди. (*Чиқиш 20:18, 19*)

Одамлар қўрқиб, ортга чекинишди. Улар жисмоний дунёда янраган Худонинг овозини эшитишни ҳам, Унинг шуҳратга тўла ҳузурида бўлишни ҳам хоҳлашмади. Исроил ўғиллари, шу пайтгача бошқа халқлар кўрмаган энг буюк мўъжизаларга гувоҳ бўлишди. Сиз бутун бир денгиз тугул, ҳеч бўлмаганда кўлни иккига ажрата оладиган воизларни биласизми? Қанча хизматчилар ибодат қилади-ю, шундан сўнг осмондан миллионлаб одамларни тўйдиришга етадиган нон ёғилади? Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар кун Исроилга ҳар бири 110 вагондан иборат иккита юк поездини тўлдиришга етарли миқдорда манна тушган!

## УНИНГ ШУҲРАТИДАН ЧЕКИНИШ

Ўша халқ ҳозирги замон жамоатидан унчалик фарқ қилмайди. Агар нажот ҳақида гапирадиган бўлсак, улар Мисрдан чиқишди, бу эса юқоридан туғилишнинг тимсоли. Озодлик ҳақида гапирадиган бўлсак, улар ўз золимларидан халос бўлишди. Худди шу нарсани Янги Аҳдда ҳам ўқиймиз: “У бизни зулмат ҳукмронлигидан халос этиб, Ўз севикли Ўғлининг Шоҳлигига олиб кирди” (Колосаликларга 1:13, ЯРТ). Худонинг мўъжизаларига келсак, улар буни етарлича бошдан кечиришди, ҳозирги жамоатдаги кўплаб масиҳийлар ҳам худди шундай ҳолатни бошдан кечирмоқдалар.

Муваффақият ҳақида нима дейиш мумкин? Худо ҳақ кишиларнинг оёғига, гуноҳкорларнинг бойлигини қўйди: “Раббий исроилликларни кумушу олтинлар билан олиб чиқди” (Санолар 104:37).

Шифоланиш бўлдими? Муқаддас Ёзувда шундай дейилган: “...уларнинг қабилаларида беморлар йўқ эди” (Санолар 104:37). Мусо Мисрни уч миллионта кучли,

соғлом одамлар билан тарк этди. Сиз бирорта ҳам бемори бўлмаган, барча шифохоналари бўш турган уч миллион аҳолига эга шаҳарни тасаввур қила оласизми? Исроилликлар тўрт юз йил қулликка учрадилар. Улар Фисиҳ қўзисини еганларида қандай мўъжизалар ва шифолар содир бўлганини бир тасаввур қилинг-а!

Бу одамлар Худодан келган шифолар билан нажотни ҳам, мўъжизаларни ҳам, озод этувчи қудратни ҳам бошдан кечиришди. Ҳар гал Раббий уларнинг манфаати учун Ўзининг мўъжизавий қудратини намоён қилганида, улар шодланишарди. Улар худди бугунги кунда жамоатда бўлаётгани каби, рақсга тушиб, Унга шон-шарафлар айтишарди (Чиқиш 15:1, 20 га қаранг). Қизиғи шундаки, Унинг мўъжизавий намоён бўлиши уларни ўзига жалб қиларди, чунки улар бундан манфаат кўришарди, бироқ Худонинг шуҳрати намоён бўлганда, улар қўрқиб, дарҳол ортга чекинишди.

Хўш, нима учун содир бўлган мўъжизалар муҳитидан ўзларини қулай ҳис этган ва завқланган бу одамлар, Худонинг шуҳрати намоён бўлган вақтда кучли ноқулайликни ҳис қилиб, ҳатто ортга чекинишди? Шунчаки улар мўъжизалар муҳитида ўз гуноҳларини яшира олар эдилар.

Кўпчилик одамлар Исога: “Ё, Раббий, ё, Раббий, биз Сенинг номинг билан башорат қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизаларни яратмадикми?” – дейдилар. Мен эса уларга эълон қиламан: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!” (Матто 7:22, 23). Оломон Худонинг мўъжизалари ва аломатлари билан таниш эди, ҳатто баъзилари уларни амалга ошира оларди, шунга

қарамай, улар ҳаётидаги гуноҳни яширишар эди. Аммо Унинг шуҳратли, муқаддас ҳузурда ҳеч қандай гуноҳни яшириб бўлмайдди, чунки Худонинг нури барча яширин нарсаларни фош этади.

Янги Аҳдда Исо бизга шундай дейди:

Сизларга, Менинг дўстларимга айтаманки, танани ўлдириб, кейин бошқа ҳеч нарса қилишга қодир бўлмаганлардан қўрқманглар. Аммо кимдан қўрқишингиз кераклигини сизларга айтайин: одамни ўлдиргандан кейин жаҳаннамга ташлашга қодир Бўлгандан қўрқинглар. Ҳа, сизларга айтаманки, Ундан қўрқинглар! (Луқо 12:4, 5)

Нима учун Исо бундай демоқда? Бундай сўзлар учун асос, аввалги икки оятда айтилган, бу оятларда Худо бизни Ундан қўрқишга ундайди: “Очилмай қоладиган ҳеч бир яширин нарса йўқ, билинмай қоладиган ҳеч бир сирли нарса йўқ. Шунинг учун сизлар қоронғиликда айтган ҳамма нарса ёруғликда эшитилади, берк уй ичида қулоққа шивирлаган нарса эса томлар узра эълон қилинади” (Луқо 12:2, 3).

Биз ғайритабиий мўъжизалар орасида яшашимиз ва шу билан бирга ичимизда гуноҳни яширишимиз мумкин, лекин гуноҳ Унинг шуҳрати нурида яширина олмайди! Худога итоатсизлик қилиб, Одам Ато ва Ҳавва Адан боғида Раббийнинг шуҳратидан яширинишди. Ваҳоланки, бир пайтлар улар кун салқинида Худо билан бирга юришарди (Ибтидо 2, 3). Исо шундай деб тушунтирди: “Чунки ёвузлик қиладиган ҳар бир киши Нурдан нафратланади ва Нур томонга бормайди, токи унинг ишлари фош бўлмасин, чунки унинг ишлари ёвузликдир” (Юҳанно 3:20).

Мусо ўз халқига панд-насиҳат берди: “Қўрқманглар! Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қилмасликларинг учун

Ундан қўрқиш сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун келди, – деди. Шундай қилиб, халқ узоқ масофада тураверди. Мусо эса Худо турган қуюқ зулматга кирди” (Чиқиш 20:20, 21).

Эҳтимол, сиз: *наҳотки, Мусо нурга эмас, зулматга кирган бўлса?!*” – деб ўйларсиз. Шунга тўғри керакки, Раббий шу қадар кўзни қамаштирувчики, У қуюқ, қора булут ичида яширинишга мажбур бўлди. Қолган халқ нурдан қочаётган бир пайтда, Мусо Худонинг нурига яқинлашди. Қонуннинг такрорланиши китобида Исроилнинг жавоби янада кучлироқ янграйди: “Мана, Раббий Худойимиз бизларга Ўз шўхратини ва буюклигини кўрсатди, биз Унинг овозини олов ичидан эшитдик” (Қонуннинг такрорланиши 5:24). Агар булут бунчалик қуюқ ва қоронғи бўлмаганида, нима бўлишини тасаввур қила оласизми? Унинг юзи шу қадар титроқ солардики, У қоронғи булут ичида булганлигига қарамай, улар Уни ямлаб ютүвчи оловга қиёсладилар!

Мусо дарҳол халққа далда берди: “Қўрқманглар!” У халқ Худонинг ҳузурига, яъни ҳаётнинг ҳақиқий манбаи оқиб чиқадиган жойга киришини кучли истарди. Мусо Худо уларни синаш учун зоҳир бўлганини уларга билдирди. Нима учун У бизни синайди? Эҳтимол, У юрагимизнинг ичида нима яширинганини кўришни истаётгандир? Йўқ, У бунга аллақачон билади. У юрагимизда нима яширинганини, ўзимиз билиб олишимиз учун синайди. Исроил ўғиллари Раббидан қўрқадиларми ёки йўқми, ўзлари шунга тушуниб етишлари керак эди. Агар уларда Худодан қўрқиш бўлганида эди, улар бошқа гуноҳ қилмаган бўлар эдилар. Гуноҳ биз Худодан узоқлашганимизда пайдо бўлади.

Мусо: “Қўрқманглар” – деди, сўнгра Худо “Раббидан

қўрқиш уларнинг қаршисида бўлиши учун” келганини таъкидлади. У Худонинг ҳузурида бўлишдан қўрқиш билан, Раббидан қўрқиш ўртасида аниқ бир чегара ўрнатди. Мусо Худодан қўрқарди, одамлар эса ўзларини севишарди.

Худодан қўрқиш – бу Уни дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ севиш демакдир! Бу – ҳатто шароитлар муросага келиш ёки Унинг Каломига бўйсунмаслик манфаатлироқ эканини кўрсатиб турганида ҳам, Унга итоат этишга тайёр бўлиш демакдир. Ўзини севган одам Худодан қўрқишга эга бўлмайди, шунинг учун ҳақиқат шундаки, агар биз Худодан қўрқмасак, У Ўз шуҳратини намоён этганида, биз қўрқиб, Ундан қочиб кетамиз. Ёдда тутинг, ўша одамлар Унинг шуҳратининг ҳузуридан қочиб кетишди, Мусо эса, аксинча, Унга яқинлашди.

Қонуннинг такрорланиши китоби Чиқишдан кўп йиллар ўтиб ёзилган бўлиб, ваъда қилинган ерга киришга тайёрланаётган янги авлодга қаратилган эди. Шу сабабли, бизга маълум бўлган ўтмиш воқеалари бу китобда бироз бошқача ёритилган. Мусо одамларга Худонинг шуҳрати қоронғи булутда намоён бўлганида нима содир бўлганини эслатди. Ўшанда улар Мусога юзланиб: “Сен бориб, Раббий Худойимиз айтадиган гапларнинг барчасига қулоқ сол ва Раббий Худойимиз сенга айтадиган ҳамма гапларни бизларга айтиб бер, бизлар эса қулоқ соламиз ва бажарамиз”, – деб нидо қилдилар (Қонуннинг такрорланиши 5:27).

Исроилликлар Мусо уларнинг ўрнига Раббийни тинглашини хоҳладилар ва ўзлари Мусога қулоқ солиб, Худо истаган ҳамма нарсани бажаришга ваъда бердилар. Агар уларнинг ичида гуноҳ ва зулмат яширинмаганида эди, У билан бевосита мулоқот қила олган бўлар эдилар. Яхши ниятлар ҳар доим ҳам тўғри натижаларга олиб

келавермайди. Исроил ўғиллари бир ярим минг йил давомида шундай қилишга уриндилар, аммо бу уларни Худонинг йўлларида юришга ўргатмади.

Қанчадан-қанча масиҳийлар уларга ўхшайди? Биз Раббийнинг сўзини бошқалардан қабул қилиб, ўзимиз эса Худонинг тоғидан узоқлашамизми? Юрагимизнинг барча сирларини фош қиладиган Унинг овозини эшитишдан қўрқамизми? Агар биз жуда яқин борсак, сир сақлашни истаган айрим нарсаларимиз ошкор бўлиб қолишидан қўрқамизми? Агар бирор нарса сир бўлиб қолса, бизда унга қарши туриш зарурати юзага келмайди. Биз ўзимизга ёқимли бўлган нарсага қарши курашишни истамаймиз.

## УЛАРНИНГ ЭНГ ҚОРА КУНИ

Исроилнинг жавобидан Мусонинг ҳафсаласи пир бўлди. У нима учун халқда Худо ҳузурига нисбатан ташналик йўқлигини тушуна олмасди. Қандай қилиб, улар шунчалик нодон бўлишлари мумкин? Қандай қилиб, улар шунчалик кўр бўлишлари мумкин? Нима учун тирик Худо билан юзма-юз учрашишдан ҳамма бош тортди?

Мусо вазиятни ўнглаш умидида, ўзининг бор ташвишларини Раббийнинг оёғи остига қўйди. Аммо у шундай қилганида, у билан Худо ўртасида нима содир бўлганига қаранг: “Сизлар менга гапираётган сўзларингизнинг овозини Раббий эшитди ва Раббий менга деди: “Мен бу халқнинг сенга айтган сўзларининг овозини эшитдим. Уларнинг барча айтган гаплари яхши” (Қонуннинг такрорланиши 5:28).

Мусо Худонинг жавобидан жуда ҳайратланган бўлса керак. У: *“Нима, улар ҳақми? Ҳеч бўлмаса бир марта, лекин ҳақиқатан ҳам улар ҳақ!”* – деб ўйлаган бўлиши мумкин. Эҳтимол, у юрагида Худога нола қилгандир: *“Нима учун*

улар Сенинг ҳузурингга кира олмайдилар, ахир, Ўзинг бунини жуда хоҳлаган эдинг-ку?” Раббий унга сўзини тугатишига йўл қўймай, жавоб берди ва Унинг сўзларида қайғу сезилиб турарди: “Эҳ, қани эди, уларнинг юраклари шундай бўлсаки, улар Мендан қўрқсалар ва ҳаётларининг барча кунларида Менинг барча амрларимга риоя қилсалар, токи уларга ва уларнинг ўғилларига абадий яхши бўлсин!” (Қонуннинг такрорланиши 5:29).

Раббий халқ Унинг муқаддас тоғига келиб, Уни кўришларини истарди. У Ўзини уларга ошкор этмоқчи эди, бироқ халққа, Унинг ҳузурига бардош беришга имкон берадиган нарса – муқаддас қўрқув етишмасди. Давомида Унинг Мусога айтган сўзларидаги қайғуни янада чуқурроқ ҳис қиламиз: “Бориб уларга: “Чодирларингизга қайтиб боринглар”, – деб айтгин” (Қонуннинг такрорланиши 5:30).

Қандай чуқур ҳафсала пирлик! Бу уларнинг энг қора куни эди. Кўпчилик Исроил ўғилларининг энг қора куни, нолиш уларни ваъда қилинган ерга киришига тўсқинлик қилган пайт ёки улар олтин буқани ясаган пайт келган деб ўйлайди. Йўқ, дўстларим, уларнинг энг қора куни айнан ўша ерда, тоғда содир бўлганди. Агар улар ўша куни юракларини поклаганларида эди, Унинг шуҳратли ҳузурингга кира олган бўлардилар. Ўшанда олтин буқа ҳам, қароргоҳда ваъда қилинган ерга олиб борадиган йўлни тўсган нолишлар ҳам бўлмасди.

Бугунги кунда ҳам бу ўта долзар масала. Инсон ҳаётидаги энг қора кун у маъшўқаси билан бир тўшақда ётганида ёки бошлиғининг пулини ўғирлаганида келмайди. Бу у Худодан дунёвий истакларни қолдириш ва У билан мулоқот қилиш учун шоҳ саройига кириш таклифини қабул қилишдан бош тортганида содир бўлади. Агар инсон Худонинг таклифни қабул қилса, юқорида айтилган қора кунлар унинг ҳаётига ҳеч қачон келмайди.

Йигитнинг ҳалокатли куни у маст бўлганида, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганида ёки ўғирлик учун ҳибсга олинганида келмайди. Бу кун ёш йигит ўз тенгдошлари ортидан эргашиб, Шоҳнинг ҳузурига келиш таклифини менсимаганида келади. Ташқаридан ҳамма нарса унчалик ғамгин кўринмайди, бироқ Худонинг чақируви осонгина эътиборсиз қолдирилса, осмон қайғуга ботади.

Худо Исроил ўғилларига чодирларга қайтишни буюрди, аммо Ундан қўрққан одамга: “Сен эса Мен билан шу ерда қолгин ва Мен сенга.. барча амрларни... айтаман” деди (Қонуннинг такрорланиши 5:31).

Мусо, ичида яшаган Худонинг қурқуви туфайли Худонинг қаришисида туриб, Унинг сўзларини эшита олди. Қолганлар Худонинг қўрқувида ўзларини Мисрнинг ифлослигидан тозалаганларида эди, Мусо билан бирга бўлишлари мумкин эди. Кейинчалик Мусо уларга: “Раббий сизлар билан тоғда олов ичидан юзма-юз гаплашди. Ўшанда мен Раббий билан сизларнинг ораларингизда Раббийнинг сўзларини сизларга етказиш учун турдим. Зеро сизлар оловдан қўрқдингизлар ва тоққа чиқмадингизлар” – деди (Қонуннинг такрорланиши 5:4, 5).

Исроил ўғиллари Раббийнинг шўҳрати нурида, ўз юракларини очиш ҳолатида эмасмиз деб ўйлашди, шу сабабли ўзларини хавфсиз ҳис қилган жойга чекинишга мажбур бўлишди. Агар улар ўз юракларини очганларида эди, Худонинг нури уларни ошкор бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай нопокликдан озод қилган бўларди, аммо уларга ўзлари турган ҳолатда қолиш ёқарди ва ўзгаришлар улар учун керак эмас эди.

Келинг, бироз ортга қайтиб, содир бўлаётган барча воқеаларни Худонинг нуқтаи назаридан тасаввур қилиб кўрайлик. Раббий Ўз халқини қулликдан олиб чиқиш учун улкан ишларни амалга оширди ва бунга аломатлар ҳамда

ҳайратланарли мўъжизалар ҳамроҳлик қилди. Муқаддас Ёзувлар Худо Ўзининг кучли қўлини чўзгани ҳақида гувоҳлик беради. У Ўзининг якуний мақсади — халқни Ўз ҳузурига олиб келиш учун уларни астойдил етаклади ва тайёрлади. Худо бутун Исроил ўғилларига, улар Унинг руҳонийлари бўлишини ва Худо уларнинг орасида бўлишини, уларнинг Худоси бўлишини ва улар Унинг халқи бўлишини айтди. Раббий улар учун севги изҳорини тайёрлаб қўйган эди! Худо уларни Ўзининг олдига олиб келганида эса, ҳамма қочиб кетди!

Худо қачон Ота бўлди? Бу Исо туғилганида содир бўлдимиди? Йўқ! Унда доим Ота юраги уриб турган. Раббий инсонларга очилиш учун ғамхўрлик билан уларни Ўзининг олдига олиб келганида ва улар қочиб кетганида, Унинг юраги нимани ҳис қилганини тасаввур қила оласизми? Улар Худонинг юрагини парчаладилар.

## ШУҲРАТНИНГ ШУЪЛАЛАРИ

Энди, Қонуннинг такрорланиши китобидан халқнинг нима учун тоғдан узоқлашгани тушунарли бўлгандан сўнг, келинг, Худо тоққа тушган ўша жойга қайтайлик. Халқ Раббидан узоқлашишга қарор қилганида, У руҳонийликни жорий қилди. Худо уларнинг орасидан, бутун халқ номидан Ўзининг улўғвор ҳузурига кирадиган одамни танлаши керак эди. У Ҳорунни танлади: “Раббий унга деди: “Бор, пастга туш! Ўзинг билан бирга Ҳорунни олиб кел” (Чиқиш 19:24). Бироқ Ҳорун Худонинг ҳузурига киришга журъат этолмади ва ҳамма билан бирга орқага чекинди (Чиқиш 20:21 га қаранг).

Худо Мусога яна гапирди: “Сен, Ҳорун, Надаб билан Абиҳу ва Исроилнинг етмиш нафар оқсоқоли Раббийнинг ҳузурига чиқинглар ва узоқдан сажда қилинглар. Ёлғиз Мусо Раббийга яқин келсин, улар эса яқин келмасинлар; халқ ҳам

у билан бирга чиқмасин” (Чиқиш 24:1, 2).

Худо Ҳорунни, унинг ўғилларини ва Исроил оқсоқолларини танлади, улар орасида Йешуа ҳам бор эди. Раббий Ҳорунни тоғнинг энг чўққисига таклиф қилмади, у фақат қароргоҳдан баландроқдаги қияликкача чиқиши керак эди. Унда Худодан қўрқиш бўлмагани тўғайли, у бир маротаба Раббийнинг ҳузуридан қочиб кетган эди, энди эса Унга фақат узоқдан сажда қила олар эди. Бугунги кунда кўпчилик Худога масофадан туриб сажда қилади, чунки бу хавфсиз. Улар Парвардигорга сажда қилишга бўлган ички эҳтиёжларини қондириш билан бирга, юракларининг покланишидан ўзларини олиб қочадилар.

Халқ Исроил Худосининг қиёфасини тоғ ёнбағрида сажда қилаётганларнинг кўзи билан кўрди: “Унинг оёқлари остида кўкиш ёқутдан ясалган, само каби тиниқ бўлган бир нарса бор эди” (Чиқиш 24:10). Менинг фикримча, Мэтью Генрининг шарҳида ўша ерда содир бўлган воқеанинг аниқ тавсифи берилган:

Улар Исроил Худосини кўрдилар (10-оят), аслида, улар нур ва оловдаги Унинг шуҳратининг шуъласигагина гувоҳ бўлдилар, яъни улар Раббийни эмас, балки У турган жойни кўрдилар (Септуагинтада шундай деб ёзилган). Бу Худога яқин бўлган нарса эди, аммо Худонинг Ўзи эмас эди. Улар кўрган нарсадан, ҳатто тўғал бир тасвир яшаш ёки сурат чизишининг иложи йўқ эди, шунга қарамай, улар Раббийнинг ҳақиқатан ҳам улар билан бирга эканидан мамнун эдилар.

Одамлар фақат шуълани кўрдилар, Унинг шуҳратли ҳузурига кириш эса энди улар учун ёпиқ эди. Раббий билан яқин муносабатларнинг калити, Мўсода бўлган Худодан қўрқиш эди. Худо уни Ўз ҳузурига чорлади: “Тоққа Менинг

олдимга чиқиб, шу ерда тур” (Чиқиш 24:12).

Худонинг Мусога айтган гаплари менга жуда ёқади! Тоғ – бу Раббий Ўзининг яширин фикрларини очадиган ва Ўз йўлларини кўрсатадиган махфий жойдир. Айнан ўша ерда Унинг хазиналарини топиш мумкин. Ишаё бизга шундай хабар беради:

Раббий юксақдир, зеро У юқорида яшайди. У Сионни адолат ва ҳақлик билан тўлдирди. Сенинг нажот, донолик ва билимга бой бехатар давринг келади. Раббидан қўрқиш сенинг хазинанг бўлади. (Ишаё 33:5, 6)

Раббидан қўрқиш Худони таниб-билиш хазинасини очадиган калит кабидир. Бошқа бир оятда эса: “У Мусога Ўз йўлларини, Исроил ўғилларига Ўз ишларини кўрсатди” – деб ўқиймиз (Санолар 102:7). Мусо Худонинг йўлларини билар эди, у уларни тоғда очди. Қолганлар Худони фақат У уларнинг ҳаётида қилган мўъжизалар орқалигина билишлари мумкин эди. Бугунги кунда қанчадан-қанча имонлилар Раббийни, У уларнинг ҳаётларида яратадиган мўъжизалари орқали биладилар! Улар жисмоний шифо, турли эҳтиёжларининг қондирилиши ва молиявий ютуқлар, шунингдек, бошқа муаммоларига ечим олишлари мумкин. Айни пайтда, улар Худонинг йўлларини таниб-билиш учун ҳали ҳам тоққа чиқмаганлар, чунки уларнинг истаклари биринчи навбатда дунёвий нарсаларга қаратилган. Уларда Раббидан қўрқиш йўқ.

Худо бизни У билан яқин мулоқот қилиш учун тоққа кўтарилишга чорлайди. Бу тоққа олиб борадиган йўл — Худодан қўрқадиган юракдан туғилган муқаддасликдир. У бизга аниқ айтади: “Раббийнинг сири – Ундан қўрқадиганларгадир, У уларга Ўз аҳдини англатади” (Санолар 24:14).

## ИТОАТКОР ХУДО

---

*Агар тоққа борсангиз, ўзгарасиз. Агар Ҳорундек,  
тоғ этагида қолсангиз, Худо ҳақидаги  
тасаввурингиз ўзгаради.*

**Х**удо бу дунёдан озод қилган халқ, Унинг ҳузуридан ташқарида ўзига тўқ ҳаётда яшай бошласа, нима содир бўлади? Ушбу бобда бу қандай фожиали оқибатларга олиб келишини кўриб чиқамиз.

### ЁНЛАРИНГИЗГА ҚАЙТИБ КЕЛГУНИМИЗЧА, ШУ ЕРДА ТУРИНГ

Худо халқни тоғ этагидаги чодирларига қайтариб юборди. Мусо, Ҳорун ва яна етмишта оқсоқол узоқдан Худого сажда қилиш учун маълум бир баландликка кўтарилдилар. Орадан бир мунча вақт ўтиб, улар сажда қилаётганларида, У фақат Мусога мурожаат қилиб, чўққига – Ўз ҳузурига чиқишни амр этди. Мусо у билан бирга қияликдан бир оз юқорига

чиқиши учун Йешуани ажратиб олди, Ҳорун ва қолганларга эса: “Ёнларингизга қайтиб келгунимизча, шу ерда... тулинг” – деган қисқа буйруқ берди (Чиқиш 24:14). Сўнг Мусо чўққига, қуюқ булутлар ичига кўтарилди ва у ерда қирқ кеча-ю қирқ кундуз қолди. Бу вақт мобайнида Йешуа оқсоқоллар билан Мусо турган чўққи ўртасидаги бир жойда эди. Қолган халқ эса пастда, тоғ этагидаги қароргоҳда эди.

Авалроқ кўрганимиздек, бошида Ҳорун Мусо билан бирга чўққига чиқишга даъват этилган эди. Хўш, нега Мусо у ерга бормади? Шунчаки у Худонинг ҳузуридан кўра одамлар орасида ўзини қулайроқ ҳис қилди. Мен буни қаердан биламан? Бунга у Раббийнинг шўхратидан бир неча бор қочгани далолат беради. Кейин Мусо қирқ кун давомида чўққида бўлганида, Ҳорун қароргоҳга қайтиб келгани ҳақида айтилади. Бошқа оқсоқоллар ҳам унинг ортидан эргашган!

Бу қароргоҳ менга ниманидир эслатади. Уни Мисрдан (дунёдан) озод қилинган ва Раббий тоғининг этагида турган, бироқ Унинг ҳузуридан жуда узоқда бўлган ва юраги Ундан яширинган жамоатга қиёслаш мумкин. “Эслатади” дейишимга сабаб, буларнинг барчаси, узоқ Миср қўллиги даврида эмас, ҳозир бизнинг орамизда, жамоатда хизмат ва У билан ҳамкорлик қилишнинг барча шакллари мавжудлигида содир бўлиб, аслида биз Унинг юрагидан йироқ эканимиз маълум бўлмоқда. Ҳорун ортга талпинарди. Бугун орамиздан қанчамиз айнан шундай йўл тутмоқда?

## ХУДОНИНГ ТАСВИРИНИ АЛМАШТИРИШ

Ҳорун мисолида Худонинг қудрати билан дунёвий асирликдан озод бўлган киши Унинг ҳузурида бўлишдан бош тортса, нима содир бўлишини кўраемиз. Келинг, бу фожиали воқеалар қандай ривожланганини кўриб чиқайлик.

Халқ Мусонинг тоғдан узоқ вақтдан буйн тушмаётганини кўргач, Ҳоруннинг ёнига йиғилиб, унга: Тургин, бизларга олдимиздан борадиган худо ясаб бергин. Зеро бизни Мисрдан олиб чиққан бу одамга, Мусога нима бўлганини билмаймиз, – дейишди. (Чиқиш 32:1)

Мана Мусо тоғда бўлганига анча кун бўлган эди. Тоғ этагида ҳеч нарса содир бўлмади, халқ эса Худо Ўз фаоллигини кўрсатмаганида, барча диндор одамлар қиладиган ишни қила бошлади: улар йиғинга тўпландилар. Гарчи бундай йиғинлар доимо Раббий номи билан ўтказилса-да, улар Худонинг юрагига маъқул келмайдиган ҳосиллар келтиради ва биз буни китобнинг давомида кўрамиз.

Халқ, аввалига Мусо билан чўққига чиқиш учун танланган, аммо буни бажармаган одам – Ҳоруннинг атрофида тўпланди. Кейин тоққа маълум бир баландликка кўтарилиб, ўша ерда Мусони кутиши ҳақида буйруқ олди, бироқ у буни ҳам бажармади. Хўш, нима учун халқ унга талпинарди? Шунчаки у халқ истаган нарсани уларга бера оларди.

Ҳорунда етакчилик инъоми бор эди. Етакчилик эса Худодан (Римликларга 12:8 га қаранг). Бундай инъомга эга инсонга баъзи хислатлар хос бўлиб, улардан бири бошқаларни магнит каби ўзига тортиш қобилиятидир. Сиз тоғда бўлганмисиз ёки йўқми, бундан қатъий назар, одамлар сизга талпинаверади! Бу Худонинг ҳузури намоён бўлмаган ҳолда ҳам, инсон беш минг кишилиқ жамоат ярата олишини изоҳлайди. Бундай одам Худонинг инъомларидан, Худонинг эмас, балки инсоний хоҳишларни бажариш учун фойдаланади. У Раббийнинг иродасини эшитиш учун чўққига ҳеч қачон чиқмаган, бироқ ўз инъоми туфайли кўплаб издошлар орттирган. Бу ҳушёр торттирадиган фикр, шундай эмасми?

Халқ Ҳорундан талаб қилди: “Ўрнингдан туриб, биздан олдинда юрадиган бир худо ясаб бер. Чунки бизни Миср юртидан олиб чиққан бу одамга – Мусога нима бўлганини билмаймиз”. Улар: “Худога келадиган бўлсак, Худога нима бўлганини билмаймиз” – дейишмади. Улар Мусони обрўсизлантириб, четлаштирмоқчи эдилар.

Уларнинг сўзлари асл матнда қандай жаранглашини кўриб, таржимонлар уларнинг маъносини етказишда бироз асабийлашиб, *худолар* (кичик ҳарф билан) сўзини ишлатишган, деб ўйладим. Қадимги иврит тилида “*худолар*” сўзимиз “*элоҳим*” деб берилган. Эски Аҳдда бу сўз тахминан 2250 мартаба қўлланилади. Тахминан 2000 та ҳолатда у биз хизмат қиладиган Қудратли Худога нисбатан ишлатилган. Ибтидо китобининг биринчи бобида бу сўз 32 марта учрайди. Келинг, биринчи оятни олайлик: “Бошида Худо (*элоҳим*) осмон ва ерни яратди” (1:1). Бу ерда “*элоҳим*” сўзи Худо деб таржима қилинган. Ушбу бобнинг қолган барча жойларида, бизнинг таржимамизда “Худо” сўзи турган жойда асл нусхада ҳам “*элоҳим*” сўзи қўлланилган.

Эски Аҳддаги тахминан 250 та ҳолатда “*элоҳим*” сўзи сохта худоларни билдириш учун ишлатилади. Шундай қилиб, бу сўзнинг маъносини тўғри тушунишимиз учун уни матн мазмунидан келиб чиқиб ўқишимиз керак.

Ҳорун сўраганларга жавоб берди: “Хотинларингнинг, ўғилларингнинг, қизларингнинг қулоқларидаги олтин сирғаларни ечиб олиб, менга келтиринглар” (Чиқиш 32:2). Бутун халқ қулоқларидаги олтин сирғаларни ечиб, Ҳорунга келтирди. “У олтин сирғаларни уларнинг қўлларида олиб, қўйма буқа ясади ва унга ўйиб шакл берди...” (Чиқиш 32:4). Бу оятда “*ўйиб шакл берди*” сўзи учун асл матнда *яцар* сўзи қўлланган бўлиб, бу “қолипга қўйиш” деган маънони

англатади (Стронг луғати).

У олтин буқани қуйиб бўлгач, одамлар йиғилиб: “Эй, Исроил! Мана сени Миср еридан олиб чиққан худойинг!” – деб ҳайқирдилар (Чиқиш 32:4). Бу ерда ҳам “худо” сўзи ўрнида ибронийча *элоҳим* сўзи ишлатилган. Эҳтимол, нима бўлаётганини тушуна бошлаётгандирсиз.

“Ҳорун буни кўргач, олтин буқанинг олдида қурбонгоҳ қурди. Кейин: “Эртага Раббийга бағишланган байрам бўлади”, – деб эълон қилди” (Чиқиш 32:5). Бу оятда *Раббий* сўзини ифодалаш учун бошқа бир сўз — *Йеҳоваҳ* ёки *Яҳвеҳ* қўлланган. Эски Аҳддаги энг муқаддас сўз бўлган Яҳвеҳ — ягона ҳақ Худонинг шахсий исмидир. У ҳеч қачон сохта худоларни номлаш учун ишлатилмаган ва у шу қадар муқаддас бўлганки, иброний котиблар уни ҳеч қачон тўлиқ ёзмай, ундаги барча ўнли товушларни олиб ташлашган. Лотин алифбосида бу УНВН кўринишида ёзилади. Уни муқаддас тетраграммат — талаффуз қилиб бўлмайдиган тўрт ҳарф деб ҳам аташади. Бу исмни шунчаки тилга олиб бўлмасди, Исроил ҳаётида бу исм муқаддас сақланар ва ҳар қандай ҳақоратдан ҳимоя қилинарди.

Моҳиятан, Ҳорун ва Исроил ўғиллари олтин буқани қуйгач, уни кўрсатиб: “Бизни Миср еридан олиб чиққан ягона ҳақ Худо – Яҳвеҳ мана шу!” – деб эълон қилишди. Улар: “Бу бизни Мисрдан олиб чиққан Баал”, – дейишмади. Улар ўз озодликларини бошқа бирор сохта худога боғлашмади. Улар бу буқани Раббийнинг номи билан атаб, Унинг шон-шухратини олтин бут даражасига туширишди. Яҳвеҳ уларни қутқариб, Миср асирлигидан озод этганини тан олишди, Унинг шифоловчи қудратини инкор этишмади, бироқ Унинг шухратини пасайтиришди!

## БУ БУҶА ЎЗИ ЧИҶИБ КЕЛДИ!

Бу вақтда Мусо тоғда бўлиб, пастдагилар нима билан машғул эканидан беҳабар эди. Худо унга: “...Ҳозироқ тушгин! Зеро сен Миср еридан олиб чиққан сенинг халқинг бузилди”, – деб буюрди (Чиқиш 32:7). Худо улардан қаттиқ ғазабланди. У уларни “Менинг халқим” эмас, балки “сенинг халқинг” деб атади.

Худо уларнинг “бузилганини” айтди. Бу сўзнинг синоними сифатида бошқа бир феълни — “чириди” сўзини келтириш мумкин. Биз Раббийнинг тоғи этагида жамоат “ўйини”ни ўйнай бошласак, чирий бошлаймиз, зеро Унинг юрагидан узоқлашган ҳамма нарса бузилишга маҳқумдир.

Кейинроқ Худо Исроил ҳақида шундай дейди:

Чунки Менинг халқим иккита ёвузлик қилди: Улар Мени, тирик сув манбаини тарк этиб, ўзларига сувни тутиб тура олмайдиган синиқ ҳовузлар ўйдилар. (Йермияҳ 2:13)

Худо ҳаёт манбаидир. Ўтмишда Худо берган нарсаларни ушлаб қолиб, айна пайтда Унинг юрагидан узоқда бўлган ҳолда, жамоат ўйинини ўйнашга ҳаракат қилсак, биз тубанлашиб кетамиз. Шунинг учун ҳам Исо: “...Агар ким Менинг ортимдан юришни хоҳласа, ўзидан воз кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин”, – деб таъкидлайди (Луқо 9:23). Биз ҳар куни Унинг тоғига чиқишимиз керак!

Мусо пастга тушиб, қароргоҳга кирди. У ерда олтин буқани кўриб, ҳаққоний ғазабда ёниб кетди. У Ҳорундан: “Бу халқ сенга нима қилдики, сен уларни оғир гуноҳга ботирдинг?” – деб сўради.

Ҳорун ўзини оқлай бошлади: “... – Ҳазратимнинг ғазаби

ёнмасин. Сен бу халқнинг ёмонликка мойиллигини биласан. Улар менга: “Бизга олдимиздан борадиган худо (элоҳим) ясаб бергин, зеро бизни Миср еридан олиб чиққан бу одамга, Мусога нима бўлганини билмаймиз”, – дейишди. Мен эса уларга: “Кимнинг олтини бўлса, ечинглар”, – дедим. Уларни менга келтириб бердилар, мен уни оловга ташладим ва мана шу буқа чиқиб келди” (Чиқиш 32:21-24).

“Шу буқа чиқиб келди”. Унинг сўзларига ишонасизми? Ахир, аввалроқ унга ўзининг исканаси билан ўйиб шакл берганини ўқиган эдик-ку! Энди эса у ёлғон гапирди. Худо ғазабланмаётганида ёлғон гапириш бир нарса-ю, У қаттиқ ғазабда бўлганида ёлғон гапириш бутунлай бошқа нарса.

Мен бу оятни тушуниш учун ибодат қилдим: “Раббий, мени бу одамнинг қонига ташна ёки шунга ўхшаш фикрда деб ўйламагин, мен шунчаки тушунмаяпман. Қандай қилиб у шундай очик-ойдин, сурбетларча айтилган ёлғон билан қутулиб қолди, нега ер ёрилиб, уни ютиб юбормади? Демак, Сен бу ёлғонни эътиборсиз қолдирибсан-да?”

Раббийнинг жавоби ҳаётимга ажойиб тарзда таъсир қилди ва менда бу китобни ёзиш истагини уйғотди. Худо менга бугунги кундаги жамоатда нималар содир бўлаётганига доир мутлақо янги бир тушунчани очиб берди. Унинг сўзлари шундай эди: “Жон, Ҳорун чўққида бўлмади. У Мусо каби Менга яқин бўлмаган. Шу сабабли, унинг Мен ҳақимдаги шахсий тасаввури ўзи ўсган жамият таъсирида шаклланган эди. Ундан айнан шу нарса чиқди”.

Бунга қадар Ҳорун бутун умрини (у 80 ёшлар атрофида эди) Мисрда ўтказган. У ўша ерда улғайган, ота-онаси ҳам ўша ерда туғилиб, вафот этган. Уни сиғиниш объектларига тўла Миср маданияти қуршаб турарди. Ҳорун Мусо сингари тоққа чиқмагани, Худо билан мулоқот қилмагани ва Унинг

ҳузурида бўлмагани учун, унинг Яхвеҳ тасвири ҳақидаги тасаввури ўзи ўсган жамият таъсирида шаклланган эди. Ҳорун Раббийга узоқдан қаради ва Унинг товонларини кўрди. Лекин у Мусодек, бирор марта ҳам Унинг ҳузурига кирмаган эди.

Исо Шоҳликни кўриш ва Шоҳликка кириш имконияти ҳақида гапирди (Юҳанно 3:3, 5). Шоҳликни кўриш учун юқоридан туғилишимиз ва ҳаётимиздаги дунёвий нарсалардан халос бўлишимиз керак. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, бизни унга киришга даъват этишади. Павлус Листра, Иконий ва Антиохияда яшовчи, нажот топган эркак ва аёлларга шундай таълим берган: "...Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулар орқали киришимиз керак" (Ҳаворийлар 14:22). Худо нажот топган инсонларни Ўз Шоҳлигига киришлари учун бошдан кечиришлари керак бўлган нарсаларга тайёрлайди.

Ҳорун Мисрдан озод қилингани, юқоридан туғилишнинг тимсолидир, лекин у Худони яқиндан таниб-билмаган эди. У тоғ этагида жамоат ўйинини ўйнади, натижада ундаги Раббий тасвири ҳақидаги тасаввури, ўзи ўсиб-ўлғайган жамиятнинг бутпарастлик тушунчалари даражасига тушиб қолди.

## БОШҚА ИСОМИ?

Янги Аҳдда Павлус бу ҳақда шундай ёзади:

Зеро дунёнинг яратилишидан бошлаб Унинг кўринмас хусусиятлари, абадий қудрати ҳамда илоҳийлиги Унинг ижодлари орқали очиқ кўринмоқда ва англаймоқда. Шунинг учун уларга узр йўқ. Чунки улар Худони таниб-билиб, Уни Худо каби улўламадилар ва миннатдор бўлмадилар. (Римликларга 1:20, 21)

Улар Уни Худо каби улугламайдилар. Бошқача айтганда, улар Раббийни билишади, аммо Худони, лойиқ бўлганидан анча камроқ ҳурмат кўрсатишади. Исроил ўғиллари Яхвеҳни Халоскор деб тан олганлар, бироқ Унга муносиб бўлган ҳурмат, мақтов ва шарафни беришмаган. Ўша вақтдан бери кўп нарса ўзгаргани йўқ. Павлус Янги Аҳд даврида яшаётган одамлар ҳақида гапиришда давом этади:

Чиримас Худонинг шуҳратини чирийдиган инсоннинг ва қушларнинг, тўртоёқлиларнинг ва судралувчиларнинг тасвирига алмаштирдилар. (Римликларга 1:23)

Улар ягона ҳақ Худонинг улугвор тасвиринини ҳашаротлар, қушлар, ҳайвонлар ва ўткинчи инсон тасвири даражасига туширдилар. Замонавий Ғарб жамияти қушларга, тўрт оёқлиларга ёки судралиб юрувчиларга сажда қиладими? Албатта, йўқ. Агар биз олтидан бирор буқача ясаб, уни уйимиз олдидаги майсазорга қўйганимизда, одамлар устимиздан роса кулиб, кейин: “Яхшиси, уни эритиб, тақинчоқлар ясаб сотинг!” – деб маслаҳат беришарди.

Хўш, жамиятимиз нимага сажда қилади? Жавоб оддий – ўзига, аниқроғи – ўткинчи инсонга! Исроил халқи ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг олтин тасвирига сиғинадиган маданий муҳитда яшаган. Замонавий жамоат эса ўзига, яъни ўткинчи инсонга сажда қиладиган жамиятда яшайди. Ҳорун ва оқсоқоллар тоғдаги Худонинг улугвор ҳузуридан чекинганларида, ҳайвонларнинг тасвирларига сажда қилинадиган Миср жамиятининг таъсири остида ўзларининг Худо тасвирини яратдилар. Бугунги кунда имонлилар Худонинг тоғидан чекинганларида, улардаги ўлмас Худонинг тасвири, замонавий жамиятимиз сажда қиладиган нарса –

Ўткинчи инсон таъсирида шаклланади.

Мана, бир неча йилдирки, руҳда туғилган бир фикр мени таъқиб қилиб келади. Унинг моҳияти қуйидагича: биз ҳақиқий Исога эмас, балки ўзимиз ясаб олган тасвирга хизмат қиляпмиз.

Биз Уни Раббий деб атаймиз ва Унинг нажот берувчи, шифоловчи ва озод қилувчи қудратини тан оламиз. Аммо бу юксакликда Отанинг ўнг томонида ўтирган Исоми ёки биз ўз тасвиримиз ва ўзимизга ўхшаш қилиб яратиб олиб, Раббий деб атаган Исоми?

## ИТОАТКОР ХУДО

Бутпарастлик – сажда қилишнинг жуда қулай шаклидир. Бут уни яратганларга, улар хоҳлаган нарсани – юраклари истаган нарсани беради, чунки уларнинг ўзлари буларни ўйлаб топишади. Шу билан бир вақтда у инсондаги юксакроқ нарсага сажда қилиш туғма интилишини ҳам қондиради. Агар бутнинг муаллифлари шаҳвоний ҳирсга тўла бўлсалар, у уларнинг эҳтиёжларига мос келадиган буйруқларни беради. Раббий Ишаё пайғамбар орқали бу ҳақда жуда аниқ айтади: “Ким ҳеч қандай фойда келтирмайдиган худони ясади ва бутни қуйди?” (Ишаё 44:10).

Келинг, Ҳорун олтин буқани қуйган жойга қайтиб, бу масалани Исроил мисолида кўриб чиқайлик. Ҳорун ва бутун халқ олтин буқани уларни Мисрдан олиб чиққан Яҳвеҳнинг тасвири деб қабул қилишди. “Эртаси куни халқ дарвақт туриб, тамоман ёндириш қурбонликлари билан тинчлик қурбонликлари келтирди. Кейин ўтириб еб-ичишди ва кўнгилхушлик қилишди” (Чиқиш 32:6).

Эртаси куни улар Худонинг тоғи этагидаги ўз жамоатларининг йиғинига бордилар. Улар Яҳвеҳнинг

севгиси ва буюклиги ҳақида гапирдилар. Улар қурбонликлар келтирдилар, қўшиқлар кўладилар ва воизлик қилдилар. Уларнинг Яҳвеҳи уларга юракларига маъқул келадиган, истакларига мос хабарни берди. Шундан сўнг улар еб-ичишга ўтиришди, кейин ўйнаш учун ўринларидан туришди. Уларнинг ўйини ўз тана ҳирсини қондиришдан иборат эди. Мусо уларнинг олдига тушган вақтга келиб, улар бутунлай жиловни йўқотган эдилар (Чиқиш 32:25).

Бу воқеа бизга бутпарастликнинг илдизини кўриш имконини беради. Унинг илдизи – исён ҳисобланади, буни Худонинг Сўзи ҳам тасдиқлайди: “...ўжарлик эса – бутпарастликдир” (1-Шоҳликлар 15:23).

Мисрликлар буқани ясаб, унга ном беришарди, у эса уларнинг юраклари тубида Яратганнинг иродасига зидлигини билган истакларни бажарар эди. (Барча инсонлар Унинг иродасини бошиданоқ биладилар. Павлус шундай деб ёзади: “Ҳақиқатни ноҳақлик билан эзаётган инсонларнинг барча бетавфиқлигига ва ноҳақлигига эса осмондан Худонинг ғазаби ошкор бўлмоқда. Чунки Худо ҳақида нимани билиш мумкин бўлса, уларга аёнدير, негаки Худо уларга очиб берган” (Римликларга 1:18, 19)).

Мисрдан чиққан исроилликлар мажусийлардан унчалик фарқ қилмас эди, бироқ шундай бўлса-да, биз бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз керак. Исроил ўғиллари Яҳвеҳнинг исмини билиб олган ва Унинг қудратини аллақачон ўзларида ҳис қилган эдилар. Агар улар ўзларининг исёнкор йўлларида воз кечишни ва Раббийнинг йўлларини қабул қилишни истамасалар, виждонларини тинчлантириш ва ўз нафсларини қондиришнинг энг яхши усули — ўз истакларига мос келадиган Яҳвеҳнинг тасвирини яратиш эди. Бу айёрлик шу қадар нозик ва моҳирона амалга оширилган эдики,

уни амалга оширган одамлар, ўз ҳаракатларига ҳисобот беришмади.

Павлус Коринфдаги жамоатни огоҳлантиради:

Лекин илон ўз ҳийлагарлиги билан Ҳаввани алдаганидек, сизларнинг онгингиз ҳам Масихдаги соддаликдан йироқлашиб бузилмасин, деб қўрқмоқдаман. Агар кимдир келиб, биз воизлик қилгандан бошқа бир Исони воизлик қилганида эди, ёки сизлар олган Рухдан бошқа бир руҳни олганингизда эди, ёки қабул қилинган Хушxabардан бошқа бир хушxabарни қабул қилганингизда эди, унда сизларга буни олиб келган одамларга жуда ҳам чидаган бўлар эдингиз. (2-Коринфликларга 11:3, 4)

Менга тўртинчи оятнинг “Contemporary English Version” (Замонавий инглизча таржима)даги талқини ёқади: “Биз сизларга Исо ҳақида сўзлаб бердик, сиз эса Муқаддас Рухни қабул қилиб, таълимотимизни тан олдингиз. Аммо сизлар айримларнинг бошқа Исо ҳақида воизлик қилишига йўл қўйдингиз. Энди сиз бошқа руҳни қабул қилишга ва бошқа таълимотни тан олишга тайёрсиз”.

Агар биз Худонинг ҳокимиятига қарши чиқувчи бу дунёга тақлид қилмоқчи бўлсак, беихтиёр барча майл ва истакларимизни маъқуллайдиган “ўз Исо”мизни яратиб олиш хавфи бор. Ўзимиз англамаган ҳолда қандайдир итоаткор худони яратиб қўйишимиз мумкин! Бунда очиқ-ойдин қўпол ёлғон эмас, балки жуда нозик бир алдов яширин.

Алданиб яшар эканмиз, ўзимизни “Исо менинг Дўстим” ёки “Худо юрагимни билади” деган сўзлар билан тинчлантирамиз. Худо юракларимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билиши ва тушуниши ҳақиқат. Аммо биз одатда Унинг аҳдига зид бўлган

ҳаракатларимизни оқлаш учун шундай деб гапираемиз. Аслида бу исёнкор эканимизни англатади. Оғзимиз ҳамон Уни шарафлайди, аммо Раббийнинг қаршисидаги қўрқувимиз инсоний амрлардан келиб чиқади. “Раббий деди: “Бу халқ Менга оғзи билан яқинлашиб, тили билан ҳурмат қилгани, лекин унинг юраги Мендан узоқ бўлгани учун ва уларнинг Менинг олдимдаги эҳтироми инсоний амрларни ўрганиш бўлгани учун” (Ишаё 29:13).

Биз Худонинг Сўзини ва Унинг амрларини дунёвий маданият шакллантирган тафаккуримиз чиғириғидан ўтказамиз. Худонинг шуҳрати ҳақидаги тасаввуримиз тоғда, Унинг тирик Каломи орқали намоён бўлган Унинг ҳақиқати билан эмас, балки чекланган инсоний идрокимиз билан шаклланади.

## ЖАМОАТДАГИ ИККИ ТОИФА ОДАМЛАР ЎРТАСИДАГИ КЕСКИН ТАФОВУТ

Бир нечта мисол келтиришга ижозат беринг. Бир куни менга бир аёл қўнғироқ қилиб, ўз жамоатидаги бир киши билан ишқий муносабатда эканини тан олди. Унинг эри масиҳий эмас эди ва доимо уни имони учун ҳақорат қиларди. Бошқача қилиб айтганда, эри уни таъқиб қиларди.

Бир муддатга бу аёл ва ўша одам жисмоний муносабатларини тўхтатишган. Унинг “масиҳий дўстлари” эса эридан ажрашиб, уни севадиган бу яхши масиҳийга турмушга чиқишни маслаҳат беришган, чунки “Раббий уни тинчликка даъват этган”. Саволим бор: унинг дўстлари қайси “Исо”га хизмат қилишади? Албатта, Отанинг ўнг томонида ўтирган Зотга эмас. Уларнинг Худо ҳақидаги тасаввури ажримларга ботган жамият томонидан шакллантирилган. Ажрашганларнинг аксарияти аввалига ажрашишни

режалаштирмаган. Улар худбин манфаатларга асосланган бахтли ҳаётни хоҳлашган. Ўз жуфти билан тузган аҳди, уларнинг шахсий бахтига тўсқинлик қилмаса, улар учун кучга эга, холос.

Аёл ўз вазияти юзасидан мендан маслаҳат сўради. Аслида у ўйлаган ишини охирига етказиш учун етакчидан рухсат олмоқчи эди, холос. Ахлоқий жиҳатдан унинг эри хиёнаткор эмас эди. Мен унга Худо ажримдан нафратланишини, чунки ажралиш одамларнинг руҳини барбод қилиб, уларни зўравонликка тўлдиришини айтдим (Малахи 2:16, Замонавий таржима). Янги Аҳдга кўра, Раббий хотинга эридан ажралмасликни буюради, агар ажрашса, бошқа турмуш қурмасдан қолиши керак (1-Коринфликларга 7:10, 11 га қаранг). Аёл мени диққат билан тинглади, аммо кейинроқ у барибир эри билан ажрашиб, бошқасига турмушга чиққанини билиб қолдим. Эҳтимол, у бахтлидир, бироқ тоғ этагидаги одамлар ҳам Мусо тушиб келгунига қадар ўзларини худди шундай ҳис қилишган!

Худодан кўрқадиган хотинлар, уларда Худонинг севгиси бўлгани учун имонсиз эрлари билан яшашда давом этган кўплаб мисолларини биламан. Улар ҳаётдан фақат лаззат изламаган, балки хизмат қилишни истаган. Натижада, кўплаб эрлар хотинларига қараб тавба қилишган ва Раббийга келишган. Шунинг қўшимча қилишим мумкинки, баъзилари хотинлари улар учун йиллар давомида ибодат қилгани ва художўйликда намуна бўлгани туфайлигина нажот топишган.

Юраги Худога очиқ бўлган бир аёлнинг ҳаётида бутунлай бошқача вазият юзага келди. Турмуш қурганидан бир неча йил ўтгач, у эрининг гомосексуал эканини билиб қолди. Шундан сўнг ўн йил давомида унинг ҳаёти даҳшатли

тушдек бўлди. Бир куни эрини махфий полициячига жинсий тегажоғлик қилгани учун ҳибсга олишди. Катта ўғли отасининг ҳибсга олинганини телефонда эшитиб қолди.

Аёл эри учун тинмай ибодат қилди. Вазият чидаб бўлмас даражага етган эда, у Худодан ажрашайми ёки йўқми, деб сўради. Раббий жавоб берди: “У билан ажрашинг учун сенда Муқаддас Калом бўйича барча асослар бор ва агар шундай қилсанг, Мен сени баракалайман. Аммо агар сен қолиб, у учун ибодатда курашсанг, Мен уни озод қиламан ва сен икки ҳисса барака топасан”. (Раббий эр-хотин хиёлати ҳолатида доим ҳам бундай демайди.) Аёл қолиб курашишни афзал кўрди ва бу вақт талаб қилди. Натижада, унинг эри мўъжизавий тарзда озод бўлди ва мана ўн беш йилдирки, шу озодликда яшаб келмоқда. Ҳозир у одамларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳамдардликка тўла катта чўпон. Мен унинг жамоатида воизлик қилганман ва шунга айтишим керакки, унинг рафиқаси ҳаётимда учратган Худонинг энг мойланган хизматкорларидан бири.

Қайси аёл тоғда бўлиб, ўзгарди? Муқаддас Ёзувда эридан кетмаслик Худонинг иродаси экани аниқ айтилган бўлса-да, Исо унга тинчлик бера олишига ишонмай, эри билан ажрашган аёлми? Бошқасида эса ажрашиш учун Муқаддас Калом бўйича жиддий асос бор эди, лекин у ўз ҳуқуқидан фойдаланмасликни ва эрининг ҳаёти учун курашишни афзал кўрди. Исо ер юзига келиб, биз учун ўлиши учун барча ҳуқуқларидан воз кечди! Бу икки аёлдан қайси бири Худога яқинроқ эди? Нима учун? Иккинчиси бевосита Худонинг тоғида бўлди!

Имонли кишининг ҳаётида икки нарса рўй бериши мумкин: имонли Раббийнинг ҳузурида айтилган Худонинг Сўзи уни ўзгартиришига рухсат бериб, ҳаётини Исо

тасвирига мувофиқ қуради, ёки Исони ўзига, ўз юрагининг истакларига мослаштиради. Агар тоққа чиқсангиз, ўзгарасиз. Агар Ҳорун каби тоғ этагида қолсангиз, Худо ҳақидаги тасаввурингиз ўзгаради.

Мусо қирқ кун Худо билан бўлгач, тоғдан тушганида, у бошқа одамга айланган эди, унинг юзи порларди. “Мусо Синай тоғидан тушиб келаётганида унинг қўлида иккита гувоҳлик лавҳаси бор эди ва у тоғдан тушаётганида Худо билан гаплашгани учун юзидан нур ёғилаётганини билмас эди” (Чиқиш 34:29).

Эри учун курашган аёл Раббийнинг олдида нақадар пок эканини билмайди. Ҳар сафар у билан сўхбатлашганимда, Худо уни тобора кўпроқ ўзгартираётганини кўраман. У ўзидан нур таралаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Бу ҳақиқатан ҳам муқаддасликда юрадиганларнинг барчасига тегишлидир. Ёзув айтганидек: “Нигоҳларини Унга қаратганлар ёришдилар” (Санолар 33:6). Унга нигоҳини қаратишга қодир киши — Мисрдан ўзлаштирган юрак истакларидан халос бўлган одамдир. Бундай одамда фақат битта истак — шухрат Худосини таниб-билиш бўлади.

Шундай экан, ўзимизга бир муҳим саволни беришимиз керак: биз самода Отанинг ўнг томонида ўтирган Исога хизмат қиляпмизми ёки жамиятимиз маҳсули бўлган йўллар ва истаклар тасвирига эга бўлган бошқасига хизмат қиляпмизми?

## НИЯТМИ ЁКИ ИСТАКМИ?

---

*Биз барча истаklarимизни  
Хочга бўйсундиришимиз керак.*

**Ш**у пайтгача муҳокама қилганларимизнинг барчаси *тенглашмоқ* сўзига узун бир муқаддимадир. Вебстер луғатида бу сўзга шундай таъриф берилган: “хулқ-атвор, фикрлар ёки ахлоқий фазилатларда ўхшашликка эришиш”. Худонинг Каломи шундай дейди: “Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар” (Римликларга 12:2).

Муқаддас Рух бизга нима демоқчи эканини яхшироқ тушуниш учун асл нусхага мурожаат қиламиз. Бу оятда *тенглашмоқ* сўзини ифодалаш учун юнон тилида кўпроқ маънога эга бўлган *сускематизо* сўзи ишлатилган. Стронг луғати уни қуйидагича таърифлайди: “бир хил хулқ-атворни ўзлаштириш, бошқача айтганда, айнан бир хил андозага мослашиш (кўчма маънода)”. Вайн луғатида эса бундай таъриф берилган: “бирор нарсанинг шакли ёки ташқи

кўринишини бошқаси билан мувофиқлаштириш”. Иккала луғатда ҳам бирор нарсани бошқа бир нарсага қараб шакллантириш ғояси таъкидланади.

Ҳорун унга олиб келинган олтиндан буқа шаклини “ясади”. Унинг ташқи ҳаракатлари, аслида ички ҳолатини акс эттиришга хизмат қилди, холос. Унинг жони Миср таъсири остида шаклланган бўлиб, у бу таъсирдан аниқ қутулмаган эди ва унинг ичида бўлган нарса, охир-оқибат юзага чиқди. У Мисрга тенглашган эди ва биз аввалги бобда аниқлик киритганимиздек, у Мусога ўхшаб ўзгаришни ва Худонинг ажойиб ҳузурига яқинлашишни истамагани яққол кўриниб турарди. Халқ ҳам Ҳорундан ўрнак олди. Худо улар ҳақида шундай деди:

(Исроил) мисрликлар билан ҳам зино қилишни бас қилмади, чунки улар унинг ёшлигида у билан ётган эдилар, унинг бокиралик кўкракларини эзган эдилар ва унга ўз шаҳватларини қўйган эдилар. (Эзекил 23:8)

Луғатларга кўра, *шаҳват* сўзи оддий истакни англатади. Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган инглизча таржимаси бу маънони таъкидлайди: “ва унга ўз гуноҳқор истакларини тўқдилар”. Истак – бутун инсониятни ҳаракатлантирувчи кучдир. Биз доимо унга эргашамиз.

## ИСТАК ВА НИЯТ БИР ХИЛ НАРСА ЭМАС

Истаклар ва ниятлар – гарчи кўпчилик булар бир хил маънони англатади деб ўйласа-да, мутлақо бошқа-бошқа нарсалардир. Сизда жуда яхши ва Худога маъқул ниятлар бўлиши мумкин, лекин улар ҳақиқий истакларингизга мос келмаслиги мумкин. Баъзи одамлар менга бу дунёнинг таъсири остидан чиқиб, бутунлай Худога юзланмоқчи

эканлигини айтишган, аммо ҳалигача буни бажаришмаган. Шунчаки уларнинг ўй-ниятлари ҳақиқий истакларига мос келмайди. Ёқуб айтганидек “ҳар бир киши ўзининг ҳирсига қизиқиб, алданиб васвасага тушади” (Ёқуб 1:14). Истак – бу инсоннинг ниятлари қанчалик яхши бўлишидан қатъий назар, танлайдиган йўлидир. Айнан шунинг учун ҳам Ёқуб давом этиб: “Севикли биродарларим, алданманглар”, – дейди (Ёқуб 1:16). (Албатта, *истак* сўзининг ижобий маънолари ҳам бор, лекин биз унинг фақат салбий томонларини кўриб чиқамиз.)

Худо эмас, фақат қизиқчи: “Шайтон мени бу ишни қилишга мажбурлади”, – дейиши мумкин. Шайтон имонлини бирор нарса қилишга мажбурлай олмайди. У фақат васвасага солишга қодир, лекин истамаган нарсангиз билан васвасага солинишнинг иложи йўқ. Агар имонлиларга бир доза кокаин ёки ЛСД таклиф қилинса, улар бир сония ҳам иккиланмай, дарҳол рад этган бўларди, чунки уларга бу жирканч нарса керак эмас, демак, бу соҳада уларга васваса хавф солмайди. Шундай бўлса-да, кўпгина имонлилар, худди Исроилга ўхшаб, улар ҳали нажот топмаган пайтда дунёвий тизим сингдирган истаклардан воз кечишмаган. Айнан шунинг учун ҳам, улар тарк этмаган соҳаларда васвасага осонликча бериладилар.

Биз ўз истакларимизни Хочга бўйсундиришимиз керак. “Масиҳники бўлганлар ўз танасини, ҳирсу эҳтирослари билан бирга хочга михлаганлар” (Галатияликларга 5:24). Худо бизнинг ўрнимизга ҳеч нарса қилмайди, ҳамма нарсани ўзимиз амалга оширишимиз керак. Биз Унинг иноятисиз, буни уддалай олмаймиз, лекин барибир бу бизнинг вазифамиз! Хочга келтирилмаган ҳар қандай нотўғри истаклар, бизни васвасага солиши мумкин. Бу

дунё қонунларига эргашиш истагидан воз кечмасак, Исроил билан бу содир бўлгани каби, биз ҳам осонликча дунёга шўнғиб кетишимиз мумкин. Айнан шунинг учун Павлус тан олиб айтади: “Мен эса биргина Раббимиз Исо Масиҳнинг хочидан бошқа ҳеч нарса билан мақтанмайман. Унинг хочида бу дунё мен учун, мен эса бу дунё учун миҳланганман” (Галатияликларга 6:14).

Бир куни Калифорниядаги жамоатларнинг бирида тавба ҳақидаги воизлигимдан сўнг, чўпон мени тушликка таклиф қилди ва ўз шахсий гувоҳлиги билан ўртоқлашди. У нажотни қабул қилгач, уни аввал боғлаб турган кўплаб гуноҳлардан воз кечган. Бироқ у кунига икки қути тамаки чекиш одатини ташлай олмаган. У менга деди: “Жон, мен чекишдан қутулиш учун Муқаддас Ёзув бўйича ҳамма нарсани қилиб кўрдим. Ибодат қилдим, рўза тутдим, Каломни эътироф этдим ва бошқалардан мен учун ибодат қилишларини сўрадим. Жамоатимизга келган воизлар одамларни саҳна олдига ибодатга чақирганларида, мен доим ибодат қилиш учун чиқардим. Мен бу қарамлигимни тан олиб, озод бўлишим учун улардан ибодат қилишларини сўрардим. Икки йил мобайнида шундай давом этди”.

Икки йиллик курашдан сўнг, бир куни бу одам жамоатдаги хушxabар йиғинларидан бирига, ўз дўстини олиб келган. Дўсти нажот топмаган эди, у ҳам ашаддий кашанда бўлиб, кунига икки қутидан тамаки чекарди. Ўша оқшом у тавба қилиш чорловига жавоб берди ва воиз у учун ибодат қилганда, у ажойиб нажотга эришиб, бир зумда тамакига бўлган қарамлигидан халос бўлди.

Чўпон давом этди: “Жон, мен дўстим учун хурсанд бўлдим ва айна пайтда, хафа ҳам эдим. Дўстимни уйига қузатиб қўйдим ва унинг нажот топганидан чин дилдан

шодлигимни изҳор қилдим. Сўнг уйга қайтиб, Худога қанчалик қаттиқ хафа эканимни айтдим. Ўз хонамда ўтириб, Унга бор дардимни тўкиб солдим: “Раббий, мен ибодат қилдим, рўза тутдим, бутун жамоат ва бизникига келган ҳар бир хизматчи олдида ўзимни камтар тутдим, аммо Сен мени барибир озод қилмадинг. Бугун дўстимни олиб келдим, Сен уни дарҳол қутқариб, тамакидан халос этдинг. Нима учун Сен шу пайтгача мени озод қилмадинг?”

Кейин у қуйидагиларни сўзлаб берди: “Жон, мен шу сўзларни айтганимда, Худо менга жавоб берди ва мен Уни худди сени эшитаётгандек эшитдим. Мен Уни қандай эшитганимни билмайман – ички қулоқ биланми ёки ташқиси биланми, лекин менга айнан Худо гапирганига аминман. Хуллас, мен: “Худо, нима учун мени тамакидан озод қилмадинг?” – деб қичқирганимда, Унинг менга қандай қатъий гапирганини эшитдим: “Чунки сен ҳали ҳам уларни яхши кўрасан!”

Чўпон ўз ҳикоясини шундай деб якунлади: “Мен ўша пайтда қўлимда ушлаб турган тамакига қарадим-да, уни бир четга қўйдим. Ўшандан буён уларга ортиқ қўл теккизмайман!”

Икки йилдан ортиқ вақт давомида чўпон ўзига ва атрофдагиларга қанчалик озод бўлишни хоҳлаётганини айтиб юрган, ваҳоланки, бу унинг ҳақиқий истаги бўлмаган, бу шунчаки ният бўлган. Мана нима учун унинг сўзларига кўра, ўзи истамаган нарсага уни шунчалик қаттиқ тортган. Шундан сўнг Худо унинг асл истаklarини фош қилди. У тавба қилиб, ўз одатини Хочнинг пойига қўйиши биланоқ, Худонинг инояти уни тўлдирди ва озод қилди. Унинг озод бўлиши, у ва Худо ўртасидаги ўзаро ҳаракат туфайли юз берди.

Бу мисол Исроилга ҳам, бугунги кунда жамоатда мавжуд бўлган барча дунёвий қарашлар ва одатларга ҳам бевосита тааллуқли. Ёдингизда тутинг: Исроил – бу Жамоатнинг тимсоли. Худо у (Исроил) мисрликлар билан зино қилишдан тўхтамаганини айтди, “чунки улар унинг ёшлигида у билан ётган эдилар, унинг бокиралик кўкракларини эзган эдилар ва унга ўз шаҳватларини қўйган эдилар”. Одамлар барча эски нарсаларни қолдиришлари мумкин эди, лекин бундай қилишни хоҳламадилар.

## БУ ДУНЁНИНГ ИСТАГИ

Мисрдан чиққанлар орасида, ҳаёти ушбу мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ягона киши Мусо эди. У фиръавн хонадонидида улғайиб, миср донолигини ўрганган, унинг барча дўстлари мисрликлар эди. Қолган қабиладошлари Мисрда яшаган бўлсалар-да, ўз халқи орасида алоҳида яшар эдилар. Миср жамияти уларни шафқатсизларча эзган бир пайтда, Мусо унинг бойликлари ва донолигининг ҳосилларидан баҳраманд бўлган. Улар Мусо фойдаланган ҳуқуқ ва имтиёзларга эга эмасдилар ва эга бўла олмас ҳам эдилар. Шунинг учун, агар кимдир Мисрдан ажралиш қийинлигини айтадиган бўлса, бундай одамларнинг биринчиси Мусо бўлиши керак эди. Шунга қарамай, у бирор марта енгил соғинч туйғусини ҳам ҳис қилмади, ваҳоланки Исроилнинг қолган ўғилларини Мисрга қайтиш истаги қайта-қайта чулғаб олар эди.

Бугун биз Голливуддан, профессионал спортдан, сиёсатдан ёки дунёвий тизим билан чамбарчас боғлиқ бўлган бошқа соҳалардан чиққанлар учун Хоч ҳақидаги хабарнинг кескинлигини бироз юмшатишга ҳаракат қиламиз. Улар учун биз ён босамиз ва дунёвий одатлар

ёки йўлларга баҳона топамиз. Биз қилаётган иш уларга ҳеч қандай фойда эмас, балки фақат зарар келтиради. Одамларга “юмшоқроқ” Хушxabарни воизлик қилганимизда, биз бу билан уларнинг Раббий тоғига олиб борадиган йўлини тўсиб қўямиз. Улар масиҳийлик ҳаётини катта иштиёқ билан бошлайдилар-у, муқаррар равишда аввалги ҳаётларига қайтиш билан якунлайдилар. Ҳатто улар дунёга тўлиқ қайтмасалар-да, ўзлари учун Отанинг ўнг томонида ўтирган Зотга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган “Исо”ни яратиб оладилар. Одамлар нажотни эътироф этишлари ва Худони таниб-билиш истагини изҳор қилишлари мумкин, аммо буларнинг барчаси уларни дунёга қайтишга тортадиган ички истаklarига қарши боради. Улар бу дунёга тенглашувчи диний имонлиларга айланадилар.

Исроил Худони таниб-билишни ва У билан юриш истагини билдирди. Аввалги бобларда эслаганингиздек, тоғда халққа Ўз шухратини кўрсатишдан олдин, Раббий Мусога, уларни Ўзининг олдига олиб келганини ва улар Унинг овозига қулоқ солсалар ҳамда Унинг аҳдига риоя қилсалар, У уларни шоҳаншоҳ руҳонийларга айлантиришини маълум қилишни буюрди. Мусо тоғдан тушиб, халққа Худонинг шартларини эълон қилди. Уларнинг жавоби қуйидагича бўлди:

Мусо келиб, халқ оқсоқолларини чақирди ва Раббий унга амр этган ҳамма гапларни уларга тақдим қилди. Жамики халқ бир овоздан: “Раббийнинг ҳамма айтганларини бажарамиз”, – деб жавоб берди. Мусо халқнинг жавобини Раббийга етказди. (Чиқиш 19:7, 8)

Уларнинг жавоби самимий эди, аммо биз бундан кейин нима содир бўлганини биламиз. Улар ортга чекиндилар ҳамда Худонинг шухрати уларнинг юрак ва онгида ўзгарди.

Улар ўзларининг асл истакларини эмас, балки фақат ниятларини билдирдилар, бу истаклар ўзгармай қолган ва Миср уларнинг юракларида биринчи ўринни эгаллаган эди. Уларнинг истаклари Раббийга яқинлашишига халақит берди.

## ЖАМОАТДА ИККИ ТУРДАГИ ИМОНЛИЛАР ТИМСОЛИ

Нима учун Мусо каби Миср жамияти билан чамбарчас боғлиқ бўлмаган Исроил ўғилларини, Мисрга қайтиш жалб қиларди? Нима учун бу дунё билан чамбарчас боғлиқ бўлган одам унга камроқ боғлиқ эди?

Фарқни тушуниш учун иккита мисолни ўрганиш билан шуғулланамиз. Қўрамизки, замонавий жамоат икки гуруҳдан иборат: улардан биринчиси – Мусога ўхшаганлар, иккинчиси – Исроил ўғилларига ўхшатиш мумкин бўлганлар. Биз нега кўплаб имонлилар бугун дунёга қайтишга талпинаётганини, шу билан бир вақтда, бошқалари гарчи унинг тизими билан янада чамбарчас боғлиқ бўлганлигига қарамай, ортга қайтишни хоҳламаётганини тушунамиз.

Асрлар давомида Исроил Мисрдаги қийновчилардан озод қилишни сўраб ибодат қилиб, ёлворди. Улар ваъда қилинган ерни қўмсардилар. Ниҳоят, Худо уларга қутқарувчи — Мусони юборди. Раббий деди: “Шунинг учун Мен халқимни мисрликларнинг зулмидан қутқариш учун ва уларни Мисрдан олиб чиқиб, яхши ҳамда кенг ерга, сут ва асал оқаётган ерга... олиб кетгани келдим” (Чиқиш 3:8). Сўнгра Худо унга фиръавни Унинг халқини қўйиб юборишга кўндириш учун сўзлар ва аломатлар берди.

Фиръавнга Худонинг сўзларини етказиш учун қирқ йиллик қувғиндан сўнг Мусо биринчи марта Мисрга қайтди. Аммо аввал у ўз қабиладошлари олдига бориб, уларга Худонинг

озод қилиш режаси ҳақида хабар берди. Улар бу хабарни қандай қабул қилишгани Ёзувда қуйидагича таърифланган: “Шунда халқ ишонди. Раббий Исроил ўғилларига ташриф буюрганини ва уларнинг азобларни кўрганини эшитдилар ҳамда Унга тиз чўкиб, сажда қилдилар” (Чиқиш 4:31).

Ўшанда уларни қандай туйғулар чулғаб олганини тасаввур қила оласизми? Улар бутун умр қул бўлишган. Уларнинг оталари, боболари ва боболарининг боболари ҳам қул бўлишган. Озод бўлиш ва шахсий ер ҳақидаги ваъда тўрт юз йил давомида авлоддан-авлодга оғзаки тарзда етказилган. (Таққослаш учун, Қўшма Штатлар икки юз эллик йилдан камроқ вақтдан бери мавжуд.) Мана энди, улар қаршисида ўз халоскорларини кўриб туришибди.

Уларнинг қувончи жуда ўлкан эди. Халқ Мусо қандай мўъжизаларни амалга оширганини кўрган ва шунинг учун унинг сўзларига бажонидил ишонган. Мен уларнинг қандай йиғлаганини, қичқирганини ва: “Қандай ажойиб янгилик! Ниҳоят, бу содир бўлди! Худо бизни халос қилиш учун келди!” – деб ҳайқирганини тасаввур қиламан. Улар Худони шарафлаб, ҳамдлар айтишни бошладилар ва ниҳоят, Унинг қаршисида тиз чўкиб, сажда қила бошладилар.

Мусо халқининг олдидан чиқиб, фиръавннинг олдига йўл олди ва унинг қаршисида Раббийнинг худди ўша хабарини эълон қилди. У унга Худо номидан буюриб: “Менинг халқимни қўйиб юбор”, – деди. Бироқ фиръавн бунга жавобан Худонинг халқига нисбатан босимни кучайтирди. У энди уларга ғишт қуйиш учун сомон бермасликни буюрди, улар ҳар куни жуда кўп миқдорда ғишт ишлаб чиқариши керак эди. Энди улар кундузи ишлашлари, кечаси эса сомон йиғишлари керак эди. Уларга ғишт сони камайтирилмади, сомон бериш эса тўхтатилди. Шундай қилиб Худонинг

озодлик ҳақидаги сўзи уларнинг қийинчиликлари ва азоб-уқубатларини кучайтирди.

Исроил ўғилларининг муносабати аста-секин ўзгара бошлади. Улар Мусога норозилик билдириб: “Бизни тинч қўй, фиръавннинг олдига боришни бас қил, сен аҳволимизни оғирлаштиряпсан, холос”, – дедилар. Булар бундан атиги бир неча кун олдин, Мусо уларга озодлик ҳақидаги хабарни биринчи марта келтирганида, Худога сажда қилган одамлар эди.

Ниҳоят, Худо уларни Мисрдан чиқаргач, фиръавннинг юраги яна тош бўлди. У Исроилнинг орқасидан ўз аскарларини ва энг яхши от-араваларини юборди. Уларни бутун бошли қўшин қувиб келаётганини ва қочишга жой йўқлигини (олдинда Қизил денгизни) кўриб, улар яна нолий бошладилар: “Мисрда эканлигимизда: “Бизни тинч қўй. Майли, мисрликларга хизмат қилиб юраверамиз. Чунки саҳрода ўлиб кетганимиздан кўра, мисрликларга қул бўлганимиз яхши”, деб, сенга худди шуни айтмаганмидик?!” (Чиқиш 14:12).

“Чунки... бўлганимиз яхши”. Аслида улар шундай дейишди: “Худо бизга буюряпти деб айтяпсану, лекин бундан бизга янада ёмонроқ бўлаётганида, нима учун биз буни қилишимиз керак? Аҳволимиз оғирлашса-оғирлашдики, енгиллашмади”. Улар ўзларининг аввалги ҳаётини ҳозиргиси билан жуда тез таққослашга шошилардилар. Қийинчиликлар пайдо бўлиши биланоқ, улар дарҳол орқага қайтишни сўрашарди. Уларнинг шахсий манфаати Худонинг иродасини бажариш истагидан устун турарди. Уларнинг ўз манфаати билан тўла ҳаётида Худога ташналик нақадар етишмасди!

Худо денгизни иккига бўлиб юборди ва Исроил ўғиллари

худди қуруқликдан ўтгандек, денгиз қаъридан ўтди ва уларнинг таъқибчилари ғарқ бўлганини кўрдилар. Улар яна Унга имон келтириб, рақслар ва ҳамд-у санолар билан Худонинг раҳм-шафқатини улуғлай бошладилар. “Ҳоруннинг синглиси, пайғамбар Марям чилдирмани қўлига олди ва ҳамма аёллар чилдирма чалиб ва рақсга тушиб унга эргашдилар” (Чиқиш 15:20). Миллионта рақсга тушаётган ва тамбур чалаётган аёлларни тасаввур қила оласизми? Мана буни – улуғлов деса бўлади!

Исроилликлар мустаҳкам ишонишди ва уларни ҳеч нарса ҳақиқат йўлидан оздира олмас эди. Улар энди ҳеч қачон Унинг раҳм-шафқатига шубҳа қилмасликларига амин эдилар! Аммо улар ўз юракларини билишмасди: йў-ниятларини – ҳа, билишарди, ҳақиқий истаklarини – йўқ. Навбатдаги синов келгач, исроилликлар яна нолиб, ўзларининг бевафоликларини кўришарди. Орадан уч кун ўтар-ўтмасданоқ, улар булоқдаги сув ширин эмас, аччиқ эканидан шикоят қила бошладилар (Чиқиш 15:22-25 га қаранг). Уларнинг фикрлари яна Мисрда нималарга эга бўлганига ва ҳозир, Худонинг саҳросида нималарга эга бўлмаганига қайтди.

Яна бир неча кун ўтди ва Исроил озиқ-овқат етишмаслигидан шикоят қила бошлади: “Қанийди, бизлар Миср ерида... Раббийнинг қўлидан ўлганимизда эди!” (Чиқиш 16:1-4 га қаранг). Улар Раббийнинг исмини, Унинг иродасига қарши, ўз шикоятларида тилга олдилар. Диннинг ҳиди келиб турибди! Уларнинг иккиюзламачилиги сизга кўриняптими?

Уларнинг нолиши авжига чиқмагунича, ўзларини шундай тутишда давом этдилар. Раббий уларни Паран саҳросига бошлаб келди ва Мусога ҳар бир қабиладан ўн иккита бошлиқни юбориб, У уларга ваъда қилган ерни кўздан

кечириб келишларини амр этди. Бошлиқлар Канъон ерида қирқ кун туришди ва улардан ўнтаси қайғули хабарни олиб келишди: “Биз бу халққа қарши бора олмаймиз, зеро улар биздан кучлироқ” (Сонлар 13:32).

Ўн икки кишидан бири, Калев, қолганларга қатъий қаршилиқ кўрсатганига қарамай (Йешуа Нун ўғли унга қўшилди), йиғилганларнинг барчаси нохуш хабарга ёпишишди ва йиғлаб, нолишга тушишди, бу тун бўйи давом этди. “Нима учун Раббий бизни ушбу ерга қиличдан қулашимиз учун олиб бормоқчи? Бизнинг хотинларимиз ва болаларимиз душманларга ўлжа бўлади-ку. Бизлар Мисрга қайтганимиз яхши эмасми? (Сонлар 14:1-3). Улар ҳар доим жонларига ёқмайдиган вазиятга дуч келганларида нолишарди. Ҳаммаси жойига тушганда, улар Унинг Сўзига амал қила бошлардилар ва У билан яшашни хоҳлаётгандек кўрсатардилар. Агар итоаткорлик, улардан танага зид хатти-ҳаракатларни талаб қилса, Исроил нолишни бошларди. “Бизга яхши эмасми?” – бу сўзлар уларнинг юракларининг асл ҳолатини кўрсатади, “зеро юракнинг тўлалигидан тил гапиради” (Матто 12:34). Уларнинг ҳаёт мақсади вазият босими остида айтилган сўзлари ва хатти-ҳаракатларида яққол кўринади. Улар ўзлари учун яшадилар ва бутун эътиборини Худонинг юрагига эмас, балки ўзларига қаратдилар.

## БОШҚА ФОКУС

Мусо ўз халқидан ажралиб турарди. Давлатда юксак мавқега эришгач, у Мисрнинг барча неъматларидан кўра Худонинг халқи билан биргаликда синовларни афзал кўрди. Исроил ўғиллари ўзларига қийинчиликларни танламади. Мусо улардан фарқли ўлароқ, бу дунёда инсон хоҳлаган ҳамма нарсага эга эди, аммо буларнинг барчасидан воз

кечди “ва Мисрнинг хазиначаридан кўра Масихнинг ҳақоратини буюкроқ бойлик деб ҳисоблади, чунки у мукофотга қарар эди” (Ибронийларга 11:26).

Исроил халқи жабр-зулмларни тезда унутиб, Мисрга (дунёга) қайтишни хоҳлади. Улар фақат у ерда бўлган ва бу ерда, саҳрода, Худонинг синовлари пайтида уларга етишмаган лаззатларни эслашарди. Аксинча, Мусо ўзи учун қийинчиликларни танлади, “чунки у мукофотга қарар эди”.

Мукофот нимадан иборат эди? Худо уларга айтган таклифда эди. Раббий бундан тўрт юз йил олдин Исроил халқига берилган ваъдани бажариши керак эди. У уларга ваъда қилинган ерни бермоқчи эди. (Бу Исроил қабилаларидан бўлган ўн икки айғоқчи ерни кўриш учун боришидан олдин содир бўлган эди. Одамлар ҳали ҳам бу ерни астойдил излашарди.)

Худованд Мусога деди:

Сен ҳам, сен Мисрдан олиб чиққан халқ ҳам бу жойдан кетиб, Мен Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга: “Сизларнинг наслингизга бераман”,– деб қасам ичган ерга боринглар. Сенинг олдиндан фариштани юбориб, канъонликларни, аморийларни, хиттийларни, перизийларни, хивийларни ва ябусийларни ҳайдаб юбораман. (Чиқиш 33:1, 2)

Ваъданинг амалга ошиши аллақачон уларнинг олдиларида эди. Тўрт юз йил бегона юртда тутқунликда яшагандан сўнг, уларнинг етакчисига, ниҳоят бу бойликларга тўла ерга киришни таклиф қилишмоқда. Лекин бу таклифда яна бир нарса бор эди. Худо давом этди: “У сизларни сут ва асал оқиб ётган ерга олиб киради. Зеро Менинг Ўзим сизларнинг орангизда бормайман, токи Мен сизларни йўлда қириб ташламайин, чунки сизлар ўжар халқсиз” (Чиқиш 33:3).

Худо Мусога у Исроил ўғилларини У уларга ваъда қилган ва уни мерос қилиб олиш учун халқ юз йиллар давомида кутган ерга олиб боришини айтди. Ҳатто Худо уларга фаришталардан бирортасини ҳамроҳ қилиб юборишни ваъда қилди, Ўзи эса улар билан бирга бормасликка қарор қилди.

Бунга Мусо тезда жавоб берди: “Агар Сенинг Ўзинг бизлар билан бормайдиган бўлсанг, бизни бу ердан олиб чиқмагин” (Чиқиш 33:15). Унинг жавобида заррача шубҳа ёки иккиланиш йўқ эди. У ўйлаб ўтирмай, фақатгина Худонинг ҳузурида бўлиш учун қурғоқ саҳрода, кўплаб ноқулайликлар келтирувчи ерда қолган бўларди. Узумзорлар мўл-кўл ўсадиган, булоқлари қайнаб-тошадиган, кўплаб чиройли уйлари бўлган, лекин Худонинг ҳузури йўқ ерга боришнинг ҳожат йўқ эди.

Мен Исроилга, ваъда қилинган ерга Худосиз кириш имконияти берилмаганидан хурсандман. Улар доим йўлида дуч келган қийинчиликлардан нолиб, Мисрга қайтиш билан таҳдид қилишарди; агар улар Мисрда Худосиз яшашни танлай олган бўлса, мўл-кўл ерни, фаришта билан қўшиб олишга жон деб рози бўлишарди. Улар ўз таналарига кўпроқ маъқул бўлган нарсани ўзлари учун мукофот деб билишган. (Замонавий дунё ҳам шу билан яшамоқда – “Мен учун нима яхшироқ бўлади?”)

Мусо учун Худонинг ҳузурисиз, ваъда ҳеч нарса эмас эди. Раббийнинг бундай таклифи анчагина дориламон ҳаётни ваъда қилиши мумкинлигиги қарамай, у ундан воз кечди, чунки бу ваъдада унинг юраги уриб турган нарса йўқ эди. Ҳаммасидан кўпроқ, Мусо Худони таниб-билишга ташна эди: “Агар мен Сенинг нигоҳингда илтифот топган бўлсам, илтижо қиламан: Менга Ўз йўлингни очгин, токи Сенинг нигоҳингда илтифот топишим учун Сени чуқур билайин” (Чиқиш 33:13).

У ер-мулк, бойлик, иззат-икром ва бошқа дунёвий бойликларни сўрамади. У буларнинг барчасига Мисрда эга эди ва улар ҳақиқий қониқиш келтирмаслигини тушунди. Мусо Худонинг ҳузурни бўлмаган ваъда қилинган ердан воз кечгани заҳоти, унинг юраги фарёд чекди: “Менга Ўз шуҳратингни кўрсатгин” (Чиқиш 33:18).

Мусо қатъий қарорга келди. У ягона мукофот бўлган – Худони таниб-билишга интилди. Дунёнинг барча неъматларидан ўзини тийишни, Худо шуҳратининг мукофоти билан таққослашга арзигулик баҳо деб ҳисобламасди. Айнан Мусо бу дунёнинг барча неъматларини тарк этишга қарор қилгани учун, тоғда Худога яқинлашишга муваффақ бўлди. Қолганлар эса буни қила олишмади: Мисрнинг истаклари ҳали ҳамон уларнинг ичларида эди. Улар ўз юракларида ўзларини дунёдан ажратмадилар ва бу улар Худоникини дунёниқидан ажрата олмаганликлари билан якунлайди.

Агар сиз ҳам дунёни, ҳам Худони яқиндан таниб-билишни истасангиз, Худо ҳақидаги тасаввурингиз бузилади. Сиз энди Худони эмас, бошқа Исони билган бўласиз. Исроил ўғиллари Худо қутқаришини иштарди, лекин улар ўзлари чиқиб кетган ўша мамлакатда бўлган неъматларни ҳам хоҳлашарди. Шунинг учун ҳам, улар “Мисрда бошлаган зиносини қолдиришмади”. Исроилликлар бу дунёга мансуб эдилар, Мисрнинг истаклари уларнинг ичида туғилган ва Худо уларни Ўзининг қудратли қўли билан у ердан олиб чиққанига қарамай, улар Мисрни ўзларининг ичидан ҳайдаб чиқаришга қарор қилмадилар.

## ҲАЁТ МАҚСАДИ

Ички ундов, ҳаёт мақсади – Мусо ва Исроил халқи ўртасидаги, уларни ажратиб турган омил эди. Мусо Худога

интилган ва Уни таниб-билиш учун ҳар қандай тўловни тўлаган бўларди. Исроил ўғиллари эса ўзлари учун энг яхшисини изладилар. Агар Худонинг йўлларидан юришнинг афзалликлари маълум бўлганида эди, улар бу йўлни жон деб танлаган бўларди, аммо бундай бўлмагани учун, уларни кўпроқ манфаатлироқ бўлиб кўринган нарса жалб қилди. Худони таниб-билиш бизни ҳар доим, ўзимиз хоҳлай олганимиздан ҳам яхшироқ эзгуликка олиб келади, чунки Худо – мукаммал Севгидир. Бироқ бу билим ҳар доим ҳам бизнинг танавий ақлимизга маълум бўлавермайди.

Мусо Худони Худо бўлгани учун севган, Исроил эса Худони У уларга бера олган нарсалари учун севган. Агар Унинг ишлари, уларнинг хоҳишларига тўғри келмаса, улар ўзлари учун манфаатлироқ деб билган нарсаларга интила бошларди. Исроилнинг қарашлари бу дунёнинг қарашлари ва мақсадларидан фарқ қилмас эди. Юҳанно шундай ёзган: “Чунки дунёда бор бўлган ҳамма нарса – тананинг ҳирси (истаги), кўзнинг ҳирси (истаги) ва турмуш тарзидан мағрурланиш Отадан эмас, балки шу дунёдандир” (1-Юҳанно 2:16).

Дунёдагилар уларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиб, қондирадиган ёки мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган нарсаларни излайдилар. Исроил халқи айнан шу тарзда яшаган ва Худого итоат қилиш, дарҳол келадиган манфаатни ваъда қилиши биланоқ, улар Унга мамнуният ила бўйсунган.

Мусо ва Исроил бугунги жамоатни ташкил этувчи икки гуруҳ одамларни ажойиб тарзда тасвирлайди. Улар ўртасидаги улкан фарқ жамоатда ажратувчи чизиқни ҳосил қилади, унинг бир томонида Худонинг ҳақиқий саждакорлари, бошқа томонида эса Исони Раббимиз деб

атайдиганлар, аслида ўз ҳаётида биринчи ўринни ўзларига беришадиган одамлар.

Энди, Исо Янги Аҳдда нима деганини янада равшанроқ тушунишимиз мумкин:

Сўнг Исо халқ билан Ўзининг шогирдларини чақириб, уларга деди: “Ким Менинг ортимдан бормоқчи бўлса, ўзини рад этсин ва ўз хочини олиб, Менинг ортимдан юрсин. Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен ва хушxabар учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади. (Марк 8:34, 35)

Хоч бизнинг истак ва ҳирсларимизнинг узил-кесил ўлимини ифодалайди. Хочни кўтарганлар Худонинг содиқ, адолатли ва севувчи Яратувчи ҳамда Ҳукмрон эканига ишонадилар. Улар барча тирик нарсалар Ундан келиб чиққан ва Унда бўлмаган ҳар бир нарса ҳақиқий ҳаётга эга эмаслигини биладилар.

Мусо бу улкан манзарани кўриб турарди, Исроил эса фақат ўзини кўрарди. Мусо Худо муқаддас эканини ва Унга яқинлашиш дунёвий нарсаларнинг ҳар қандай кўринишидан, бутунлай воз кечишни талаб қилишини тушунди. У ўзининг “мен”идан воз кечиб, Худони таниб-билишга эришини тушунди. Павлус ҳам бу манзарани тасаввур қилган ва биз унинг ўз ҳаётининг мақсадини, икки жамоатга айтган қуйидаги мурожаатларида қандай белгилаганини кўришимиз мумкин:

Мен эса биргина Раббимиз Исо Масиҳнинг хочидан бошқа ҳеч нарса билан мақтанмайман. Унинг хочида бу дунё мен учун, мен эса бу дунё учун михланганман. Галатияликларга 6:14

Лекин мен ўшанда ютуқ деб ҳисоблаган ҳамма нарсани, ҳозир Масиҳ учун йўқотиш деб ҳисоблайман. Фақат буларнигина эмас, балки бошқа ҳамма нарсани ҳам, Раббим Исо Масиҳни бебаҳо таниб-билиш билан солиштирганда, йўқотиш деб биламан. Масиҳ учун мен дунёдаги қолган барча нарсани ахлат деб ҳисобладим ва Масиҳга эга бўлиш учун ҳаммасини четга улоқтириб юбордим. *(Филиппиликларга 3:7, 8, ЯРТ)*

Павлус алданиб қолмади. У бу дунёдаги нарсаларни истамади ва дунё унга ваъда қилган лаззат ва манфаатлардан воз кечиб, тўлаган нархи Масиҳни бебаҳо таниб-билиш ва Ҳаётнинг Ўзи бўлган Зот ҳузурида бўлиш билан солиштирганда ҳеч нарса бўлиб чиқди.

## ЗИД МАДАНИЯТМИ ЁКИ ҚУЙИ МАДАНИЯТМИ?

---

*Биз дунёвий одатлар ва тасаввурларга  
эргашмаслигимиз, бу дунё одамлари тутган йўлдан  
юрмаслигимиз керак.*

Эгамиз Синай тоғида зоҳир бўлган пайтда халқ Унинг қаршисида тик туролмади. Бунга қадар улар Худога интилишларини айтган эдилар, аслида бунга мутлақо тайёр эмасликлари аён бўлди. Улар ҳали-ҳамон Мисрни унутмаган, қалбларида уни сақлаб, эски йўлларини тутиш истагидан қайтмаган эдилар. Мана шундай паллада кўз ўнгларида Мисрдаги одатлари ва тасаввурларини акс эттирган «худо» гавдаланганида, улар бунини очиқ юрак билан қабул қилишди. Негаки, энди кўз ўнгларида «худолари» бор эди, истак-муддаолари бўлган Миср бор эди. Ахир, энди улар ўтмишларини ўзларидан соқит қилмай, шу билан бирга Яхвехнинг қарамоғи остида яшаса бўларди.

Бу дунёнинг машъум таъсиридан пайдо бўлган урф-

одатлар, тушунча ва тасаввурларга кўп мисоллар келтириш мумкин. Шайтон «ҳаводаги ҳокимлик қилувчи руҳий кучларнинг ҳукмдори» (Эфесликларга 2:2), «бу дунёнинг худоси» (2-Коринфликларга 4:4) деб аталгани бежиз эмас.

Агар Худонинг ҳузурига яқинлашиш учун уларни ўзимиздан соқит қилмасак, эртами-кечми бу дунёда ҳукмронлик қилаётган ёвуз кучларнинг таъсирига берилиб қолишимиз муқаррар. Эгамиз: “Миср халқининг одатларига ва Мен сизларни олиб бораётган Канъон юртидаги халқларнинг одатларига тақлид қилманглар. Уларнинг худумларига эргашманглар”, деб буюрган (Левит 18:3).

Биз бу дунёнинг одатларига тақлид қилмаслигимиз, дунё аҳли юрган йўлдан юрмаслигимиз керак. Ҳаворий Павлус бу борада: “Бу дунёга мослашманглар, фикр-зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар”, дейди (Римликларга 12:2).

Худонинг Шоҳлиги ва бу дунёнинг йўллари бутунлай бошқа-бошқа. Раббимиз Исо ҳам, уларнинг орасида уйғунлик йўқлигини тасдиқлаб, дейди: “Агар дунё сизлардан нафратланаётган бўлса, билингки, сизлардан илгари Мендан нафратланган. Сизлар бу дунёга тегишли бўлганингизда эди, дунё сизларни ўзиники каби севар эди. Сизлар эса бу дунёга тегишли эмассизлар. Мен сизларни бу дунёдан танлаб олдим. Шу сабабдан, дунё сизлардан нафратланади” (Юҳанно 15:18, 19).

Исо бизни танлади ва бу дунёдан ажратиб олди. Унинг айтишича, дунё биздан айнан шу туйғайли нафратланади. Бу ҳақиқатдан ҳам шундайми? Гоҳида имонлилар жамоати, охирги йигирма йил давомида Масиҳнинг юқорида айтган сўзларида андак бир ноаниқлик борлигини исботламоқчи бўлаётгандай, деб ўйлайсан киши. Биз дунёга мослашишнинг барча чораларини кўрдик. Ҳаракат қилсак,

дунё бизни ҳам, Масихни ҳам маъқуллашига ич-ичимизда ишониб яшадик. Аммо Раббимиз Исо жуда аниқ тарзда, биз дунёга тегишли бўлсақкина, дунё бизни яхши кўришини таъкидлади. Демак, тақлид қилмаслигимиз керак бўлган дунёга тегишли бўлиш учун жон куйдирибмиз-да?

## ИЛК ЖАМОАТНИ ҲОЗИРГИ ЖАМОАТ БИЛАН ТАҚҚОСЛАГАНДА

Милодий иккинчи ва учинчи асрлардаги илк жамоат ҳақида ўқир эканман, ўзим учун биз билан ўша даврдаги имонлилар ўртасида жуда катта тафовутларни кашф этдим. У пайтда яшаган имонлиларни ажратиб турган энг катта фарқ — улар бу дунёдан холи ҳаёт кечирганларида эди. Улар орасида бу дунёга хос одатларга, усулларга ёки йўлларга амал қиладиганлар бўлмаган. Улар атрофларидаги жамиятдан ажралиб туришар эди, нега десангиз, қадриятлари, қўллаган тамойиллари мутлақо бошқа бўлган. Худонинг Каломи ҳақиқатдан ҳам уларнинг ҳаётини шакллантириб борган.

Имонсизлар, масихийлар ҳақида: “Масихнинг издошлари жамоа-жамоа бўлиб яшашади, худди келгинди, мусофирлардай кун кечиришади”, дейишган. Улар танада яшасалар-да, тана истакларига қул бўлмаган; ўрнатилган қонунларга бўйсунган, бироқ шу вақтнинг ўзида, шахсий ҳаётлари билан бу қонунлардан устувор бўлишган. Улар жамиятда оммалашган ўйин-қулгиларга, катта спорт мусобақаларига ва кўнгилочар тадбирларга кўп ҳам қизиқавермаган. У пайтдаги имонлилар ҳеч кимдан меҳрини аямаган, лекин жамият томонидан жабр-зулм кўриб яшаган. Кўпчилик уларни таҳқирлар эди, қарангки, таҳқирланиб, улар улуғворликка эришган. Нафратланганлар

эса нима учун бундай қилаётганларини ўзлари тушунмаган.

Бугунги кунда бизни ёмон кўрганларга бунинг учун салмоқли сабабларни излаб ўтиришга ҳожат йўқ. Илк даврдаги жамоат ҳақида айтганларимиз бугун масиҳийларнинг кичик қисмигагина тааллуқли десак, муболаға бўлмайди. Хизматнинг барча соҳаларида низо ва тортишувларга гувоҳ бўляпмиз. Буларга танавий, худбин эҳтиросларимиз сабаб бўлмоқда. Нафақат етакчилар, балки оддий имонлилар ҳам бу дунёнинг неъматлари пайида яшайди, “ҳазина тўпласам, жонимга роҳат олсам”, дейди. Бу дунёнинг одамлари қизиқиб кўрадиган фильмлар ва кўрсатувлар, кўнгилочар шоу ва тадбирлар учун чипта олишга бошқалар билан навбатда бир қаторда туришни оддий ҳол деб биламиз.

Киприан (Карфагенлик) жуда бадавлат римлик бўлган, у қирқ ёшида Масиҳга имон келтирган. Масиҳни таниб-билганидан шу даражада қувониб, бор мулкени, молу давлатини камбағалларга тарқатиб берган. Кейинчалик у имонлилар жамоатининг ноziри этиб тайинланган. У шундай деб ёзган:

«Умид бағишлайдиган бирдан-бир тинчликка, энг мустаҳкам, ишончли ва ўзгармас ҳимояга, бу дунёдан тўлиқ ажралиб чиққанлар, нажот остонасига лангар ташлаган, бу дунёда самога (Худонинг тоғига) кўз тикиб яшаётганларгина эришади...

Бу дунёдан устун бўлганлар, дунёнинг неъматлари пайида яшай олмайди».

Киприаннинг Донатга мактубидан, 14-қисм

Илк масиҳийлар, бу дунё ва осмонда Эгамиз ҳозирлаган дунё бир-бирига душман, деб ҳисоблаган. Шу боис, иккаласига бирдек дўст бўлолмасликларига ишонишган.

Ёқуб қатъий эълон қилган: «Зинокорлару фоҳишалар! Дунё билан дўстлик Худога душманлик эканлигини наҳотки билмасангизлар?! Ким дунё билан дўст бўлишни истаса, Худога душман бўлади» (Ёқуб 4:4).

Ёқуб нима учун бу дунё билан дўст бўлишни истаган имонлиларни «Зинокорлар» деб атамоқда? Зинокор одам, бир киши билан аҳдда бўлиб, бошқалар билан ҳам муносабат излайди. Биз эса имон келтириб, Худо билан аҳд тузганмиз. Шундай экан, нима учун энди бу дунёнинг қилиқлари ва одатларига эргашишимиз, дунёнинг йўлларида юришимиз керак? Бу билан биз, бир пайтлар Мисрнинг таоми-ю жирканч одатларини, Эгамиз Худони таниб-билишдан афзал кўрган қадимги Исроил халқига ўхшаб қолмаймизми?

## ЗИД МАДАНИЯТ ҚУЙИ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ

Илк жамоат зид маданият тамойилларига амал қилган. Бугунги кунда имонлилар жамоатининг аксар қисми қуйи маданият доирасида қолмоқда. Фарқи нимада? *Зид маданият* – бу ҳукмрон бўлган жамиятнинг кадриятлари, меъёрлари ва маданий қарашларига очиқдан-очиқ қарши чиқувчи ва уларни инкор этувчи маданий гуруҳдир. Улар муқобил турмуш тарзини тарғиб қилади, анъанавий нормаларга зид бўлган ўз қоидаларини яратади ва асосий маданиятдан фарқ қиладиган дунёқарашга эга бўлади. Илк жамоат бунга яққол мисол бўла олади. Ҳаворий Петрус эндигина имонга келганларга: «Ўзларингизни бу бузук насл устига келаётган жазодан сақланглар», дея мурожаат қилган (Ҳаворийлар 2:40). Муқаддас Ёзувнинг “Мактуб” таржимасида, бу оят янада кескинроқ эшитилади: «Бор кучингиз билан, бу касал ва аҳмоқ маданиятдан қочинглар!»

*Қуйи маданият* бунинг аксидир. Бу жамият ичидаги алоҳида гуруҳга хос бўлган ўзига хос қадриятлар, фикрлаш тарзи ва хулқ-атвор тизимидир. Яъни у умумий маданиятнинг бир қисми, лекин маълум гуруҳнинг ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Бугунги кунда Жамоат ҳақида айнан шуни айтишимиз мумкин. Биз ўзимизни “Худодан туғилган”, “нажот топган” деб атаيمиз, турли гуруҳ ёки тўгаракларга қўшилаемиз, тўла Хушхабар, харизматлар ва ҳоказо йўналишидаги жамоатларга борамиз. Лекин дунёвийлар билан деярли бирлашиб кетганмиз.

Жамиятимизда ички дунёси, қарашлари ва қизиқишлари ҳар хил одамлар бор. Мисол учун америкаликларнинг ички дунёси, турмуш тарзи ва қизиқишларини график чизиқ кўринишида чизадиган бўлсак, чизиқнинг бир бошида – ўтакетган либераллар, бошқа бошида – консерваторлар, ўрталарида эса аксариятни ташкил қилган турли қараш вакиллари жойлашади. Ўтакетган либераллар қаторида рок юлдузларни, машҳурларни ва ҳоказоларни, ёрқин, кўзга ташланадиган кўринишда, ҳатто бошқа жинс вакиллари кийимларини киядиган одамларни кўрамиз. Бу турмуш тарзидаги одамлар мутлақо одобга зид ҳаёт тарзи кечирадилар, улар гоҳ яширинча, гоҳ эса очиқчасига беадаблик қиладилар. Баъзилари сочларини қорага бўяб, юзларини оқартириб олишади. Бошқалари бузуқликларга муккасидан кетган. Биз уларни жамиятнинг ўзига хос бир “экстремал” қисми деб билаемиз, имонлилар орасида, аксарият килишлар уларга тақлид қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Чизиқнинг бошқа томонида консерватив америкаликларни кўрамиз. Бу эркак ва аёлларни ахлоққа мувофиқ ҳаёт кечиради дейишимиз мумкин. Жамиятнинг

бу қисми “бинойидек” кўринса-да, барибир уни бу дунёнинг худоси таъсири остида қолаётган оммавий маданиятга мансуб дейишимиз керак. Баъзида “бинойидек” кўринган бундай тартиб, Худога тиш-тирноғи билан қарши турадиган душманнинг қуролига айланади. Эсда тутинг, Момо Ҳаво кўзига яхши кўринган мевани танлаб, оқибатда Худонинг изни-иродасига қарши йўл тутди.

Бу дунёдан ажратилган ва марказида Худо Шоҳлигининг ҳокимияти турадиган ҳаётда, ҳаққоний масиҳий бўлиб яшашнинг ўрнига, кўпларимиз, консерватив яшашга қарор қилган имонлиларга ўхшаб яшаймиз. Биз бу дунёдан эмасмиз деймиз-у, лекин бу кўпларимиз учун назариядан нарига ўтмайди, реал ҳаётда бошқача яшаймиз. Дунё билан шу тарздаги алоқамиз туфайли, унинг чегаралари кенгайган сари, биз ҳам у билан бирга силжим бораверамиз.

Худонинг Сўзи имонлиларни: “Ҳар қандай ёмонликдан қочинглар”, деб ўргатади (1-Фессалоникаликларга 5:22) ва “Зулматнинг бесамара ишларида иштирок этманглар, аксинча, уларни фош этинглар. Чунки уларнинг яширинча чилаётган ишлари ҳақида гапириш ҳам уятлидир”, деб огоҳлантиради (Эфесликларга 5:11, 12, ЯРТ). Хўш, биз бу огоҳлантиришларга эътибор беряпмизми?

Бугунги кунда киноиндустрия фильмлар рейтингини тузади. Консерватив америкаликлар сингари кўп имонлилар PG-13 белги билан чиқадиган фильмларни кўришни айб деб билмайди (13 ёшгача бўлган болаларга тавсия этилмаган фильмлар шундай белги билан чиқади; *таржимон изоҳи*). Худонинг номини таҳқирлайдиган ёки очиқдан-очиқ, уятли, ишқий муносабатлар билан боғлиқ сюжети бўлмаса, бундай фильмлар яна ҳам ижобий қабул қилинади. Аммо бундай фильмларнинг аксариятида гарчи, Худонинг номини

тахқирлайдиган сюжет ёки уятли, ишқий муносабатлар кўп бўлмаса-да, улар ўзгага нисбатан ҳурматсизлик, ғазаб, нафрат, зўравонлик ёки никоҳдан ташқаридаги жинсий муносабатлар билан боғлиқ. Жуда кўп имонлилар бу дунё ўргатадиган одоб-ахлоқ намуналарини ҳеч иккиланмай томоша қилишади.

Энди тасаввур қилайлик, худди ўша PG-13 белгили фильмни шу мамлакатнинг ўзида, 1940-йилдаги томошабинларга қўйиб бердик. Уларнинг бунга муносабати қандай бўлади? Кўпчилик буни кўриб, ўзини йўқотиб қўяди. Нима учун? Ўрта даражадаги консерватор учун жоиз ахлоқ-одоб чегараси силжиган ва у билан бирга жамоатнинг чегараси ҳам силжиган. 40-йилларда Худого ишонмаган одамни ажаблантирадиган нарсаларни, бугунги кунда жамоатда жуда кўпчилик пинагини бузмай томоша қилади. Энди айтинг-чи, биз шунча вақт Худонинг Шоҳлиги йўлидан юрдикми ёки “Мисрнинг истакларига” эргашиб келяпмизми?

Худо Шоҳлигининг йўллари ва талаб мезонлари ўзгармайди, нега десангиз, Худо ўзгармасдир. Каломда, Худода ўзгарувчанлик сояси ҳам йўқлиги таъкидланган. Худо бизга ёвузликнинг соясидан ҳам йироқ бўлишни буюрган, одамлар яширин равишда қилаётган ишлари ҳақида гапириш ҳам уятдир деб ўргатган бир пайтда, нима учун биз бундай нарсаларнинг пайида бўлишимиз, нима учун бузуқликка берилган ҳозирги авлоддан келиб чиқаётган муносабатларни, хунук хулқ-атвор ва одатларни, пул тўлаб, томоша қилишимиз керак? Бир дўстим кунларнинг бирида қаттиқ ибодат қилаётиб, Худонинг унга ғазаб билан гапирганини ҳис этганини айтди: “Нима учун Менинг халқим, қўлимга мих бўлиб қоқилган нарсалар билан кўнгилхушлик қиляпти?”

Кўнгилхушлик, шоу саноатида руҳларнинг фарқига бориш инъоми борми? У ердаги раҳбарлар ва масъуллари, Эгамиз Ўзининг одамларида қандай ҳосилларни кўришни исташни билишадими? Йўқ, албатта! Шундай экан, нима учун биз руҳларнинг фарқига бориш инъомига эмас, бу саноат рейтингига қараб иш тутишимиз керак? Нима, охирги йигирма йил ичида Худо ўзгардимиз, бу авлодга хос интилишларга мослашдимиз? Йўқ, албатта! Худонинг талаб мезонлари ўзгармаган бўлса, нима учун ўртамиёна масиҳийнинг талаб мезонлари ўзгарди? Бунинг сабаби, турмуш тарзимиз тўлалигича Худонинг Шоҳлигига эмас, оммавий маданиятга мослашганида. Мухтасар қилиб айтганда, биз “Мисрнинг одатларини қолдирмадик”. Буни ҳаётимизнинг барча соҳалари яққол кўрсатиб турибди: кийиниш, тараниш услубимиз, пул-маблағни нимага сарф қилишимиз, бизнесни олиб бориш тарзимиз, сиёсатчиларнинг қарашлари ва ҳоказолар.

Илк даврдаги Жамоатда, масиҳийлар Худонинг Шоҳлигини маҳкам тутгани боис, маданиятига кириб келган мажусий халқларга хос муносабатларни, одатларни ва кўнгилхушликларни рад эта олган. Уларни том маънода “чанқаган жамоат” дейишимиз мумкин. Улар танларига роҳат, қулайликка иштиёқманд бўлмасдан, жонларини сотиб олган Нажоткорларини таниб билишга интилган. Ўша даврдаги маданият уларни турли васвасаларга солгани тайин, лекин имонлиларнинг аксарияти бу кучларга дош бера олган, бўйсунмаган. Нега десангиз, истак-муддаолари битта бўлган – улар Худога интилиб яшаган. Жонларини сотиб олган Хўжайинлари – Раббий Исони таниб билиш олдида, бошқа ҳамма нарса улар учун сариқ чақалик қийматдай бўлган. Улар буни тан олибгина қолмай, ҳаётлари

билан исботлаган. Уларнинг ҳаёт тарзи, атрофдагиларда соғлом интизомни шакллантирган.

Кейинчалик пайдо бўлган бир қатор йўналишлар ёки гуруҳлардан фарқли ўлароқ, илк Жамоатдаги имонлилар, қонунлар, қоидалар ёки диний амаллар орқали муқаддасликка эришишни хаёлларига ҳам келтирмаган. Жонли таълимот, Руҳнинг бошқаруви, солиҳларнинг ҳаёт тарзи ва хизмат қилишга бўлган қатъий қарорлари улар учун пойдевор бўлган. Ташқи қоидалар орқали муқаддасликка интилган жамоатлар, одатда қонунга боғланиб қолган диндор одамларни шакллантиради. Илк Жамоатда инсон қалбининг ўзгаришига урғу берилган ва айнан шундай қалб солиҳликка бошлаган. Ташқи амаллар, агар улар инсон қалбини ўзгартирмаса ва уни Худога яқинлаштирмаса, бекор ва беҳуда ҳисобланган.

## НАҲОТКИ БИЗ ЭГАМИЗНИ РАШК ҚИЛИШГА МАЖБУРЛАЁТГАН БЎЛСАК?

Бугунги кунда биз телевидение, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали хонадонимизга дунёвий одатларни олиб кирамиз. Имонлиларнинг уйларида, болалар хонасида спорт ёки кино юлдузларининг, Голливуд актёрларининг — кўпчилик учун бутдек, «худодек» бўлиб қолган машҳурларнинг расмлари ва плакатларини кўрганимда, ичим хижил бўлади. Нима учун замонавий жамиятда бут ўрнида кўрилаётган эркак ва аёлларни юксалтирамиз?

Бутлар борасида ҳаворий Павлус огоҳлантириб дейди: «Сизлар ҳам Раббимиз Исонинг косасидан, ҳам жинларнинг косасидан ича олмайсизлар. Ҳам Раббимиз дастурхонидан, ҳам жинларнинг дастурхонидан баҳраманд бўла олмайсизлар». Нега биз бу дунёнинг косасидан ичишни

истаяпмиз? Ҳаворий Павлус давом этиб дейди: «Наҳотки Раббимиз Исонинг рашкини қўзғатмоқчи бўлсангиз?» (1-Коринфликларга 10:21, 22). Нима учун бу дунёни қизиқтирган нарсалар, бизни ҳам бу даражада қизиқтиради?

Кўп йиллардан бери, менинг оилам бир машҳур, профессионал рестлинг курашчиси билан дўстона муносабатда бўлиб келади. Худо унинг оиласини қутқарди, десам ҳам бўлади: хотини, болалари ва қариндошларидан бири нажот топишди. Курашчининг ўзига келсак, у биз орқали Хушxabарни эшитди ва Исога эргашишнинг ўзига яраша баҳоси борлигини билади. Шунинг учун, борини Исонинг пойига олиб келишга ҳозирча тайёр эмас. Уни маълум маънода самимийлиги учун ҳурмат қиламан, чунки жамоатда кўп одамлар Масих учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр эканини айтса-да, сўзида содиқ қолмайдилар.

Баъзида мамлакат бўйлаб масиҳийлар анжуманларида ва жамоатларда руҳий етуклик ҳақида ваъз ўқиганимда, ўхшатма сифатида ўша курашчи тимсолини келтираман. Ваъздан кейин олдимга илҳомланган одамлар келиб, ўша одам кимлигини сўраганларида, юрагим тилка-пора бўлиб кетади. Уларга дилимдаги гапларни бақариб айтгим келади: «Нима учун бунга қизиқасизлар? Нима учун профессионал рестлингни томоша қиласизлар?» Мени ўтакетган қонунбоз демасликлари учун бу саволни бермайман. Ким билсин, балки бундай қилмаслигим керақдир. Курашчи дўстимни жуда яхши кўраман, лекин телевидениеда унинг иштирокидаги шоу-кўрсатувларни кўргим келмайди, чунки унда зулмат кучлари борлигини ҳис этаман. Кўпинча ўзимга савол бераман: *«Қандай қилиб имонлилар буни пинагини бузмай кўриб ўтиради? Худонинг ҳузурини рашк қилиш қаерда қолди?»*

## УЙҒОНИШГА ДАЪВАТ

Бир мунча вақт аввал, уйғонишга даъватни ҳис этдим ва бу ҳодиса мазкур китобни ёзишга бўлган иштиёқимни янада алангалатиб юборди. Жамоатларнинг бирида Худони излаш ҳақида ваъз ўқидим. Хизматимиз жуда яхши ўтди ва ўша кунни Худо кўпчиликка гапирди.

Кейинги кун режам бўйича дам олишим керак эди. Мен йўлга бир ўзим эмас, хотиним ва болаларим билан чиққан эдим, шу боис узоқ йўлдан кейин дам олишимиз лозим эди. Ўша жамоат чўпони барча етакчиларни уйига, дастурхон атрофига таклиф қилди. Биз кечки овқатни тановул қилиб, кўп суҳбатлашдик; гапларимиз асосан, хизматимиз қандай ўтгани, Худо уларга қандай гапиргани ҳақида бўлди. Овқатланиб бўлганимиздан кейин, кино кўришга қарор қилдик. Имонлилардан бири ўша пайтда жуда машҳур бўлган бир фильмни олиб келди. Ўша кинода бош ролни ўйнаган актёрни жуда истеъдодли деб билардим. Фильм PG-13 белги билан чиққан бўлса-да, уни кўришга қарор қилдим.

Фильм бошида, ўта бешафқатлик билан содир этилган қотиллик юз берди. Бироз ажабландим, лекин кўришда давом этдим. Бошқа қотиллик юз бермаган бўлса-да, бошқа нарсалар тўлиб-тошган эди: уруш, ғазаб, нафрат, алам, ёлғон. Фильмни кўрар эканман, ичимда хавотир кучая бошлади. Хаёлимдан битта фикр қайта-қайта ўтарди: боягина Худо ҳақида, Унинг ишлари ҳақида гаплашдик, ҳаёт ва нурни ҳис этдик, энди эса зулматга қалбимизни очиб беряпмиз. Бу инсонлар олдида ёмон гувоҳлик бўлганимни тушундим.

Фильмда шундай бир сюжет бор эди: бош қаҳрамон қотилликни кўз олдига келтиради. Ўша пайтда, тўсатдан хонага ўғилларимдан бири кириб қолди ва бояги манзарани кўриб, ранги оқарганча хонадан чиқиб, акаси билан бирга

онасидан юпанч излаб, у томон югуриб борди (онаси фильм бошланган палладаёқ, хонадан чиқиб кетган эди). Ўғлим дадаси нима учун бунақа кино кўраётганини ақлига сиғдиролмасди. «Ойижон, — деди у, — бу уруш кино-ку, дадам бунақаларни кўрмасди-ку?!»

Фильм тугаганидан кейин, ўзимни булганган ҳис этдим. Аҳмоқлик қилганимни тушуниб турардим. Сўнг етакчилар билан хайрлашдим. Эртаси куни биз уйга қайтдик. Қандай хайрлашганимизни алоҳида айтиб ўтишим керак. Хотиним менга ўғлимизнинг сўзларини етказганидан кейин, ундан кечирим сўрадим. Эртаси куни ўғилларимдан ҳам кечирим сўраб, ноҳақ бўлганимни тан олдим. Мен Худога, болаларимга ва етакчиларга қарши гуноҳ қилган эдим. Уларда аллақандай бир меҳр ҳис этдим, мени кечиринди, лекин буни узоқ вақт унута олмаганлари аниқ.

Бошқа шаҳарда биз бир эр-хотинникида қолдик. Улар билан анча вақтдан бери яқин дўст эдик. Етмишинчи йилларда, эндигина Худога келган пайтимда, бу оила ҳаётимга кириб келганди ва мен уларни имон йўлидаги устозларимдек кўрардим. Оила боши энг йирик университетлардан бирида тадқиқотлар олиб борарди. Ҳаёти давомида у жуда кўп одамни Масихга олиб келган, кўп талабаларга Худони яқиндан таниб-билишга ёрдам берган эди. Унинг энг яхши кўргани — Худонинг Шоҳлигида юз берадиган мўъжизалар ҳақида гапириш эди.

Шундай қилиб, ўғлим ўша эр-хотинга дадаси чўпоннинг ўйида қанақа кино кўрганини гапириб берибди. Буни менга сал ўтиб хотиним айтди. Бу кадрдон дўстларимиз Худо олдида ниҳоятда тақволи ҳаёт кечиринди, шу боис очиғи жуда уялдим, қилмишимдан хабар топганларидан ўзимни ноқулай ҳис этдим.

Шу заҳоти бориб, ибодат қилдим. Худо юрагимга гапирди. Унинг овозини жуда аниқ эшитдим, У менга уйғониш вақти келганини айтди.

Ўша эр-хотин қилмишимни билиб қолгани мени шу даражада хавотирга солган бўлса, энди тасаввур қилинг: маъбад ҳисобланган юрагимни зулмат кучларига очиб беришим, Худони қай даражада ранжитиши мумкин? Ич-ичимдан тавба қилдим. Эгамизга шукур, Унинг инояти ва илтифоти чексиздир! У кечиримлидир!

## КЎЗИМИЗНИ ОЧАДИГАН ВАҲИЙ

Эгамиз менга ўша воқеа орқали, имонлиларнинг дунёдан ажралиб чиқиш масъулияти ҳақидаги ҳақиқатни очди. Ҳар доимгидек, У берган ваҳий менинг фикр-зикримни ва ҳаёт тарзимни тубдан ўзгартириб юборди. Сўнг, ўша ҳафта бу ҳақиқатни яхшироқ тушуниб олишим учун, Эгамиз Иброҳимнинг жияни Лут ҳаётидан бир мисол кўрсатди.

Эгамиз Иброҳимга ўзи туғилиб ўсган юртини, онасини, қариндош-уруғларини ташлаб чиқишни буюрди ва унга сон-саноқсиз авлод, буюк халқ беришни ҳамда марҳамат кўрсатишни ваъда қилди. Иброҳим Эгамиз айтганидай қилди, унга жияни Лут ҳам эргашди. Икковининг ўз юртларидан чиқишини, Исроил халқининг Мисрдан қутулиб чиқишига қиёслаш мумкин. Иброҳим Худодан ваҳий олгани учун чиққан эди, Лут эса ҳеч қандай ваҳий олмаган эди. Иброҳимнинг мақсадлари Мусоникига ўхшар, Лут эса кўпроқ Исроил авлодларига ўхшар эди.

Лут Иброҳимга эргашгани туфайли, Иброҳим билан бирга Худодан марҳамат топди. Иброҳим жуда бойиб кетган, мол-қўйлари, кумуш-у олтини кўпайган эди (Ибтида 13:2). Иброҳим билан бирга кетаётган Лут ҳам жуда бой бўлиб,

мол-қўйлари ва қўплаб чодирлари бор эди (Ибтидо 13:5). Ўз манфаатини ўйлайган одам, Худони излайган одам билан бирга юрса, улар ўртасида албатта низо келиб чиқади, чунки Рухнинг истаклари инсоний худбин истакларга қарши чиқаверади. Иброҳим ва Лут билан боғлиқ ҳолатда ҳам шундай бўлди, “Иброҳимнинг чўпонлари билан Лутнинг чўпонлари ўртасида жанжал чиқиб қолди” (Ибтидо 13:7). Худонинг иродасини излайган Иброҳим жияни Лутга деди:

“Менинг чўпонларим билан сенинг чўпонларинг ўртасида жанжал бўлмаслиги керак. Ахир, биз яқин қариндошлармиз. Нима қилишимиз лозимлигини мен сенга айтай: сен мана шу ердан яхши жойини керагича танлаб ол, кейин бир-биримиздан ажралайлик. Агар сен чап томонга кетсанг, мен ўнг томонга кетаман, агар сен ўнг томонга кетсанг, мен чап томонга кетаман”. (Ибтидо 13:8, 9)

Иброҳим юраги Худога очиқ одам бўлган. У ўз манфаатини ўйламасди. Дунёнинг бутун бойлиги ҳам у учун сариқ чақадек бўлган, “чунки у Худо томонидан лойиҳалаштирилган ва қурилган, пойдевори мустаҳкам, боқий шаҳарни кутаётган эди” (Ибронийларга 11:10). Унинг бутун эътибори абадий ҳаётга қаратилган бўлиб, бу дунёда қандай ер танлаш масаласи уни заррача ҳам қизиқтирмаган.

Бугунги кунда нажот топаётган кўпгина одамларда Худони таниб-билишга бўлган иштиёқ етишмайди. Худди Исроил авлодлари сингари, улар бу дунё неъматлари пайида яшайдилар ва шуни мукофот деб биладилар. Иброҳим Лутга биринчи бўлиб танлаш ихтиёрини берди.

Лут Зўвар томондаги Йордан водийсининг серҳосил текисликларига қаради. Ҳамма ёқ серсув, гўё Эгамиз

яратган боққа ва Мисрнинг ажойиб ерларига ўхшарди. Эгамиз Садўм ва Ғамўра шаҳарларини вайрон қилишидан олдин водий шунақа эди. Шундай қилиб, Лут Йордан текисликларини танлади ва шарқ томонга кетди. Шу тариқа Ибром билан Лут бир-биридан айрилдилар. Ибром Канъон юртида ўрнашди, Лут эса Йордан текисликларидаги шаҳарлар орасига ўрнашиб, чодирларини Садўм ёнига кўчирди. (Ибтидо 13:10-12)

Лут танлаган ер, бир қарашда жуда яхшидек кўринар эди. У бу ерда сокин ва фаровон ҳаёт кечираман деб ўйлаган. Танлаган ерларини у олдиндан билар эди, чунки Иброҳим билан у ердан ўтганди (Ибтидо 13:3 га қаранг). Эҳтимол, Лут “Садўм аҳолиси ўта қабиҳ бўлиб, Эгамизга қарши оғир ғуноҳлар қилишини” ҳам билгандир (Ибтидо 13:13).

Ким билсин, балки шунинг учун у серҳосил текисликларга “диққат билан” (ЯРТ) қарагандир. Ўша пайтда: “Нима қилсам экан, бу ерларни танлайми ёки йўқми (лаънат топаманми ёки барака)?” деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Аммо чиройли ҳаёт кечириш истаги Худога бўлган интилишдан устун келди. Иброҳимда эса бунинг акси эди. Лутнинг ўша танланган юртидаги қабиҳликларга эътибор бермаганининг боиси ҳам шунда. Эҳтимол, у бу қабиҳликлар уни четлаб ўтишига ишонгандир.

Фикримча, Лут қабиҳликка берилган одамлардан йироқ бўлиш учун “чодирларини Садўмгача ўрнатган”. У ўзини худди бугунги кундаги кўпгина имонлилардек тутди. Улар шундай фикрлайдилар: *“Дунё одатлари ҳаётимга оз-оз кириб келишига ўл қўйишим мумкин, лекин ўзимни ёмонликдан тияман ва шунда, у мени бутунлай ютиб юбормайди”*. Бундай фикр ва тасаввурлар нодонликдан бошқа нарса эмас! Дунё одамни ўзига тортиб олади,

васвасага солади. Юрагингизда заррача ҳам худбинлик бўлса, дунё сизни маҳв этади. Буни темирни ўзига тортадиган, аммо бошқа буюмларга таъсир қилмайдиган магнитга қийслаш мумкин.

Лутнинг Садўм шаҳри ташқарисида қолиш истаги яхши, албатта, аммо кейинчалик биз унинг шаҳар ичкарасига кириб борганини кўрамиз (Ибтидо 19:1-3 га қаранг)! Шаҳар уни ўзига тортиб олди. Ишончим комил, Лут шаҳар ҳаётининг қулайликларига қизиққан. Шу билан бирга, Янги Аҳдда у қабиҳликларни кўриб эзилгани ҳақида ўқиймиз. Жумладан, шундай дейилади: “Ўша халқ орасида яшаган бу солиҳ одам (Лут) ҳар куни уларнинг қабиҳ ишларини кўриб-эшитгани учун ичидан эзилиб қийналган” (2-Петрус 2:8).

Эгамиз ўша ҳафта давомида менга очган ҳақиқатларни ҳеч қачон унутмайман. “Қабиҳ ишларини кўриб-эшитгани” деган ибора юрагимга муҳрланиб қолди. Лут ҳар куни уларнинг қабиҳ ишларини кўриб эшитгани учун ичидан эзилиб қийналди.

Сиз шундай дейишингиз мумкин: *“Мен ҳам ҳар куни одамларнинг қабиҳ ишларини кўриб-эшитаман. Иш жойимда, мактабда, жамоат жойларида бунга гувоҳ бўламан. Қандай эзилмаслигим мумкин?”* Худо менга бунинг жавобини кўрсатди. Ишга, мактабга ёки кундалик ҳаётингиз билан боғлиқ бошқа бир жойга бораётганда, Худо берган вазифани бажариш учун йўлга чиққанингизни ёдда тутишингиз керак. Худо сизни зулматда нур бўлишингиз учун юбормоқда. Сиз имонлилар йиғилишига боришни хаёлига ҳам келтирмаган одамларга Масиҳ ҳақида, Унинг тирилгани ҳақида гувоҳлик берасиз. Шунда уларнинг қабиҳ ишлари сизни бошқа безовта қилмайди.

Лут ўз манфаати ва фаровонлиги мақсадида, қабиҳ

одамлар орасида яшашни афзал кўрди. Имонли бўла туриб, қабиҳликка тўла фильмларни кўрганингизда, дунёнинг руҳи билан йўғирилган журналларни ўқиганингизда, бузғунчилик бўлган жойда кўнгилхушлик изласангиз, бу билан солиҳликка интилган қалбингизни қийнайсиз. Бундан ҳам ёмони, сиз Худонинг тоғига яқинлашиш имтиёздан ўзингизни айирасиз.

## ҚАЕРДА ЖОНИМИЗ ОРОМ ТОПАДИ?

Эҳтимол эътироз билдирарсиз: “Ахир, Исо гуноҳкорлар билан ўтириб овқатланган-ку!” Тўғри, буни инкор этиб бўлмайди. Исо уларга Хушxabар айтиш учун, уларнинг олдига борган. Биз ҳам худди шундай қилишимиз керак. У гуноҳкорлар билан дам олиш, кўнгилхушлик қилиш учун бормаган. Бу ерда савол беришингиз мумкин: “Солиҳ одам қаерда жонига роҳат топади?” Исо кимсасиз жойларга борган. (Марк 6:31 га қаранг) Бу ерда, дунёвий тизимдан йироқ бўлган жойлар назарда тутилади.

Илгари қумлоқда, соҳилда дам олишни яхши кўрардим. Эндиликда, у ерда кимсасиз жой топиш қийин бўлиб қолди. Ҳозир пляжларнинг аксариятида, дам олувчилардан тиним йўқ, чўмилиш кийими кўрсангиз, ички кийимидан ҳам ингичка. Дам олгани келган бундай одамларнинг юрагини шаҳват эгаллаган. (Қизиқ, ўтган асрнинг 40-йилларида бунақа очиқ кийимлиларни кўрган одамлар нима деган бўларди? Худога ишонмайдиган консерваторлар ажабланиб, ўзига келолмаган бўларди, чоғи! Диний қонундан бошқасини билмайдиган ёки эскиликка берилган, иккиюзламачи бўлиб кўринишни истамайман, лекин мени қизиқтиради: бу дунёнинг йўлларига, қуйи маданиятга қанчалар букилганимизни тушунапмизми, йўқми?)

## ЗИД МАДАНИЯТМИ ЁКИ ҚУЙИ МАДАНИЯТМИ?

Эндиликда соҳил ўрнига, дам олиш учун тоғларга, ўрмон ёки кўлга боришни маъқул кўраман. Бундай жойларда дунёдан йироқлашаман, жоним роҳатланиб, ором топади.

Нима учун айрим имонлилар дунёнинг машъум таъсири, айниқса кучли бўлган жойларда дам олишни, кўнгилхушлик қилишни истайди? Биз учун қайси бири афзал: дам олиш пайтида Худодан йироқлашишми ёки Худони ҳис этиш имконини берадиган сокинлик, оромми? Ким билсин, балки Унинг ҳузурида бўлиш ҳақидаги ваъда, ўзини дунёдан ажрата оладиган ва Унга яқинлаша оладиганларга насиб этишини ҳали тушуниб етмагандирмиз?



## НАЖОТ БЕРАДИГАН ИНОЯТ

---

*Иноят – дунёвий ҳаётдан ва худбин истаклардан  
ҳоли яшаш қобилияти сифатида таърифланади.  
Унда Худонинг қаршисида муқаддасликда яшашнинг  
кучи яширинган.*

**М**уқаддас битикларнинг бир қисми Эски Аҳд дейилиши, унинг эскирганидан далолат бермайди. Аксинча, Раббимиз Исо: “Мени, Таврот ёки пайғамбарларнинг битикларини бекор қилгани келган, деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим” деган (Матто 5:17). Каломни Муқаддас битикларни билмасак, Унинг нималарни бажо келтиргани, нималарни энди бажо келтираётганини қандай тушунамиз? Энди, Эски Аҳднинг асл моҳиятини кўриб, Худо одамлар орасида яшашни ихтиёр этганини тушуниб олганимиздан кейин, келинг, ҳаворий Павлуснинг Янги Аҳдда айтган сўзларига қайтайлик:

Имонсизлар билан шерик бўлманглар. Солиҳлик билан қабихликнинг орасида қандай алоқа бор?! Нур билан

зулмат орасида қандай умумийлик бўлиши мумкин?! Масиҳ билан шайтон орасида қандай иттифоқ бўлиши мумкин?! Имонли билан имонсизнинг орасида қандай шериклик бўлиши мумкин?! Худонинг маъбади билан бутлар орасида қандай умумийлик бор?! Ахир, биз барҳаёт Худонинг маъбадимиз—ку! Худо шундай деб айтган: “Мен уларнинг орасида яшайман, Уларнинг орасида юраман. Мен уларнинг Худоси бўламан, Улар эса Менинг халқим бўлади”. (2-Коринфликлар 6:14-16)

Худо учта аниқ ваъдаларни берган. Биринчиси: У бизнинг орамизда яшайди, бизнинг орамизда юради. Иккинчиси: У бизнинг Худойимиз бўлади. Учинчиси: биз Унинг халқи бўламиз. У буларни Янги Аҳд саҳифаларида ваъда қилади, лекин бу ваъдалар бундан анча аввал берилган. Ҳаворий Павлус бу ерда, Исроил халқига бир неча марта айтилган ваъдаларни такрорлайди, холос. Худонинг бизга берган ваъдаси ўзгармаган, ўша-ўшадир. Худо Исроил халқига: “Доимо орангизда бўламан. Мен сизнинг Худойингиз, сизлар эса Менинг халқим бўласизлар”, деган эди (Левит 26:12). Бу Унинг азалданоқ, дилида тугиб қўйган истаги бўлган.

Юқорида кўрганимиздек, Худо Ўз улуғворлиги ила бизнинг орамизда яшашни ихтиёр этганини айтади. Муқаддас Рух ҳаворий Павлус орқали Янги Аҳд давридаги Масиҳнинг издошларига худди шу сўзларни етказди. Исроил халқи билан бўлгани сингари, бу ерда ҳам шарт қўйилганини кўрамыз:

Бинобарин, Эгамиз шундай деган: “Халқлар орасидан чиқинглар, Улардан ажралиб чиқинглар, Ҳаромга қўл теккизманг, шунда Мен сизларни қабул қиламан”. Қодир Худо — Эгамиз яна шундай деб айтган: “Мен сизларга

ота бўламан, Сизлар эса Менга ўғил–қизлар бўласизлар”.  
(2-Коринфликлар 6:17, 18)

Бу ерда худди Мусога ва Исроил жамоасига қўйилган шартни кўришимиз мумкин. Яъни биз дунёвий тизим орасидан чиқишимиз керак. Агар Худога бўйсунсак, У бизни қабул қилади ва Ўзини бизга танитади! Акс ҳолда, келажак тақдиримиз қадимги Исроилнинг тақдиридан ҳам аччиқ бўлади.

Худо Мусога халқни поклашни буюрди. Исроил халқи бегона халқларнинг орасидан чиқса, Худонинг улуғворлиги олдида тура олар эди. Бизга ҳам худди шундай шарт қўйилган. Бошқача қилиб айтганда, Худо бизга: “Мен сизларни бу дунёдан ажратиб олдим, озод қилдим. Энди орангиздан дунёни соқит қилинглар!” демоқда. Итоаткорлик бизни Унинг улуғворлигига тайёрлайди.

Худо Мусога Исроил халқига “покланиб, кийимларини ювишлари кераклигини” етказишни буюрди. Яъни, улар Мисрдан олиб чиққан “нопокликлардан” тозаланиб олишлари керак эди. Биздан ҳам худди шулар талаб этилади: “Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тана ва руҳнинг ҳар қандай нопоклидан тозалаб, Худонинг қўрқувида муқаддаслигимизни камолотга етказайлик” (2-Коринфликларга 7:1).

Биз муқаддаслик сари интилишимиз, худбин табиатимизнинг нопокликлигини ўзимиздан соқит қилиб, руҳий покликка бурканиб олишимиз керак. Исроил халқи сингари, биз ўзимизни бу дунёнинг ифлослигидан поклашимиз керак. Ҳаворий Павлус, Худонинг Ўзи бизни поклайди ёки Исо Масиҳнинг қони бизни поклашнинг бир иложини топади, демаган. Асл, юнон тилидаги матнга қарайдиган бўлсак, бу билан нима дейилганини яхшироқ тушуниб оламиз. Бу ерда *“камолотга етказайлик”*

деган сўзга эътиборингизни қаратаман. Юнон тилидаги матнда “эпителио” деган сўз ишлатилади. Жозеф Тэйер томонидан тузилган юнон тили луғатида бу сўзга маънода изоҳ берилади: “ўз бўйнига, ишни охиригача етказиш, тамомлаш, мукамал қилиш, бажариш ёки амалга ошириш масъулиятини олиш”. Яъни, бу билан бизга нафақат покланиш жараёнини бошлаш, балки охирига етказиш масъулияти ҳам юкланади.

Табиийки, биз Худонинг иноятисиз бунни ҳеч қачон қилолмасдик, нега десангиз, иноят – бу Худонинг ҳақиқати талаб этган нарсаларни бажариш қобилиятидир. У бизга Худонинг Каломига бўйсунимиз учун куч беради. Изоҳ сифатида шу ерда ҳаворий Павлуснинг қуйидаги сўзларини келтираман:

Худонинг ҳамкорлари сифатида сизларга ёлворамиз:  
Худонинг инояти ҳаётингизда самарасиз бўлмасин.  
(2-Коринфликлар 6:1 (ЯРТ))

“Самарасиз бўлмасин” дейилади ва бу билан мавжуд потенциални ишга солмасликнинг оқибати кўзда тутилади. Дейлик, мен баланд тоғ ён бағрида яшайман ва бир кунни, 24 соат ичида тоғ чўққисидан вулқон отилиши эълон қилинади. Агар транспорт бўлмаса, куним битади: пиёда қаергача бораман? Мана шундай пайтда, аллақандай бир жонкуяр, меҳрибон одам пайдо бўлади-да, менга машинасининг калитини беради: “Ол-да, жўнаб қол! Машина ҳам ўзингга қолади. Жонингни қутқар!”, дейди.

Қутқарилганимдан ич-ичимдан қувонаман. Ўзимга қолса, машина сотиб ололмасдим, – чунки сариқ чақам ҳам йўқ-да. Бу киши менга ҳеч бир шартсиз, ўзининг машинасини берди ва мен энди ниҳоят, хавфсиз жойга етиб оламан.

Қалбим ҳаяжонга тўлиб, дарҳол дўстларимга қўнғироқ қиламан: «Мен қутқарилдим! Эшитяпсизларми, мен омон қолдим! Бир олижаноб инсонни учратдим, у менга раҳми келиб, машинасини берди. Энди бу хавфли ҳудуддан узоқ-узоқларга кета оламан. Бу нақадар соз, шундай эмасми?!» Шундай дейман-у, сандиқдан автомобил йўллари кўрсатилган эски харитани чиқараман, машинани яхшироқ бошқаришни ўрганиш учун қўлланма сотиб оламан.

Шунча хушxabарни эшитганимдан кейин ҳам, 24 соат ичида ҳеч қаерга силжимамай уйда ўтираверсам, машинага чиқмай, хавфсиз жойга ўзимни олиб қочмасам, нима бўлади? Вулқон отилади, қўрғошиндек оқиб келадиган лава ҳамма ёқни босади: уйим ҳам, машинам ҳам, ўзим ҳам йўқ бўламиз. Кўряпсизми, менга қутулиб қолишнинг чораси берилди, мен эса бундан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим-у, ҳеч қандай ҳаракат қилмадим. Шунда мен ҳақимда билган, машина топганимни эшитганлар: «Унга машина ҳам берилди, лекин бунни эътибордан четда қолдирди», демайдимми?

Худди шу тарзда, Худонинг иноятини ҳам эътибордан четда қолдиришимиз мумкин, чунки Худо муқаддаслик орқали бизга бу дунёнинг тузоқларидан омон қолишимиз учун куч ҳам, идрок ҳам беради.

## КАЛОМГА ЁТ ИНОЯТ

Бугунги кунда жамоатларда бир хато тушунча бор ва у имонлилар ўртасида иноят ҳақида бир томонлама таълимот илгари сурилаётгани боис пайдо бўлган. Кўп ҳолларда Худонинг инояти, дунёвийларга хос ҳаёт кечиришни оқлаш ёки айбни ёпиш воситаси сифатида ишлатилмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, худбин эҳтиросларга, танавий хоҳишларга берилганлар: «Худонинг инояти бор-ку», деб қўйишади.

Охирги пайтда Худонинг инояти деб, Унинг муқаддаслиги ва адолатини эътиборга олмаётган масиҳий гуруҳлар пайдо бўлмоқда. Ҳақиқатнинг бу қадар бузиб талқин этилиши натижасида, Худонинг иноятини нотўғри тушуниб, уни суиистеъмол қилаётган имонлилар пайдо бўлди.

Иноят бу шунчаки бирор нарсани ёпиш учунгина берилмаган. Албатта, у ёпиш вазифасини ҳам бажаради, лекин бу билан чегараланиб қолмайди: иноят бизга Худога итоат қилишимиз учун куч ва идрок беради. Тоғдаги ваъзида Раббимиз Исо (Матто 5-бобда): “Эшитгансизлар”, “дейилганки”, “Лекин Мен сизларга айтаман” қабилидаги ибораларни бир неча марта такрорлайди (21, 22 оятлар). Ўша бобда, Исо бу каби ибораларни тўрт марта такрорлайди (27, 28, 31, 32, 33, 34, 43, 44 оятлар). Исо нима учун бундай деган? У Мусога берилган қонун талабларини тилга олади: “Эшитгансизлар...”, “дейилганки...”. Сўнг У Эгамиз Янги Аҳд давридаги имонлилардан нима кутаётганини айтади: “Лекин Мен сизларга айтаман...”. Раббимиз Исо Мусога берилган қонунни иноят ва ҳақиқат билан таққослайди.

Ҳаворий Юҳанно: “Худо қонунни Мусо орқали берди, иноят ва ҳақиқатни эса У Исо Масиҳ орқали кўрсатди”, дейди У (Юҳанно 1:17). Исо бизга Худодан куч бағишлайдиган ва ўлимга етаклайдиган қонундан озод қиладиган иноятнинг аҳамиятини алоҳида кўрсатади. Қонун – бу ташқи чегаралар, иноят эса ички ўзгаришлардир.

Кўпинча оддий имонлилар ва хизматчиларнинг, бир пайтлар диний қонунлар чизиғидан чиқмай яшаганларга раҳми келганлари, сўнг енгил нафас олиб, иноят остида яшаш, қонунлар билан чегараланмасликнинг афзалликларини айтиб қувонганларини эшитаман. Албатта, мен ҳам қонун чегаралари остида яшамаётганимдан

хурсандман. Лекин хурсанд бўлишимнинг сабаби, Худо белгилаб берган муқаддаслик мезонларининг кучдан қолгани эмас. Аксинча. Мен иноят мезонлари яна ҳам юқори ва қатъий бўлганини кўраман!

Келинг, Раббимиз Исо Тоғдаги ваъзида қонун билан иноятни таққослаб, айтган сўзларини ўқийлик:

Аждодларимизга шундай айтилганини эшитгансизлар: «Қотиллик қилма. Қотиллик қилган одам ҳукм қилинади». Лекин Мен сизларга айтаман: ўз яқинидан ҳатто ғазабланган одам ҳам ҳукм қилинади. Яқинини ҳақоратлаган одам олий маҳкамада жавоб беради. Яқинига: «Аҳмоқсан» деган одам эса, дўзах оловига ташланади. (Матто 5:21, 22)

“Аҳмоқ” сўзи “бебош” деган маънони беради. Масиҳ даврида бу сўзни кўпинча яҳудийлар ўзгандан нафратланганларида ишлатишган. Яъни, яқинини “бебош” дейдиган даражада ғазабланган одам, Исонинг сўзларига кўра дўзах оловига ташланади. Бу оятда “аҳмоқсан” деган сўз, “худосиз” деган маънони беради. “Аҳмоқлар ўз кўнглида: “Худо йўқ”, дейди” (Сано 13:1). Биродарини “аҳмоқсан” дейиш, жиддий айблов саналган. Яқинига нисбатан бу сўзни қаттиқ нафратланган одамларгина ишлатишар эди. “Бебош” ёки “аҳмоқсан” қабилидаги сўзларни бугунги кунда “сендан нафратланаман” деган иборага қиёслаш мумкин. Бунда одам чинакамига нафратланганини кўрсатади.

Эски аҳдда одам ўзганинг ҳаётига хиёнат қилганидагина қотил саналар эди. Иноят берилган Янги Аҳдда, Эгамиз яқинини шафқатсизларча ўлдирган одамни, биродаридан нафратланган одамга тенг қилиб қўймоқда. “Биродаридан

нафратланган ҳар қандай киши қотилдир. Ҳеч бир қотил абадий ҳаётга эга бўлмаслигини биласизлар”(1-Юҳанно 3:15).

Қонунга кўра ўзгага пичоқ ўқталган, қон тўкиб, ҳаётига зомин бўлган одамгина қотил ҳисобланган. Иноят остида яшаганларга келсак, биродарини кечирмаслик, асоссиз салбий фикрларга ёки ғазабга берилиш, юракда ўзгага нисбатан нафрат сақлашнинг ўзиёқ кишида Худонинг инояти йўқлиги, бўлган тақдирда ҳам бундан самара бўлмаслигидан далолат беради. Қани энди айтинг-чи, Исо иноятни катта ёпинчиғ деб биладими ёки имонлиларни муқаддас ҳаёт кечиришга қодир қиладиган куч эканини кўрсатадими?

Келинг, Раббимиз Исо таққослаган яна бир ҳолатни кўрайлик:

«Зино қилма», — деб айтилганини ҳам эшитгансизлар. Лекин Мен сизларга айтаман: агар сиз аёлга шаҳват билан қарасангиз, хаёлингизда у билан зино қилган бўласиз”. (Матто 5:27, 28)

Эски Аҳд даврида киши никоҳдан ташқарида жинсий яқинликка йўл қўйганида зино қилган бўлар эди. Бунга қарши равишда, Янги Аҳдда Эгамиз аёлга шаҳват билан қараган одам, хаёлида у билан зино қилган ҳисобланишини айтади. Қонун бўйича, жисмонан зинони амалга оширган, айбдор бўлар эди, Янги Аҳд даврида эса *исташнинг* ўзи ҳаммасини ҳал қилади! Энди айтинг-чи, иноят борасида мана шу нарсалар бугунги кунда имонлилар жамоатларида ўргатиляптими? Бу катта ёпинчиққа ўхшайдими ёки Худо томонидан муқаддас ҳаёт кечиришимиз учун бериладиган кучгами?

Агар иноят шунчаки “ёпинчиғ” бўлганида, Раббимиз Исо Ўзининг иноят ҳақидаги ваъзига зид иш тутган

бўлар эди. Лекин бундай эмас. Келинг, яна бир парчани ўқийлик: “Зеро, Худо бутун инсониятга нажот йўлини очиб бериб, Ўз иноятини кўрсатди. Бу иноят орқали Худо бизга шуни ўргатадики, биз худосиз ҳаётдан ва дунёвий орзу–эҳтирослардан воз кечишимиз керак. Ахир, бизнинг ажойиб умидимиз бор: биз нажоткоримиз Исо Масихнинг келишига ва буюк Худонинг улуғворлигини кўришга умид боғлаганмиз” (Титусга 2:11, 12). Иноят орқали Худо бизга шуни ўргатадики, биз Худосиз ҳаётдан ва дунёвий орзу–эҳтирослардан воз кечишимиз керак. Худо олдида пок, муқаддас ҳаёт кечирининг моҳияти мана шу бўлади.

Ибронийларга мактуб муаллифи бизни “Худодан миннатдор бўлиб, эҳтиром ва қўрқув ила Унга манзур равишда сажда” қилишга чақиради (Ибронийларга 12:28). Иноят қалқон эмас, балки Худодан миннатдор бўлиб, яъни, Унга манзур равишда сажда қилишга бошлайдиган куч эканлиги кўрсатилади. Худонинг иноятини эътиборга олмаслик натижасида одамнинг қалблари ўзгаришсиз қолади, бу дунёнинг разил ишларига мойил бўлади, шу боисдан ҳам муқаддас ҳаёт кечирганимизда Худога мақбул самара берамиз ва бу самаралар бизнинг нажот топганимиздан далолат беради.

## ИШЛАР ЭВАЗИГА ҚУТҚАРИЛИШ?

Бировлар бу фикрга қўшилмасликлари ва: “Муқаддас Китобда айтилган-ку: “Чунки сизлар имонингиз орқали иноят билан нажот топдингизлар. Бу эса сизлардан эмас, балки Худонинг инъомидир”” дейишлари мумкин (Эфесликларга 2:8, 9, муаллифнинг сўзлари билан).

Тўғри, шундай деб ёзилган. Ҳеч ким Худонинг Шоҳлигига ўз уринишлари эвазига киролмайди, чунки ҳаммамиз

гуноҳ қилдик ва Худонинг солиҳлик мезонларига жавоб беролмаймиз. Ҳеч бир одам Худо олдида туриб, уринишлари ёки хайрли ишлари, ёки шунчаки муносиб ҳаёт кечиргани Осмон Шоҳлигига кириши учун етарлича асос бўлади дея олмайди. Ҳар биримиз гуноҳ қилганмиз ва Худо олдида жиноятчи ҳисобланамиз. Ҳаммамиз бирдай жазога – оловли кўлда абадий ёнишга лойиқмиз.

Умидсиз ҳолатимизни билган Эгамиз, бизга иноят инъоми билан нажот берди! Инъомни эса ишлаб топиб бўлмайди. Римликларга мактубда (4:4) ҳаворий Павлуснинг: “Меҳнаткашга тўланадиган маош илтифот эмас, хизмат ҳақидир”, дейиши бежизга эмас. Яъни, сиз нажотга ўз кучингиз билан эришадиган даражада пок ҳаёт кечиролмайсиз, нажот эвазига ҳеч нарса беролмайсиз. Бутун ҳаётингизни қурбонликлар келтириш ва саховат ишларига бағишлашингиз мумкин, барибир бу иноятни ҳаққини тўлай олмайсиз. Бу Худонинг инъоми ва унга фақат Масиҳга имон келтириш орқали эришиш мумкин.

Келинг, ўрганганларимизни мантиқий якунига етказайлик. Эсингизда бўлса, юқорида вулқон отилиши хавфи остида қолган пайтда, кимдир унга машина совға қилган одам ҳақида айтиб ўтдим. Ўзига қолса, машина сотиб ололмасди, чунки пули йўқ эди. Машина совға қилинган заҳоти, у уни ишга солиши керак эди. Агар ўша пайтда қандай бўлмасин, хавфсиз жойга чиқиб олганида эди, омон қолган бўларди. Биз ҳақимизда ҳам худди шуни дейиш мумкин: ҳеч биримиз ўз ҳаракатимиз эвазига иноятга эришолмаймиз. Иноят бизга инъом сифатида берилган, бу меҳнат эвазига эришиладиган нарса эмас. Лекин унинг потенциалини ишга солишимиз керак.

Ёқуб шунинг учун ҳам имонлиларга ҳеч иккиланмасдан: “Шунга ўхшаб, қуруқ имоннинг ўзи амалсиз ўликдир”, деб

айтади (Ёқуб 2:17). Ёқубнинг сўзлари ҳаворий Павлуснигига зид эмас. Ёқуб Павлуснинг сўзларини тугал кўринишга олиб келади ёки уларга аниқлик киритади. Бошқача қилиб айтганда, у юқорида биз айтган киши то машинасини ўт олдириб, ўша ердан кетмаса, жонини қутқара олмагани сингари, иноят ҳам, то амал бўлмас экан, ҳеч қандай фойда бермаслигини кўрсатади. Демокчимизки, бундай иноят ҳосил бермайди.

Ёқуб сўзини давом эттириб, дейди: “Бироқ бирор киши: “Сен имонингга эгасан, мен эса ишларимга эгаман”, – деб айтиши мумкин. Хўп, ишларсиз бўлган имонингни менга кўрсат-чи, мен эса сенга имонимни ишларим орқали кўрсатаман!” (Ёқуб 2:18). Бу билан у муқаддас ҳаёт кечирини, киши имон орқали Худодан иноят топганидан далолат беришини назарда тутди. Шу йўсинда, иноят одамда Худонинг сўзларига қулоқ солишга қобилият беради ва истак уйғотади. Ҳаворий Павлуснинг: “Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри ва асослидир. Ушбу таълимотнинг фойдаси катта. Жамоатдагиларга яхшилаб ўқтир, улар ўргатганларимнинг ҳаммасига риоя қилсинлар. Худога ишонганлар хайрли ишларга астойдил бел боғласинлар”, дейиши бежиз эмас (Титусга 3:8). Худога ишонган, диндор одамнинг ўжарлик қилиб, Худонинг Каломига бўйсунмаслиги, аслида иноят топмагани ёки топган тақдирида ҳам, бундан самара бўлмаганидан далолат беради.

Ёқубнинг сўзларига эътибор беринг: “Эй биродарларим, кўрдингизми, инсон қуруқ имони учун эмас, балки қилган ишлари учун солиҳ деб тан олинади” (Ёқуб 2:24). Ана холос! Хушхабар ва харизмат имонлилари орасида Каломда шундай оят борлигини биладиганлар кўп эмас, деган хулосага келаман.

Яқинда ваъз-насиҳатимдан аввал, изоҳ бермасдан, мана шу оятни ўқиб эшиттирдим. Ўқиб бўлганимда залда ўтирганлар сув қуйгандай жимжит бўлиб қолишди. Одамлар Худо ҳамма нарсани эвазига ҳеч нарса талаб этмай бериши ҳақидаги ваъзларга шу даражада ўрганиб қолган-ки, юқорида ўқиб эшиттирганимни тушунишлари учун бир мунча вақт талаб этилди. Албатта, мен давомида бу оятга кенг изоҳ бердим, лекин бу вақтга келиб, одамларнинг юраги очиқ эди, улар мени диққат билан тинглашди.

Ёқуб имоннинг отаси бўлмиш Иброҳим тўғрисида айтишдан аввал, мана шу оятни ёзган:

Отамиз Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни қурбон қилмоқчи бўлгани учун Худо уни солиҳ деб билди! Ана, кўрдингми?! Иброҳимнинг бу ишига имон асос бўлди. Унинг қилган иши имонининг чинлигини кўрсатди. Шу тариқа Тавротдаги: “Иброҳим Худога ишонди, Худо уни ишончи учун, солиҳ деб билди”, — дея ёзилган сўз амалга ошди. Иброҳим Худонинг дўсти деб аталди. (Ёқуб 2:21, 23)

## ИСО БИЗДА НИМАНИ ИЗЛАЯПТИ

Яқинда ибодат қилаётганимда Эгамиз менга бир нечта сўз очди, бу сўзлар юрагимни зирқиратиб юборди, нега десангиз, уларнинг маъноси жамоатларда бизга ўргатиладиган нарсаларга зид келар эди. Мен ҳатто Ундан, ҳақиқатдан ҳам бу Унинг овозими, деб сўрадим. Аммо Унинг айтганлари Каломда бор эди.

Унинг сўзларини етказишдан аввал, сизларга масаланинг негизини тушунтиришим керак. Ваҳий китобининг бошида, Раббимиз Исо еттита жамоатга турлича мурожаат қилади.

Бу жамоатлар бўлганини тарих ҳам тасдиқлайди, лекин бу сўзлар келажак ҳақида башорат бўлмаганида, Эгамиз уларни Муқаддас Китобга киритмаган бўларди. Бошқача қилиб айтганда, бу сўзлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Эгамиз менга айтган биринчи сўзлар, шундай бўлди: “Жон, Ваҳий китобида етти та жамоатнинг ҳар бирига бир хил сўзлар билан: “Ишларингни, азобларингни, қаерда яшаётганингни, бардошингни биламан”, деб мурожаат қилганимга эътибор бердингми? Дарров Ваҳий китобидан ўша жойларни топдим:

Биринчи жамоат: *“Эфесдаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз: ... сенинг ишларингни, ... биламан”* (Ваҳий 2:1, 2).

Иккинчи жамоат: *“Смирнадаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз: чеккан азобларингни ... биламан”* (Ваҳий 2:8, 9).

Учинчи жамоат: *“Пергамдаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз: ...қаерда яшаётганингни биламан”* (Ваҳий 2:12, 13).

Тўртинчи жамоат: *“Тиятирдаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз: сенинг ишларинг ... ва бардошингни биламан”* (Ваҳий 2:18, 19).

Бешинчи жамоат: *“Сардисдаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз: ... сенинг ишларингни биламан”* (Ваҳий 3:1).

Олтинчи жамоат: *“Филадельфиядаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз: ... сенинг ишларингни биламан”* (Ваҳий 3:7, 8).

Еттинчи жамоат: *“Лаодикиядаги имонлилар*

*жамоатининг фариштасига ёз: ... сенинг ишларингни биламан” (Ваҳий 3:14, 15).*

Еттита жамоатнинг ҳар бирига Раббимиз Исо: “Биламан”, деб мурожаат қилди. Хаёлимдан бир ўй ўтди: “У учун аҳамиятли бўлган, У бизда излайдиган нарсадан қанчалар узоқлашиб кетдик!”

Бу ҳақида ўйга ботганимда, Эгамиз яна гапирди. Кейинги сўзлари мени ажаблантириб юборди: “Жон, эътибор бердингми: биронта жамоатга “юрагингда нима борлигини биламан”, демадим?”

Олдимга дунёвийларга хос ҳаёт кечирадиган, қанча-қанча диндор масиҳийлар маслаҳат сўраб келганлари кўз ўнгимдан ўта бошлади: уларнинг ҳаммаси мутлақо айбсиз эканликларига ишонишади: “Худо юрагимни кўриб турибди!”, дейишади.

Исо бизнинг ниятимиз, истак-муддаоларимиз ёки билимимизгагина эмас, балки тутган йўлимизга, қилган ишларимизга ҳам қарайди! Худонинг инояти ҳаётимизга муқаддаслик олиб киришига йўл қўйиб беряпмизми ёки иноят бизда ҳосил келтирмаяптими?

## **ИМОН СЎЗИНИ ТУШУНМАСЛИК**

Иноят нима мақсадда берилганини бу даражада нотўғри тушунишимизнинг сабаби, *имон* ҳақидаги таълимотнинг нотўғри талқин қилинишида. Бугунги кунда *имон* деган сўзни жуда тор тушунишади, шунчаки фикрга қўшилиш, маъқуллаш деб билишади. Қанча-қанча одамлар Исо ҳақиқатда борлигига ишонганлари боис, гуноҳларини эътироф этиб, ибодат қилади. Улар қулоққа ёқадиган, тавба қилишга чақирмайдиган ваъзларни эшитиб, ҳиссиётга

берилади, лекин дунёвийларга хос яшашда давом этаверади, дунё излаган нарсаларнинг пайида бўлишади. Бундай одамлар ўзлари учун яшашда давом этиб, аслида ёлғон бўлган ақлий ва ҳиссий нажотга ишонишади.

Муқаддас Каломда *имон* деган сўз, Масихнинг мавжудлигини тан олишнигина эмас, балки Унинг Сўзига ва иродасига бўйсуншни англатади. Ибронийларга мактубда (5:9) ўқиймиз: “... Унга итоат қилганларнинг ҳаммаси учун Масих абадий нажот манбаи бўлди”.

Имон итоат этиш демакдир. Иброҳим имонини муайян амаллари билан исботлади. Эгамиз уни муқаддаслик сари бошлаганида, Иброҳим Унга бўйсунган ҳолда ўз юрти, оиласи ва дўстларидан ажралиб чиқди. Кейинчалик биз унинг ҳаётига маъно бериб турган, энг қадрли бўлган – ягона ўғлини Худога куйдириладиган қурбонлик қилиб беришга тайёр бўлганини кўраемиз. Кўряпсизки, ҳеч нарса, ҳатто ягона ўғли ҳам Иброҳимга Худога итоат қилишида тўсиқ бўлолмади. Мана бу ҳақиқий имон. Иброҳим “ҳаммамизнинг отамиздир” дейилишининг боиси шу (Римликларга 4:16). Жамоатимизда мана шундай имонни кўряпмизми? Шу даражада ёлғонга берилишимиз мумкинми?

Ишондим деганингиз, ҳали нажот топдим дегани эмас. Иш, амал билан тасдиқланмаган имон, қандай қилиб ҳақиқий бўлиши мумкин? Ёқубнинг сўзларини яна бир марта келтираман. Ёқубнинг сўзларини яна бир марта диққат билан тингланг: “Кўряпсизми? Инсон фақат имони билан эмас, балки ишлари билан ҳам оқланади”.

## «Ё РАББИЙ, Ё РАББИЙ!» ДЕБ ЧАҚИРГАН ҲАР КИМ ҲАМ

Ҳақиқий имонлини сўзларидан эмас, “муқаддаслик ҳосили” дан билинишини эшитганмиз (Римликларга 6:22). Раббимиз Исо буни қуйидаги сўзлар билан тушунтирди: “Шундай қилиб, сохта пайғамбарларни меваларидан билиб оласиз. Мени «Ё Раббий, ё Раббий!» деб чақирган ҳар ким Осмон Шоҳлигига киравермайди. У ерга фақат осмондаги Отамнинг иродасини бажарган одамларгина киради” (Матто 7:20, 21).

Ижозатингиз билан тушунарлироқ бўлиши учун бу сўзларни ҳозирги тилга ўгираман: “Ҳақиқий имонли ким эканлигини айтган сўзларига қараб эмас, Отамнинг иродасига бўйсунушидан билиб оласиз. “Мен масиҳийман, Исо – менинг Раббим!” деганларнинг ҳаммаси ҳам осмонга киравермайди, бу Отамнинг иродасига итоат этганларга насиб этади”.

Давомида Раббимиз Исо яна шу фикрни такрорлаб дейди: “Қиёмат кунида кўплар Менга шундай дейдилар: «Ё Раббий, ё Раббий, биз Сенинг номинг билан ваъз қилган эдик! Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқаргандик! Сенинг номинг билан кўп мўъжизалар қилган эдик–ку!» Мен эса уларга дейман: «Мен сизларни асло танимайман! Йўқолинлар, эй бадқирдорлар!» (Матто 7:22, 23).

Замонавий тилга ўгирадиган бўлсак, бу шундай эшитилади: “Жуда кўп одам Мени Раббий деб тан олади ва тавба ибодатини такрорлайдилар. Жуда кўпчилик ўзларини тўлиқ Хушxabар масиҳийлари деб атайди. Ҳа, ҳатто мўъжизалар яратган, жинларни қувиб чиқарганлар ҳам ўша куни эшитганларидан ҳайратда қолади. Улар

Осмон Шоҳлигига киришни кутиб туришади, бунинг ўрнига: “Йўқолинглар, эй бадкирдорлар, Отамнинг иродасига бўйсунмаганлар!” деган сўзларни эшитадилар!”

Бу менинг фикрим, менинг сўзларим эмас. Албатта, Масиҳни Раббий деб тан олган кўпдан-кўп одамларнинг Осмон Шоҳлигига киролмаслигини кўриш ачинарли. Ҳатто кўп мўъжизалар яратган, жинларни қувиб чиқарганлар ҳам Осмон Шоҳлигидан бенасиб қоладилар!

Калом изоҳловчилари орасида айримлар, Исо бу ерда Уни юрагига қабул қилмаганлар ҳақида айтганини исботлашга ҳаракат қилади. Бундай фикр мутлақо асоссиз, нега десангиз, Исо орқали нажот берилишини тан олмаган одам Унинг номи билан мўъжиза яратолмайди. Бун қилишга уриниб кўрганлар ҳақида Ҳаворийлар китобида ёзилган. Скевас деган одамнинг етти ўғли Раббимиз Исонинг номини ёвуз руҳга чалинган одамнинг устига чақиришга уриниб: “Павлус эълон қилаётган Исо номи билан буюрамиз: чиқиб кет!” дедилар. Ёвуз руҳ эса уларга: “Мен Исони биламан, Павлусни ҳам менга маълум, сизлар эса ким бўлибсизлар?” деб сўради. Ичида ёвуз руҳи бор одам уларга ташланди. Уларни шу қадар қаттиқ урдик, улар ўша уйдан яланғоч, ярадор ҳолда зўрға қочиб қутулдилар” (Ҳаворийлар 19:13-16).

1980 йиллар эди. Бир кўни ибодат қилаётиб, руҳда мени тетикликка ундаган бир ваҳий олдим: умримда ҳеч кўрмаган сон-саноғи йўқ одамлар кўз ўнгимдан ўтди. Улар Осмон Шоҳлигига олиб кирадиган дарвоза олдида йиғилиб туришар, Раббимиз: “Эй самовий Отамнинг баракасини олганлар, келинлар! Шоҳликни мерос қилиб олинглар! Бу шоҳлик олам яратилгандаёқ сизлар учун тайёрлаб қўйилган”, дейишини кутишар эди (Матто 25:34). Лекин

бунинг ўрнига улар Раббимиздан: “Мен сизларни асло танитайман! Эй, лаънатланганлар, Менинг олдимдан кетинглар!” деган сўзларни эшитишади.

Бу ерда савол беришингиз мумкин: “Агар Исо уларни танитайман бўлса, улар қандай Унинг номи билан жинларни қувиб чиқарган ва мўъжизалар яратган?”

Жавоби шундай: бу одамлар, эркаклар ва аёллар Исони ўз манфаатларини ўйлаб Исога қўшилишган. Улар гарчи Исони Нажоткор деб қабул қилсалар-да (худди Исроил авлодлари каби), Унинг юрагини изламаган. Исодан бирон нарса ундиргунларига қадар, Унга эргашган. Мухтасар қилиб айтганда, бундай одамлар Исодан фойда бўлса, Уни излайдилар, хизмат қилганларида севги эмас, энг аввало ўз манфаатларини ўйлайдилар.

Юнон тилидаги асл матн нусхасига қарайдиган бўлсак “Сизларни асло танитайман”, деган иборада “*танимоқ*” деган сўзга нисбатан “*гиноско*” деган сўз ишлатилади. Бу жуда кенг маъноларга эга бўлган сўздир. У ҳатто эркак ва аёл ўртасида жинсий яқинлик маъносида ҳам ишлатилади (Матто 1:25 га қар.). Яъни, бу билан Раббимиз Исо: “Мен сизларни яқиндан таниб-билмаганман”, дейди. Мисол учун Мусо пайғамбар Худони яқиндан таниб-билган, Исроил халқи эса Худони, У ҳаётида қилган мўъжизаларидан билган, холос. Кўриб турганингиздек, улар билан бизнинг ўртамизда деярли фарқ йўқ.

Биринчи Коринфликлар мактубида (8:3) шундай дейилади: “Ким Худони яхши кўрса, Худо уни яқиндан билади”. Бу ерда ҳам “*билмоқ*” деган сўз ўрнида “*гиноско*” деган сўз ишлатилади. Худо уни севганларнигина яқиндан билади. Худо учун ўз жонларидан ҳам кечигга тайёр бўлган одамлар, шундайларни билдиради (Юҳанно 15:13 га қаранг).

Ҳаётини бағишлаганларгина, Унинг сўзига итоат қила оладилар. Раббимиз Исо бу ҳақиқатни шундай сўзлар билан тасдиқлайди: “Мени яхши кўрмаган киши сўзларимга амал қилмайди” (Юҳанно 14:24).

Исони чинакамига яхши кўрган одам буни сўз билан эмас, амали билан, яъни ҳаёт тарзи билан исботлайди. Ҳаворий Юҳанно буни шундай изоҳлайди:

Худони таниб–билганимизни шундан билсак бўлади: Худони таниб–билган одам Унинг амрларига риоя қилади. Худони биламан деб туриб, Унинг амрларига риоя қилмаган эса ёлғончидир, унда ҳақиқат йўқ. Худонинг каломига итоат қилган одамда эса Худонинг севгиси ўз мукамал ифодасини топган. Биз Худо билан бирга экангимизни ана шундан билсак бўлади. (1-Юҳанно 2:3-5)

Яҳудо Ишқариот ҳам Исога эргашган. Бир қарашда, у Исони яхши кўрган ва ҳамма нарсасини ташлаб, ортидан эргашган эди. Қувғинлар кучайган паллада, бошқа шогирдлардан фарқли равишда, у Исони ташлаб кетмади (Юҳанно 6:66 га қаранг). Унинг ҳатто жинларни қувиб чиқаргани, касалларга шифо бергани, Хушхабарни ваъз қилгани ҳақида ўқиймиз. Ахир: “Исо ўн икки ҳаворийни ёнига чақириб, уларга ҳамма жинларни қувиб чиқариш ва касалликларни даволаш қудрати ва ҳокимиятини берди. Исо уларни Худонинг Шоҳлигини эълон қилишга ва хасталарни шифолашга юборди”, дейилган-ку (Луқо 9:1, 2). Бу ерда Исо ўн битта шогирдини юборди, чунки Яҳудо Ишқариот ҳам улар қаторида эди, дейилмаган.

Шунга қарамай, Яҳудо Ишқариот бошиданоқ нияти яхши бўлмаган. Унинг ўз қилмишларидан тавба қилганини кўрмаймиз. Асл табиатини фарзийларга айтган сўзлари

кўрсатиб беради: “Агар Исони сизларга тутиб берсам, менга нима берасизлар?” (Матто 26:15). У манфаати йўлида ёлғон ишлатар (Матто 26:25 га қаранг), ўз мақсадларини кўзлаб, Исонинг хизмати учун мўлжалланган пуллардан ўғирлар эди (Юҳанно 12:4-6 га қаранг). Унинг бунақа хунук қилмишларини санашда давом этишимиз мумкин. Исонинг ёнида уч йил юриб ҳам, Яҳудо Уни яқиндан таниб билмади!

Бугунги кунда Яҳудо Ишқариотга ўхшаганлар қанча? Улар хизмат йўлида ўзларини фидо қилишади, Хушxabарни ёйишади, кези келганда, Муқаддас Рухнинг инъомларини ишга солишади, лекин Худони яқиндан таниб-билмайдилар. Бу ҳар қадамида, ўз манфаатинигина ўйлайдиган одамлардир.

Исо: “Нега сизлар Мени: «Ё Раббий, ё Раббий!» деб чақирасиз—у, аммо айтганларимни қилмайсизлар?”, деб сўрайди (Луқо 6:46). Бу оятда “Раббий” деган сўз ўрнида, юнонча таржимада “*куриос*” деган сўз турибди. Стронг юнон тили луғатида бу сўзга шундай изоҳ берилган: “юқори ҳокимият эгаси, хўжайин”. Раббимиз Исо жуда кўп одамлар Уни “Раббий” десалар-да, юқори ҳокимият эгаси сифатида кўрмаслигини назарда туттади. Уларнинг ҳаёт тарзи айтган сўзларига мос келмайди. Улар Худонинг иродасини, ўзларининг истакларига тўғри келгандагина бажо этадилар. Худо уларни истакларига тўғри келмаган йўлдан бошламоқчи бўлганда, улар бу йўлни рад этиб, ўз йўлларида юришади, лекин Исони “Раббий” дейишда давом этаверадилар.

Кўпинча хизматдаги муваффақият рақамлар билан ўлчанади, холос. Бундай ёндашув билан, кўпчиликни саҳнани “эндигина имонга келганларга”, жамоатни “келиб-кетувчиларга” тўлдириш қизиқтиради, холос. Бу мақсадда

хизматчилар Исони “Нажоткор” деб кўрсатишади, Раббий деб эмас. Бундай ваъзларнинг замирида: “Исога келинлар, У сизга нажот, тинчлик, севги, шодлик, фаровонлик, муваффақият, соғлик ва яна кўп неъматларни беради!” деган ғоя ётади, холос. Албатта, Раббимиз Исо нимаики ваъда қилинган бўлса, беради, лекин булар устувор мақсадга айланиб қолмаслиги, Хушxabар ҳаётий муаммоларга қисқа жавоб чораси, Осмон Шоҳлигини кафолатлайдиган восита деб кўрилмаслиги керак.

Бундай ваъзлар гуноҳкорни жалб этишдан бошқа нарса эмас. Улар тавба қилиш эмас, Худога келиш лозимлигини эшитишади: “Худога имкон беринг ва У сизга севги, тинчлик, шодлик беради!” Одамлар “имонга келиши” учун тавба қилиш лозимлигини деярли айтмай қўйдик. Бундай одамлар “имонга келиб” жамоатга қатнай бошлайди, лекин бу қандай одамлар? Раббимиз Исо ўша даврдаги диндорларни қоралаб: “...сизлар ҳеч бўлмаса бир кишини ўз динингизга киритиш учун денгизу қуруқликни кезиб чиқасизлар. Ниятингизга эришганингизда эса, уни ўзингиздан беш баттар дўзахи одам қиласизлар”, деган (Матто 23:15). Худони билмаган одамни Масихга олиб келиш қийин эмас. Масала унинг қайси йўлни танлаши: чин дилдан Худога эргашадими ёки фақат ваъдалари бажо бўлишини истайди? Ҳамма гап шунда. Биз юқорида, Мусо билан Исроил халқи ўртасидаги фарқни кўрдик.

“Исо халққа шундай деб, аниқ таълим берди: — Кимда-ким Менга эргашини истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб, ортимдан юрсин. Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун ва Хушxabар учун жонини берса, жонини асраб қолади” (Марк 8:34, 35). Ўз жонингизни асраб “қолмоқчи бўлсангиз”, уни йўқотасиз.

Исо: “Ким Мен учун жонини беришни истаса”, демаган. Чунки бу масалада жонини беришни хоҳлашнинг ўзи кифоя эмас. Исо яхши ният қилганларнигина изламайди.

Бадавлат йигит ҳам абадий ҳаётга эга бўлишни жуда хоҳлаган. Унинг Исонинг олдига югуриб келгани, абадий ҳаёт сўраб ўтингани ва Унинг олдига тиз чўкканини кўрамиз. Бироқ ҳиссиётга берилиб, ғайрат кўрсатишнинг ўзи етарли эмас. Раббимиз Исо жавоб бериб, унга: “Сенга бир нарса етишмайди”, деди (Марк 10:17-22 га қаранг).

Йигит Худонинг Шоҳлигига кириш нақадар қийин эканлигини кўргач, ғамгин бўлиб қайтиб кетди. Ҳеч бўлмаганда, унинг самимийлиги мақтовга арзийди.

Жамоатга бормайдиган минг-минг одамлар, ўз ҳаётини назорат қила олганларида, нажот билан боғлиқ барча неъматларни жон деб қабул қилган бўларди. Қандайдир тарзда, жамоатда кўп имонлилар эътибордан қочираётган нарсаларни улар тушунишади. Худога хизмат қилишнинг ҳам баҳоси бор. Имонсизлар, Худога нисбатан борини кўрсатишади, иккиюзламачилик қилмайди: улар нарх тўлашни истамайди. Бошқа томондан, йўлдан озган одамлар бор. Улар жамоатга боришади, Исони “Раббий” деб атайди, Унинг ҳокимиятига бўйсуниларини айтишади-ю, лекин тутган йўллари бунинг тескарасини кўрсатади.

## ИККИТА ҲАР ХИЛ ТАЪЛИМОТ

Умид қиламан, сиз энди Исо ўргатган иноят билан, биз ишонган иноят ўртасидаги фарқ-тафовутни кўряпсиз. Иноят ҳақида бугунги кунда ёйилаётган таълимот: “Исога имон келтиринг, гуноҳларингизни тан олиб ибодат қилинг, Исони Нажоткор деб қабул қилинг, шунда Осмон Шоҳлигига кирасиз!” деган даъват билан якунланади. Бундай

таълимотда одам ўзидан ва бу дунёдан кечиши кераклиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Жамоатга келаётган одамлар, иноят муқаддас ҳаёт кечиришимиз учун бизга берадиган куч экани ҳақида ҳақида деярли биронта сўз эшитишмайди.

Бундай йўл билан имонга келган, бунақа таълимотни эшитган масиҳийларда, Худонинг ҳамма нарсани кечирувчи, ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилувчи инояти, исталган гуноҳ ёки қабиҳликдан поклашига қатъий ишонч шаклланишидан ҳеч ажабланмасак ҳам бўлади. Бунга жамоатларимизда Худонинг олови, жўшқин қудрати етишмаётгани сабаб бўлиши мумкинми?

Умид қиламан бу сўзларимни асл мазмунидан келиб чиқиб, қабул қиласиз. Худонинг халқини яхши кўраман ва имонлилар ҳар жиҳатдан етук бўлишларини истайман. Худо очган ҳақиқатларни одамларга етказишга бўлган чўғ иштиёқимнинг боиси шу. Шунини биламанки, таълимот ва назариялар ҳар қандай одамнинг ҳаёти ва эътиқодини шакллантиради. Жамоатларда тўда-тўда одамлар на иссиқ, на совуқ бўлиб қолганлари, юракларида Худонинг ўти сўниб қолганини кўрганимда, ич-ичимдан оғринаман.

Ҳаворий Павлус Тимотийга насиҳат бериб: “Ҳаёт тарзинга, нималар ўргатаётганингга эътибор қил. Бу фаолиятингни астойдил давом эттир, шундай қилсанг, ўзингни ҳам, тингловчиларингни ҳам қутқарасан”, деган (1-Тимотий 4:16). Бу каби огоҳлантиришларга эътиборли бўлишимиз керак. Носоғлом таълимот бир қарашда тўғридай, ҳатто мантиқийдай кўриниши мумкин, лекин эртами, кечми у ҳалокатга олиб келади.

Худонинг Каломида ёзилган ҳақиқат сизга озуқа бўлади, имонингизни мустаҳкамлайди. У сизни тўғри фикрни

нотўғридан ажратишни ўргатади. Носоғлом таълимот сизни ҳамма нарсадан маҳрум қилиши мумкин. Шу боисдан ҳам Эгамиз, агар Унинг Каломи бўйича яшашни истасак, бутун диққат-эътиборимизни унга қаратишимиз кераклигини бот-бот уқтиради. Ушбу бобда огоҳлантиришлар ҳам, далда ҳам бор. Огоҳлантириш: иноят ҳақида носоғлом таълимотларга сизни ҳамма нарсадан маҳрум қилишига, иноят ҳаётингизда самара бермаслигига йўл қўйманг. Далда: шундай куч борки, Худонинг инояти туфайли сизни муқаддас ҳаёт кечиришга қодир қилади. Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти сизга ҳамроҳ бўлсин.



# MessengerX


*Кундалик шогирдчилик учун илова*

## Умуман бепул!

Мобил мосламангизга юкланг ва ундан фойдаланишни бошланг! Ёки сайтдаги веб-версиядан фойдаланинг:



**MessengerX.com**




## 130+тилда ва бу ҳали ҳаммаси эмас

- ✓ 130 дан ортиқ тиллардаги материалларни кўринг ва юклаб олинг.
- ✓ Материалларни дўстларингиз билан улашинг ёки ўқув гуруҳини бошланг.
- ✓ Янги материаллар доимий равишда қўшиб борилади.

## Кўринг. Ўқинг. Тингланг.

Электрон китоблар, аудио китоблар, қисқа метражли фильмлар ва бошқаларни кўриш, ўқиш ва тинглашингиз мумкин бўлган манбаларни ўз ичига олган кенг қўламдор кутубхонани ўрганинг.



## Энг муҳим соҳаларда ўсиш

Оила, ўзаро соғлом муносабатлар, ҳаётингиздаги мақсад, порнографиядан озодлик, имонни мустаҳкамлаш, Худонинг овозини эшитиш, тадбиркорлик, етакчилик каби мавзуларни ўрганинг!

## Ўсишнинг йўли


**MessengerX** нинг мақсади сизга ҳаётингизда кейинги қадамни қўйишга ёрдам бериш ҳисобланади. Биз шогирдчилик йўлини ҳамда бу йўлда қолиш учун кўмак бўладиган кучли омилларни ишлаб чиқдик.



## Янада кўпроқ сизга ёқадиган имкониятлар!

- Оддий ва осон асбоблар, ушбу материаллар билан бўлишишда ва ҳатто, ўқув гуруҳини бошлашда ёрдам беради.
- Севимли смарт телевизорларингизда томоша қилиш учун Chromecast ва AirPlay.
- Тараққиётни ўз мосламаларингизда сақлаб қўйинг. Сизга ёққан манбаларни ўзингизнинг тезда очиладиган кутубхонангизга сақлаб қўйинг.
- Офлайнда кўриш учун манбаларни ўз мосламангизга юклаб олинг.
- Сиз излаётган нарсани топиш учун ақлли қидириш ва филът.
- Ўз она тилингиздаги аудио китоблар, Муқаддас Китобнинг аудио форматини ва ҳатто, ҳамду-сано қўшиқларини кетма-кетликда автоматик равишда тингланг

# MessengerX - 1-2-3 дек осон!





- 1** MessengerXни App Store ва Google Play дастурларидан юклаб олинг.
- 2** Рўйхатдан ўтинг ва иловадан ўз она тилингизда фойдаланинг.
- 3** Сизга ёққан манбаларни кўздан кечиринг, ўқинг, кўринг, тингланг ва юклаб олинг ҳамда уларни бошқалар билан бўлишинг.


## Шогирд бўлинг, шогирдларни кўтаринг

MessengerX нинг бир қисми бўлиб, таржима қилинган манбаларни бутун дунё бўйлаб тақдим этишимизда бизга ёрдам берасиз.

**Чунки ҳар бир киши билишга лойиқ!**



**MessengerX.com**



## ОҒИР КУНЛАР

---

*Унга бўлган севгидан, иштиёқини  
ёқадиган олов чиқади. Улар Унга итоат  
қилганларидан завқ оладилар.*

... Ҳалол ҳаёт кечирिशга тиришинглар,  
акс ҳолда, Эгамизни кўра олмайсизлар.  
Эҳтиёт бўлинглар, тағин, ўзингизни  
Худонинг иноятдан маҳрум қилиб  
қўйманглар.

*– Ибронийларга 12:14, 15*

**М**уқаддас, ҳалол ҳаёт кечирмаган одам Эгамизни кўра олмайди. Биз ҳақиқатдан ҳам бу сўзларга ишонамизми ёки улар биз учун шунчаки, Каломдан олинган чиройли оят бўлиб қолмоқдами? Жамоат уларни амр деб биладимизми ёки далда берадиган шеърият деб очаси, шунчаки, имонлиларга шу кунда ва шу дамда эришиб бўлмайдиган даражада мукамал ҳаёт кечирिशга ёрдам берадиган оят ҳисоблайдимиз?

Ибронийларга мактуб муаллифи: “Эҳтиёт бўлинглар, тағин, ўзингизни Худонинг иноятдан маҳрум қилиб қўйманглар”, деганда, нимани назарда тутади? Охирги йигирма беш йил давомида жамоатларнинг аксарияти ўргатаётган иноятдан одам қандай маҳрум бўлиши мумкин? Балки Эгамиз бизни шунчаки қўрқитиб қўйиш, ортиқча муаммулардан сақлаш мақсад айтгандик? Йўқ, албатта!

## ЎЗГАРМАГАН ИМОНЛИЛАР

Олдинги бобда айтиб ўтганимдек, жуда кўп имонлиларнинг тасавурида иноят одамни итоат қилиш ва муқаддас ҳаёт кечирish масъулиятдан деярли тўлиқ озод қиладиган катта бир қалқондай гап. Аммо юқорида келтирилган Калом ояти имонлиларнинг бундай қарашлари Худонинг Каломига зид эканини исботлайди, нега десангиз иноятдан маҳрум бўлиш, потенциални ишга солмасликни англатади. Бу Худодан инъом сифатида қабул қилинган иноят беҳуда бўлиши, самара бермаслигини англатади.

Ҳаворий Павлус охирги кунларда кўплаб диндор имонлилар ўзгармай қолишини олдиндан билган. Бу кунлар ҳақида ёзар экан, у уларни “оғир кунлар” деб таърифлайди. Қизиқ-а, Хушxabар ҳақиқатига содиқ қолгани учун тош бўрон қилинган, калтакланган, занжирбанд этилган, зиндонга ташланган ва кўп маротаба қамчиланган одам, биз яшаётган кунларни, дин эркинлиги берилган даврни “оғир кунлар” деб атаса. Павлус биз яшаётган кунларни оғир дейишининг сабаби, Раббимиз Исога ишонган кўплаб имонлилар фақат ўзларини яхши кўриши, молу-давлат орттириш пайида яшаши, Худони изламасдан, дунёнинг лаззатига иштиёқманд бўлишида деган. Бирлари мағрурликка берилади, бошқалари яхшилиқни билмайдиган нонкўр бўлади, яна бировлар

яқинларини кечирмайди. Имонлилар орасида итоатсиз ва бетавфиқ одамлар пайдо бўлади. Бирлари ўзини назорат қилмайдиган, бошқалари ўзбошимча бўлади.

Ҳаворий Павлус охириги кунларда одамлар ўзларини художўй қилиб кўрсатадилар-у, “аслида улар, иноятнинг кучини рад этишини” айтади (2-Тимотий 3:1-5, замонавий таржимага қаранг). Бундай одамлар иноят кучини қабул қилишни ва шу орқали пулпарастликдан ва айш-ишратдан қайтиб, бор севгиларини Худога ва яқинларига қаратишдан бош тортади. Улар бузуқ табиатидан ўнгарилмайди, шу боис Худонинг инояти уларда ҳеч қандай самара бермайди.

Давомида Павлус мана шундай “ўзгармайдиган имонлилар” ҳақида ёзиб, уларнинг “қачон қарама, янги таълимотлар пайида бўлиши, лекин ҳақиқатни тан олмасликларини” айтади (7-оят). Бугунги кунда биргина Америка қўшма штатларининг ўзида, масиҳийлар таълимотлари сони, бутун инсоният тарихи давомида бошқа халқларда бўлганидан ҳам ортди. Хушxabарни китоблар, аудио ва видео контент, спутник алоқалар орқали ёйиш учун миллиард-миллиард доллар пул ажратилади, масиҳийлар томонидан ташкиллаштирилаётган сон-саноқсиз хизмат ва конференцияларни-ку айтмай қўяверай. Шунда ҳам “Мисрдан ажралиб чиқмаган” дунёвий жамоат бўлиб қоляпмиз. Ҳаворий Павлус “оғир кунлар” деб, ташқаридан қувғинлар кучайишини эмас, балки биз яшаётган даврни, жамоат дунёвийлашиб боришини назарда тутди.

Бир куни иш юзасидан тушлик қилаётганимизда, Хушxabарни ваъз қилган дўстим, Африкада аҳолисининг аксарияти ислом динига эътиқод қилган бир мамлакатга боргани ва у ерда нималарни кўргани ҳақида гапириб берди. У ерда ҳали-ҳамон Масиҳнинг издошларини

қийноқларга солишади ва ўлдиришади. Ўша дўстим менга қўп қийноқларга дуч келиб ҳам имондан қайтмаган, балки аксинча, яна ҳам ёниб, юртдошларига Хушxabар ёйган имонлилар билан учрашгани ҳақида айтди. У ерда дўстим ҳар куни ўша имонлиларга ваъз қилар ва боришида йўл бўйлаб, масиҳийлар учун тайёрланган дорларга кўзи тушар эди. “Жон, – деди у, – қизиқ, агар ҳар куни йўл-йўлакай, Масиҳга ишонганлар учун тайёрланган дорлар ёнидан ўтишга тўғри келганида, Америкада жамоатга қанча одам келган бўларди?” Кейин у ҳаворий Павлус айтган сўзларга яқин фикрни билдириб, деди: “Жон, бизда, Америкада дин эркинлиги бор, уларда эса йўқ. Уларда руҳий эркинлик бор, бизда эса, бу йўқ”.

Ҳаворий Павлуснинг сўзларига кўра, охириги кунларда оғир кунлар Худонинг азизларига қарши уюштирилдиган қувғинлар оқибатида эмас, балки жамоат дунёвийлашиши туфайли келади. Бунга шу пайтгача ўз эркинлигимиздан тўғри фойдаланмаганимиз сабаб бўлиши мумкинми?

Бир марта анжуманда нутқ гапирганимда, қаршимга яқиндагина, Ўрта Осиёдаги коммунист давлатидан келган бир имонли аёл келиб ўтирди. У бўлган мамлакатда масиҳийларга қарши қувғинлар шу даражада кучайган эдики, имонлилар яширинча йиғилиш ўтказишга мажбур эди. Йиғилишни ташкиллаштирган чўпон ва қўли остидаги етакчилар кўп маротаба сўроққа тутилган, қамалган эди. Қаранг-ки, қамоқда ҳам улар маҳбусларга Хушxabар ёйган ва маҳбуслар орасида жуда кўпчилик имонга келган. Буни кўрган миршаблар ғазабланиб, етакчиларни ва чўпонни бир кишилик камераларга қамаган. Ўша чўпон жами юз мартадан зиёд ҳибсга олинган ва жами ҳисобда қамоқда ўн йилдан ортиқ вақт ўтирган экан.

Америкалик синглимиз ўша мамлакатга келган вақтда йиғилишлар тинч ўтибди, охиригисидан ташқари. Полиция ходимлари имонлилар қаерда йиғилиш ўтказаетганини билиб қолишса ва агар вақтида бу ҳақида хабар берилмаган бўлса, ҳаммалари қамалар эди. Тарқалишдан аввал улар эрта тонгда, ўша синглимиз кетишидан аввал яширин жойда учрашиш ҳақида келишиб олишди. Эртаси кун эрталаб улар яна йиғилиб, ибодат қилишди. Ўша синглимиз менга: “Жон, ўша ерда мен улар учун эмас, улар мен учун ибодат қилишлари кераклигини ҳис этдим. Худо уларнинг илтижоларини ижобат қилишига ишонардим. Ўша охириги йиғилишда чўпон йиғлаб юборади. Мен ундан йиғлаганининг сабабини сўрадим, у одамлари ҳақида хавотирда эканини айтди. Кўзида ёш билан у менга тушунтириб, деди: “Эркинлигимиздан кўрқаман”.

Синглимиз ҳайрон бўлди: “Нима учун эркинликдан кўрқасиз? Ахир, қувғинлар остида яшаяпсизлар, ҳар доим кузатувдасизлар, тутиб олишса, қамайди. Тасаввур қилинг-а, агар сизга ва одамларингизга эркинлик берилганида, нима бўлар эди?!”

Шунда у деди: “Кўрққаним, агар бу биродарларим ва опа-сингилларимга эркинлик берилса, улар ўзгаради, молу-давлат ортидан қувадиган бўлиб қолишади, дунёвий, диндор одамларга айланишади ва Ғарб мамлакатларида бўлганидай, имондан қайтиб кетишади”.

Синглимиз, Худога самимий юрак билан эргашган, қўли остидаги имонлилар ҳақида чин дилдан жон кўйдирган бу чўпонга қарши бирон нима дея олармиди? Ғарбда у бу даражада фидойи одамларни кўрганми? Манашу одамлар, Худонинг азизлари, энг ашаддий қувғинларни бошдан кечиран экан, ким аслида оғир кунларни бошдан ўтказяпти?

Ҳаворий Павлус оғир кунлар диний эркинлик даврида яшаган ва дунёвийлашганларнинг бошига тушишини айтган. Бу билан биз яшаётган давр назарда тутилади.

Бироқ бизни дунёвийлаштирган, аслида диний эркинлик эмас, гарчи бу билан бизни йўлдан оздирадиган ички истакларимиз униб чиқиши учун қулай замин яратилган бўлса-да. Ҳамма гап худди Мусо даврида қадимги Исроил билан бўлганидек, бизда Худонинг улуғворлигига интилиш истаги йўқлигида. Худди Исроил халқи билан бўлгани сингари, бу муаммо бизнинг худбин истакларга ва танавий эҳтиросларга берилганимиздан келиб чиқмоқда.

## ОХИРГИ КУНЛАРДАГИ ЖАМОАТГА МАСИҲНИНГ МУРОЖААТИ

Ўтган бобда биз Ваҳий китобидан, тарихий жамоатларга башорат оҳангида айтилган сўзларни қисқача кўриб чиқдик. Қатор илоҳиётшуносларнинг фикрига кўра, ўша етти та жамоат тарихи милодий биринчи асрдан бошланиб, то Раббимизнинг келишига қадар даврни қамраб оладиган умумжаҳон Жамоатининг хронологик ривожланишини акс эттиради.

Биз гарчи Раббимиз келадиган кунни ва вақтни билмасак-да, Исо бу вақт бизга аён этилишини айтди. Кўп олимларнинг айтишича, биз айнан ўша даврда, Раббимиз келадиган кунларда яшаяпмиз. Шу боис энг охирида тилга олинган Лаодикиядаги имонлилар жамоатига айтилган сўзлар бизга ҳам тааллуқли: “Лаодикиядаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз: Ишончли ва ҳақ Шоҳид, Худо яратган борлиқнинг Асосчиси, Омин деб ном олган Зот шундай демоқда...” (Ваҳий 3:14).

Исо Ўзини “Ишончли ва ҳақ Шоҳид” деб атаydi. “Ишончли” – Ўз сўзига содиқ ва вафоли деган маънони

беради. “Ҳақ” дегани эса У аччиқ бўлса ҳам, фақат ҳақиқатни айтишини англатади. “Ишончли ва ҳақ” дейилиши Унинг юз-хотирчилик қилмай, ҳар доим, ким нима дейиши, қандай фикр билдиришидан қатъий назар, фақат ҳақиқатни айтиши назарда тутилади.

Сохта гувоҳ ёлғон гапиреди, хушомад қилади. Сиз эшитишингиз керак бўлган нарсани эмас, сиз эшитишни хоҳлаган нарсани айтади. Айёр сотувчини чўнтагингиздаги пул қизиқтиради, холос, шу боис у атрофингизда гир айланиб, хушомад қилади, мақсади – сиздан пул ундириш бўлади. Жамоат сифатида биз ўзимизга ёқадиган сўзларни айтган хизматчиларни ёруғ юз билан қарши оламиз. Биз қулоққа ёқадиган, юмшоқ ваъз-насихатларни эшитгимиз келади, бизга керакли бўлган ҳақиқатга келганда, қулоғимизни беркитиб оламиз.

Албатта, Раббимиз Исо бизга тасалли беради, йиқилганни тўрғизади, лекин ҳақиқатдан юз ўгириш эвазига эмас. У бизни севади, кечиради, лекин кези келганда тарбиялайди, жазолай ва тўғрилайди ҳам. Унинг нима деганига эътибор беринг: “Сенинг ишларингни биламан, сен на совуқ ва на иссиқсан” (Ваҳий 3:15).

“Ишларингни”, дейди, “ниятларингни” эмас. Яхши ният билан чегараланганларнинг тақдири дўзахдир. Исо уларнинг юрагида нима борлигини қаердан билади? Бу саволнинг ҳам жавоби осон: уларнинг ишларидан ёки амалларидан.

“Совуқ” деб аталганларнинг ишлари, Худони очиқдан-очиқ рад этиш, унга бўйсунмасликдир. Улар ўзларини борича кўрсатишади. Бу ҳалок бўлган одамлар бўлиб, ўзлари бунни билишади. Худога хизмат қилмаётганларини ҳам билишади. Улар бошқа худоларга – пулга, бизнесга, ўзларига хизмат қилишади. Ўткинчи истаклари қондирилиши учун яшашиди,

бузғунчилик, исёнкорлик қилишади. Буни гуноҳқорнинг ёки Худони билмаган одамнинг ҳаёти дейиш мумкин.

Бошқа томонда Худо учун ёниб яшайдиган, Унга тегишли бўлганлар туради. Бу одамлар ўзларини поклаган, шунинг учун Худога яқин бўлиб, Унинг ҳузурида яшай олишади. Улар интилган бирдан-бир нарса – бу муқаддаслик ва ҳалоллик. Улар бусиз Эгамизни кўра олмасликларини билишади. Исо уларнинг бутун ҳаётини ва борлиғини тўлдиради. Унга бўлган севгиларидан иштиёқини лов-лов ёқадиган аланга отади. Улар Унга итоат қилганидан завқ оладилар. Улар, шунингдек, ўзларининг асл ҳолатларини билишади.

Раббимиз Исо энг охири жамоатни ҳолати ҳақида огоҳлантириб: “Сен на совуқсан, на иссиқсан” деди (Ваҳий 3:15).

Бу сўзларнинг маъносини узоқ йиллар тушунолмайд юрдим. Нима учун Раббимиз Исо жамоатга: “Қанийди, ё совуқ, ё иссиқ бўлсанг!”, дейди? “Иссиқ бўлишингни хоҳлайман!”, деса бўлмасмиди? Исо ёлғон гапирмайди, бўрттирмайди ҳам. Шунинг учун бу жамоатнинг ўша пайтдаги ҳолати (на иссиқ, на совуқ бўлгани) совуқ бўлгандан ҳам ёмон. Нима учун гуноҳга ботган одамларнинг ва очиқдан очиқ Худога бўйсунмайганларнинг ҳолати “жамоатдаги имонлиларнинг” ҳолатидан яхши бўлиши мумкин?

Раббимиз Исо бунга кейинги оятда жавоб беради: “Сен қайноқ ҳам, совуқ ҳам эмас, балки илиқ бўлганинг учун мен сени оғзимдан түпуриб ташлайман” (Ваҳий 3:16, ЯРТ). Илиқ дегани – совуқдан иссиқ, иссиқдан кўра совуқ деганидир. Бундай имонлилар илиқ бўлганлари боис, қайноқ масиҳийлар орасида ажралиб қолмайди, “совуқ” бўлганлар билан ҳам бирлашиб кета олади. Илиқ имонлилар атрофдагиларга мослашиб кетадиганларни англатади. Улар Исонинг ҳақиқий издошлари билан бемалол тил топишади:

Каломни яхши билишади, қўшиқлар айтишади, қачон нима дейишни ҳам билишади.

Айрим имонлилар гарчи ичмаса, чекмаса-да, барибир ўзларини шундай тутишади-ки, дунёвийлардан ажрата олмайсиз. Бу худбин одамлар бўлиб, ўзларига қулай ёки манфаатли бўлган пайтда Худога сўзсиз итоат қиладилар. Аслида, уларни ўз истакларининг қули дейишимиз мумкин.

Раббимиз Исо: “Мен сени оғзимдан тупуриб ташлайман”, дейди. Нима учун У бундай ўхшатмани ишлатди? Биз ошқозонимиз қабул қилмаган нарсани қусамиз. Эсимда, бир неча йил аввал, кунларнинг бирида ўрта ва кенжа ўғилларим тушликка биттадан гамбургер ейишди. Орадан бир соат ўтиб, гўшти яхши бўлмаганми, иккаласи ҳам еганларини қайд қилиб юборишди. Ошқозонлари зарарли маҳсулотни рад этди, десак бўлади. Ўша “ёмон” гамбургер кўринишидан, улар аввал еган “яхши” гамбургерлардан умуман фарқ қилмасди. Мухтасар қилиб айтганда, Раббимиз Исо: “Менга тегишли эканлигини айтиб, аслида бошқача бўлган одамларни Мен Ўзимдан соқит қиламан” дейди.

Совуқ ва иссиқ бўлган масиҳийлар Худо билан муносабатларида адашишмайди, илиқ бўлган имонлилар адашади. Улар асл ҳолатлари борасида мутлақо бошқа фикрда бўлишади, Масиҳга тегишли эканликларига ишонишади. Аҳволлари гуноҳкорларникидан ҳам ёмон бўлади, дейишимизнинг боиси шу. Гуноҳидан қайтмаган одамлар Худога хизмат қилмаётганларини билишади, шу боис уларни Масиҳга олиб келиш осонроқ. Илиқ бўлган имонлилар Худога хизмат қиляпмиз деб ўйлайди, иноят орқали нажот топиш ҳақидаги таълимотни очиқчасига тан олишади, гарчи Эгамизнинг иноятдан маҳрум бўлган бўлсалар-да. Уларни ҳақиқат йўлига қайтариш қийинроқ

кечади. Тўғри-да, нажот топганман деган одам, нажотга муҳтож эканлигини кўрмайди.

Давомида Раббимиз Исо бундай одамларнинг асл ҳолатини батафсил кўрсатади: “Сен: «Бойман, ўзимга тўқман, ҳеч нарсадан кам–кўстим йўқ», — дейсан. Аслида эса аянчли, ачинарли аҳволда эканингни, қашшоқ, кўр ва яланғоч эканингни билмайсан!” (Ваҳий 3:17).

Раббимиз Исо мурожаат қилган жамоатда одамлар ўзларини бой деб билган, давлатини кўз-кўз қилишган, ҳеч нарсада камчиликлари йўқ деб ўйлаган. Улар буни Худодан берилган марҳамат деб, ўзларини тинчлантиришар эди. Бугунги жамоат ҳам шундай эмасми? Биз эркинликни ва бойликни Худо йўлидаги хизматни кенгайтириш йўлида ишга соляпмизми? Ёки эркинлик ва бойликка бизни йўлдан оздиришларига йўл қўйиб беряпмизми? Ҳозирги кунда жамоатларнинг аксариятида имонлилар эркинлик ва бойликка, уларни йўлдан оздиришга йўл қўйиб беряпти.

Мен муқаддасликка интилган, Худони сидқидилдан севадиган, юрагида ўти бор, содиқ одамларни ҳам учратганман, лекин бундайлар озчиликни ташкил қилади. Уларни жанг майдонини кўрган, душманлари ким эканини биладиган ҳақиқий жангчилар дейиш мумкин. Уларнинг ғайратини сўзларидан эмас, тутган йўлларидан, берган меваларидан кўрасиз.

Раббимиз Исо илиқ имонлиларга дейди: “Сенга маслаҳат бераман: бойишинг учун Мендан оловда тобланган олтинни сотиб ол. Шармандали яланғочлигингни ёпиш учун эгнингга оқ кийим, кўришинг учун кўзларингга суртадиган малҳамни Мендан сотиб ол” (Ваҳий 3:18).

## ОҒИР КУНЛАР

Исо биз буни Ундан *сотиб олишимиз* кераклигини алоҳида кўрсатади, яъни бу билан Уни Раббий деб тан олиш эмас, балки кўпроғи талаб этилишига ишора қилинади. Эсда тутинг, жамоат Унинг номи орқали нажотга эришилишини эълон қилган, лекин шу вақтнинг ўзида унга ҳақиқий имонлиларга хос бўладиган бир жиҳат етишмас эди. Наҳотки Исо Масихдан бирон нарса сотиб олиш мумкин бўлса?

Эгамиз Каломда: “Ҳақиқатни сотиб ол ва уни сотма”, деб ўргатади (Ҳикматлар 23:23, ЯРТ). Ишаё пайғамбарда шундай сўзларни ўқиймиз:

“Эгам айтар: “Эй ташна бўлганлар! Ҳаммангиз сувга келинглар! Эй пулсизлар, келинг, сотиб олиб, енглар! Келинг, шаробу сут сотиб олинг пулсиз, текинга!” (Ишаё 55:1)

Исонинг сўзларида бўлганидай, бу ерда пулга сотилмайдиган нарсани олиш назарда тутилади.

Раббимиз Исо Осмон Шоҳлиги тўғрисида шогирдларига шундай деган: “Осмон Шоҳлиги нодир марварид излаётган бир савдогарга ўхшайди. Савдогар қимматбаҳо марваридни топганда, бор-йўғини сотиб, марваридни харид қилибди” (Матто 13:45, 46). Қимматбаҳо, нодир марваридни харид қилиш учун савдогарга бор-йўғини сотишга тўғри келди. Марварид бу ерда Осмон Шоҳлигини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, ўзингни тўлиқ Худога бағишла, Унга бор кучинг билан хизмат қил, ҳеч нарсангни аяма, У учун яша. Ҳаворий Павлус бу борада шундай деб ёзади: “Ҳа, Масих ҳамма учун ўлди, токи яшаётганлар энди ўзлари учун эмас, балки улар учун ўлган ва тирилган Масих учун яшасинлар” (2-Коринфликларга 5:15).

## ДОНОЛАР ВА НОДОНЛАР

Раббимиз Исо келтирган масаллар орасида юқорида тилга олинган мавзуга оид бўлганлари бор. Уларнинг бири Матто Хушхабари, 25-бобининг бошидаги ўн икки оятда келтирилади. Бу ерда Осмон Шоҳлиги келиннинг ўнта дугонаси билан боғлиқ ҳолатга ўхшатилади. Улар мойчироқларини олиб, куёвни қаршилагани чиқишибди. Уларнинг ҳаммалари бирдай мавқега эга, ҳаммалари Масиҳни Раббий деб тан олишади. Ҳар бирининг қўлида ёритиш учун мойчироқ бор. Улар абадий ҳаёт инъоми берилган одамларни англатади. Ҳаммаси Масиҳ қайтиб келганида, У билан абадий яшашларига ишонадилар. Исо бу ерда Хушхабарни эшитмаган ёки Унга имон келтирмаганлар ҳақида гапирмайди. Бошқача қилиб айтганда, У “совуқ” бўлганларни назарда тутмайди.

Улардан бештаси нодон, бештаси доно бўлгани айтилади. Донолари ҳам бешта, нодонлари ҳам бешта. Исо жамоатнинг бутун бошли бир қисми ҳақида гапирди.

Доноларни нодонлардан нима ажратиб турган? Нодонлари фақат мойчироқларни олишибди. Донолари эса мойчироқлари билан бирга идишларда мой ҳам олибдилар. Мой олов ўчмаслиги учун керак. Ярим кечаси: «Ана, куёв келяпти! Уни кутиб олгани чиқинглар!» деган бир овоз янграбди. Шунда қизларнинг ҳаммаси ўрнидан туриб, куёвни кутиб олиш учун мойчироқларини тайёрлай бошлабдилар. Нодонлари доноларига айтибдилар: “Бизга ҳам мойингиздан озгина беринглар, чироқларимиз ўчяпти!” (8-оят) Донолари эса шундай жавоб берибдилар: “Йўқ! Бизга ҳам, сизларга ҳам мой етмай қолади. Яхшиси, сотувчиларга бориб, ўзларингизга мой сотиб олинглар” (9-оят).

Бу масалнинг кўп талқинларини эшитганман, лекин

барибир асл маъноси мен учун жумбоқ бўлиб қолаётганини ҳис қилардим. Бир кўни тонгда кимсасиз жойда ибодат қилаётганимда, илтижо қилиб сўрадим: “Ё, Раббий, менга бу масални тушунишимга ёрдам бергин!”

Ўша кўниёқ Эгамиз менга масалнинг асосий маъноси доно қизларнинг нодонларига айтган сўзларида эканини кўрсатди: “Яхшиси, *сотувчиларга бориб*, ўзларингизга *мой сотиб олинглар*”. Тасаввур қилинг, келиннинг ўнта дугонаси, бештаси – доно, бештаси – нодон, хўжалик моллари дўконига йўл олишди. Нодонлари дўконга келиб, ҳар бири сотувчига пул узатиб дейди: “Менга мойчироқлардан битта узатинг. Жонимни қутқаришим керак. Дўзахга тушишни истамайман. Худодан марҳамат топишни истайман!” Ҳар бири: “Худога шукур-эй, омон қолдим!” деб, дўкондан қўлида олови ёниб турган мойчироқни тутиб қайтади.

Энди донолари дўконга келиб, бор пулларини чиқаришади. Улар ўз мулкларини сотган, топган пулларини ва йиққанларини тўлиқ олиб келишди. Ҳар бири сотувчига: “Бу менинг бор пулим, ҳамма нарсамни шунга тикдим. Бошқа ҳеч нарсам қолмади. Илтимос, ўша мойчироқдан битта узатинг, қолганига мой беринг”, дейди. Ҳар бири дўкондан қўлида ичи мойга тўла мойчироқ ушлаб чиқади.

Фарқ шундаки, келиннинг доно дугоналари ўз ҳаётларини тўлалигича бағишладилар, нодонлари эса уларнинг назарида қутқарилиш учун керак деб ўйлаган нарсани беришди. Ҳаётининг бир қисмини улар захира қилиб, сақлаб қўйишди. Тўғри, улар ҳам қўлларида мойчироқ ушлаб чиқишди, мойчироқлари атрофни ёритиб турарди, лекин бу узоқ давом этмади. Масалда айтилганидек, ярим тунда мойчироқлари ўча бошлади. Айни қоронғи тунда вазият чигаллашди, мойчироқлари ўчиб қолди. Шу боис, Раббимиз

Исо: “Охиригача бардош берган нажот топади”, деган.

Нодон қизлар мой сотиб олгани кетишганда, куёв келиб қолибди. Тайёр турган қизлар куёв билан бирга тўйхонага кириб кетишибди. Орқаларидан эшик ёпилибди. Кейин қолган қизлар келиб: “Ҳазрат! Ҳазрат! Бизга эшикни очинг!” — дейишибди (11-оят) Лекин У: “Сизларни умуман танитайман”, — деб жавоб берибди (12-оят).

Бу ерда ҳам Раббимиз, Уни “Раббий” деганларга: “Сизларни танитайман”, демоқда. Илиқ масихийлар ҳаётини тўлалигича Худога бағишламаган. Шак-шубҳасиз, Исо: “Кимки ўз хочини олиб, ортимдан юрмаса, Менга лойиқ эмас”, деганида мана шундай одамларни назарда тутган (Матто 10:38).

Нима учун биз Хочсиз тирилишнинг кучи ҳақида ўргатадиган Хушхабарга ишонамиз? Бундай Хушхабар бизни илиқ имонлиларга айлантирди, юрагимизда лов-лов ёниши керак бўлган ўт-алангани тортиб олди. Ким билсин, балки ўликлар орасида тирикни излаётгандирмиз? Балки: “Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун жонини берса, уни асраб қолади”, деганини унутгандирмиз? (Матто 16:25, ЯРТ).

# ОЛТИН, КИЙИМ ВА МАЛҲАМ

---

*Муқаддасликка эришиш учун Худо билан  
ҳамкорликда ҳаракат қиламиз.*

Бойишинг учун Мендан оловда тозаланган олтин, яланғочлигинг шармандалиги кўринмаслиги учун кийинишга оқ кийим сотиб олишингни маслаҳат бераман; шунингдек, кўришинг учун кўзингга кўз мойини суртгин.

*– Ваҳий 3:18, ЯРТ*

**Р**аббимиз Исо юрагида ўти йўқ имонлиларга учта нарсани сотиб олишни маслаҳат беради: оловда тобланган олтин, оқ кийим ва малҳам. Келинг, буларни бирма-бир, алоҳида кўриб чиқайлик.

## ОЛОВДА ТОБЛАНГАН ОЛТИН

Малахи пайғамбар охирги кунларда Сарвари Олам тозалайдиган олов каби, Ўз Маъбадига келишини айтади. “Раббий кумушни эритувчи ва тозаловчи каби ўтириб,

Леви ўғилларини тозалайди. Улар ҳақликда қурбонлик келтиришлари учун Раббий уларни олтин ва кумуш каби эритади” (Малахи 3:3).

*Леви авлоди* дейилиши билан башорат оҳангида шоҳона руҳонийлар (1-Петрус 2:9) назарда тутилади ва биз юқорида бунинг имонлилар жамоатини англатишини кўриб чиқдик. Табиийки, у пайтда пайғамбар Янги Аҳд терминологиясини билмаган. Шу боис у “масихийларни поклайди” дея олмаган, нега десангиз, у пайтда бунақа ибора бўлмаган. Эгамиз Ўзининг муқаддас қавми, руҳонийларини поклашни, кумуш ва олтиннинг оловда тобланишига қиёслар экан, биз кумуш ва олтин аслида, қандай материаллиги ва у қандай тобланишини тушуниб олишимиз керак. Раббимиз Исо кўпроқ олтинни тилга олади, шунинг учун келинг, айнан унга эътибор қаратайлик.

Табиатда олтин кенг тарқалган бўлса-да, жуда кам миқдорда учрайди. Камдан-кам ҳолатларда бу металл тоза ҳолда олинади. Соф олтин юмшоқ, эгилувчан бўлади, зангламайди, аралашма ва бошқа моддалардан ҳоли бўлади. Эритиб, бошқа металллар билан қориштирилганида (масалан, мис, темир ёки никел билан) эгилувчанлигини йўқотади, қаттиқроқ бўлади ва занг олувчанлиги даражаси ошади. Олтин билан бошқа металл моддаларнинг эриган ҳолда ўзаро қўшилиши ёки аралашувидан ҳосил бўлган модда қотишма деб аталади. Қотишмада мис, темир ёки бошқа металллар миқдори қанча кўп бўлса, олтин шунча қаттиқ бўлади. Ва аксинча, бегона металллар миқдори кам бўлгани сари, олтин юмшоқ ва эгилувчан бўлади.

Юқоридаги парчада Раббимиз Исо параллел келтирганини кўрамиз: Худо олдида тоза қалб, тобланган олтин мисоли бўлади. Тоза қалб, пок юрак юмшоқ,

жозибатор ва итоаткор бўлади. Шу ўринда, ҳаворий Павлуснинг: “Тағин бирортангиз гуноҳга алданиб, юрагингизни тош қилманглар”, деб огоҳлантиришлари эсга тушади (Ибронийларга 3:13 га қаранг). Худонинг йўллари ёки ҳокимиятини инкор этадиган гуноҳ – бу бегона металл бўлиб, у биздаги соф олтинни қоришмага айлантиради, юрагимизни тошдай қаттиқ қилади. Юмшоқликни йўқотиш оқибатида бизда сезгирлик, зеҳн йўқолади ва биз Худонинг овозини эшитмайдиган бўлиб қоламиз. Афсуски, жамоатларда кўринишидан тақволи бўлган, лекин юраги тошдай бўлиб қолган имонлилар сони оз эмас. Бундай одамларнинг юраги Исо учун ёнмай қўйган. Бир пайтлар севгига тўлиб, лов-лов ёнган қалблари энди совиб қолган, Худого бўлган иштиёқ, ғайрат ўрнини худбин истаклар, ўзидан бошқани кўрмайдиган эҳтирослар, қулайликка, шахсий манфаатга ўчлик эгаллаган. Фикри бузуқ бундай одамлар ҳақиқатдан маҳрумдирлар. Улар сохта художўйлигини фойда манбаи деб биладилар (1-Тимотийга 6:5). Улар Худонинг ваъдаларидан фақат фойда ундирсам дейди, бу ваъдаларни берган Зотни эсларига олмайди. Йўлдан озган бундай одамлар дунёнинг ўткинчи эҳтиросларидан завқ олишади ва шу билан бирга Осмон Шоҳлигига кирамиз деб ўйлашади. Жамоатда илиқ имонлилар мана шу тоифадагилардир. Шу ўринда, Ёқуб Масиҳга эргашган ҳақиқий имонлилар Отамиз Худонинг назарида пок ва беғубор дин–диёнатга эга бўлишлари, бу дунё дастидан бўлганмасликларини эслатади (Ёқуб 1:27). Раббимиз Исо ҳар қандай ғубор, ажин ва бу дунёнинг доғидан холи, улуғвор, муқаддас ва бенуқсон Жамоатини Ўз ҳузурига олиб кетади (Эфесликларга 5:27 га қаранг).

Олтиннинг яна бир хусусияти оксидланиш ва

зангламаслиги билан боғлиқ. Ташқи таъсир оқибатида хиралашадиган бошқа металллардан фарқли равишда, соф олтин ташқи таъсирга бардошли бўлгани боис, ҳеч қачон хиралашмайди, ярқираб тураверади. Латун (мис ва цинк қотишмаси, сариқ бўлади) олтинга ўхшаса-да, ички хусусиятлари мутлақо бошқа бўлади: у жуда тез рангини йўқотади, хиралашади. Яъни, латун ташқаридан олтинга ўхшайди, лекин таркиби жиҳатидан мутлақо бошқа. Олтинда аралашмалар миқдори қанча кўп бўлса, ташқи таъсирга шунча берилувчан, коррозия, яъни занг олувчанлик даражаси шунча юқори бўлади.

Бугунги кунда жамоат ич-ичидан дунёвийлашиб қолди. Дунёга хос одатлар бизга сингиб бормоқда ва биз “хиралашиб” қолдик. Замонавий жамоатнинг қадриятлари бу дунёнинг қадриятлари билан булғанди. Биз танавий эҳтиросларимизни қондириш пайида яшайдиган бўлиб қолдик ва буни “Худодан марҳамат топиш” деб атаймиз. Марҳамат, мўл барака топаётганимизга ишониб қолганимиз боис, зеҳн, сезгирликни йўқотдик, покланиш заруратини ҳис этмай қўйдик.

Малахи пайғамбар Раббий Ўз Жамоатини тозалаши, бу дунёнинг машъум таъсиридан фориғ қилишини ёзади ва буни заргар томонидан олтиннинг тобланишига қиёслайди. Олтинни тозалашда кукун кўринишига олиб келишади ва сўнг унга Флюс деган моддани кўшишади. Ана ундан кейин иссиқ печга солиб, баланд оловда узоқ вақт эритишади. Олтин эриган сайин ундаги барча аралашмалар, бегона моддалар флюс билан бирга тепага сизиб чиқади. Олтин нисбатан оғир бўлгани боис, кўтарилмайди, пастки қатламда қолади. Сўнг шлак кўринишидаги барча аралашмалар (флюс билан аралашган мис, темир ёки цинк) қозондан олиб ташланади.

Эгамиз Ишаё пайғамбар орқали нима деганини ўқийлик: “Мана, Мен сени покладим, аммо кумушдай қилиб эмас. Сени кулфат ўчоғида синадим” (Ишаё 48:10). Эгамиз бизни поклайдиган “ўчоқ” (ёки қозон) – кумуш ёки олтинни тоблаш учун ёқиладиган олов эмас, балки бошимизга тушадиган кулфатлар, қийинчиликлар ва синовлардир. Шу ўринда, ҳаворий Петруснинг сўзларини келтираман:

Шунинг учун хурсанд бўлинглар! Сизлар турли синовлар туфайли вақтинча қийналяпсизлар, шундай бўлса ҳам қувонинглар. Чунки синовлар имонингизнинг самимий эканлигини исботлаш учун керакдир. Ҳатто йўқ бўлиб кетадиган олтин ҳам оловда тобланиб, синалади. Сизнинг имонингиз эса олтиндан минг баробар қадрлироқдир. Исо Масих охирада келганда синовдан ўтган имонингиз сизларга мақтов ва шон–шараф келтиради. (1-Петрус 1:6, 7)

Худо юборадиган тозаловчи олов – бу синовлар ва қийинчиликлардир. Уларнинг юқори ҳарорати Эгамиз бизга сингдирган табиатдан барча аралашмаларни ва нопокликларни фориғ қилади.

Мен ўсган жамоат йўналишида бизга шундай ўргатишган: нажот топиш учун одам болаликда сувга чўмдирилиши, сажда хизматига бориб туриши ва жамоат ўргатган қонунларга амал қилиши керак. 1979-йилда нажот ҳақидаги Хушхабарни қабул қилганимдан кейин, мустақил жамоатга қатнай бошладим. У пайтда коллеж талабаси эдим. Бу жамоатнинг таълимоти Худонинг марҳаматларига асосланган эди. Бироқ бу ерда ҳам, мен борган йўналишдаги жамоатда ҳам муқаддаслик ҳақида ўргатишмас эди.

1985-йилда ибодатда муқаддаслик ҳақида сўрай бошлаганимда, Худодан жавоб ола бошладим. Бу пайтга келиб, юрагимда покланишга бўлган кучли иштиёқ пайдо бўлган эди. Шу боис Худодан ҳаётимни поклашини илтижо қилиб сўрардим. Орадан бир неча ой ўтиб, У илтижоларимни ижобат қилди. Эсимда, ўша йилнинг декабр ойи эди. Раббий менга ўзимдан воз кечишни, хочимни олиб, Унинг ордидан эргашишни ўргатишини айтди. У мени поклашини, муқаддаслик сари бошлашини кўрсатди.

Ҳаяжонга тўлиб, мен хотинимга Худо ҳаётимдан барча нопокликларни олиб ташлаш ниятида эканини айтдим, бундан ташқари Худо мени озод қиладиган ёмон одатларим тўғрисида ҳам очди. Ёмон одатларимнинг аксарияти у ёки бу соҳада ўзимни тия билмаслигим, ортиқча овқатланишим, телевизорни соатлаб кўришим, айш-ишратга берилиб қолганим билан боғлиқ эди. Бироқ орадан бир неча ой ўтди ҳамки, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ҳаммаси яна ҳам ёмонлашгандай, қайта танавий эҳтиросларим икки карра кучайгандай эди.

Шунда Худога савол бердим: “Нима учун ёмон одатларим йўқолиш ўрнига, кучайиб кетди?” “Ўғлим, – деди У, – Сени поклайман дедим. Шу пайтгача буни ўз кучинг билан қилишга ҳаракат қилдинг. Энди буни Менга қўйиб бер, ўзим айтгандай қиламан”.

Ўша кундан бошлаб, ҳаётимда кўрмаган синовлардан ўта бошладим! Назаримда Худо мени тарк этгандай, миллион-миллион километр нарида қолгандай туюлар эди, лекин бу менинг назаримда эди, холос. Бунга қадар яширин бўлган барча камчиликларим юзага чиқа бошлади, уларнинг негизи эса битта эди – *худбинлик!* Мен яқинларимга нисбатан қўпол муносабатда бўлар, қизиққонлик қилар эдим. Гоҳида

ҳеч бир сабабсиз хотинимга, болаларимга бақирардим. Ҳеч нарсадан кўнглим тўлмас, ҳамма нарсадан шикоят қилаверардим. Менинг ёнимда яшаш, чидаб бўлмайдиган бир синовга айланди, десам, муболаға бўлмайди. Оилам, дўстларим, жамоатимиз ва чўпоним менга душмандай бўлиб қолишди. Уларга худди юрагимдаги дардларнинг сабабчиси бўлгандай муносабат қилардим. Оқибатда, улар мени кўрса, ўзларини четга оладиган бўлишди.

Охир-оқибат, дод солиб Худога ёлвордим: “Шунча ғазаб менга қаердан келди? Аввал бунақа эмасдим-ку!” У менга Муқаддас Каломдан покланиш ҳақидаги оятларни кўрсатди ва сўнг саволимга жавоб берди: “Ўғлим, олтинни тоблаб, тозалаганларида иссиқ қозонга солишади ва у баланд олов остида эрийди. Ана шунда ундан барча аралашмалар, бегона моддалар, шлаклар ажралиб чиқади”.

Мисол тариқасида У менинг эътиборини бармоғимдаги никоҳ узугимга қаратди. Бу 14 карат олтини бор узук эди. 14 карат дегани унда 24 фоиз қисмдан 14 фоизи – олтин, қолган 10 фоизи бошқа металллар аралашмаси бор деганидир. Мухтасар қилиб айтганда, бу узукнинг бор йўғи 60 фоизи олтин эди.

Сўнг Худо саволлар берди ва ўша саволлар менинг бўлғуси ҳаётимни тубдан ўзгартирди:

- Қўлингдаги узук соф олтин деб ўйлайсанми?
- Ҳа, олтин, – дедим.
- Аслида, соф олтин эмас, шундайми?
- Албатта, соф эмас, – дедим мен.

Шунда Эгамиз давом этиб деди:

– Узукни то иссиқ қозонга солмагунингча, ундаги бегона металларни, аралашмаларни кўролмайсан. Лекин бу унда аралашмалар йўқ дегани эмас.

– Тўғри, – дедим мен.

Шунда У менга қуйидаги сўзларни айтди, буни эшитиб, юрагим қинидан чиққудек бўлди: “Сени иссиқ қозонга солганимда, ҳамма нопокликларинг сизиб чиқди. Уларни яширишга ҳаракат қилдинг, лекин Мендан буни яшириб бўладими? Энди танлаш ихтиёри сенда. Юқорига сизиб чиққан аралашмалар билан нима қилишинг бўлғуси ҳаётингни белгилаб беради. Сен ғазабга берилиб, хотинингдан, дўстларингдан, чўпон ва болаларингдан ёки иш жойингдаги ҳамкасбларингдан айб ахтариб юришда давом этишинг мумкин. Ўз хатти-ҳаракатларингни оқлаганинг сайин, бояги нопокликларга юрагингда яна ҳам чуқур негиз отишига замин яратасан. Кейинчалик, синовлар камайганда, улар яна кўринмай қолади. Иккинчи йўл: сен бу нопокликларни ўзингда кўриб, тавба қилишинг, кечирим сўрашинг мумкин. Шунда мен қўлимга чўмич олиб, ҳаётингдан барча нопокликларни олиб ташлайман.

Худо ихтиёримизга қарши бизни покламайди. Ҳаворий Павлус буни билгани боис шундай дейди: “...баданимизни ва руҳимизни булғовчи ҳар қандай нарсадан ўзимизни поклайлик. Худодан қўрқиб яшаб, бутунлай Худо учун ажратилган эканлигимизни кўрсатайлик” (2-Коринфликларга 7:1). Тимотийга ҳам унинг шу маънода ёзганини кўришимиз мумкин:

“...Эгамизнинг номини тилга олган ҳар бир одам ёмонликдан узоқлашсин”. Катта бир уйда нафақат олтин ва кумуш идишлар, балки ёғоч ва сопол идишлар ҳам бор. Олтин ва кумуш идишлар хўжайинга шараф келтиради, қадрсиз идишлар эса унинг обрўйини тўкади. Ким ўзини мен айтган ёмонликлардан покласа, Эгаси учун шараф келтирадиган идишдай бўлади. Бундай одам

Эгасига хизмат қилишга бағишланган, ҳар бир яхши иш қилишга тайёр бўлади”. (2-Тимотийга 2:19-21)

Муқаддас бўлиш Худо билан бирга ҳаракат қилишни талаб этади. У иноят ато қилади, биз ўз навбатида, Ундан покланиш ҳақида сўрашни чин дилдан хоҳлашимиз керак. Худо бу жараёнга киришиши билан, биз ўзимизни паст тутган ҳолда, итоат қилиб, У билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз керак. Менга келсак, ҳаётимда ташқи камчиликларни кўрар эдим, холос: ортиқча овқатланиш, телевизор кўриш, айш-ишратлар ва ҳ.к. Худо эса уларнинг юрагимда чуқур негиз отганини кўрак эди. Худо ҳаётимда ишлай бошлаганидан кейин, бошқа-бошқа камчиликларим юзага чиқа бошлади. Покланиш – бу тўхтовсиз ва узлуксиз жараён ва бу кўпинча жуда оғриқли кечади, лекин қандай самара беришини билганим боис, бу жараённи мамнуният билан қабул қиламан.

Соф олтиннинг яна бир эътиборга молик жиҳати, унинг мусаффолигидир. “Шаҳарнинг шоҳ кўчаси соф олтиндан бўлиб, шишадай мусаффо эди” (Ваҳий 21:21). Оловдай келадиган синовлардан ўтгач, мусаффо бўласиз. Мусаффо идишга қарасангиз, уни эмас, ичидаги нарсани кўрасиз. Биз қанча мусаффо бўлсак, дунё бизда жо бўлган Исо Масиҳни шунча аниқ кўра олади. Омин!

Чин дилдан Худони излаган Довуд: “Ким ўз хатосини била олади?! Яширин хатолардан мени Ўзинг поклагин”, деб ибодат қилган (Сано 18:13). Биз ҳам юракдан Эгамизга шу сўзлар билан илтижо қилайлик. Эгамиздан юрагимизни поклашини сўрасак, У биз кўрмаган нопокликларни тозалайди. У дилимизнинг тубида нима борлигини, ички ниятларимизни билади, биз ҳатто борлигини тасаввур қилмаган нарсалар ҳам Унга очиқ аёндир. Покланиш

жараёнида Эгамизга мақбул нарсалар такомиллашади, бизни кучдан қолдирадиган ёки булғайдиган иллатлар олиб ташланади. Раббимиз Исонинг ҳозирги жамоатга, дунё излаган неъматларга эмас, абадий қадриятларга эга бўлган неъматлар билан бойишимиз учун Ундан оловда тобланган олтинни сотиб олишни маслаҳат беришининг боиси шудир.

## ОҚ КИЙИМЛАР

Раббимиз Исо жамоатга оловда тобланган олтин ҳақида айтиб, сўнг унга шармандали яланғочлигини ёпиш учун энгига оқ кийим сотиб олишни маслаҳат беради. Бир пайтлар Эгамиз Ишаё пайғамбар орқали худди шу сўзлар билан Исроил халқини огоҳлантирган:

“Уйғон, уйғон, эй Йерусалим, куч–қудратга тўлгин. Ажойиб кийимларингни кийгин, Эй Сион, муқаддас шаҳар!” (Ишаё 52:1)

Йерусалим ҳозирги жамоатни ифодалайди. Эгамиз бу ерда: “Мен сени кийинтираман”, демайди. Аксинча: “Ажойиб кийимларингни кийгин!”, дейди. Ҳаворий Павлус имонлилар жамоатига: “Раббимиз Исо Масихга бурканинглари ва башарий табиатингизнинг эҳтиросларини қондиришни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирманлар”, деган (Римликларга 13:14). Нима учун бундай дейилади? Чунки оқ либос киймаганлар тахт олдида, Қўзининг ҳузурида туролмайдилар (Ваҳий 7:9). Бу ерда энг эътиборга молик жиҳати шуки, бизга бўлган учала мурожаатида ҳам, оқ кийимга ўзимиз бурканишимиз лозимлиги ўқтирилади.

Бу ерда ҳам айнан июнат бизга оқ кийимни сотиб олиш имконини бериши айтилади. Ўзимиз уни тайёрлай олмаймиз, чунки ҳаммамиз ҳаром бўлиб қолдик, “яхши

ишларимизнинг ҳаммаси ҳайз латталари кабидир” (Ишаё 64:6). Эгамизнинг пайғамбари айтганидек:

“Эгам туфайли мен буюк шодлик топаман, Худойим деб қалбим жўш уради. Зотан, У мени нажот либоси билан ўради, зафар кийимини менга кийдирди. Мен тож кийган кувёга ўхшайман, зеб–зийнат билан безанган келиндайман”. (Ишаё 61:10)

Раббимиз бизга нажот либосларини ҳам, зафар кийимини ҳам беради, ўзимизга қолса, уларга ҳеч қачон эришолмасдик. Бироқ буларга эришганимиздан кейин ҳам самара бўлмаслиги мумкин. Келиннинг ўзи безакларга бурканмоғи лозим.

Келинг, шундай бир ҳолатни тасаввур қилайлик: бир камбағал қизга буюк шоҳнинг ўғлидан совчи келибди. Бояқишнинг на бир чиройли кийими, на мулки бор, ҳеч вақоси йўқ. Шу боис тўйга тайёргарлик кўролмайдди. Қўлида бори – бу эски, жулдур кийими. Зеб–зийнат билан безанган келиндай бўлиб бормаса, уни шоҳнинг саройига кириш у ёқда турсин, яқинига ҳам йўлатишмайди. Шоҳнинг ўғли уни севгани боис қўлига катта пул тутқзади, тўй кунига энг чиройли либос, энг муҳташам зеб–зийнатларни сотиб олишини сўрайди. Қаранг-ки, қиз тўйга тайёргарлик кўриш ўрнига, шунча пулни бошқа нарсаларга, ўзи учун керакли деб билганларига ишлатиб юборади. Никоҳ маросимига келинлик либосини киймаган қиз, буюк шоҳга ва унинг ўғлига нисбатан ўта ҳурматсизлик кўрсатади. Ахир унга нимаики керак бўлса, сотиб олиши учун имконият берилди-ку! Шунга қарамай, келин тўйга тайёргарлик кўрмади.

Агар бояги пулни келин кўйлакка ва зеб–зийнатларга сарф қилганида эди, кимсан шоҳнинг саройида яшаганидан бир

умр фахрланиб юрар, “Жанобим менга оқ либос кийдирди!” дер эди. Ўғилнинг инояти эвазига қиз бошдан-оёқ келинлик либосига бурканиб оларди. Қимматбаҳо либослар ва зеб-зийнатлар учун ҳамма пулни кўёв берди, лекин либосни ва зеб-зийнатларни сотиб олиш, уларга бурканиш келиннинг зиммасида бўлган.

Бу мисол бизнинг Кўёв келадиган кунга тайёргарлик кўришимиз лозимлиги билан бевосита боғлиқ. Ҳаворий Юҳанно ваҳийда кўрган ва эшитганлари борасида шундай деб ёзади:

Кувониб шодланамиз ва Уни шарафлаймиз, чунки Қўзининг тўй соати келди, унинг хотини ўзини тайёрлади. Унга соф ва оппоқ зиғирпоя матосига бурканиш берилди. Зиғирпоя матоси эса муқаддасларнинг ҳақлигидир. (Ваҳий 19:7, 8)

Юнон тилидаги матнда саккизинчи оятда “*ҳақлигидир*” деган ибора ўрнида *дикайома* деган сўз ишлатилади. Стронг луғатида ҳам бу сўзга “одил ишлари” деб изоҳ берилади. Вайн луғати эса буни “ҳақлик ишлари, солиҳлик йўлида қилинган муайян амаллар” деб беради. Эгамиз одил ишлар қилишимиз учун бизга иноят ато қилган. Каломга кўра, биз мана шу ишларимиз эвазига никоҳ тўйга ўзимиз учун оқ либослар сотиб оламиз. Энди айтинг-чи, иноятни эътиборсиз қолдириш мумкинми? Агар одил ишлар, солиҳлик бу бизнинг кийимимиз бўлса, ҳукм кўни аксариятимизга ярим яланғоч ҳолда туришга тўғри келади. Ҳозирги жамоатда жда кўп имонлилар одил ишлари эвазига келин либослари ва зеб зийнатлар у ёқда турсин, тиззага етадиган иштон ҳам, калта юбка ҳам сотиб ололмайди! Бу билан Ёқубнинг дадил оҳангда, савол кўринишида айтган сўзлари яна бир

бор ўз тасдиғини топади: “Эй аҳмоқ, амалсиз имонинг фойдасиз эканлигини наҳотки тушунмасанг?!” (Ёқуб 2:20). Биз, замонавий жамоатда бўла туриб, қандай қилиб бу ҳақиқатни кўрмадик?

Ёқуб ҳақиқий имон нима эканлигини кўрсатиш учун иккита мисол келтиради. У дейди: “Отамиз Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни қурбон қилмоқчи бўлгани учун Худо уни солиҳ деб билди! Ана, кўрдингми?! Иброҳимнинг бу ишига имон асос бўлди”. Кимдир бу ерда: “Мен эса одам имони билан оқланади деб ўйлабман”, дейиши мумкин. Аслида шундай, биз имон билан оқланамиз. Бироқ XX асрнинг охириги йигирма-ўттиз йиллари давомида, Ғарб мамлакатлари ўргатганлари имон ва иноятдан мутлақо йироқдир. Имон, агар амаллар билан тасдиқланмаса ҳақиқий бўлмайди, Худонинг иноятисиз эса бундай амалларни бажариб бўлмайди. Ёқуб фикрини давом эттириб, дейди:

Ана, кўрдингми?! Иброҳимнинг бу ишига имон асос бўлди. Унинг қилган иши имонининг чинлигини кўрсатди. Шу тариқа Тавротдаги: “Иброҳим Худога ишонди, Худо уни ишончи учун, солиҳ деб билди”, — дея ёзилган сўз амалга ошди. Иброҳим Худонинг дўсти деб аталди. Эй биродарларим, кўрдингизми, инсон қуруқ имони учун эмас, балки қилган ишлари учун солиҳ деб тан олинади. (Ёқуб 2:22-24)

Кейинги мисолида Ёқуб шундай дейди: “Фоҳиша Раҳоба ҳам бунинг яна бир мисолидир. Нима учун Худо уни солиҳ деб тан олди? Раҳоба Исроил халқининг айғоқчиларини уйига киргизиб, бехатар йўл билан қочиб кетишларига ёрдам бергани учун Худо уни солиҳ деб билди. Хуллас, амалсиз имон жонсиз танадай ўликдир” (Ёқуб 2:25, 26).

Имон агар иш амалсиз бўлса, ҳақиқий бўлмайди. Биз Ваҳий китобида тилга олингани Лаодикиядаги жамоат сингари: “Бойман, ўзимга тўқман”, дейишимиз мумкин. Бироқ имонимиз ҳақиқий эканлигини тасдиқлайдиган одил ишларимизни кўрсата оламизми?

Келинг, Раббимиз Исо келиннинг ўнта дугонаси ҳақидаги масалдан кейин айтган яна иккита масални кўриб чиқайлик. Эсда тутинг, келиннинг ўнта дугонаси ҳақидаги масалда нодон қизлар Исони “Раббий!” десалар ҳам, ўзларини Унга тўлиқ бағишламаганлари кўрсатилади. Оқибатда улар никоҳ тўйига киритилмади.

Навбатдаги масалда сафарга жўнаб кетаётган бир бой одам ҳақида айтилади. Бу одам Раббимиз Исони ифодалайди. У кетишидан олдин хизматкорларини чақириб, ўз мол–мулкни уларга топширибди, ҳар бирига қобилиятига яраша бериб, жўнаб кетибди. Хизматкорларидан иккитаси меҳнат қилиб, хўжайинларининг пулини икки ҳисса кўпайтиришади. Энг кам тилла олган учинчиси эса “қийналиб юраманми” дебди-да, хўжайин берган пулини кўмиб қўйибди. Яъни, у ишониб топширилган мулкни ишга солмади.

Орадан анча вақт ўтибди. Хўжайин қайтиб келиб, хизматкорларидан ҳисобот сўрабди, аввал биринчи, сўнг иккинчи хизматкорини машаққат билан меҳнат қилганлари, ишончли оқлаганлари учун мақтаб, тақдирлабди. Сўнг энг кам тилла олган учинчи хизматкор келтирилибди. “Хўжайин! дебди у, – мен сизнинг қаттиққўл одам эканингизни билардим. Сиз экмаган ердан ўрасиз, ўзингиз етиштирмаган ҳосилни йиғиб оласиз. Шунинг учун қўрққанимдан бориб, берган тиллангизни ерга кўмиб қўйган эдим. Мана тиллангиз!” Хўжайин уни: “Ёмон, ялқов хизматкор!” деб атайди (Матто 25:26).

Хўжайини уни “ялқов хизматкор” деб атайди. У *файрияхудий*,

*бегона, келгинди* ёки *душман* демади. Худонинг июятини қабул қилмаган одам Унинг душмани бўлади (Римликларга 5:10 га қаранг). Нажот инъомини қабул қилмаганлар Худого бегона ёки келгинди ҳисобланади (Эфесликларга 2:19 га қаранг). Худого ишонмаганлар ғайрияхудийларга қиёсланади. Ялқов хизматкорга нисбатан юқоридаги номларнинг биронтаси ҳам ишлатилмаган. Бунинг ўстига у хўжайиннинг яқин хизматкори бўлган. Давомида Раббимиз Исо одамларга қараб дейди: “Чунки кимда бор бўлса, унга яна берилади ва у мўл-кўлчиликда яшайди. Кимда йўқ бўлса, ҳатто бори ҳам тортиб олинади” (Матто 25:29).

Хўжайинлари хизматкорларига ишониб топширилган мулк билан нима қилганларига қараб чора кўрди, бирларини тақдирлади, бошқасини жазолади. Бу ерда хизматкорларнинг хўжайинлари бор ёки йўқлигига ишониш ёки ишонмасликлари ҳеч нарсани ҳал қилмаган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ялқов хизматкор хўжайини борлигига ишонган, ахир унинг қўлидан унга мол-мулк ишониб топширилди-ку. У хўжайини қайтиб келишини ҳам билган, шу боис хўжайин берган пулни йўқотмай деб, ерга кўмиб қўйди. Ҳаёлан хўжайини ҳали бери келмайди деб ўзини овутган бўлса не ажаб. Хўжайини келган кўни эса хизматкорнинг вақтни бесамара ўтказгани, одил ишлари бўлмагани ошкор бўлди. Шунда хўжайини ялқов хизматкорни жазолади: “Энди бу ярамас хизматкорни ташқарига, қоронғиликка улоқтириб юборинглар. У ерда бу ярамас қаттиқ пушаймон бўлиб, фиғон чекади” (Матто 25:30).

Гарчи бу масал кийим ҳақида эмас, пулни сарф қилиш ҳақида бўлса-да, тугал маъноси ўша-ўша: итоатсизликнинг оқибати. Ялқов хизматкорга кўрилган жазо чораси, худди Раббимиз Исо Лаодикиядаги жамоатга айтган сўзларга

ўхшайди. Бу жамоатда имонлиларнинг аянчли ҳолда, кўр ва яланғочликлари, уларнинг ишлари (Худонинг ҳақиқатда мавжудлигига ишониш, ишонмасликлари эмас) илиқ эканлиги ошкор бўлди.

Раббимиз Исо айтган навбатдаги масал охират ҳукми билан боғлиқ. Ўша куни бутун олам аҳли ҳукм қилинади. Барча халқлар Унинг ҳузурига тўпланадилар. Чўпон қўйларни эчкилардан ажратгандай, У халқларни бир—биридан ажратади. У қўйларни ўнг томонига, эчкиларни чап томонига қўяди.

Шундан кейин Шоҳ ўнг томонидагиларга айтади: — Эй самовий Отамнинг баракасини олганлар, келинлар! Шоҳликни мерос қилиб олинлар! Бу шоҳлик олам яратилгандаёқ сизлар учун тайёрлаб қўйилган. Ахир, Мен оч эдим, Менга овқат бердингизлар. Чанқаган эдим, Менга ичимлик бердингизлар. Мусофир эдим, уйингиздан бошпана бердингизлар. Яланғоч эдим, Мени кийинтирдингизлар. Касал эдим, Менга ғамхўрлик қилдингизлар. Зиндонда эдим, Мени келиб кўрдингизлар. Бунга жавобан солиҳлар Унга шундай дейдилар:

Ё Раббий! Қачон Сизни оч ҳолда кўриб, овқат берибмиз?! Қачон чанқаганингизни кўриб, бирон нарса ичирибмиз? Мусофир эканингизни қачон кўриб, уйимиздан бошпана берибмиз? Яланғоч эканингизни қачон кўриб, кийинтирибмиз? Касал ёки зиндонда бўлганингизда қачон Сизни йўқлаб борибмиз? Шоҳ уларга шундай жавоб беради: — Сизларга чинини айтайин: сизлар энг кичик биродаримга қилган ҳар қандай яхшилигингизни Менга қилган бўласиз. (Матто 25:34-40)

Исо бу ерда том маънода оч қолган, чанқаган, мусофир бўлган, яланғоч қолган, зиндонда ётган ёки касал

бўлганларнигина эмас, руҳан камбағал бўлганларни ҳам назарда тутати. Руҳан камбағал бўлганларга ғамхўрлик қилиш, Раббимиз олиб борган хизматнинг қатта қисмини ташкил этган десак, муболаға бўлмайди. У руҳан ташна бўлганларга озиқа берган (Матто 5:6 га қаранг), руҳан чанқаганларга ҳаётбахш сув берган (Юҳанно 4:10 га қаранг). Касал ёки зиндонда ўтирганларга Раббимиз шундай дейди:

Эгамизнинг Руҳи мени қамради. Йўқсилларга Хушхабар етказмоқ учун Эгам мени танлади. Зиндондагиларга эркин бўласиз, деб айтмоқ учун, кўрларга, кўзингиз очилади, деб хабар бермоқ учун, асирларни озод қилмоқ учун. (Луқо 4:18)

Агар масалда тўғридан-тўғри маънода гапирилганида эди, ўн икки ҳаворийга илк жамоатни: “Биз Худонинг каломини ваъз қилишни бир четда қолдириб, озуқа тарқатиш билан овора бўлишимиз нотўғри”, деб йўлга солишга тўғри келмас эди (Ҳаворийлар 6:2). Лекин бу билан ожиз ёки камбағалларга ғамхўрлик қилишнинг аҳамияти сўсайтирилмайди, иккала соҳа ҳам бирдек муҳим.

Бу ерда энг муҳими, Раббимиз Исо берган топшириқни бажо келтириш. У бизнинг Устозимиз ва Раббиймиздир. У бу дунёга Унга хизмат қилишлари учун ёки роҳат-фароғат кўрмоқ учун эмас, балки Ўзи бошқаларга хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни озод қилиш учун келган (Матто 20:28 га қаранг). Юқоридаги масалда Отадан барака олганлар, бу Исо сингари ўз ҳаётларини хизматга бағишлаганлардир. Уларнинг ишлари илиқ эмас, иссиқ бўлган.

Сўнг У чап томондагиларга ҳам айтади: — Эй лаънатилар, кўзимдан йўқолинглар! Иблис ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинглар!

Ахир, Мен оч эдим, овқат бермадингизлар. Чанқагандим, ичгани ҳеч нарса бермадингизлар. Мусофир эдим, уйингиздан бошпана бермадингизлар. Яланғоч эдим, Мени кийинтирмадингиз. Касал бўлдим, зиндонга тушдим, Мени келиб кўрмадингиз. Шунда улар айтадилар:

Ё Раббий! Қачон Сизни оч, чанқаган, мусофир, яланғоч, касал ҳолда ёки зиндонда эканингизни кўрибмиз? Агар кўрганимизда эди, наҳотки Сиздан хизматимизни аяган бўлардик?! У эса шундай жавоб беради: — Сизларга чинини айтайин: сизлар энг кичик биродаримдан аяган яхшилигингизни Мендан аяган бўласизлар. Булар абадий жазога, солиҳлар эса абадий ҳаётга муяссар бўладилар.”  
(Матто 25:41-46)

Мана шу икки гуруҳ ўртасидаги фарқ, бирларининг хизмат қилганлари, бошқаларининг эса хизмат қилмаганида. Бошқача қилиб айтганда, ҳамма гап уларнинг ишларида. Самовий Отадан барака олганлар, уларга берилган иноят билан бу дунёда одил ишларни қилишган. Лаънатланганлар эса икки гуруҳга бўлинади: бирлари – Худога бегона бўлганлар, бошқалари – хизматкор бўла туриб, иноят топган бўлсалар-да, ҳеч нарса қилмаганлар. Улар Эгамиз буюрган одил ишларни қилмаганлари боис, иноят уларда ҳеч қандай самара беради.

Баъзида Америкада йирик хизматларни олиб борганимда, аудиторияга саволлар бераман ва жуда ғалати жавобларни эшитаман. Масалан залда ўтирган бева ёки ёлғиз оналардан ўрниларидан туришни сўрайман (одатда бундайлар кўп бўлади) ва шундай савол бераман: “Жамоатингизда кимдир якшанба кунги хизматдан кейин олдингизга келиб: “Биламиз болаларингиз отасиз ўсяпти,

кўнгиллари ярим, шунинг учун улар билан вақт ўтказишни, уларни овутишни хоҳлаймиз, болаларингиз билан бизникига тушликка келинглар”, дейдиганлар бўлиб турадимми?” Одатда залда минг киши ўтирган бўлса, бу саволимга бир ёки икки аёл “ҳа” деб жавоб беради.

Сўнг мен давом эттираман: “Уйда кир ювиш машинангиз ёки бошқа, муҳим бир нарса бузилиб қолса, жамоатингиздан бирон бир оилага қўнғироқ қиласиз, ёрдам беришларини сўрайсиз, Шундайми? Жамоатдан биродарларингиз ўша заҳоти келиб ёрдам беришадими?” Бу саволни эшитган аёллар юзларини яширишади, баъзилари кўзларига ёш олади, нега десангиз, мен бу билан уларнинг ҳаётидаги энг чуқур муаммоларни кўтарган бўламан. Бу гал ҳам биронтаси “ҳа” деб жавоб бермайди. Шу каби бошқа саволларни берганимда ҳам худди шу натижани кўраман.

Имонлилар олдида гапирганимда яқинларимизга ғамхўрлик қилиш чўпоннинг зиммасига юкланмаслиги кераклигини айтаман. Чўпоннинг вазифаси “Масихнинг танаси, яъни жамоат имонда мустаҳкам туриши учун Худонинг азиз халқини хизмат қилишга тайёрлаш” (Эфесликларга 4:12).

Сўнг мавзунини ўзгартираман ва аудиторияга савол бераман: “Фалон жойда қамоқхона бор. Қайси бирингиз у ердагиларни йўқлаб борасиз?” Бутун аудиторияда, бўлса 5-8 киши қўл кўтаради. Яна савол бераман: “Ораларингизда ким касалхоналарга беморларни кўргани ёки қариялар ўйига кексаларни йўқлаб боради?” Худди бояги натижа. Яна битта савол: “Орангизда ким одамларга кўчада Хушхабар айтади, Худонинг Каломини ёяди?” Худди аввалгидай натижа. Бундай жавоб беришларининг сабаби шундаки, жамоатларда масихийларнинг 80 фоизи асосан ўзлари

ва оилаларининг манфаатларини кўзлаб яшайди. Айтиб ўтишимиз керак, Худони билмаганлар ҳам, худди шундай ҳаёт кечиришади!

Бироқ агар фалон жойдаги жамоатда мўъжизалар юз берса ёки аллақандай бир пайғамбар бизнесда муваффақиятга эришса, хизматлари жуда зўр ўтишларини айтса, қўл кўтармаганларнинг деярли ҳаммаси ўша жамоатга ёпирилиб боради. Икки ҳисса мойланамиз ёки янгиланиб оламиз, деб узоқ-яқинига қараб ўтиришмайди, дунёнинг нариги четида бўлса ҳам боришади. Нима учун? Менимча, Исога яна ҳам самарали хизмат қилиш учун эмас, шунчаки, ўзлари учун фойда ундиришни ўйлаганлари учун.

Яқинда ойнаижаҳон орқали Хушхабар айтадиган бир машҳур хизматчининг ваъзини кўрдим. У катта залда аудиторияга мойланиш ҳақида ўргатар эди. Мойланишнинг баҳоси ҳақида гапирганида, одамлар уни диққат билан тингларди. Уларда Худодан куч топиш иштиёқи жуда баланд эканлиги сезилиб турарди. Баъзилари ҳатто ўрниларидан туриб, кўзларини катта очиб уни тинглашарди. Ўша пайтда бир киши келиб, воизнинг қўлига банк чекини узатганини кўрдим-у, кўнглим ғашланиб кетди. Бу “назр” эди. Ҳаворий Петрусни, Ҳаворийлар китобида унга қўл қўйиб дуо қилиши учун пул таклиф қилганларини кўз олдимга келтирдим. Кейин ўша воиз бояги кишига чекни қайтариб берганини кўриб, ўзимни енгил тортдим.

Ўша заҳоти кимсасиз жойга бориб, ибодат қилдим. “Ё, Раббий, – дедим, – юрагим эзилиб кетди. Сабабини тушунгандайман, лекин буни менга Сен тушунтириб беришингни истайман”.

Қалбимда сокин, тинч овозни эшитдим: “Жон, улар мендан куч олишни жуда хоҳлашади, лекин ниятлари

номақбул. Куч олганлар ўзларини аҳамиятли ҳис этишлари мумкин. Бу куч уларга ҳокимият, ишонч ёки бойлик беради ва улар бундан хизмат учун эмас, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни истади.”

Шунда Раббимиз Исонинг одамзодга, Охират куни айтадиган сўзлари ёдимга келди. Улар Исони «Ё Раббий, ё Раббий”, дейишади, Унинг номи билан ваъз қилишади, жинларни қувиб чиқаришади, кўп мўъжизалар қилишади. Раббимиз эса уларга: «Мен сизларни асло танимайман! Йўқолинглар, Отамнинг иродасини бажармаган бадкирдорлар!» – дейди (Матто 7:21-23, муаллифнинг ўз сўзлари билан айтиши).

Раббимиз яна деди: “Жон, улар: «Ё Раббий, ё Раббий, Сенинг номинг билан зиндонда ётганларни йўқлаб бордик, оч қолганларга овқат бердик, кийими йўқларга кийим бердик”, деганлари йўқ”. Кўзимга ёш олиб, бош ирғадим: “Йўқ, Раббий, улар бундай ишларни қилмаган!”

Мана шу ҳолатда мен жамоатнинг аксарият қисмини ташкил қилаётган икки гуруҳ вакиллари кўрдим. Кўпчиликни ташкил қиладиган биринчи гуруҳ жамоатга боради, лекин ҳаётда ўз манфаатларинигина ўйлайди, имкон бўлди деганда, дунёда муваффақият қозонсам дейди. Иккинчи гуруҳ вакиллари хизматда муваффақиятга эришсам деган ният билан жамоатга боради. Учинчи гуруҳ ҳам бор ва улар жуда камчиликни ташкил қилади. Бу юрагида ўти бор одамлар, ҳар қадамларида Исога мақбул иш қилсам дейди, Унинг халқига чин дилдан хизмат қилади, адашганларни ҳақиқат сари бошлаш учун жон куйдиради!

Одамлар! Наҳотки жамоат қандай хавfli йўлдан бораётганини кўрмаётган бўлсангиз? Ўйлаб кўринг-а, аксарият одамлар ҳафтада бир ёки икки марта

жамоатга бориб, ваъз тингласа-ю, уйига қайтиб, ўзи учун яшаса, Охират куни қандай кийимда туради? Бундай “имонлиларни” шахсий ҳаёти учун фойда берадиган, худбин эҳтиросларини қондирадиган “марҳаматлар” эвазигагина, қўшимча хизматга жалб эта оласиз. Улар бор қобилиятлари ва бор кучларини шахсий манфаатлари учун ишга солишади. Кўпчилиги ҳақиқатни билишади, тўғри гапларни айтишади ва ташқаридан қарасангиз бинойидек, меҳрибон, юраги очиқ одамлар деб ўйлайсиз, аслида улар Худо учун яшамайди. Охират куни, Эгамиз, улар олган иноятларини қандай ишга солганлари ҳақида ҳисоб беришлари учун чақирганида, нима қилишади? Яланғоч бўлиб туришадими ёки одил (ҳақ) ишларини англатадиган солиҳлик кийимларига бурканиб оладиларми?

Ҳаворий Павлус шундай дейди:

“Хоҳ мана шу фоний танада бўлайлик, хоҳ абадий масканда бўлайлик, бизнинг мақсадимиз Эгамизни мамнун қилишдир. Чунки ҳар биримиз Масихнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак. Шунда ҳар биримиз қилган яхши ёки ёмон ишларимизга яраша мукофот ёки жазо оламиз. Биз Худодан қўрқиш нималигини билганимиз учун бошқаларни ҳам Хушхабарга ишонишга даъват қиламиз. Биз қандай одам эканлигимиз Худога аёндир, умид қиламанки, сизлар ҳам бизнинг қандайлигимизни очиқ-ойдин биласизлар”.

(2-Коринфликлар 5:9-11)

Эгамизнинг куни қандай даҳшатли бўлиши ҳақида ҳеч ўйлаймизми? Охират куни ҳақида юзаки билимга эга бўлиб, Унинг муқаддаслигини масхара қилиб қўймаймизми? Ассосиз, ёлғон сўзларга ишониб қолмадикми? Бу саволлар

бизни имонлилар Масихдан сотиб олиши керак бўлган учинчи нарсага олиб келади.

## КЎЗГА СУРТАДИГАН МАЛҲАМ

Раббимиз Исо жамоатга оловда тобланган олтин ва оқ кийим сотиб олишни маслаҳат бериб, сўнг қўшимча қилади ва кўриши учун Ундан кўзларига суртадиган малҳамни сотиб олишни таклиф қилади. Бир нечта компонентни ўз ичига олган, кўриш учун ишлатиладиган малҳам даволовчи восита ҳисобланар ва кўзнинг қовоғига суртилар эди. Лаодикия ана шундай турдаги малҳамларни тайёрлаган тиббиёт мактаби билан машҳур бўлган.

Маҳаллий халқ кўзга шифо берадиган бунақа малҳамни яхши билгани боис, Раббимиз Исо жамоатга руҳий кўрликдан халос бўлиши кераклигини тушунтириш учун малҳамни мисол сифатида келтиради. Лаодикияда ҳақиқатдан ҳам жамоат бўлганига қарамай, унга айтилган сўзлар башорат бўлиб хизмат қилади. Кўп илоҳиётшуносларнинг фикрига кўра, бу жамоат Масих келадиган даврни, яъни биз яшаётган кунларни ифодалайди. Жамоат ҳамма нарсани кўраётганига ишонади, бироқ Исо асл ҳолатни билади ва шу боис: “Аянчли, ачинарли аҳволда эканингни, қашшоқ, кўр ва яланғоч эканингни билмайсан!” дейди.

Ҳаворий Павлус имонлиларга: “Худо сизларнинг қалбингизни нурга тўлдирсин”, деб ёзган (Эфесликларга 1:18 га қаранг). “Нурга тўлдирсин” дейилиши бу ерда, “ёритсин”, яъни “кўзингизни очсин” деган маънони беради. Биз атроф-оламни Масих сингари борича кўриб, қабул қилишимиз керак. Қачон У билан вақт ўтказишни, Каломни тинглашни одат қилсак, Унга хизмат қилсак бунга қодир бўламиз.

Мана шу асос-пойдевор тамойиллар ҳозирги етакчиларга ҳам тааллуқлидир. Ҳамма нарсага етакчингизнинг назари билан қараш учун, у билан кўпроқ вақт ўтказишингиз, унга хизмат қилишингиз керак. Хизматимиз давомида хотиним ҳеч бир одам билан мулоқотда мен билан бўлганчалик кўп вақт ўтказмаган. Уни том маънода Худонинг қизи дея оламан. У менинг рафиқам бўлганидан ва Худонинг бошқаруви остида мен билан хизмат қилаётганидан жуда бахтли. У менинг жамоамда энг тиришқоқ хизматчи бўлади. Жамоамизда мен бўлмаган пайтларда зарур қарорлар қабул қилишга тўғри келган жуда кўп ҳолатларни биламан, шу пайтгача менинг ўрнимга қарор қабул қилишда бирон марта ҳам адашмаган.

Мусо кўпроқ вақтини қабиладошлари билан эмас, Худо билан ўтказишни афзал кўрган ва натижада у: “вафот этганда 120 ёшда эди. Лекин кўзларининг нури ҳали сўнмаган эди, ғайрати йўқолмаган эди” (Қонуннинг такрорланиши 34:7). Шунингдек, биз унинг Худога хизмат қилганидан, бошқаларга қараганда кўпроқ хурсанд бўлганини кўрамиз. Шу боис Эгамиз уни “қулим Мусо” деб атаган (Сонлар 12:7).

Исроил авлодлари эса аксинча, Худога кўп ҳам интилавермаган, баракалар беришини кутиб яшаган, холос. Улар фойда бўлишини кўрганларидагина Унга хизмат қилишар эди. Шундан хулоса қиламизки, Исроил авлодлари атроф оламга Худонинг назари билан қарамаган.

Нотўғри тасаввурлари боис Эгамизга уларни кўп маротаба тўғрилашга тўғри келган. Халқ орасида ўн икки айғоқчи танлаб олиниб, ваъда қилинган юртга юборилганида уларнинг аҳволи айниқса жиддий кўриниш касб этади. Айғоқчилар қайтиб келганларидан кейин улардан ўнтаси:

“Биз у ерда ҳатто улкан паҳлавонлар уруғидан бўлган Оноқ авлодини кўрдик. Уларнинг олдида ўзимизни худди чигирткадай ҳис қилдик. Ҳа, уларнинг назарида ҳам биз чигирткадай эдик”, деб халқнинг юрагига қўрқув солган (Сонлар 13:34).

Калёб билан Йешуа вазиятга бошқа нуқтаи назар билан қараган. Шу боисдан ҳам улар халққа: “Фақат Эгамизга қарши исён қилманглар! У юртнинг халқидан қўрқманглар! Улар биз учун осон ўлжа бўлишади. Улар пушти паноҳидан айрилган, Эгамиз эса биз билан бўлади. Улардан қўрқманглар!”, деб мурожат қилди (Сонлар 14:9). Битта вазиятга турлича қарашлар. Қаердан? Йешуа Худони қумсаб яшаган. Эгамиз танлаган Синай тоғига ҳам қолганлардан кўра унга энг баландга чиқиш насиб этди (Чиқиш 24:13 га қаранг).

Кейинчалик, Муқаддас чодир ясалганидан кейин Мусо чодирни қароргоҳдан узоқроққа олиб бориб ўрнатди. Бу чодирга у Учрашув чодирини деб ном берди. Эгамиздан маслаҳат сўрамоқчи бўлган ҳар бир одам ўша ерга келарди. Муқаддас Каломда Учрашув чодирини олдига Нун ўғли Йешуадан ташқари (Мусо чодир ичига кириш ҳуқуқига эга бўлган) бошқа биров келганини кўрмаймиз. Мусо Учрашув чодирини борганда, бутун халқ туриб, ўз чодирининг кираверишида чиқиб турарди. Халқ бу одамни Худони излагани учун ҳурмат қилган, лекин ўзлари ваҳий олиши учун Учрашув чодирини олдига, Эгамизнинг ҳузурига келмаган. Каломда айтилишича, Мусо қароргоҳга қайтиб келар, унинг ёрдамчиси Нун ўғли Йешуа чодирни тарк этмасди (Чиқиш 33:7-11).

Бу ерда иккита нарса кўзга ташланади. Биринчидан – Нун ўғли Йешуа Худони қумсаб яшаган. Мусо қароргоҳга қайтиб келганидан кейин ҳам, биз унинг чодирини тарк этмаганини кўрамаймиз. Иккинчидан – Нун ўғли Йешуа Мусонинг ёрдамчиси

бўлган. Шунингдек, у Худонинг содиқ хизматчиси бўлгани маълум, қилган ишлари ҳам эътиқодига мос келган. Мусо Худо билан кўп вақт ўтказишни афзал кўргани, хизматида одил ишлар қилгани боис, кексайганида ҳам кўзларининг нури сўнмаган, ғайрати йўқолмаган эди.

Бугунги кунда жуда кўп имонлилар “ҳужрасига кириб олиб” ибодат қилишади, лекин хизмат олиб боришмайди. Рухий ҳақиқатларни кўра олмаганлар жамоатга кўп зарар етказишади. Бу Худонинг Шоҳлигига ҳақиқий мева беролмайдиган диндор одамлар. Улар хизмат қилмаганлари боис, ҳеч нарсани кўрмайдилар. Худони таниб-билган одамлар Унга хизмат қилсагина Худонинг Шоҳлигига кира оладилар.

Нун ўғли Йешуанинг ҳам кўзи Мусоники сингари яхши кўрган. Иккови ҳам Худо билан кўп вақт ўтказишган, Унга хизмат қилишган, бу дунёга одил ишларини кўрсатишган. Исроил авлодлари Канъон юртидаги Оноқ авлоди олдида ўзларини худди чигирткадай ҳис қилишган, душманлари олдида ҳам чигирткадай бўлганларини айтишди. Йешуа билан Калев эса улар биз учун осон ўлжа бўлишади, улар пушти паноҳидан айрилган, деб халққа далда беришди. Қайси бирлари вазиятни тўғри кўрган? Қирқ йил ўтганидан кейин Нун ўғли Йешуа ўша юртга икки айғоқчини юборганида, айғоқчилардан бири шундай деди:

Биз эшитдик, сизлар Мисрдан чиққанингиздан кейин, Эгангиз олдингизда Қизил денгиз сувларини қуритибди. Иорданнинг шарқ томонидаги Амор халқининг шоҳлари Ўг ва Сихўнни нима қилганингизни, уларнинг одамларини бутунлай қириб ташлаганингизни ҳам эшитдик. Бу воқеалар ҳақида эшитишимиз биланоқ юракларимиз орқага тортиб кетди, сизлардан

қўрққанзимиз учун жасоратимиздан асар ҳам қолмади. Чунки Эгангиз Худо еру самодаги Худодир”. (Йешуа Нун ўғли 2:10, 11)

Нун ўғли Ёшуа вазиятни тўғри кўрган, бошқа етакчилар мутлақо нотўғри кўришган. Бу ҳолат менга Худонинг иноятини менсимаган ялқов хизматчи ҳақидаги масални эслатади. Хўжайини қайтиб келган кунга қадар у хўжайинини экмаган ердан ўрадиган, ўзи етиштирмаган ҳосилни йиғиб оладиган одам ўрнида кўрган. Бу қарашлари мутлақо асоссиз эди. Бундан ташқари, қарашларидаги хатолик вақт ўтиб яна ҳам кучайган, нега десангиз, у хўжайини юклаган мажбуриятларни бажармади.

Юқорида айтганимиздек, ҳозирги жамоатда ҳақиқатни кўролмайдиган иккита гуруҳ одамлар бор. Улар вазиятга Исонинг назари билан қарамайди. Биринчи гуруҳ вакиллари Худони чин юракдан изламайдиганлардан ташкил топган. Улар Худони излайдиган ва руҳий ҳақиқатларни етказадиган воизни ҳурмат қилишади, лекин ўзлари қароргоҳдан чиқишни ва Исо билан учрашишни истамайдилар. Бу “қароргоҳ ташқарисига — Исонинг олдига чиқайлик”, деган оятга қулоқ солмайдиган одамлар (Ибронийларга 13:13). Уларнинг ишлари илиқлигича қолаверади.

Иккинчи гуруҳ вакиллари Исони излайди, лекин Унга хизмат қилмайдиганлардир. Улар Исони ўз манфаатлари учунгина излашади. Бундан ташқари, Худо қўйган чўпонларнинг энг кўп бошини оғритадиганлар ҳам айнан шу гуруҳ вакиллари ҳисобланади! Улар ўзларини “диндор” ёки “Худони таниб билган” одамлардай тутишади, лекин қилган ишлари илиқлигича қолаверади.

Худонинг халқи, қулоқ солинглар, биз яхшиланишимиз ёки янгиланишимиз эмас, тубдан ислоҳот қилишимиз

керак! Янгиланиш борини яхшироқ ҳолга келтиришни назарда тутати. Ислоҳот бутун турмуш тарзимизни ва фикр-зикримизни ўзгартиришимиз кераклигини англатади. Анчадан бери биз жамоатни илиқ қилиб қўйган сохта иноятга ишониб келдик. Нотўғри нарсани узоқ йиллар айтаверсангиз, айтаверсангиз, охири ҳақиқатдай қабул қилинади. Мана шундай паллада ҳақиқатни айтганингизда, уни инкор этишлари, ҳатто ҳаддан ортиқ ҳолат, нотўғри таълимот дейишлари мумкин. Шунда янгиланиш ёки ўйғониш нотўғри тасаввурларни яна ҳам кучайтиради. Исодан зиё олишимиз, вазиятга Унинг назари билан қарашимиз керак! Санолар китобида: “Ҳаётнинг булоғи Сендадир, зиё олармиз Сенинг нурингдан”, дейилиши бежизга эмас (Сано 35:10).

## МЕН КИМНИ СЕВСАМ...

---

*Агар Исо келган куни Унга ўхшашни истасак, Исо  
иккимиздан, кимдир ўзгариши керак.*

**О**лдинги бобда билиб олганимиздек, Раббимиз Исо Лаодикиядаги жамоатга, Унга оловда тобланган олтин, оқ кийим ва кўзлари кўриши учун малҳам сотиб олишни маслаҳат берди. Сўнг, У деди: “Мен кимни севсам, айбини кўрсатаман, тарбиялайман. Шундай экан, шижоатли бўл, гуноҳларинг учун тавба қил” (Ваҳий 3:19).

У бизни севгани боис айбимизни кўрсатади ва бизни тарбиялайди. Ибронийларга мактуб муаллифи бу борада кўпроқ ёзганини кўрамиз:

“Ўғлим, Эгамизнинг тарбиясига эътиборсиз бўлмагин, Ундан танбеҳ олганигда кўнглинг чўкмасин. Зеро, Эгамиз яхши кўрган бандасини тарбиялайди, фарзанд қилиб олган ҳар бир одамни жазолайди.”  
(Ибронийларга 12:5, 6)

*Тарбиялалаш* деб бу ерда “тўғрилаш ёки интизомга солиш” деган маъноларни беради. *Жазолаш* айб учун чора кўришни англатади. Юнон тилидаги нусхада “жазолаш” деган сўз ўрнида *мастиго* деган сўз келтирилган. Янги Аҳдда бу сўз фақат етти марта учрайди. Қолган ҳолатларда бу сўз “қамчи билан уриш” маъносида келади. Табиийки, Осмондаги Отамиз қамчи билан жазоламайди, лекин Унинг жазоси оғир бўлиши мумкин. Мўаллиф мазкур парчада бизни эътиборсиз бўлмасликка чақиришининг боиси шудир. Худо мени тарбиялаб, тўғрилаган энг оғир палларда, кези келганда, азоблардан ўламан деб қолган пайтларим бўлган, лекин бу азобларнинг маҳсули ҳар доим менга фойда олиб келган ва юрагимда янги-янги муқаддаслик олови пайдо бўлган.

## ХУДОНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Худонинг энг содиқ фарзандлари тўғриланишга муҳтож. Худо бошқаларга хато тасаввурларга эргашиб ёки гуноҳдан қайтмасдан юришига йўл қўйиб берса-да, Ўз фарзандлари, ўғиллари ва қизларининг ҳаётида бунга йўл қўймайди. Доно ва ғамхўр ота ҳеч қачон ўз фарзандларининг қилмишларини эътиборсиз қолдирмайди, бегона бўлса, бошқа гап. Худо ҳам худди шундай, – Ўз фарзандларига ҳалокат йўлидан юришларига йўл қўймайди.

Гуноҳ қилиб жазо олмаслик, аслида Худодан узоқлашганликнинг аломати бўлиши мумкин. Каломда бу ҳақида жуда аниқ айтилган: Худодан танбеҳ олмаганлар, аслида Унинг фарзандлари, ҳақиқий ўғиллари ва қизлари эмас, балки Унга бегона бўладилар. Улар Худони Ота дейишлари мумкин, лекин Унга тегишлилигига даъвоси сохта, юзаки тавба қилиши билан чегараланиб қолади, холос.

Мен кўпинча Худо очган чуқур ҳақиқатларни одамларга

етказаман ва бунга ҳар хил муносабат билдирилганини кузатаман, яъни: бировлар Отанинг танбеҳини қабул қилади, бошқалар бунга деярли эътибор беришмайди, нега десангиз улар Худонинг ҳақиқий фарзандлари эмас.

Бир оилада ҳам худди шу нарса содир бўлди. Якшанба кунларининг бирида исёнкорлик ҳақида ваъз қилдим. Айтган сўзларим жуда кўпчиликни уйғотиб юборди ва аудиторияда ўтирган одамларнинг ярмидан кўпи, тавба қилгани чиқди. Йиғилиш ўтганидан кейин мен ўша жамоат чўпони ва унинг рафиқаси билан бирга бизни тушликка таклиф қилган бир имонли аёлнинг уйига бордик. Бизни таклиф қилган бу аёл ўша куни йиғилишда Худо унинг гуноҳларини қанчалар фош қилганини қайта-қайта айтди. Бу аёлнинг ўзини тутишиданоқ Худони яхши таниб билгани сезилиб турарди. Муқаддас Рух унинг ҳаётида кўп ишлаган эди. Гапдан-гап чиқиб, у бироз ачингандек бўлиб, қизи йиғилишдан кейин: “Бу киши роса бақирди, лекин бундан ҳеч қандай наф йўқ!” деганини айтди.

Уларнинг уйига киришим биланоқ, бу аёлнинг қизи аслида қутқарилмаганини сезган эдим. Онасининг сўзлари бунга тасдиқлади. Худони чин дилдан севган бу аёл, йиғилишда ўтирган аксарият имонлилар қаторида Худонинг танбеҳини тўғри қабул қилди. Ўша йиғилишда ёнида ўтирган қизи эса бунга бефарқ қолди, – шунинг ўзи бу қиз ҳаётда итоатсизлик қилаётганидан далолат берар эди. Унинг сўзлари ва ўзини тутиши, ўша куни мен кузатганимдек, у Худонинг ҳақиқий фарзанди эмаслигидан далолат берар эди. Агар ўша ерда ундан: “Масиҳиймисиз?”, деб сўраганимда, у ҳеч иккиланмай: “Ҳа, албатта!”, деб жавоб берган бўларди.

Худо фақат Ўзиникиларни тарбиялайди. У бизга биринчи

навбатда бояги аёл билан бўлгани сингари, Калом орқали танбеҳ беради. Агар қулоқ солмасак, танбеҳини қабул қилишимиз учун бошимизга кулфатлар ва азоблар ёғилишига йўл қўяди. Санолар китоби муаллифи шундай деб ёзади:

“Жазо олмасимдан олдин адашар эдим, энди Сенинг сўзингга итоат этаман. ... Эй Эгам, ҳукмларинг адолатлилигини биламан, менга жазо берганингда, Сен ҳақ эдинг”. (Сано 118:67, 75)

Ҳаворий Павлус Отадан келадиган жазо ҳақида ёзиб, дейди: “Шу сабабдан, сизларнинг кўпларингиз заиф ва касалсизлар, ҳатто ўлганлар ҳам оз эмас. Зеро агар биз ўз-ўзимизни ҳукм қилганимизда эди, маҳкум бўлмас эдик. Биз бу дунё билан бирга маҳкум бўлмаслигимиз учун ҳозирги вақтда ҳукм қилиниб, Раббий томонидан жазоланмоқдамиз” (1-Коринфликларга 11:30-32, ЯРТ).

Худо Унинг танбеҳидан (ёки тарбиясидан) хулоса қилишимизни хоҳлайди. У бизни қандай тарбияламасин, бошимизга тушганда, бу жараён биз учун оғир кечиши муқаррар. Бунини Ибронийларга мактуб муаллифи ҳам тасдиқлайди: “Одам тарбия олаётганда хурсанд бўлмайди, аксинча, қайғуради” (11:14). Худони муваффақиятимиз эмас, кўпроқ асл ҳолатимиз қизиқтиради. Худди ўша мактубда Худо манфаатимизни кўзлаши, “Биз У каби муқаддас бўлишимиз учун бизни тарбиялаши” ҳақида айтилади (12:10). Тарбиялашдан мақсад – бизни муқаддас амалларга бошлаш.

Ҳаворий Павлус бу фикрни давом эттириб, дейди: “Сизларнинг қўлларингиз толиққан, тиззаларингиз бүкилган, аммо маҳкам туринг. Ўзингиз учун тўғри йўлни танлаб юринг. Токи орангиздаги “ожиз” ва “оқсоқ” одамлар йиқилмасин, балки шифо топсинлар” (Ибронийларга 12:12, 13). Қўллар

биз Худонинг тахти пойига олиб келадиган хизматимиз ёки ишларимиздан далолат беради. Тиззамиз бизнинг Худо йўлидан юришимизни ёки ҳаёт тарзимизни ифодалайди. Шифо топсин дегани хушомад қилиш орқали кўнгилни кўтариш эмас, балки севги билан ҳақиқатни айтишни назарда тутади. Раббимиз Исо Лаодикиядаги жамоатни кескин оҳангда огоҳлантиргани ва жазолагани билан бу жамоат ожиз бўлиб қолмади. Исо бу жамоатга керакли сўзларни айтди, унда қайтадан олов пайдо бўлиши учун замин яратди. У бу жамоатни жазолади ва буни жамоат Унинг муқаддаслигига шерик бўлсин деб қилди. Табиийки, бу учун имонлилар Унинг танбеҳини қабул қилишлари керак эди.

Нима учун биз жамоатда ожизларга мадад бермаймиз? Нима учун Исо сингари ваъз қилмаймиз? Нима учун биз ҳақиқатга зориқиб турган бир пайтда, ҳозирги жамоатларда айтиладиган ва ўқиб эшиттириладиган ваъзларнинг катта қисми дунё ҳақида, муваффақиятга эришиш, бахтли ҳаёт кечириш ҳақида? Эгамиз Йермияҳ пайғамбар даврида номигагина ишонган илиқ имонлиларга, юмшоқ, қулоққа ёқаيدиган сўзлар билан мурожаат қилган пайғамбар воизлар тўғрисида шундай деган:

“Агар ўша пайғамбарлар кенгашимда бўлганларида эди, сўзларимни халқимга етказган бўлардилар. Халқимни ёмон йўлдан, ёвуз қилмишлардан қайтарган бўлардилар.” (Йермияҳ 23:22)

Бугунги авлодни муқаддас Худо билан учрашадиган кунга тайёрлаш учун, одамларни солиҳлик йўлига бошлайдиган ишларни қиялпимизми ёки қулоққа ёқаидиган, ҳақиқат сари бошламайдиган сўзлар билан авраб юрибмизми?

## ТИНЧЛИК ЎРНАТУВЧИЛАР ЁКИ ТИНЧЛИК ПОСБОНЛАРИ

Ибронийларга мактубда шундай дейилади: “Ҳамма билан тинч–тотув яшашга ҳаракат қилинглр. Ҳалол ҳаёт кечирришга тиришинглр, акс ҳолда, Эгамизни кўра олмайсизлар. Эҳтиёт бўлинглр, тағин, ўзингизни Худонинг иноятдан маҳрум қилиб қўйманглр. Ораларингизда аччиқ илдиз ўсишига йўл қўйманглр, акс ҳолда, унинг захри муаммолар туғдириб, кўпларингизни ҳаром қилади” (Ибронийларга 12:14, 15). Муаллиф энг биринчи навбатда: “Ҳамма билан тинч–тотув яшашга ҳаракат қилинглр”, дейди.

Раббимиз Исо ҳеч қачон: “Тинчлик посбонлари бахтлидир”, демаган. “Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир”, дейди (Матто 5:9).

Бу ерда: “Нима фарқи бор?” деб сўрашингиз мумкин. Фарқи бор. Тинчлик посбони қандай бўлмасин, тинчлик сақлаб қолиш учун жон куйдиради. Зиддият, тўқнашувлар бўлмаслиги учун у ҳақиқат билан муроса қилиши мумкин. Раббимиз Исо Ваҳий китобида, аксарият жамоатларни ўзгаришга даъват этган бўлса, тинчлик посбони бундан фарқли равишда, керакли пайтда одамларга Худонинг сўзини етказмайди. Натижада, одамлар гарчи ўзгариши ва солиҳликка интилиши керак бўлса ҳам, ўзлари учун қулай ҳолларида қолаверади.

Тинчлик ўрнатувчилар эса аксинча, ҳақиқий тинчлик учун жон куйдиришади ва бу йўлда керак бўлса, ҳар қандай ноҳақликка қарши турадилар. Тинчлик ўрнатувчи муқаддасликка интилади, гуноҳдан нафратланади. У ҳақиқат йўлидан тоймайди, қатъий туради, гуноҳни борича кўрсатади, гуноҳни гуноҳ деб атайди, хатолик ёки ожизлик

демайди. Гуноҳга бўлган нафрат, Худога ва одамларга бўлган севгидан келиб чиқади. Тинчлик ўрнатувчининг асл нияти одамларни бахтли қиладиган нарсани эмас, улар учун энг яхши йўлни излаб топиш бўлади. У аввало уларга ёқадиган нарсалар ҳақида эмас, уларга қандай ёрдам бериш ҳақида жон куйдиради. Бундай одам ўз манфаатини ўйламайди. У ҳақиқат қарор топганда, раҳм-шафқат ва адолат устувор бўлганда қувонади. У муқаддасликнинг шайдоси бўлгани боис, унга чин юракдан ёниб интилади, чунки юрагида Худога нисбатан олов ёнади!

## МУҚАДДАСЛИК ЙЎЛИДА ОЖИЗЛАРГА ДАЛДА БЎЛИШ

Ибронийларга мактуб муаллифи бизни ҳалол, муқаддас ҳаёт кечиришга чақиради “акс ҳолда, Эгамизни кўра олмайсизлар”, дейди. Юқорида, Исроил авлодлари Худога яқин бўлиш истагини билдирган бўлсаларда, аслида самимий истак эмас, бу қуруқ сўзлар бўлганини кўрдик. Мусодан фарқли равишда улар Худога яқинлаша олмаган, нега десангиз, Мисрга бўлган иштиёқини ўзларидан соқит қилмаган. Агар Худога яқинлашганларида, нопокликлари очиқ-ойдин кўринар, фош этилар эди, лекин халқ буни хоҳламади.

Ибронийларга мактуб муаллифи, Эгамиз кўп асрлар давомида Ўз халқига айтган нарсаларни ойдинлаштиради. Ишаё пайғамбар ҳам шунга яқин маънода ёзади: “Қўллари чарчаганларга далда бергин, тиззалари букилганларга мадад бергин” (Ишаё 35:3).

Эски Аҳд пайғамбари айтади, агар букилган тиззаларга мадад берилса, кўрлар кўра бошлайди, карларнинг қулоғи очилади. Саҳролар гўзал боғларга айланади, мўл ҳосил

беради. Буларнинг ҳаммасига халқ муқаддаслик йўлида мустаҳкам тургани орқали эришилади! Давомида Ишаё пайғамбар шундай деб ёзади:

У ерда катта йўл бўлади ва у йўл “Муқаддас йўл” деб аталади. Нопок одам ундан юрмайди; бу йўл Худонинг халқи учун бўлади. Ҳеч қандай ўзига бино қўйган аҳмоқ бу йўлдан юра олмайди. (Ишаё 35:8, ЯРТ)

Худонинг йўллари инсон йўлларидан устундир. Муқаддаслик йўли – бу абадий ҳаёт сари бошлайдиган йўл ва Раббимиз Исо уни “тор йўл” деб атаган (Матто 7:13, 14 га қаранг). Бу анча устун бўлган муқаддаслик йўли ҳақида ўргатади. Биз Худонинг танбеҳларига очиқ бўлиб, уларни тўғри қабул қилганимизда бунга эришамиз.

Пайғамбарнинг сўзларига кўра, аҳмоқлар бу йўлдан бормайдилар. Аҳмоқ одам деб, ўзининг фикрини тўғри деб биладиган одамни айтишади. Ҳикматлар китобида: “Нодон ўз йўлини тўғри деб ўйлайди, доно эса маслаҳатга қулоқ солади”, дейилади (Ҳикматлар 12:15). Бу оятдан, нодон одам жаҳли тез ва бепарво бўлиши ҳақида айтилган (Ҳикматлар 14:16) Ҳикматлар китобининг давомида: “Нодон ақл-идрокни ёқтирмайди, фақат ўзини кўрсатади”, деганини кўрамиз (Ҳикматлар 18:2). Шу боис ҳам, нодон одам адашади. Ҳикматлар китобида шунга яқин яна бир оят бор ва унда: “Ақлсизнинг аҳмоқлиги уни йўлдан адаштиради” дейилади (14:8).

Лаодикиядаги жамоат аъзолари нотўғри тасаввурлар билан яшаган. Улар бой эканликлари, Худодан марҳамат топганларига ишонишган. Лекин уларга ҳақиқий бойликлар етишмас эди: муносиб характер, одил ишлар ва вазиятга Исонинг назари билан қараш қобилияти. Раббимиз

Исо бу жамоатни койиган, танбеҳ бериб, йўлга солган, огоҳлантирган бўлса-да, бундан мақсад жамоатни нондонлик йўлидан қайтариш ва муқаддаслик йўлига бошлаш эди. Исо бу билан чарчаган қўлларга далда беради, букилган тиззаларга мадад беради.

## СИОН САРИ ЙЎЛ

Бугун танбеҳни қабул қилмаган, ўзини тўғриламаган одам, Худонинг улуғворлиги сари бошлайдиган ягона йўлни йўқотади. Муқаддасликка эришиш осон эмас. Одам тавба қилмаса, тўғриланишнинг бутун жараёни – покланиш ҳам, гуноҳдан сотиб олиниши ҳам фойда бермайди. Шу боис Раббимиз Исо Лаодикиядаги жамоатга: “Шундай экан, шижоатли бўл, гуноҳларинг учун тавба қил”, дейди (Ваҳий 3:19).

Тавба қилиш, аслида гуноҳнинг оқибатларидан афсусланиш эмас, балки гуноҳга бўлган муносабатнинг ва фикр-зикрларимизнинг тубдан ўзгаришидир. Биз гуноҳнинг оқибатларидан афсус-надомат чекишни ўрганиб олганмиз, лекин гуноҳдан воз кечмаймиз. Раббимиз Исо жамоатга айтган даражада шижоатли бўлиш, ҳозирги ҳолатимиздан Унинг улуғвор табиатига бурканишни чин дилдан хоҳлашни англатади. Агар Исо келадиган куни Унга ўхшаш бўлиб ўзгаришни истасак (1-Юҳанно 3:2), кимдир ўзгариши керак: ёки У, ёки биз. Менинг назаримда, ўзгариши керак бўлган У эмас! Унинг танбеҳини ва тарбиясини тўғри қабул қилсаккина, биз Унга ўхшаш бўлиб ўзгарамиз.

Ишаё пайғамбар, нодонликни ўзидан соқит қилган ва Худонинг танбеҳларидан тўғри хулоса қилганлар, “қўшиқ айтиб, Сионга киришлари”, “бошларида абадий шодлик тожи бўлиши”, “шод-хуррамлик уларни қамраб олишини” айтади (Ишаё 35:10). Бу ерда Сионнинг тилга олиниши жуда

муҳим аҳамиятга эга.

Ибронийларга мактуб муаллифи жонли манзарани келтиради: “Сизлар яқинлашган тоғ Синай тоғи эмас. Синай тоғи жисмоний бир тоғ бўлиб, унга қўл теккизиб кўрса бўларди. У ерда аланга ловуллаб ёнарди, устини зулмат, қора булут қоплаган, бўрон босган эди. Бурғу садоси янграб, Худонинг овози эшитилган эди. Буни эшитган одамлар: “Ёлворамиз, Худо бизга бошқа гапирмасин”, деб ўтинганди” (Ибронийларга 12:18, 19). Бу ерда биз ушбу китобнинг энг бошида, дастлабки бобларида тилга олган тоғ ҳақида сўз боради. Бу ерда ҳам афсуски, одамлар: “Худо бизга бошқа гапирмасин” деганларини кўрамиз. Улар Худонинг танбеҳларини рад этдилар, чунки Эгамиз уларнинг юракларидаги ниятларини фош этган. Бундан ортиқ нодонлик бормикан?!

Зафанияҳ пайғамбар Исроил халқи тўғрисида шундай деган:

“У ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди, ўзига ҳеч қандай сабоқ олмайди. Ўз Худоси томон юз бурмайди, умидини Эгамизга боғламайди” (Зафанияҳ 3:2)

Эгамиз ранжиганини шундай сўзлар билан билдирди: “Мен беҳудага болаларингизни жазолар эдим: улар насиҳатни қабул қилмадилар” (Йермияҳ 2:30, ЯРТ). Агар халқ муқаддасликка интилганида, Худонинг танбеҳини қабул қилиб, қилмишлари учун тавба қилганида эди, Эгамизнинг тоғига чиққан бўларди.

Бугунги кунда бизга ҳам шундай имкон берилган, гарчи биз тоғ ёнига келмаган, уни кўрмаган, унга қўл текказмаган бўлсак-да. Биз бошқа тоғнинг олдига келдик ва унга бизни Ишаё пайғамбар бошлайди.

Сизлар, аксинча, самодаги Сион тоғига ва барҳаёт Худонинг шаҳри — самовий Қуддусга яқинлашгансизлар. (Ибронийлар 12:22)

У ҳали ҳамон тоғда, лекин жисман ушлаш, пайпаслаш мумкин бўлган Синай тоғида эмас. Бу тоғ янада ҳақиқий, янада боқий. Унинг номи Сион ва унга олиб борадиган ягона йўл – бу муқаддаслик йўли! Бу йўлдан Мусо юрган. Юрагидан Мисрни соқит қилиб, у Худонинг сўзлари ва танбеҳларини очиқ юз билан қабул қилди. Исроил авлодлари Худо уларга гапирмаслигини сўраб ёлвордилар. Улар Унинг сўзларини эшитишни истамаган, чунки бу сўзлар юракдаги ниятларини фош этар, айбларини ошкор қилар эди. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари биз учун огоҳлантириш ҳисобланади:

“Эҳтиёт бўлинглар, сизларга гапираётган Худодан юз ўгирманглар! Худо ер юзида гапирган вақтда, Уни рад этганлар ҳалокатдан қутула олмаган эдилар. Шундай экан, биз осмондан гапираётган Худони рад этсак, икки дунёда ҳам жазодан қутула олмаймиз!” (Ибронийларга 12:25)

Ер юзида Эгамиз Синай тоғида туриб гапирган, бугунги кунда У бизга осмондаги Сион тоғидан гапирмоқда. Ҳайратли оят, юракни уйғотадиган ҳайратли сўзлар! Исроил авлодлари Эгамизнинг Синай тоғида айтган сўзларига қулоқ солмаганлари учун оғир жазога мубтало бўлдилар. Бу сўзлар уларни тўғрилар, ҳаётларига ўғит-насиҳат бўлар эди. Шундай экан, биз ҳам Худонинг Сион тоғидан айтган, бизни тўғрилайдиган, ўғит-насиҳат сўзларини эътиборсиз қолдирсак, жазодан қутулиб қолмаймиз.

Исроил авлодлари, Эгамизнинг улуғворлиги тубидан

келган сўзларини эшитишни хоҳламади, чунки бу ҳолда нопокликка тўла юракларини очишларига тўғри келар эди. Улар ортга қайтишди ва кейинчалик, Мусо тоғда узоқ қолиб кетган пайтда ўзларига “худо” ясаб олишди. Бу “худолари” ўзлари танлаган пайғамбарлари орқали уларга ёқадиган, худбин истакларига мос сўзларни айтар эди. Бу вақтда Мусо Синай тоғида, Эгамизнинг ҳақиқий сўзларини тинглар, тинглаган сари ўзгарар эди. Мусо тоғдан тушаётганида, юзидан Худонинг улуғворлигидан далолат берган нур порлар эди.

Худонинг каломи Мусони ўзгартирди. Исроил халқига айтилган сўзлар эса ерни ва халқ турган тоғни зирқиратиб юборди, уларни шу даражада қўрқитиб юборди-ки, биронтаси қолмади, ҳаммалари қочиб кетишди. Давомида, Ибронийларга мактубда шундай дейилади:

«Ўша вақтда Унинг овози ерни ларзага солган эди. Энди эса У шундай демоқда: “Мен яна бир бор ерни ларзага соламан, аммо бу сафар осмонни ҳам титратаман”. “Яна бир бор” дегани шунин билдирадими, яратилган бутун мавжудот йўқ бўлиб кетади, фақат тебранмас, абадий мавжудот қолади” (Ибронийларга 12:26, 27)

Раббимиз Исо Лаодикиядаги жамоатга мурожаат қилиб, унинг айбларини фош қилди. Бу жамоатда “имонлилар” ўзларини Масих йўлида бой деб билишарди. Ҳаммаси бинойидек кўринар эди, бироқ Раббимизнинг сўзлари уларнинг асос-пойдеворларини яксон қилди. Эгамиз Ўз Жамоатини ва сўнг барча халқларни фош этади. Фош этганида, мустаҳкам асоси бўлмаган, ҳаёт ва эзгулик сари бошламаган неки бўлса, яксон этилади. Бундан кейин фақат тирик бўлган ва пок бўлганларгина қолади. Худонинг

фош этишидан, танбеҳидан қўрққан одамгина, Худодан қўрқмайди.

Ишаё пайғамбар бу борада шундай дейди:

“Орамизда ким ямламай ютадиган олов билан тура олади? Орамиздаги ким ёниб битмас аланга ёнида қола олади?” дея Сионда гуноҳкорлар ваҳимага тушди, нопокларни қўрқув эгаллаб олди. Мана, қаранг солиҳ яшаётганларга! Улар тўғри гапни гапиреди, тамагирлик фойдасидан юз ўгиради, пора олишдан қўлларини тияди. Қотилларнинг фитналарига қўшилмайди, Кўзларини ёвузлик жалб қила олмайди. Ҳа, шундайларнинг маскани юксакларда бўлади, тоғлардаги қоялар бошпанаси бўлади. Нону суви ҳеч қачон етмай қолмайди” (Ишаё 33:14-16)

У “Мисрдаги гуноҳкорлар” демайди, “Сионда гуноҳкорлар” дейди. У бу сўзларни Худодан қўрқмайдиган, муқаддасликка интилмайдиган одамларга айтади. Улар Худонинг ҳимоясидан ҳоли ва Худо уларни, албатта фош қилади. Лекин улар Эгамиз Ўз улуғворлигини намоён қилганидагина қўрқишади! Ишаё пайғамбарнинг ёниб битмас аланга ҳақидаги сўзлари Худога тааллуқли.

Ибронийларга мактуб муаллифи бобни шундай сўзлар билан якунлайди: “Бизга тебранмас шоҳлик берилган. Шундай экан, Худодан миннатдор бўлиб, эҳтиром ва қўрқув ила Унга манзур равишда сажда қилайлик. Ахир, бизнинг Худойимиз ямламай ютадиган оловдир” (Ибронийларга 12:28, 29). Худойимиз ямламай ютадиган оловдир! Китобда Эски Аҳддан кўп парчаларни келтирган бўлсам-да, Худонинг инояти билан Муқаддас Китобни тўғри талқин қилишга, Янги Аҳдда берилган ваъдалар асосида кўриб чиқишга

ҳаракат қиламан. Худойимиз севгидир ва шу билан бирга Худойимиз ямламай ютадиган оловдир.

Унинг улуғворлик ила ҳозир бўлишига юзаки қарамаслигимиз керак, шу пайтга қадар жуда кўпчилик айнан шундай қилган. Худойи Таолонинг улуғворлиги инсон ақлига сиғмайдиган даражада юксак эканлигини кўрсатиш учун, Ибронийларга мактуб муаллифи, Мусонинг ўзи: “Қўрқанимдан титраб кетяпман”, деганини эътироф этади (Ибронийларга 12:21). Бу сўзлар ваҳийда Раббимиз Исони кўрган ҳаворий Юҳаннонинг гувоҳлигига мос келади: “Уни кўришим биланоқ, оёқлари остига ўликдай йиқилдим”, дейди у (Ваҳий 1:17).

## ТОКИ БИЗ МУҚАДДАС БЎЛАЙЛИК

Худонинг бизга бўлган севгисини бир инсонлар ақлимизга сиғдира олмаймиз. Бироқ бу севги муқаддасликнинг аҳамиятини асло сусайтирмайди. Шу боис Ибронийларга мактуб муаллифи: “Бизга тебранмас шоҳлик берилган. Шундай экан, Худодан миннатдор бўлиб, эҳтиром ва қўрқув ила Унга манзур равишда сажда қилайлик”, дейди. Худо сингари муқаддас бўлиш учун Ундан миннатдор бўлиб, эҳтиром ва қўрқув ила, Унга манзур равишда сажда қилишимиз учун июнотга қанчалар муҳтожмиз (Левит 19:2; Матто 5:48; 1-Петрус 1:16 га қаранг)!

Юқорида билиб олганимиздек, Худодан қўрққан, муқаддасликка интилган одамгина Унинг улуғворлиги ҳузурида яшай олади. Ушбу китобнинг иккинчи бобида келтирилган оятларимни яна бир бор эслатиб ўтаман.

“Худонинг маъбади билан бутлар орасида қандай умумийлик бор?! Ахир, биз барҳаёт Худонинг

маъбадимиз—ку! Худо шундай деб айтган: “Мен уларнинг орасида яшайман, Уларнинг орасида юраман. Мен уларнинг Худоси бўламан, Улар эса Менинг халқим бўлади. Эй азизларим, Худо бизга шундай ажойиб ваъдалар берган экан, баданимизни ва руҳимизни булғовчи ҳар қандай нарсадан ўзимизни поклайлик. Худодан қўрқиб яшаб, бутунлай Худо учун ажратилган эканлигимизни кўрсатайлик” (2-Коринфликлар 6:16-7:1)

Энди воқеаларни борича кўриб олдингиз. Сиз ҳақиқий воқеаларни якунига етганида эмас, умумий маъносини билиб олдингиз. Умид қиламан, мендан билиб олганларингиз сиз учун тушунарли бўлди. Худонинг улўғворлигига чин дилдан интилсангиз, уни ҳамма нарсадан устун қўйсангиз, юрагингизда кучли иштиёқ пайдо бўлади.



# ИЧИМИЗДА МУҚАДДАС ОЛОВ БИЛАН

---

*Биз Мусо, Ишаё, Йермиях, Юҳанно, Павлус ва бошқалар сингари, Унинг шуҳратининг муқаддас олови билан ёниб яшашга даъват этилганмиз.*

**Х**удонинг барча одамлари, у ёки бу кўринишда Унинг ишловига, тузатишларига муҳтож бўлади ва бу қадимга пайғамбарларга ҳам, Янги Аҳд давридаги ҳаворийларга ҳам бирдек тааллуқли. Ҳеч шубҳа йўқки, бу бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу масалада энг муҳими бизнинг тўғриланишга бўлган муносабатимиз. Худонинг тарбиялашда қўллайдиган услуб чораларини қабул қилишимизга мағрурлик халақит беради. Айнан мағрурлик боис, Худонинг бизни муқаддаслашга қаратилган ишлари самара бермайди. Бироқ ўзимизни паст тутиб, Худонинг танбеҳларини қабул қилсак, бу орқали Унинг овозини эшитиш қобилиятига эга бўлиш билан бирга, У билан муносабатда бизни етукликка олиб келадиган нарсаларни яна ҳам аниқ ва раvon кўришга

қодир бўламиз. Хабаққуқ пайғамбарнинг шундай сўзлари бор:

“Мен минорага чиқиб оламан. Шаҳар деворидан олисларга қараб, Эгамнинг жавобини кутаман. Шикоятимга жавоб берганда, Унга нима айтишимни ўйлаб кўраман”. (Хабаққуқ 2:1)

Хабаққуқ пайғамбар Эгамизнинг тенбеҳини, тузатишларини қабул қилиш учун ўзига жой топган. У билар эдики, булар унга Худонинг кўнглида нима борлигини, Унинг йўлларини яхшироқ билиб олиш ва Унга яна ҳам самарали хизмат қилиш имконини беради.

## ШОҲ УЗЗИЁ ВАФОТ ЭТГАН ЙИЛИ

Ишаё пайғамбар Худо нима деса, қабул қилишга тайёр бўлган. У шундай ёзганм: “Шоҳ Уззиё вафот этган йили мен юқорига юксалган Раббийнинг тахтда ўтирганини кўрдим. Унинг либоси этаклари Маъбадни тўлдирган эди” (Ишаё 6:1).

Бир неча йил аввал Худодан мана шу оятни тушунтиришини сўраб ибодат қилган эдим. Шунда Эгамиз менга Ўз сўзини очди. Мен Ишаё пайғамбар Маъбадда юқорига юксалган Раббийнинг тахтда ўтиргани ҳақида мулоҳаза қилардим. Шунда ҳаёлимга бир фикр келди: *“Жамоат айни вақтда Исо Масиҳнинг улғворликда зоҳир бўлишини кўриши керак”*.

Шунда Худонинг овозини эшитдим: “Бу оят бошқа сўзлар билан бошланади”. Бошим қотди. Қанақасига? Муқаддас Китобни очиб ўқидим: “Шоҳ Уззиё вафот этган йили”. Худо мени тўхтатиб, деди: “Ишаё Мени тахтда ўтирганимни кўриши учун, шоҳ Уззиё вафот этиши керак эди!” Сўнг У давом эттирди: *“Жамоат мендан янги ваҳий олишидан аввал, шоҳ Уззиё вафот этиши керак!”*

Ўйланиб қолдим: “*Ким экан, бу Уззиё ва у билан Исонинг ваҳийда зоҳир бўлиши ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?*” Шунда қўлимга Симфонияни олиб, Уззиё ҳақида нима дейилган бўлса, ҳаммасини кўриб чиқдим, унинг ҳаёти ҳақида топганимни ўқидим ва ниҳоят, ажойиб ваҳий олдим.

Шоҳ Довуднинг авлоди бўлган Уззиё, ўн олти ёшида тахтга ўтирган. У аввалига Худони излагани, Унга мақбул ишлар қилгани маълум. Ким билсин, балки сиз ҳам шундай ёшда мамлакатга бош этиб тайинланганингизда, эҳтимол худди шундай ишлар қилган бўлардингиз. Мана шундай катта масъулиятни бўйнига олганидан кейин у илиқ кечинмаларга тўлган, камтарлик қилган деб тахмин қилишимиз мумкин. Муқаддас битикларда айтилишича “Уззиё Худога интиларди, Закарияҳ унга Худонинг йўлидан юришни ўргатарди. Уззиё Эгамизга интилган пайтда, Худо унга ҳузур–ҳаловат бағишлар эди” (2-Йилнома 26:5).

Уззиё Эгамизга интилган, бор умидини Унга боғлагани тўфайли, Эгамиздан кўп марҳамат топган. Унинг Филистлар билан жанг қилгани, уларни енггани, улар яшаган шаҳарларнинг деворларини бузиб ташлагани, бундан ташқари, Арабларга ва Мавунларга қарши уруш қилгани маълум. Қадимги Исроил ўша даврда иқтисодий жиҳатдан ва ҳарбий жиҳатдан ўта мустаҳкам давлатга айланган. Уззиё ҳукмронлиги даврида халқ анча фаровон яшаган.

Бундай муваффақиятга, Уззиё ҳаётида Эгамизнинг инояти қарор топгани орқали эришилган. Бироқ кейин нимадир ўзгарди. Итоаткорликнинг ўрнини мағрурлик эгаллади: “Уззиё кучайиб кетгандан кейин, ҳалокатга олиб борадиган мағрурликка берилди. У Эгамизнинг Маъбадига кириб, тутатқи қурбонгоҳида тутатқи тутатди, шу йўсин ўзининг Эгаси Худога итоатсизлик қилди” (2-Йилнома 26:16).

Уззиё ожиз бўлган вақтда эмас, кучайиб кетганидан кейин кибрга берилган. У давлат ишларида кучайгани, муваффақиятга эришганини кўриб, ўзгарди, Худони изламай қўйди. Энди у мамлакатни ўзи, мустақил бошқара олар, чунки нимани қандай бажариш кераклигини биларди. Эришган муваффақиятларидан маст бўлиб, у ҳар қандай ишида Худо унга барака беришига ишонч ҳосил қилган. Бунга қадар у ўзини паст тутгани, Худони излагани учун марҳамат топган эди.

Булар бир кунда бўлмаган, худди шу нарсалар ҳар кимнинг ҳаётида бўлиши мумкин. Эгамиз мени огоҳлантириб, деди: “Ҳаётда аксарият имонлилар оғир кунларида эмас, фаровонликка эришганларидан кейин қулайди”. Нима учун? Катта муваффақиятга эришганимизда, бизга ҳамма нарсани, аслида Худо беришини унутиб қўйишимиз осон бўлади.

Жуда кўпчилик мана шу тузоққа тушади. Нажот инъомини қабул қилганларидан кейин, одамлар Худони ва Унинг йўлларини излай бошлайди. Уларнинг ўзларини паст тутишлари яққол кўриниб туради, чунки улар Худони излаб, тўлалигича Унга ишонадилар. Улар жамоатга ташна бўлиб келади, юзларидан: “Худойим, сени таниб билмоқни истайман!” деганларини кўриб турасан киши. Улар Худо кўрсатган йўлдан юришади, У тайинлаган хизматчиларнинг гапига қулоқ солишади. Ўзларини паст тутган ҳолда, ким орқали берилишидан қатъи назар, Худонинг танбеҳларини очиқ юрак билан қабул қилишади. Лекин орадан вақт ўтиб, улар билим ва куч тўплашади, тажрибалари ортгани сари, муносабатлари ўзгара бошлайди. Муқаддас Китобни ўқиш ва Худодан Ўзини ва йўлларини очишини сўраш ўрнига, улар Каломдан ўз таълимотларига асос сифатида

фойдаланадиган бўлишади, ўзлари ишонган нарсаларнигина ўқишга одатланишади. Улар самодан келадиган Худонинг овозига ҳам, чўпонларининг сўзларига ҳам қулоқ солмайди. Бунинг ўрнига мунофиқлик қилишади: “Қани, кўрамиз, нимани билар экан!”, дейдиган одат чиқаришади. Улар Каломни яхши биладиган “экспертларга” айланишади, лекин энди юраклари аввалгидек юмшоқ ва мулойим бўлмайди. Мағрурлик, кибр Худога хизмат қилиш иноятини йўққа чиқаради (Ёқуб 4:6 га қаранг).

Бу масала АҚШ жамоатларида айниқса кескин кўриниш олмақда ва бунинг сабаби бу ерда имонлиларга ҳаддан ташқари кўп таълимотлар таклиф этилаётганида. Коринфликларга биринчи мактубда (8:1): “Ўзингиз айтганингиздек, ҳаммамиз бу ҳақдаги ҳақиқатни биламиз. Аммо билим одамни шишинтиради, меҳр–муҳаббатли инсон эса ўзгаларнинг манфаатини кўзда тутуди”, дейилган. Севги ўз манфаатини кўзламайди, севги Раббий учун ва Унга хизмат қилгани даъват этилганлар учун ўзини фидо қилади. Мағрурлик эса аксинча, диндорлик ниқоби остида фақат ўзининг фойдасини излайди. Эгамиз севгисиз орттирилган билим, мағрурликка олиб келишини айтади.

Энди, шоҳ Уззиё ҳақида ўзимизга муҳим бир савол берайлик. Кибрга берилганидан кейин, у яна ҳам диндор бўлдими ёки бу даражада диндор бўлмай қолдими? Жавоб сизни ажаблантиради: у ниҳоятда диндор бўлиб қолди! У мағрурликка берилди, Эгамизнинг Маъбадига кириб, тутатқи қурбонгоҳида тутатқи тутатди, шу йўсин ўзининг Эгаси Худога итоатсизлик қилди. Мағрурлик ва диндорлик бир-бирига яқин бўлади. Диндорлик руҳи одамга гўё уни камтарликка бошлаётгандай кўринади, чунки ташқаридан олиб қаралганда, ўзини Худони таниб-билгандай тутуди,

аслида юраги мағрурликка тўлган бўлади, эътиқоди сохта бўлади. Мағрурлик, кибр одамни диндор қилиб қўяди ва у ўта мағрур бўлгани боис бунини тан олмайди. Мағрурлик жамоатга яширинча кириб олган, гоҳида диндор харизматлар, евангел ёки эллигинчилар ниқоби остида ўзини кўрсатади.

Уззиё ҳақиқат билан юзма-юз келди.

Рухоний Озариё Эгамизнинг саксонга жасур рухонийси билан бирга Уззиёнинг кетидан борди. Улар шоҳ Уззиёга танбеҳ бериб дейишди: — Эй шоҳимиз! Эгамизга тутатқи тутатиш сизнинг ишингиз эмас. Бу Хорун наслидан бўлган рухонийларнинг ишидир. Тутатқи тутатишга улар бағишланганлар. Қани бўлинг, бу муқаддас жойдан чиқиб кетинг! Сиз ўзбошимчалик қилдингиз. Бу қилмишингиз учун Парвардигор Эгамиз сизни юксалтирармиди?! (2-Йилнома 26:17, 18)

Мана шу жасур одамлар орқали Эгамиз уни тўғриламақчи бўлди, лекин Уззиё Худонинг сўзини эъозламади: “Уззиё ўша пайтда қўлидаги оловкураги билан тутатқи тутатишга тайёр бўлиб турган эди. У рухонийларнинг танбеҳидан қаттиқ ғазабланган эди, шу заҳотиёқ пешанасига яра тошди. Бу ҳодиса Эгамизнинг ўйидаги тутатқи қурбонгоҳи олдида, рухонийларнинг кўз ўнгида содир бўлди” (2-Йилнома 26:19).

Уззиё рухонийларнинг танбеҳидан қаттиқ ғазабланди. Мағрурлик ўзини оқлайверади, ўзини ҳимоя қилган эса ғазаб кўрсатади. Кибрга берилган мағрур одам ўзидан бошқа ҳаммани айблади. Уззиё бор ғазабини рухонийларга сочди, муаммонинг негизи анча чуқур – унинг ўзида эди. Мағрурлик уни кўр қилиб қўйганди! Ўша ерда

руҳонийларнинг танбеҳини Худонинг сўзи деб билиши ва буни очиқ юз билан қабул қилиш, ўзини паст тутиш ўрнига, у мағрурлиги боис, ғазабланди. Қаранг-ки, шу заҳотиёқ пешанасига яра тошди. Пешана эса ҳеч кимдан яшириб бўлмайдиган қисм саналади. Бу ҳолатда яра тошиши Уззиёнинг қалбидаги ҳолатдан дарак берган ва бунинг асосида мағрурлик ётар эди.

Булар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Эски Аҳд даврида яра тошиши, тери касаллиги Янги Аҳдда гуноҳ сифатида келади. Кўп ҳолатларда гуноҳ одамнинг ичида яширинган мағрурликдан келиб чиқади ва у одамни кўр қилиб қўяди, Худонинг танбеҳини тўғри қабул қилишга тўсқинлик қилади.

Худо юрагимга очган сўзларини эшитиб, Уззиё ҳақида ўқиганимдан кейин, мағрурлик кўзимизни кўр қилишини, бу Исони кўришимизга тўсқинлик қилишини тушундим. Биз Исодан кўз узмаслигимиз керак. Ахир, Калом ҳам буни тасдиқлайди-ку. Қуйидаги сўзлар бежизга айтилмаган: “Биз ҳаммамиз очиқ юз билан Эгамизнинг улуғворлигини кўриб турибмиз. Биз ўзгариб борар эканмиз, янада улуғвор бўлиб, Эгамизга ўхшаган бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Эгамизнинг Руҳи орқали содир бўлмоқда” (2-Коринфликларга 3:18).

Унга ўхшаган бўлишимиз учун, Ундан кўз узмаслигимиз керак, чунки бу вазиятга Унинг назари билан қараш имконини беради. Мағрурлик эса янги-янги ваҳийларни олишимизга тўсқинлик қилади. Шу орқали у бизни кўр қилади ва жонимиз учун хавfli бўлган сохта таълимотларга бошлайди. Лаодикиядаги жамоат мағрурликка берилгани боис Исони кўра олмаган. Улар руҳга тўлиб яшаганларига ишонган, лекин Раббимиз Исо уларни фoш этди ва уларга адашаётганларини кўрсатди. Унинг инсон қалбини

Ўзгартиришга қодир бўлган кучисиз улар жаҳолатнинг нақ тубида қолиб кетган эдилар. Улар худди Масихнинг издошларидай кўринган бўлсалар-да, Масих қилган ишларни қилишмас эдилар.

## МУҚАДДАСДИР, МУҚАДДАСДИР, МУҚАДДАСДИР

Ишаё пайғамбар Раббийнинг тахтда ўтирганини кўрди. Биламиз, у буларни ваҳийда кўрган, чунки Худонинг юзини кўрган одам тирик қолмайди. Ишаё Раббийнинг тепасида баҳайбат фаришталар – серафлар шай тургани, ҳар бирининг олти қаноти бўлгани, икки қаноти ила улар юзларини тўсганларини ёзиб қолдирган.

Улар бир–бирига ҳайқиришарди: “Муқаддасдир, муқаддасдир, Муқаддасдир Сарвари Олам! Унинг улуғворлиги бутун оламини тўлдирган!” Уларнинг ҳайқирган овозлари маъбадни пойдеворигача титратиб юборди, маъбад тутун билан тўлиб борарди. (Ишаё 6:3, 4)

Фаришталар сано айтмас эди. Мана шу оят сўзларига ҳатто қўшиқ ҳам ёзилган, уни одамлар кўпинча монотон овоз билан, бир оҳангда айтишади. Фариштасимон зотлар кўрганларидан тўлқинланиб ҳайқиришарди, лекин уларнинг юзлари ёпиқ бўлгани айтилади. Ҳар гал Раббийга хос улуғворликнинг қирралари очилган заҳоти, улар: “Муқаддасдир!” деб ҳайқиришган. Уларнинг овозлари шу даражада кучли бўлганидан само зирқирар, жарангдорлигидан атроф ларзага келар эди! Ер юзида бирон бир бинони овоз билан ларзага келтиришга уриниб кўрсангиз, бунинг осон эмаслигига амин бўласиз, осмонни-ку қўяверинг. У ерда биронта фаришта қўшиқ-саноларни айтаётиб: *миллион-миллион йилдан бери*

*шу тахт олдида тураман, танаффус қилсак, бошқа жойларда нима бўлаётганини кўрсак, ёмон бўлмасди*, деган ҳаёлларга бормаган. Йўқ, улар бошқа ҳеч қаерга боришни хоҳламаган, чунки Яратувчининг ҳузурида бўлиш, яратилган мавжудотларни томоша қилишдан кўра анча афзал. Сано муаллифи: “Зеро Сенинг уйингдаги бир кун, бошқа жойдаги минг кундан яхшидир. Бетавфиқлик чодирларида яшагандан кўра, Худо уйининг остонасида туришни афзал кўраман”, деб бежизга айтмаган (Сано 83:11).

Нима учун серафлар: “Муқаддасдир, муқаддасдир, Муқаддасдир Сарвари Олам!”, деб ҳайқирисар эди? Нима учун уч марта? Бу ерда сўзлар ибронийлар ёзувига хос тартибда ишлатилади. Сўзларнинг такрорланиши *эмфаза* ёки маънога урғу бериш дейилади. Биз маълум бир сўз ёки иборага урғу бермоқчи бўлсак, бунинг учун бир нечта усулни ишга соламиз. Бу борада ўша сўз ёки ибора қора ҳарфлар билан, курсив билан белгиланади, катта ҳарфлар билан ёзилади, ё бўлмаса, тагига чиқиз чизилади ёки охирида ундов белгиси қўйилади.

Ибронийча матнда ҳам муаллиф худди шу мақсадни кўзда тутган. Одатда сўзлар икки марта такрорланади. Мана, мисол учун Раббимиз Исо: “Мени «ё Раббий, ё Раббий!» деб чақирган ҳар ким Осмон Шоҳлигига киравермайди”, деб ўргатган (Матто 7:21). Аслида Раббимиз “Раббий” деган сўзни икки марта такрорлашни эмас, шунчаки талаффуз билан белгилашни мақсад қилган ва муаллиф айнан шунга эътибор қаратади.

Муқаддас Китобда битта сўз уч марта такрорланган ҳолатлар бу қадар кўп эмас. Бунинг бир мисолини Ваҳий китобида кўришимиз мумкин. Бу ерда Юҳанно бир бургутни кўрган. У баланд овозда шундай деганини эшитди: “Ер

юзида яшаётганларнинг ҳолига вой! Ҳолига вой! Ҳолига вой” (Ваҳий 8:13). Бу ҳолатда такрорлашлар, бундан аввал жазо тариқасида ёғилган фалокатлар оғир бўлгани, аммо бу галгиси инсон ақлига сиғмайдиган даражада бўлишини англатади.

Шунга қарамай, Муқаддас Китобда фақат бир марта Худонинг ўзига хос сифати уч марта такрорланганини кўришимиз мумкин. Фаришталар: “Қудрат, қудрат, қудрат!” деб ҳайқирмаган. Улар: “Севги, севги, севги!” ёки “Содиқ, содиқ, содиқ!” деб ҳайқирмаган. Албатта, Худо қудратли, Худо севгидир, Худо содиқ, лекин Унинг бир фазилати қолганларидан устун туради ва бу Унинг муқаддаслигидир. Муқаддаслигида унинг табиати ёрқин нур мисоли намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бунда Худонинг олови мужассамдир!

## ШЎРИМ ҚҶРСИН!

Ишаё пайғамбар Раббийни кўрган заҳоти: “Ана холос, шунақа экан-да!”, демади. У шундай деб ҳайқирди:

“Шўрим қўрсин! Ўлдим энди! Ўз кўзларим билан ўша Шоҳни, Сарвари Оламни кўрдим. Ахир, мен оғзи нопок бир одамман, оғзи нопок халқ орасида яшайман!” (Ишаё 6:5)

“Шўрим қўрсин” деган ибора бу ҳолатда асл маънони кўп ҳам очиб бермайди. Бир вақтлар иброний тилида бу ибора, Худо ҳукмининг буюклигини кўрсатиш учун ишлатилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, фаришталар дунё аҳлининг бошига кулфатлар тушишини эълон қилиб: “Одамзоднинг бошига тушмаган энг оғир жазога мубтало бўласизлар!” деган. Раббимиз Исо худди шу сўзни Яҳудо Ишқариотга нисбатан ишлатади. Бу шу даражада оғир жазоки, Раббимиз:

“Унинг туғилганидан кўра, туғилмагани яхшироқ эди”, деди (Марк 14:21). Пайғамбар бу иборани бошқаларга нисбатан деярли ишлатмайди. Ажабланарлиси, ниҳоятда солиҳ одам бўлган Ишаё, буни ўзига нисбатан ишлатаётганидир!

Бу гапдан кейин у: “Ўлдим энди!” дейди. Бу ерда “*ўлдим*” деган сўз “чилпарчин бўлиш” маъносини билдиради. Ишаё муқаддас Раббийнинг ҳузурида турди. Умрида илк маротаба у Раббий Ким эканлиги ва ўзининг кимлигини борича кўради. Шу заҳоти, ўзи ҳақидаги ижобий фикрларидан дарак ҳам қолмади. Ўзига ва инсоний табиатига бўлган ишончи йўқолди. Бундан буён ақл-идроки ҳам ҳиссиётлари ҳам, ҳаётида ҳеч қандай рол ўйнамай қўйди. Шу пайтгача, агар андак мағрурлиги бўлган тақдирда ҳам, энди бундан ҳеч нарса қолмаган эди. Ишаё Раббийнинг тахти олдида ерга мук тушди. Унинг бутун вужуди, ҳар бир кечинмаси ойдек аён бўлиб турар эди. У ўзини қўйгани жой тополмас, қаерга яширинсам дер эди. Мана шу онда Ишаё бутун оламнинг Эгаси бўлмиш муқаддас Худонинг ҳузурида тик туриш у ёқда түрсин, омон қолиш учун Унинг илтифоти ва иноятига ғоят муҳтож эканини тушуниб етди!

## ПОКЛАНИШ, ХИЗМАТ, АНИҚ МАҚСАД

Ишаё ортиқ дош беролмаслигини ҳис этганда, шундай ҳодиса юз берди:

Серафлардан бири мен томон учди, қўлида кўмир чўғи бор эди. У ўша чўғни оташкурак билан қурбонгоҳ устидан олган эди. Кўмир чўғини оғзимга теккизиб, шундай деди: “Қара, бу чўғ лабларинга тегди, энди айбларинг ювилди, гуноҳларингдан фориғ бўлдинг”. (Ишаё 6:6, 7)

Эгамиз ўзини паст тутганларга илтифот кўрсатади, иноят

беради. Кўмир чўғи орқали Ишаё покланди, ҳимоя топди. Покланганидан кейин у Раббийнинг овозини эшитди: “Кимни юбораман? Биз учун ким боради?” (Ишаё 6:8).

Поклангани боис у Раббийнинг овозини аниқ эшита олди: “Биз учун ким боради?” Бошқача қилиб айтганда: “Ким муқаддаслик йўлида одил ишларни қилади?” Шу заҳоти Ишаёнинг жавобини эштамиз: “Мен шу ердаман, мана, юборгин мени” (Ишаё 6:8).

У Худонинг кўнглидаги сўзларни эшитган:

Бор, мана шу халққа айт: “Хўп, тинглайверинглар, барибир, тушунмайсиз, қарайверинглар, барибир, англаб етмайсиз”. (Ишаё 6:9)

Худо, халқ ичида танилган пайғамбарлар ва Калом тафсирчилари ҳақиқатни кўрмаслиги ва эшитмаслигини айтади. Улар Худонинг сўзларини халққа етказа олмаган, чунки ўзлари Худонинг сўзларини аниқ яхши эшитишмаган. Худо гапиради, лекин одамлар Унинг сўзларини эштадимми? Бу оятлар менга яқин бир дўстим билан бўлиб ўтган сўхбатни эслатади. (Юқорида мен унинг коллежда ўқитувчи бўлганини айтган эдим.) Бир сафар ўша дўстим яшаган шаҳардан ўтишимга тўғри келди ва у мени аэропортда кутиб олди. Келгунимга қадар, у ибодатда узоқ мулоҳаза қилган эди. Кўришганимизда, кўзига ёш олиб менга деди: “Жон, Худонинг Америка аҳлига айтадиган сўзлари кўп, лекин Уни эштадиган одам йўқ”. Бу сўзларни эшитиб, юрагимда кучли олов пайдо бўлди, у пайтда ҳали Худонинг элчиси бўлишга тайёр эмаслигимни билар эдим. Шунда кўз олдимга Ишаё пайғамбар келди. Эгамиз уни поклаган заҳоти, Ишаё Худонинг овозини эштадиган бўлди, юрагида шунчаки Худонинг тамойилларини эмас, Унинг юрак

истакларини одамларга ёйиш қобилияти пайдо бўлди. Шунда ўйладим: бу мамлакатимизда Каломда ёзилган ҳақиқат тамойиллари ҳақида гапира оладиган одамлар йўқ дегани эмас. Масала бошқа нарсада: ўзларини паст тутиб, Худонинг кўнглидаги сўзларини аниқ эшитиш, ҳақиқатларини ёйишга қодир бўлиш учун ўзларини Унинг покловчи июнотига қўйиб берадиган, бу дунёдан ажралиб чиқа оладиган эркак ва аёллар топиладими?

## ИСО БИЛАН ОВҚАТНИ БАҲАМ КЎРИШ

Келинг яна ўша, Лаодикиядаги жамоатга қайтайлик. У сиз билан биз яшаётган кунлар ҳақида башорат ҳисобланади. Раббимиз Исо бу жамоатга қаттиқ танбеҳ берди ва сўнг уни йўлга солиб, дейди: “Шижоатли бўл, гуноҳларинг учун тавба қил”. Бу сўзлар фақат ўша даврдаги одамларга айтилганми, ёки бизга ҳам тааллуқлими? Биз Унинг танбеҳларини қабул қиламизми ёки Исроил авлодларига ўхшаб нодонлик қиламизми?

Раббимиз Исо давом этиб, дейди: “Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен ўшанинг олдига кираман. Мен у билан ва у Мен билан овқатни баҳам кўраимиз” (Ваҳий 3:20). Унинг охирги кунларда яшайдиган жамоатга айтган бу сўзларини сизлар ҳам эшитиб ўқиб олишингизни жуда хоҳлар эдим! Исо ваъз қиладиганларга ва таълим берадиганларга мурожаат қилади: “Ким овозимни эшитиб эшикни очса”. Бу сўзлар юрагингизга ханжардай ботмаяптими? Наҳотки, айш-ишратларга ва шахсий манфаатларга бўлган иштиёқимиз боис, Унинг назарида шу даражада нопок бўлиб, кўнглидаги истак-муддаоларни кўра олмайдиган бўлиб қолган бўлсак? Наҳотки дунёнинг одатлари ва эҳтиросларига шу даражада

шўнғиганимиздан, Худонинг товушини эшитаман деган, лекин аслида Унинг кўнглидаги ранж-аламлардан йироқ бўлган халққа айланган бўлсак?

Эсингизда бўлса, Раббимиз Исо жамоатга бойиши учун Ундан оловда тобланган олтинни, одил ишларни ифодаладиган оқ кийим ҳамда Унинг назари билан кўриш учун кўзларига суртадиган малҳамни сотиб олишни маслаҳат берди. Ишаё пайғамбарнинг гувоҳлигида ҳам худди шуни кўрамиз. Ишаё Худонинг танбеҳини қабул қилиш учун ўзини паст тутганидан кейин, покланди. Ана шунда унинг қалбида одил ёки муқаддас ишларни қилишга кучли иштиёқ пайдо бўлган. Давомида у Худога ёлвориб, одамлар қараб ҳам ҳақиқатни кўрмасликлари, тинглаб, эшитмасликларини айтди! Уларга кўришлари учун малҳам керак эди. Ишаё Худо олдида ўзини паст тутгани, танбеҳларини қабул қилгани, поклангани, дунёда одил ишларни қилишга тайёр бўлгани учун, Худо унинг кўзларини кўрадиган қилди.

Раббимиз Исонинг сўзларини яна бир бор тингланг: “Ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен ўшанинг олдига кираман. Мен у билан ва у Мен билан овқатни баҳам кўрамиз”. Бу сўзларда иккита маъно бор. Биринчидан, бу ерда тилга олинган жамоат Раббимиз ер юзига қайтиб келадиган вақтдаги Жамоатни ифодалайди, шу боис Исо бу ерда, яна қайтиб келиши ҳақида гапиради. Луқо Хушхабариде Исо шундай дейди:

Ҳар доим тайёр ҳолда турунлар: белбоғларингиз белингизда боғланган, чироқларингиз ёниб турган бўлсин! Сизлар хўжайинининг тўйдан қайтишини интизорлик билан кутган хизматкорлардай бўлинглар. Хўжайин келиб, эшикни тақиллатиши биланоқ эшикни

очадиган бўлинглар. Хўжайин келганда ҳушёр турган хизматкорлар бахтлидир! Сизларга чинини айтай: хўжайин белини боғлаб, хизматкорларини дастурхонга ўтқазади ва уларга ўзи хизмат қилади. (Луқо 12:35-37)

Аслида биз Раббимизга абадул-абад хизмат қилишимиз керак, лекин Унинг ўзи бизга хизмат қилади. У том маънода хизматкор бўлмоқда. У бизга ҳеч нарса қарз эмас, биз Унга қарзмиз, бутун ҳаётимиз билан қарзмиз. У Унга содиқ бўлганларга хизмат қилишни истайди. Қўзининг никоҳ тўйида У бизга хизмат қилади.

Иккинчидан: “Мен у билан ва у Мен билан овқатни баҳам кўрамиз”, дегани бу шунчаки тўй зиёфатини англамайди, балки ҳақиқий манна беришини кўрсатади. Бу манна, У ҳақидаги ваҳийдир. У шундай дейди: “Мен осмондан тушган ҳаётбахш нондирман. Бу нонни еган киши абадий яшайди. Дунёга ҳаёт бахшида этиш учун берадиган нон Менинг танамдир” (Юҳанно 6:51). У Худонинг тирик Каломи ва биз ўша Калом билан озиқланиб яшаймиз (Қонуннинг такрорланиши 8:2, 3).

Йермияҳ бу ҳақида шундай деб ёзади:

Айтган ҳар бир сўзингга ташна эдим. Сўзларингдан шодланар эдим, сўзларинг дилимга қувонч бағишлар эди. (Йермияҳ 15:16)

Йермияҳ ҳам худди Ишаё сингари Худо томонидан покланган, Мусо сингари бу дунёнинг неъматларидан ўзини йироқ тутган. У Худони таниб-билиш учун дунёдан ажралиб чиққан. Йермияҳ Худонинг Каломидан шодланган, ундан озиқланган. Бетавфиқ одамларга Худонинг қалбидаги сўзларни етказгани учун уни кўп қувғин қилишган,

тазийқлар ўтказишган.

Сенинг сўзинг туфайли ҳаммага кўлги бўлдим, кун бўйи мени масхара қилишяпти. Борди–ю, мен: “Бўлди, Эгам ҳақида сўзламайман, Унинг номидан гапирмайман” десам, Сенинг сўзинг, олов каби, ичимни ёндиради, ўт қўйгандай суюқларимни зирқиратади. Сўзингни ичимда сақлаб туришдан чарчадим, ҳа, уни бошқа ушлаб тура олмайман. (Йермияҳ 20:8, 9)

Яҳё чўмдирувчи ҳам Худонинг каломига ташна бўлган. У ҳам дунёдан, юзаки диндорликдан ажралиб чиққан. У Қуддусда бошқа руҳонийларнинг ўғиллари қаторида таълим олиши ва сўнг раҳбарлик лавозимини эгаллаши керак эди. Лекин у одамлар у учун тайёрлаб қўйган йўлдан қайтиб, Худога бўйсунди. Чўлда унга Худонинг каломи очилди. Яҳё чўмдирувчи одамларга Худонинг кўнглини очган. Раббимиз Исо у ҳақида шундай дейди: “Яҳё гўё ёниб туриб, нур сочган бир чироқдай эди. Сизлар эса унинг нурида бирпас қувонмоқчи бўлдингизлар” (Юҳн. 5:35).

Эгамиз бизни Мусо сингари, Ишаё, Йермияҳ, Юҳанно ва бошқалар сингари нур сочишга, Унинг улуғворлигини таратиб, чироқдай ёнишга даъват этилганмиз. Лекин то бу дунёнинг эҳтиросларини ўзимиздан соқит қилмагунимизча, бунга ҳеч қачон эришолмаймиз. Биз бу дунёда мусофир, келгиндилармиз. Ҳақиқий қониқиш, Худонинг Каломини сидқидилдан берилиб, куну-тун у ҳақида ўйлаганимизда келади. Шундай Худонинг олови юрагимизда ва устимизда ярқираб ёнади. Севишган йигит ва қизни қанча чалғитманг, кечаю-кундуз фақат бир-бирларини ўйлайди, бунга уларни мажбур этиш шарт эмас. Ҳар дақиқа, ҳар сония йигитнинг ҳаёли – қизда, қизники эса – йигитда бўлади.

Малахи пайғамбар охирги кунларда жамоатда бўладиган икки тоифадаги одамлар ҳақида башорат қилади. Иккала тоифа ҳам, биз олдинги бобларда ўқиган покланиш жараёнидан ўтади. Бирлари нолиб, минғирлайди: “Худога хизмат қилиш беҳуда. Унинг талабларини адо этишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Унинг ҳузурини азадор каби юришнинг нима кераги бор?!” дейди (Малахи 3:14, 15). Бошқалари эса аксинча:

“Шулар ҳақида гаплашдилар. Эгамиз эса уларнинг гапларига эътибор бериб қулоқ солди. Унинг ҳузурини Эгамиздан қўрққан, Унинг номини эъзозлаганлар ҳақида хотира китоби ёзилди”. (Малахи 3:16)

Улар Худонинг сўзларини ва йўлларини шу даражада яхши кўрадики, ҳеч қандай қийинчиликлар бу йўлда уларга тўсқинлик қилолмайди. Давомида Малахи пайғамбар келажак ҳақида шундай дейди:

Ана, Эгангизнинг куни яқинлашиб қолди. Ўша кун ловуллаган тандирдай бўлади. Такаббурлар билан ёвузларнинг ҳаммаси гўё хас-чўпдир. Келатган ўша куни ҳаммаси ёндириб ташланади. Улардан на шохлар, на илдизлар қолади. Сизлар учун эса, эй номимни эшитиб қўрқадиганлар, нажот қуёш каби кўтарилади, сизларга шифо нурларини сочади. Ҳа, сизлар шодланасизлар. Оғилхонадан қўйиб юборилган бузоқлардай сакрайсизлар. Ёвузларни босиб эзасизлар. Ҳа, Мен белгилаган ўша кунда улар оёғингиз остидаги тупроқдай бўлади, — дейди Сарвари Олам. (Малахи 4:1-3)

Нажот “қуёш каби кўтарилади”, дейди Эгамиз. Қуёш – улкан, иссиқ ва ёрқин нур сочувчи юлдуз. Исо охирги кунда,

Ундан қўрқадиганлар учун қуёш мисоли келади. Улар Унинг Каломи ҳақида куну-тун фикр юритган, унинг йўлларини яхши кўрган. Улуғворлигидан тараладиган нур улар узра кўтарилади, зулматда ўтирганларга ҳам кўринади. Лов-лов ёнган ва ҳамма ёққа нур таратган бу чироқларнинг хизмати натижасида сўнгги марта, илгари ҳеч бўлмаган даражада нажот кенг ёйилади, минглаб одамлар қутқарилади. Уларнинг қалбларини Калом ёрқин нур мисоли ёритади, ҳеч қандай зулмат уларни қамраб ололмайди.

Буни бизга Исо тирилганидан кейин икки шогирди билан бўлган воқеа эслатиб туради:

Ўша кўни Исонинг шогирдларидан иккитаси Эммаус деган қишлоққа кетишаётган эди. Бу қишлоқ Йерусалимдан тахминан ўн чақирим узоқликда жойлашган эди. Улар юз берган воқеалар тўғрисида суҳбатлашиб кетаётган эдилар. Улар гаплашиб, бўлиб ўтганларни муҳокама қилиб кетаётганларида, Исонинг Ўзи уларга яқинлашиб, ҳамроҳ бўлди. (Луқо 24:13-15)

Ана холос! Улар энг қийин ҳодисаларни бошдан кечирар эди, лекин барибир Худонинг ҳақиқатлари ҳақида ўйлаб яшаган. Улар ўзаро гаплашиб кетаётганларида, Исо уларга яқинлашиб, ҳамроҳ бўлди. Биз бир-биримиз билан Худодан қўрқиш ҳақида, Худонинг севгиси ҳақида гаплашганимизда, Исонинг Ўзи бизга яқинлашади. Давомида шундай дейилади: “Кейин Мусодан тортиб, барча Пайғамбарлар битикларида Ўзи ҳақида ёзилган сўзларнинг ҳаммасини Исо уларга тушунтирди” (Луқо 24:27).

Бу ҳақиқий байрам, тантана! Худо менга яна ҳам кўп очилишини жуда хоҳлардим. У ташна бўлган қалбимни қондиради. Шогирдлар юз берган воқеалар тўғрисида

суҳбатлашиб кетаётганларида, Исо уларга яқинлашди-да, Каломда У ҳақида айтилганларни кўра олишлари учун, уларнинг кўзларини очди: “Шунда уларнинг кўзлари очилиб, Исони таниб қолишди. Бироқ Исо кўздан ғойиб бўлди” (Луқо 24:31). Ота бизнинг ҳам кўзларимизни очгин, токи Раббимиз Исони кўра олайлик!

“Шогирдлар бир–бирига дедилар: — У йўлда биз билан гаплашиб, Муқаддас битикларни тушунтираётганда, юракларимиз жизилламаганмиди, ахир?!” (Луқо 24:32). Мусонинг юраги қачон ёниб, жиззилаган, қачон қиёфаси ўзгарган? Худонинг ҳузурига келганида, Унинг каломини эшитганида. Мусо Худонинг улуғворлигида нима учун Унинг сўзларини эшита олди? Чунки у Мисрнинг одатларини ўзидан соқит қилишни чин дилдан истаган, бутун вужуди билан ўзи таниб-билишга ошиққан Зотга интилган, Мисрда вақтинчалик ҳузур–ҳаловатда яшашдан кўра, Худонинг халқи билан бирга азоб–уқубат чекишни ўзига раво кўрган. У осмонда ҳозирланган ҳақиқий муқофотларга кўз тикиб яшаган. Чин кўнгилдан умид қиламан, Худога бўлган ташналик сизнинг ҳам қалбингизни ўзгартиради!



## УЛАР УНИНГ ЮЗИНИ КЎРАДИЛАР

---

*Улар Унинг олдида бирон бир доғ ва нуқсонсиз,  
юраклари муқаддаслик олови билан ёниб турадилар.*

Энг яхши кунларимиз ҳали олдинда. Худо Ўзи учун бутун бир халқни сақлаб келмоқда. Бу халқ Унинг кўнглидаги сўзларни тинглайди, Унинг йўлларида юриб, муқаддас ҳаёт кечиради. Улар Худонинг овозини эшитадиган ва Унга сўзсиз бўйсунадиган ҳақиқий имонлиларни ифодалайди. Улар Унинг олдида бирон бир доғ ва нуқсонсиз, юраклари муқаддаслик олови билан ёниб турадилар. Худо уларни рашк қилгани каби, улар ҳам Уни рашк қилишади. Мана шу халқ орқали Худо адашган ва ҳалок бўлаётган дунёга Ўз улўворлигини намоён қилади.

Худо уни эъозлаганлар учун нималар қилишини биз Иброҳимнинг набираси Ёқубнинг ҳаётидан кўришимиз мумкин. Худо Ёқубга деди: “Қани, отлан, Байтилга кўчиб бор, ўша ерда жойлашиб, Менга атаб қурбонгоҳ ўрнат. Сен

аканг Эсовдан қочиб кетаётганинда, Мен у ерда сенга зоҳир бўлган эдим” (Ибтидо 35:1). *Байтил* “Худонинг ўйи” деганидир. Бундан аввал Эгамиз Ёқубга зоҳир бўлган эди. Бу ерда Эгамиз унга яна мурожаат қилиб: “Ёқуб, Менга яқинлаш, мен ҳам сенга яқин бўламан”, дейди. Ёқуб ўз хонадонидагиларга ва ёнидагиларга айтди:

Бегона худоларингизни йўқотинглар, ўзларингизни поклаб, тоза кийимларингизни кийинглар. Энди бу ердан кетиб, Байтилга борамиз. У ерда мен Худога қурбонгоҳ қураман. Кулфатда қолганимда, Худо менга мадад берган эди. Қаерга борсам, У мен билан бирга бўлди. (Ибтидо 35:2, 3)

Улар “бегона худоларини йўқотишлари керак эди”. Эсда тутинг, биз Исодан кўра нимани кўпроқ яхши кўрсак, нимага кўпроқ куч сарфласак, ўша нарса биз учун бут бўлади. Лаодикиядаги жамоатнинг бутпарастлиги бойликка ўч бўлганида эди, шу тўфайли улар абадий ҳаёт сари бошлайдиган ишларга ғайратларини йўқотишган эди (Колосаликларга 3:5 га қаранг). Ёқубнинг “ўзларингизни поклаб, тоза кийимларингизни кийинглар”, дейиши, яна бир марта покланиш ва муносиб кийим кийиш лозимлигининг аҳамиятидан далолат беради. Раббимиз Исо ҳам Лаодикиядаги жамоатга шунга ўхшаш сўзлар билан мурожаат қилади.

Ёқуб бутун хонадони аҳли билан Худога яқинлашди. “Ёқуб хонадонидагиларини бошлаб йўлга тушганда, Худо бутун атрофдаги шаҳарлар аҳолисига қўрқув юборди. Шунинг учун ҳеч ким уларни таъқиб қилмади” (Ибтидо 35:5). Худо ўша ердаги шаҳарлар аҳолисига шу даражада қўрқув юборган эдики, ҳеч ким уларни таъқиб қилмади. Биз ўзимизни Худога

бағишлаганимизда, Худонинг ҳукмронлиги ва ҳозирлиги очиқ намоён бўлади ва бошқалар бунинг яққол кўришади.

## ХУДОГА “СОТИЛГАНЛАР”

Чарлз Финней ўзини тўлалигича Худога “сотган” одам бўлган. Унинг ҳаётида Худога бағишланиш ҳамма нарсадан муҳим эди. У поклик ва муқаддас ҳаёт кечириб ҳақида ваъз қилганида бу жуда яққол сезилиб турар эди. Бир кунини у чамаси уч минг киши ишлаган фабрикага борган. Бу фабриканинг эгаси ҳам, у ерда ишлаган аксарият ишчилар ҳам Масихни қабул қилмаган одамлар эди. Финней бу ерда нажот ҳақида Хушxabар айтгани келганди. Шунда бир аёл бунинг билиб, уни ёмон сўз билан ҳақоратлади. Ўша заҳоти бу аёлни Худо шу даражада фош қилди-ки, бунинг таъсири бошқаларга ҳам ёйилди. Қолганлар ишларини тўхтатиб, уни тинчлантиришга ҳаракат қилишди. Бир неча дақиқада бутун ишлаб чиқариш жараёни тўхтади, ишчилар ва фабрика эгаси ҳам Чарлз Финнейнинг Худо Каломи ҳақида айтган ваъзини диққат билан тинглай бошлади. Орадан бир неча соат ўтиб, тинглаб турганлар орасида кўпчилик Масихни қабул қилди. Худонинг Ўзи Финней орқали гапиргани, Худонинг улўғворлиги уни кийимдай қамраб олгани ўша ердаги масихийларга ҳам, Худога ишонмаганларга ҳам яққол кўриниб турарди.

Нима учун сўнги йигирма-ўттиз йил ичида жамоатга бундай ҳокимият етишмаяпти? Дунё жуда узоқ вақт жамоатни таҳқирлади: “Қани Худойинг”, деб устидан кулди. Қувғинларни бошдан кечирган бўлсак ҳам, булар камдан-кам ҳолатлардагина адолат йўлида юришимиз билан боғлиқ бўлган. Аксарият ҳолларда, биз дунёвийларга хос ишларимиз учун, ўз айбимиз учун азоб чекамиз. Шунга

қарамай, ишонаман, Эгамиз ниҳоят Унга ўзини бағишлаган халқни топади. Юрагимда мана шундай истак бор. Сизда-чи, шундай истак борми? Бундай одамлар орасида ҳам, уларнинг атрофида ҳам Худонинг уларга ҳамроҳлиги яққол кўриниб туради. Худди қадимда бўлгани сингари, Худонинг фарзандларида ўз Эгаларига нисбатан қўрқув-эҳтиром бўлади.

Ушбу китобда мен, Мусо ва Исроил авлодлари мавзусига бот-бот мурожаат қилдим. Мисрдан чиққан биринчи авлод, Мисрдан қолган одатларини ўзидан соқит қилмади. Кейинги авлод эса саҳрода кўп йўқотишларни бошдан кечириб, ўзини Худога бағишлай олди. Бу Нун ўғли Йешуага эргашган одамлар бўлган. Нун ўғли Йешуа китобида биз итоатсизлик ва бутпарастликка йўл қўйилган фақат битта ҳолатни кўрамиз ва бу ҳолат битта оила билан боғлиқ бўлган. Шунда ўша оилага қарши бутун халқ бош кўтарган эди (Йешуа 7-бобга қаранг).

Исроил авлодлари Йордан дарёсини кечиб ўтиши ва душманларига қарши курашиши олдидан, Мусо уларга шундай сўзлар билан мурожаат қилган:

Қулоқ сол, эй Исроил! Бугун Йордан дарёсининг нариги томонига ўтасизлар. Ўзларингиздан кўпроқ ва кучлироқ бўлган халқларнинг ерларини мулк қилиб оласизлар. Уларнинг улкан шаҳарлари осмонўпар деворлар билан ўралган. Ўша кучли, бўйи баланд халқ Оноқ авлодидандир. Уларни ўзларингиз биласизлар, “Оноқ авлодига ким ҳам бас кела оларди?!” деган гапларни эшитгансизлар. Бугун шуни билиб қўйинглarki, Эгангиз Худо ямламай ютадиган оловдай сизларнинг олдингизда боради. Худо Оноқ авлодини мағлуб қилиб, сизларга итоат эттиради. Шунда Эгамиз берган ваъдага кўра,

уларни бир лаҳзада қувиб, йўқ қиласизлар. (Қонуннинг такрорланиши 9:1-3)

Биз Йешуа давридаги авлодга ўхшаймизми? Бизда Худо бутун вужудимизни тўлдирадиган, дунёдаги разилликларга қарши туришимиз учун бизга куч ато қиладиган даражада муқаддас ҳаёт кечириш истаги борми? Бу ҳақида ибодат қилайлик!

## ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИГАН ЖАМОАТ

Илк жамоат Худони таниб-билган. Имонлилар ибодат қилганларида бинолар ларзага келган. Ханониё ва Сапфира Петрусга назр-ушрларини олиб келганларида ёлғон ишлатганлари боис, ўша ердаёқ жон беришган. Худонинг жамоат билан бирга бўлгани шу даражада яққол кўринганки, Калом бу борада шундай дейди:

Халқ уларга ғоят ҳурмат кўрсатар, бегоналардан ҳеч ким уларга қўшилишга журъат қилолмасди. Аммо Раббимиз Исога имон келтириб, жамоатга қўшилган эркагу аёллар сони тобора кўпайиб бораверди. Одамлар: “Петрус йўлдан ўтаётганда, унинг сояси буларнинг устига тушсин”, деб хасталарни кўчаларга олиб чиқишарди. Уларни чорпояларга, тўшакларга ётқизиб қўйишарди. (Ҳаворийлар 5:13-15)

Ҳозир бундай эмас. Биз Худодан қўрқмай қўйганимиз ёки юрагимизда Худонинг ўти бўлмагани боис, ёлғон ҳақиқат билан аралашиб кетмоқда. Ханониё ва Сапфиранинг ўлими жамиятни Худо ҳақида ва Унинг халқи ҳақида жиддий ўйлашга мажбур этди ва жуда кўпчилик Худонинг Шоҳлигига кирди (Ҳаворийлар 5:16 га қаранг). Худога интилганлар,

Худони имонлилар орасида кўришган, иккиюзламачи риекорлар эса улардан қўрқиб қочишар эди.

Илк жамоат ғолибона ҳаёт кечирган. Раббимиз Исонинг Лаодикиядаги жамоатга берган ваъдаси бизга ҳам тааллуқли: “Ғолиб келганларни Мен ёнимда, тахтимда ўтиришга ҳақли қиламан. Зотан, Мен ҳам ғолиб келганимда Отам Худо билан бирга Унинг тахтида ўтирдим” (Ваҳий 3:21).

Ваҳий китобида жамоат энг жиддий танбех олди, қаттиқ фош этилди, шу билан бирга, унга энг буюк ваъдалар берилди. Санолар муаллифи Эгамиздан, Унинг уйи ҳовлисида яшашига ижозат беришини сўраб, ёлворган. Раббимиз Исо эса бизни нафақат Унинг уйида истиқомат қилишга, балки тахтида ўтириб, У билан ҳукмронлик қилишга таклиф этди! Эҳтимол шуни билиб, ҳаворий Павлуснинг қўйидаги сўзларини яхшироқ тушунармиз:

Агар қийинчиликларга чидасак, У билан бирга ҳукмронлик қиламиз. Борди–ю, Уни рад этсак, У ҳам бизни рад этади. (2-Тимотийга 2:12)

Исони Раббий деган одам, қандай қилиб Уни рад этиши мумкин? Бунинг жавобини қўйидаги оятдан топамиз: “Улар, Худони биламиз, дейдилар–у, ўз қилмишлари билан Уни инкор этадилар” (Титусга 1:16). Бу ерда ҳам биз одамнинг кимга тегишли экани, унинг сўзларидан эмас, қилган ишларидан билинишини кўрамиз. Ҳаворий Павлус бизни илҳомлантириб дейди: “Агар қийинчиликларга чидасак, У билан бирга ҳукмронлик қиламиз”.

Муқаддаслик Худонинг йўлини охиригача босиб ўтишни назарда тутди. Бизга Худонинг марҳамати ёғилган, курашда энгилмаслик ва ғолиб бўлишимиз учун иноят берилиши ваъда қилинган! Ана шу иноятни маҳкам ушласакки, биз

Ғолиб бўламиз. Ғолиб чиққанларга Эгамизнинг шундай ваъдаси бор: «Улар Худонинг жамолини кўради. Худонинг исми уларнинг пешаналарига ёзилади. У ерда бошқа тун бўлмайди. Чироққа ҳам, қуёшга ҳам эҳтиёж қолмайди. Ахир, Эгамиз Худо уларга нур сочади, улар эса то абад ҳукмронлик қилади» (Ваҳий 22:4, 5).

Мусонинг энг катта истаги Худонинг жамолини, улўғворлигини кўриш бўлган. Ғолиб бўлганлар Худонинг жамолини кўради. Улар Эгамиз билан то абад ҳукмронлик қилади. Қўлингизда бу китобни ушлаб турганингиз, юрагингиздаги истак-муддаоларни акс эттирганидан далолат беради. Бунинг яна бир сабаби, Раббимизнинг энг буюк таклифидир. Буларни рад этманг, аланга лов-лов ёнишига йўл қўйиб беринг ва Исодан кўз узмасдан яшанг. Раббимиз Исонинг инояти сизга доимо ҳамроҳ бўлсин. Омин.

## Х: ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМКОНЯТИНГИЗНИ ОШИРИНГ



Сиз бирор марта Осмон Шоҳлигида ўзингизни кузатувчи сифатида ҳис қилгансизми? Эҳтимол, нимадир қилишингиз лозимлигини биласиз, бироқ айнан нима қилиш кераклигини батамом билмайсиз. Бизнинг орамизда кўпчилик ўз ҳаёти орқали катта таъсир кўрсатишни истайди, бироқ йўлингизда қуйидаги саволлар пайдо бўлади:

- Ўз ҳаётимда Худонинг иродасини назардан қочирмаётганимни, қандай билиш мумкин?
- Худо томонидан менга берилган имкониятни охиригача ишлатаётганимга, қандай ишонч ҳосил қилишим мумкин?
- Ҳатто ишончсизлик ва хавф-хатар мавжуд бўлган вазиятларда ҳам, қандай қилиб қўрқувни енгиш ва олға юриш мумкин?

Бу таъсирли китобда муаллиф Жон Бивер Муқаддас Китобнинг батафсил тадқиқотиغا асосланади ва сизнинг ўз бурчингиз ҳақида бошқача ўйлашингизга ҳамда бу Худога нима учун муҳимлигини тушунишингизга ёрдам бериш мақсадида, ишончли ҳикояларни ишлатади. Бу китобнинг саҳифаларида, Худодан берилган инъомларни кўпайтиришни ва ўз имкониятингизни ишлатишни ўрганасиз!

MessengerX.com  да топиш мумкин

# ЯХШИЛИК ЁКИ ХУДО?

*Нима учун Худосиз яхшилик етарли эмас*



Агар бу яхши бўлса, демак Худодан, шундайми?

Ҳозирги кунларда «яхши» ва «Худо» сўзи қарийб синоним бўлиб қолди. Бизлар агар жамият бирор нарсани яхши деб ҳисобласа, демак, албатта бу Худога маъқул бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Сахийлик, бўйсунувчанлик ва адолат – бу яхши. Худбинлик, манманлик, шафқатсизлик – бу ёмон. Уларни фарқлаш осондек туюлади.

Лекин ҳаммаси шуми? Агар яхшилик шу қадар аниқ бўлса, нима учун Муқаддас Ёзувда бизлар яхшилик ва ёмонликни фарқлашни ўрганишимиз лозимлигини ёзилган?

“Яхшилик ёки Худо?” – бу янги, ёрдамчи китоб эмас. Бу китоб сиздан феъл-атворингизни ўзгартиришни сўрашдан кўра кўпроқ иш қилади. У сизнинг ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасини ўзгартирадиган даражада Худо билан бирлашишга сизга куч беради.

# ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

*Қандай қилиб ушбу унутилган  
фазилатнинг қудратини очиш мумкин*



Бирорта ҳам масиҳий Худони чеклашни истамайди, аммо кўпчилигимиз ўта даражада муҳим қоида бўлмиш, Ҳурмат фазилатини эътиборсизликда қолдириб, ўзимиз сезмаган ҳолда ҳаётимиздаги Унинг ҳаракатини чеклаймиз.

Ҳурмат – аслида бизнинг маданиятимизда унут бўлиб улгурган тушунча ҳисобланади; шундай бўлса-да, бу китобнинг саҳифаларида, ҳурмат ҳаётимиздаги барча соҳаларда Худонинг шоҳлигини ўрнатишини гувоҳи бўлишингиз мумкин.


“Ҳурмат эвазига мукофот” китобида бозори чаққон муаллиф, Жон Бивер, ҳурмат кўрсатиш чорловини қабул қилиб, Худонинг қадрият тизими билан ўйғунлашишни бошлашингизни ва У сиз учун тайёрлаб қўйган ҳамма нарсага эга бўлишингизни очиб бермоқда.

Муқаддас Китобдаги теран ҳақиқатларни, амалиётда намойиш этадиган таъсирли матнларни бирлаштириб, бу китоб унут бўлган фазилатга янги назар ташлашга ёрдам беради ва бундан ҳам муҳимроғи, уни ҳаётингиздаги ҳар битта соҳага олиб келишга уринади.


MessengerX.com  да топиш мумкин

# X MessengerX

*Ҳар бир киши учун, ҳамма жойда шогирдликка йўл*




- 130 дан ортиқ тилларда бепул
- Илова ҳамда онлайн сифатида олиш мумкин
- Сизнинг руҳий ўсишингиз учун мўлжалланган манбалар
- Ўзингизнинг ўтмишингизни ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



“Messenger” ёрдамида ўқиш учун заҳиралар кутубхонасини олинг – электрон китоблар, видео ва аудио дарслиklar, аудио китоблар, Муқаддас Китоб ва ҳоказолар.

Ўзингизнинг барча мосламаларингизда кўринг, ўқинг ва тингланг.

**MessengerX.com**



Дунёнинг барча жойида App Store ва Google Play орқали олиш мумкин.

# ЮРАГИНГИЗДА МУҚАДДАС ОЛОВ ЁНЯПТИМИ?

**И**со ҳеч қачон руҳий сусткашликни маъқулламаган — У бизни ғайратли бўлишга чорлайди. Бироқ У билан муносабатларда ғайратли бўлиш йўлида, ёниб яшаш учун оловни қаердан оламиз? У Ўзи бизни таъминламай туриб, биздан ҳеч қачон бирон нарса талаб қилмайди. Сизга Исони деб ёниб яшаш, У билан яқин муносабатларга эришиш имқонсиздек туюлаётган бўлса, ушбу китоб сизни бу фикрдан қайтаради.

Дунёга машҳур ёзувчи ва Муқаддас Китоб ўқитувчиси Жон Бивер, бизни Худо билан ўртамиёна муносабат қуришдан воз кечишга, У билан яқин, жонли муносабатлар қуришга чорлайди. «Оташин юрак» китоби Худога бўлган иштиёқни уйғотиш ва бу иштиёқни сақлаб қолишга ёрдам берадиган теран кашфиётлар ва доно ўғит-насихатларга бой. Уни ўқинг ва Муқаддас Рухга, қалбингизни тубигача Худонинг муқаддас олови билан поклаб, сизни ўзгартиришига йўл қўйинг.



**ЖОН БИВЕР** — Худонинг Каломига бўлган жўрЪатли ва муросасиз ёндашуви билан танилган хизматчи, ҳам халқаро бестселлерлар муаллифидир. Унинг китоблари миллионлаб нусхада сотилган ва 130 дан ортиқ тилларга таржима қилинган. Жон ва унинг рафиқаси Лиза — Messenger International хизмати асосчилари ҳисобланади. Ушбу хизматдан кўзланган мақсад, бутун дунёда шогирдликка бўлган ёндашувни тубдан ўзгартириш ҳамда Масихнинг бардошли ва ғайратли издошларини тарбиялаш.



MessengerX.com саҳифасида видео манбалар ва бепул юклаш мўмкин.



Илгарики савертанг



Бу китоб — муаллифдан тўхва.  
Сотиш ман этилади.

